





SOҲИБҚИРОН YULDUZI



Соҳибқирон
юлдузи

№ 3 2011 й.





Амир Темур шахсини идрок этиш тарихни идрок этиш
демакдир. Амир Темурни улуғлаш - тарих қаърига чуқур
илдиз отган томирларимиз, маданиятимиз, қудратимизга
асосланиб, буюк ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Испом. КАРИМОВ



SOHIBQIRON

Адабий-бадий, ижтимоий-маърифий журнал

УШБУ

БОШ МУҲАРРИР
Исмоил ТҲХТАМИШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Муҳаммад АЛИ
Нафас ШОДМОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Акмал САИДОВ
Убайдулла УВАТОВ
Абдурахим ЭРКАЕВ
Поён РАВШАНОВ
Холмуҳаммад ҲАСАН
Лола САОДАТОВА
Жумакул КУРБОНОВ
Тура САИДОВ
Юлдуз ЭРҒАШЕВА
Зафар ҚОБУЛОВ
Азамат САТТОРОВ
Шарофат АШУРОВА
Санжар ЧОРИЕВ
Муҳаммад ОЧИЛ
Амир ХУДОЙБЕРДИ
Жаббор ҲАЛИЛ
Шомурод ШАРОПОВ
Турдиали МАДУМАРОВ
Сирожиддин САЛОМОВ

МУАССИС:

Халқаро Амир Темуражамғармаси
Қашқадарё вилояти бўлими

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот
бошқармасида 2010 йил 17 майда
14-058 рақами билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси 2-уй.
Телефон: 221-08-44

Нашр учун масъул: Илҳом Тоғаев
Йўлдошевчи.

Теришга берилди 02.08.2011й.
Чоп этилиш рухсат этилди 16.08.2011й.
Бичими 70x100 1/16.
8,0 босма табак. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 319.
«Тошкент тезкор босмаҳонаси»
МЧЖда чоп этилди.

БОСМАҲОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Радиал тор кўчаси, 10 уй.
Телефон: 226-66-33.

Эҳтиром

Тура САИДОВ
Фарзандлар камоли йўлида.....4

Рухият сурати

Сирожиддин САЙИД
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.....15
Икром ОТАМУРОД
Ўзимники имон, ўзимники эрк.....34
Ҳазрат ЭЛОВ
Балқиб турар дилда илинжим.....58
Ниёзмухаммад ПАНЖИЕВ
Қарши, Қашқадарё - нури дийдамсан.....92

Тафаккур сочқилари

Темирпўлат ТИЛЛАЕВ
Қиялиқдаги одам ёҳуд тақдир тилсими (Ҳикоя).....19
Ҳаким САТТОРИЙ
Сўнги сурон (Романдан парча).....37
Ғози РАҲМОН
Ёнар ўт (Ҳикоя).....94

Лоратхона битиклари

Нафас ШОДМОНОВ
Нажот дарвозаси (Драма)60

Жаҳоний жавоҳир

Абдул МАЖИД
Шайхнинг ўлими (Ҳикоя).....89

Миллат, миллият

Лола САОДАТОВА
Мустақиллик ва маънавият.....9



СОНДА:

Тоҳқиқот

Нурбой ЖАББОРОВ	
Шеър аҳлининг икки жаҳонгири.....	49
Адҳамбек АЛИМБЕКОВ	
Тарихий романчилигимиз таснифи хусусида.....	84

Эътироф

Эътибор НОРБЎТАЕВА	
Юксакларга йўл очган парвоз (Бадиҳа).....	25

Баркамоллик зияси

Қирмизгул ПОЁНОВА	
Шоир - оппоқ қалбнинг эгаси.....	113
Фазилат АБДУРАҲМОНОВА	
Ҳар куртакда кўз очар баҳор.....	115
Нурхон БОЗОРОВА	
Атиргул тушимда висолга етди.....	117

Сабоқ

Носир Муҳаммад	
Навойнома	104

Яшаётган сатрлар


Гелди БЕРДИЕВ	
Мен ўтган баҳорнинг зафарон йули.....	109
Ҳусан ЭШМУРОД	
Ҳисларим ойлардан кетмоқда ўзиб.....	111

Қаҳқаҳа

Муҳаммад ОЧИЛ	
Ўсиш сири (Ҳажвия).....	119

Муаллифларимиз

2011 йил - Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



Журнал саҳифаларидаги фотосуратларни Шомурод ШАРОПОВ олган.

Журналда рассом Фанишер Ҳайдаровнинг ижодий ишларидан бадиий безак сифатида фойдаланилди.

Журнал саҳифаловчиси Зафар Мақсадов.

Тўра САИДОВ



ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Мустақиллик ҳаётимизда, турмушимизда ўзининг ёрқин саҳифаларини очди, буюк тарихимиз, улуг аждодларимиз номини тиклаш имконини берди, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда юксалишнинг мустақкам асосларини яратди.

Истиқлол туфайли кишилар ҳаётига мазмун кирди, эртанги кунга бўлган ишонч мустақкамланди, тинч ва фаровон турмуш мазмунини, моҳиятини халқимиз, аввало ўз оиласи, сўнгра қишлоғи, шаҳри мисолида чуқур англаб етди. Бугун қаерга борманг, ким билан гаплашманг, тинчликда, фаровонликда ўтаётган умридан рози эканидан, эртанги кунга қатъий ишонч билан интилаётанлигидан фахрланади, дориломон кунларга шукроналар айтади. Истиқлол ҳаётимизни, дунёкарашимизни тубдан ўзгартириб юборди. Мустақиллик дунёга, ён-атрофимизга янада тёран назар ташлашга ўргатди. Қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотди, буюк халқ эканлигимизни англади. Бугун бунёдқорлик, яратувчанлик куч-ғайрати билан яшаётганимиз, эзгу ният билан нафас олаётганимизнинг асл сабаби ҳам шунда.

Аждодларимизнинг ўтмиш орзу-армонлари тўғрисида чиқаётган истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шу жумладан, мактаб таълимини тараққий эттириш ишларига давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор бериб келаяпти. Ўтган йигирма йил ичида республикамизда соҳа раванқи йўлида зарур ҳуқуқий, илмий-услубий ва молиявий шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинганидан кейин халқ таълими тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Бунда ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия беришда ўқитишнинг янги самарали усулларидан фойдаланиш, таълим тизимида янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитда таълимнинг сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг, барқарор ривожланишнинг кафолатлари устуворлигини таъминловчи моддий-техника базасини мустақкамлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таълим тизимини модернизациялаш, ёш авлодга миллий ва умуминсоний ғоялар асосида билим

беришга ва келажакда уларнинг комил инсон бўлиб етишишларига алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама мукаммал тарбиялаш, илм ўргатиш, уларнинг иқтидору истеъдодларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг-қўламли ислохотлар, қаратилаётган беқиёс эътибору ғамхўрликлар самараси ўлароқ, бугун ўқувчиларимизнинг спортда, мусиқа санъатида, ҳунармандчилик, қолаверса, илму фан чўққиларини забт этишда эришаётган ютуқларни жаҳон аҳли тан олаяпти. Бунинг замирида Юртбошимиз раҳнамолигида эртаимиз эгаларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар, уларнинг истеъдоди, маҳоратини юзага чиқариш борасида бажарилаётган дастурий вазифалар мамлакат учун зарур. Зеро, Президентимиз кўп бора таъкидлаганидек, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт».

Республикаимизда порлоқ келажакимизни белгилайдиган, Ватанимиз куч-қудратини таъминлайдиган омиллар кўп. Таълим-тарбия соҳаси, шубҳасиз, улар орасида муҳим ўрнига эга. Шу сабабли ҳам ҳар йили таълим тизими ривожига, айнан, халқ таълим тараққиётига жуда катта маблағ сарфланмоқда.

«Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, жорий йилда ҳам диққатимиз марказида бўлади. 2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади», деган эди Президентимиз Ислом Каримов «2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлар»га бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузаларида.

Бу масалага биргина вилоятимиз мисолида қарайдиган бўлсак, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да 32 та умумий ўрта таълим мактабларида қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Улардан 24 тасида капитал реконструкция, 8 тасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда ва бу ишларни бажариш учун ўтган йили 13,4 миллиард сўм ажратилган эди. Шунингдек, намунавий турар-жойларда 4 та 720 ўринли мактаб бинолари қад кўтараяпти.

Бундан ташқари 2634,3 миллион сўмга 8 та спорт зали ва 2 та спорт мажмуалари бунёд этилаяпти. Мусиқа ва санъат мактабларидан биттасининг янги биноси қурилаяпти, 2 тасида капитал реконструкция ишлари амалга оширилаяпти. Ушбу мақсадлар учун 3763,8 миллион сўм ажратилган бўлиб, бу ишлар мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамига қадар ниҳоясига етказилади ва ўқувчиларимиз ихтиёрига топширилади.

Мактаб ҳар биримиз учун муқаддас даргоҳ. Унинг остонасига қадам қўйган илк лаҳзаларда мурғак қалбимиз ҳаяжонга тўлган. Ушбу даргоҳда билим олдик, тафаккуримиз ўсиб, дунё илмларини бир-бир эгаллай бошладик. Шу сабабдан ҳам мактаб ҳақида илиқ фикрлар билдирамиз ва йил сайин вилоятимизда ҳам замонавий кўркем ўқув бинолари кўпайиб бораётганидан қалбан жўшиб кетамиз.

Ана шундай жўшқин дамларда таълим-тарбия соҳасида босиб ўтган машаққатли ва шарафли йўлга ҳаёлан назар ташлаймиз. «2004-2009 йилларда мак-

таб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 мартдаги Фармони ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Фармонга асосан, Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқариш мақсадида вилоятимизда ҳам таълим муассасалари биноларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, авария ҳолатидаги мактаб биноларини бузиб, уларни янгидан барпо этишнинг манзилли дастури ишлаб чиқилди. Ана шундан сўнг, намунавий лойиҳалар асосида умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш истиқболи белгилаб олинди.

Намунавий лойиҳаларга биноан 2004 йилда вилоятимизда фаолият кўрсатётган 1106 та мактаблардан 937 таси Давлат дастурига киритилди. 2004-2009 йиллар дастурига киритилган мактабларнинг 211 таси капитал реконструкция қилиниб, 342 таси капитал таъмирдан чиқарилди. 268 та мактаб эса жорий таъмирланди. Шу йиллар ичида вилоятимизда 116 та мактабнинг янги бинолари ва 175 та спорт заллари қурилиб фойдаланишга топширилди. 2004-2009 йиллар ичида янгидан қурилган, капитал реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирланган ишлар учун 271,9 миллиард сўм сарфланди. Шунингдек, қурилиш, тиклаш ишлари олиб борилган барча мактаблар мебель ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди. Ушбу жиҳозлар асбоб-ускуналар учун 43, 7 миллиард сўм маблағ ишлатилди.

Вилоятимизда болалар спортини ривожлантириш ишлари ҳам йилдан-йилга яхшиланмоқда. 2003-2009 йиллар мобайнида 108 та спорт иншоотларида қурилиш-тиклаш ишлари бажарилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, 13 та янги қурилиш, 84 та мактаб спорт заллари ва 11 та мавжуд спорт иншоотлари капитал реконструкция қилинди. Бу мақсадлар учун 17,1 миллиард сўм маблағ ишлатилди. 2010 йилда 1 та Болалар мусика ва санъат мактаби қад кўтариб, 2 таси капитал реконструкция қилинди.

Айни пайтда янгидан қурилган, капитал реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирланган, мебель, асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган кўркем мактаб биноларида, шинам синфхоналарда 500 мингга яқин ўқувчи-ёшларимиз мириқиб таълим-тарбия олишяпти. Эзгулик йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари вилоятимизда ҳануз давом этаяпти. Юртбошимиз таъкидлагани каби «...таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларнинг чегараси йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб, янгиланиб бораверди».

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига қўшимча равишда маҳаллий ҳокимиятлар, ҳомий ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳиссаларини кўшганликларини алоҳида айтиб ўтмоқ керак. Улар томонидан 2004-2010 йилларда шаҳар ва қишлоқларимизда минглаб ўқувчиларга мўлжалланган мактабларда турли кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Мактабларда олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишларида таълим муассасаларининг ички ва ташқи коммуникация, ичимлик суви ва табиий газ тармоқларига уланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу йилларда 123 та

мактаб ичимлик суви билан таъминланди, 29 та мактаб газлаштирилиб, 472 та мактабга телефон алоқалари ўрнатилди. 36 фоиз мактаб эса марказий ва мактаб ҳовлисига мослаштирилган канализация тармоғига уланди.

Вилоятимизда қоқоқ мактаб бўлмаслиги керак. Биз ана шу мақсад учун курашяпмиз. Қоқоқ мактабнинг бўлиши – бу минг-минглаб болаларимизни чаласаводликка маҳкум этади, мамлакатни истиқболсиз қилиб қўйиши мумкин. Ўйлайманки, айна дамларда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 1115 та умумий ўрта таълим мактабларида, 44 та мактабдан ташқари, 351 та мактабга-ча ва бошқа таълим муассасаларида бундайлари йўқ.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг камолини, бахтини кўришни истади. У фарзанди ҳақида бир ширин сўз эшитса, кўнгли тоғдек кўтарилади. Май ойининг 25-кунида вилоятимиз мактабларида бўлиб ўтган «Сўнгги кўнгироқ» тадбирларида ўқувчиларнинг «Энг ибратли ўқувчи», «Энг фаол ўқувчи», «Ижодкор ўқувчи», «Ёш ихтирочи», «Мактабимиз фаҳри», «Иқтидорли ўқувчи», «Спорт устаси», «Компьютер устаси», «Шахмат устаси» номинациялари бўйича эсдалик нишонлари билан тақдирланиши ота-оналар қувончларига қувонч улашди. Барча мактаблар бошланғич синфлар ўқувчилари томонидан тайёрланган «Биз сизнинг издошларингизмиз» номи махсус концерт дастури айниқса, 9-синф битирувчилари қалбида катта таассурот қолдирди.

Шу йил вилоятимиз мактабларининг 9-синфини 61422 нафар ўқувчи тугатди. Таълим масканларида битирувчиларга шаҳодатномалар тарқатиш маросимлари ҳам кўтаринки руҳда ташқил этилди. 9-синф ўқувчилари ўзлари ва ота-оналари хоҳиш-истакларига биноан таълимнинг кейинги босқичларига – академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга жалб этилди. Умуман, бундай фойдали тадбирлар, кечалар, учрашувларга мактабларимиз фаолиятида кенг ўрин берилади. Уларда ўқувчиларимиз, мактабларимизда дарс берадиган 52 мингга яқин ўқитувчиларимиз фаол қатнашдилар. Ахир, булар воҳамизнинг бугуни ва эртасини чин дилдан ўйлаб қилинаётган эзгу ишлардир.

Юртимиз азал-азалдан ўзининг буюк алломалари, ақл-заковатли, маънавиятли, маърифатли кишилари билан танилган. Шу боис ҳам бугунги ёш авлод ҳақида гап кетганда «Буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари», дея алоҳида ҳурмат кўрсатилади. Вилоятимизда ҳам илм-фанда, спортда катта ютуқларни қўлга киритиб, тенгқурларига ўрнак бўлаётган ёшлар жуда кўп. Масалан, шу йил Россия Федерациясининг Киров шаҳрида оммавий спортнинг бадий гимнастика тури бўйича ўтказилган халқаро мусобақа қатнашчиси Қарши шаҳридаги 43-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Наргиза Нуриддинова, Республика фан олимпиадаси ғолиблари Нишон туманидаги 35-мактаб ўқувчилари Аббос Саломов, Вазира Нуриддинова, Шаҳрисабз туманидаги 100-мактаб ўқувчиси Бехруз Раҳматуллаев, 6-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Мусурмон Маликов, Касби туманидаги 26-мактаб ўқувчиси Мирзабек Рўзибоевлар ва «Солиқ билимлари - болаларга» республика кўрик-танлови иштирокчилари Қамаш туманидаги 49-мактаб ўқувчиси Баҳром Пўлатов ҳамда Шаҳрисабз туманидаги 92-мактаб ўқувчиси Нилуфар Раҳматовалар номини ҳурмат билан тилга олиш мумкин. Косон туманидаги 95- ва Қарши шаҳридаги 41-мактаблар ўқувчилари «Президент асарлари билимдонлари», «Ўйла, изла, топ» республика саралаш танловларида фахрли ўринларни қўлга киритдилар. Ёш ижрочиларнинг республика танловида вилоятимиз Болалар

муסיқа ва санъат мактаби ўқувчиларидан 3 нафари 1-ўринни эгалладилар. Қарши шаҳридаги 9-болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчилари С.Мадиев, Д.Абдуллаевлар Москва шаҳрида «Новый имена» хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган танловда фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришдилар. «Очкў дарслар фестивали»нинг республика босқичида Қарши шаҳридаги 39-мактаб Миллий истиқлол ғояси фани ўқитувчиси Д.Расулова ва Фузор туманидаги 77-Жаҳон тилларига ихтисослаштирилган мактаб-интернат инглиз тили фани муаллимаси М.Бердиева муваффақиятли иштирок этиб, Халқ таълими вазирлиги Фахрий ёрлиғини олиш шарафига муяссар бўлдилар. Нишон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактаби «Йилнинг энг яхши мактаби» республика танловида фахрли ўрин совриндори бўлди.

Ўтган 2004-2009 йилларда Давлат умуммиллий дастурига биноан мактабларимизга физика фанидан 765 та, кимё-биология фанларидан 664 та лаборатория жамланмалари, 735 та компьютер синфлари «Элхолдинг» ва «Калорама» корхоналари томонидан етказиб берилди. Ўқув жиҳозларининг тўғри ўрнатилиши ва улардан унумли фойдаланиш, ўқитиш, ўргатиш ишлари самарадорлигини ошириш имконини кенгайтирди. Бу ўз навбатида муаллимлари ижодий фаолиятининг, маҳоратининг жадаллашувини таъминлади. Масалан, 2010-2011 ўқув йилининг биринчи ярмида ўқитувчилар томонидан 9 та методик қўлланма, 28 методик тавсия ва 544 та дарс ишланмалари яратилди, 11 нафар кимё, 13 нафар биология фанлари ўқитувчиларининг иш тажрибалари вилоят миқёсида оммалаштирилди.

Мустақиллик йилларида вилоятимизнинг 153 кишидан иборат ўқитувчи-тарбиячиси, халқ таълими ходими давлатимизнинг юксак мукофотларини олиш шарафига муяссар бўлдилар. Бу даврда уларнинг 50 нафари «Эл-Юрт хурмати», 1 ва 2 даражали «Соғлом авлод учун», «Дўстлик» ҳамда «Меҳнат шуҳрати» орденлари, 73 нафари «Шуҳрат» медали билан муносиб тақдирландилар. Шунингдек, 30 кишига «Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Ёшлар мураббийси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Халқ таълими ходими» Фахрий унвонлари берилди. Бундай хурмату эътибордан, юксак ғамхўрликлардан вилоятимиз муаллиму-мураббий, қолаверса, бутун воҳамиз аҳли улар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

2010-2011 ўқув йилида мактабларимиз фаолияти, таълим-тарбия ишларида эришилган ютуқларни яна давом эттириш мумкин. Биз ютуқларни янги 2011-2012 ўқув йилида янада мустаҳкамлашга, кўпайтиришга ҳаракат қиламиз.

Республикамиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами нишонланадиган йил ҳақиқий зафарлар йили сифатида ўзбек халқи тарихи зарварақларига муҳрланиши керак. Бунинг учун воҳамиз халқ таълими бошқармаси, унинг тасарруфидаги туман бўлимлари, мактаблар, энг муҳими, муаллим-мураббийларимиз ҳам зиммаларидаги юксак масъулиятни юракдан ҳис этган ҳолда уюшқоқлик билан фаолият кўрсатишлари муҳим.

Ишонч билан айтишим керакки вилоят халқ таълими тизими ходимлари, ўқитувчи-тарбиячилари ва соҳамизга дахлдор бошқа кишилар бундан кейин ҳам ўз вазифаларини шараф деб билиб, астойдил меҳнат қилаверадилар, ўқув-тарбия самарадорлигини ошириб, Ватанимиз маданий-иқтисодий қувватини кўтаришга муносиб ҳисса қўшаверадилар.

Лола САОДАТОВА

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ



1991 йилнинг 1 сентябри мамлакатимиз янги тарихида давлат мустақиллиги эълон қилинган кун сифатида энг шонли саҳифани ташкил этади. Бу кун биз учун ҳақиқатда энг улуг, энг азиз байрам. Байрамларимизнинг боши сарвари. Албатта, бу муқаддас кунга осонгина эришилгани йўқ. Мустақиллик, авваламбор, қарийб бир ярим аср

давомида буюқ истиқлолнинг машаққатли йўлида халқимизнинг асл фарзандлари тинимсиз олиб борган курашлар натижасидир. Уни халқимизнинг не-не асл ўғлонларининг тўккан муқаддас қони, машаққатли курашлари эвазига қўлга киритдик. Эътибор берсангиз, боболаримиз дуога қўл очганларида, аввало, эл-юрт тинчлигини, омонлигини сўрайди. Тинчлик-омонлик ўз-ўзидан элнинг дуосига қўшилиб қолмаган. Тинч яшаш, омон қолиш саодат бўлган паллаларни халқимиз бошидан кечирган, аммо ҳеч қачон ўзга юртлардан келган босқинчилар олдида бош эгмаган. Озодлик учун курашган Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, соҳибқирон Амир Темура номларини эслашнинг ўзи кифоя.

Маънавий-маърифий ишларда биз-

нинг энг муҳим вазифаларимиздан бири – Ватан тарихи, аجدодларимиз қаҳрамонлиги мисолида ёш авлодни тарбиялаш, улар қалбида жўш урган жасорат туйғуларини, Ватанга муҳаббатни ёшлар руҳига сингдиришдир.

Зеро, ҳеч қайси мамлакатнинг қудрати ҳарбий кучи ёки аҳолисининг сони билан эмас, балки халқининг

Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматни, буй-бастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий гурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди.

Ислом КАРИМОВ

маънавий салоҳияти, эътиқодининг мустаҳкамлиги ва ватанпарварлиги билан ўлчанади.

Мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида

янги жамият қуришда, халқимизнинг маънавий юксалишида асосий мезон бўлиб хизмат қилди. Мустақиллик қадим маданиятимиз, яримунут бўлган маънавий қадриятларимизни қайтарди. Миллий ўзлгимиз, ор-номусимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзунтилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг илҳомчиси сифатида қалбимиздан умрбод жой олди. Энг муҳими – мустақиллик онгимизда туб бурилиш ясади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай жамиятнинг маънавий-мафкуравий мўлжаллари, одамларнинг эътиқоди, олдига қўйган мақсадлари ва интилишлари ижтимо-

ий, иқтисодий, сиёсий барқарор тараққиётнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз И.Каримов иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асослари шаклланишининг устувор йўналишларидан бири сифатида **“барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир”**, – дея алоҳида таъкидлаган эдилар. Ислохотларнинг асосида ҳам, провард мақсадида ҳам ҳамisha инсон омили бош масала бўлиб келмоқда. Тараққиётимизнинг рамзий поғоналари ҳисобланган ҳар бир йилга ном берилиши замирида ҳам аслида шу. Масала ётибди. Масалан, 1997 йил – “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йил – “Ойла йили”, 1999 йил – “Аёллар йили”, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил – “Оналар ва болалар йили”, 2002 йил – “Қарияларни қадрлаш йили”, 2003 йил – “Обод маҳалла йили”, 2004 йил – “Меҳр-мурувват йили”, 2005 йил – “Сиҳат-саломатлик йили”, 2006 йил – “Шифокорлар ва ҳомийлар йили”, 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йил – “Ёшлар йили”, 2009 йил – “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, 2010 йил – “Баркамол авлод йили” ва жўрий йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинди.

Бу номлар шунчаки атамалар эмас, балки, чуқур маъно-мазмун, аниқ режа ва мақсад сари халқни сафарбар этиш, фаоллигини ошириш ва албатта соҳага оид кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ҳал қилишдан, одамларнинг турмуш шароитини, ижтимоий муҳофазасини яхшилашдан иборат. Бунинг бу изчил ва пухта ўйланган сиёсат самараларидан бутун халқимиз баҳраманд.

Йигирма йил давомида эришилган муваффақиятлар амалга оширилган барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар муваффақиятини, аввало, инсонлар онгида юз берган туб ўзгаришлар билан боғлаш ўринлидир.

Зеро, эски андозалардан, тор қолиплардан, ўз умрини яшаб бўлган ақидалардан халос бўлмасдан, ислохотларни ишонч билан амалга оширишга киришмасдан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Айни пайтда, миллий кифамизни сақлаб қолган ҳолда онгини ўзгартириш, Президентимиз таъкидлаганларидек, “...миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас”.

Президентимиз мустақилликка қадам қўйилган илк йилларидаёқ жаҳонда кечаётган сиёсий жараёнлар – инсон қалби ва онги учун бўлаётган кураш эканлиги, мафкура майдонларидаги курашлар ядро полигонларидан кўра хавфлироқ бўлишини таъкидлаган эдилар. Бугунги кунга келиб эса сиёсий ва мафкуравий кураш усуллари янги шакл ва сифат кўринишларига эга бўлди. Бу жараёнда аҳоли, айниқса, ёшларимиз онгини захарлаб, маънавий жиҳатдан қарам қилишга қаратилган мафкуравий хатарлар ва маънавий таҳдидларга қарши туриш, уларга қарши бирдамликда ҳаракат қилиш ҳар биримизнинг маънавий бурчимизга айланиши зарур.

Мамлакатимизда жамият маънавиятини ривожлантириш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 451-сонли қарори асосида маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил қилиш, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, тарбиявий ишларнинг самарадорлигини, таъсирчанлигини ошириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу қарор маънавий-маърифий йўналишдаги ишларимизда янги саҳифа очиб берди. Юртдошларимизда ён атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, аҳоли

қалбида истиқлолга, миллий қадриятларга нисбатан ҳурматни ошириш, дунёқарашини янада юксалтириш энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифамизга айланди.

Маънавий-маърифий соҳада тарғибот-ташвиқот ишлари тизимли ва изчил ташкил этилса, кўзланган натижани беради. Шу сабабли вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан маънавий-маърифий ишлар изчиллигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятимизда маънавий-маърифий ишларнинг муайян тизими шаклланган. Тизим аввало маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда аҳолининг турли ижтимоий қатламлари, гуруҳлари, ёши, қизиқишини ҳисобга олади. Шу сабабдан боғча, мактаб, коллеж, олий ўқув юрти, корхона ва ташкилотлар, маҳалла бўғинларида олиб бориладиган ишлар услубий ва тематик жиҳатдан ўзаро фарқ қилади. Айтилдики, маҳаллада олиб бориладиган маънавий-маърифий тадбир йўналиши, мавзуси бир хил бўлса-да, шакли ва услуби таълим муассасалари учун мулжалланган тадбирларга мутлақо ухшамайди.

Тизимнинг муҳим талабларидан бири ижро механизмини, жумладан, маънавият ва маърифат кенгашлиари ҳузурида фаол маънавият тарғиботчилари гуруҳини шакллантириш саналади. Вилоят, туман (шаҳар) кенгашлиари ҳузурида 11 та ихтисослаштирилган тарғиботчилар гуруҳи тузилган бўлиб, улар иштирокида ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда кечаётган жараёнлар мазмун-моҳияти тарғиб қилинмоқда.

Маънавий-маърифий ишларга таълим муассасалари ва давлат идораларидан ташқари хотин-қизлар кўмиталари, "Қамолот" ЕИХ, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, оммавий ахборот воситалари, кутубхоналар ва бошқа тузилмалар жалб қилинган. Улар ишини Маънавият ва маърифат кенгаши мувофиқлаштиради.

Маънавий-маърифий тадбирларнинг маълум қонун-қоидалари ва талаблари бор. Аниқ йўналиш ва тузилма -

маънавий ва маърифий ишларнинг изчиллигини, унинг янада ривожланишини таъминлайди. Шу маънода маънавий-маърифий ишларни режалаштиришда долзарб масалалар, энг муҳим ижтимоий дастурлар инobatга олинади. Айниқса, бугунги кунда миллатнинг руҳий соғломлигига салбий таъсир кўрсатишга уринаётган "дин", "демократия" ёки "оммавий маданият" нуқоби остидаги маънавий таҳдидлар, уларнинг сабаблари ва салбий оқибатларини атрофлича тушунтириш, уларга қарши маърифий омиллар орқали курашиш лозимдир.

Бугунги давр талаби ғоявий ва маърифий ишлар технологиясини консерватив ва эскича усуллардан чекинган ҳолда, замонавий, интерфаол, илғор услуб ва усуллардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Тарғиботда узоқ йиллар мобайнида фойдаланиб келинган камчилик, камҳаражат ва, албатта, кам самара берадиган усул - 300-400 нафар кишини бир аудиторияда ушлаб, 1-2 соат маъруза ўқишдан буткул воз кечдик. Хар бир тингловчига индивидуал ёндашган ҳолда маънавий ва маърифий ишларни такомиллаштириш, янги замонавий технологиялардан фойдаланиш ишнинг амалий таъсирчанлигини таъминланмоқда.

Тарғибот-ташвиқот ва маънавий-маданий тадбирларни ўтказишда ойликлар, ҳафталиклар, акциялар эълон қилиш каби ташкилий шакллардан, маъруза, мулоқот, савол-жавоб, семинар, кўрик-танлов, давра суҳбати, машҳур кишилар, ижодкорлар билан учрашувлар, мусиқий дам олиш дастурлари, ноънаванвий ўйинлар каби усуллардан, ҳужжатли ва бадий фильмлар ҳамда спектакллар намойишидан, турли хилдаги кўргазмалар тарғибот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Муайян шахслар, ижтимоий гуруҳлар тоифаси учун махсус тадбирлар уюштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидонарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини

янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури"нинг ижросини таъминлаш мақсадида барча мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, "Дунё динлари тарихи", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Диний экстремизм ва фундаментализмнинг ижтимоий моҳияти" махсус курси, "Диншунослик ва мантиқ" фанлари ўқитувчилари иштирокида "Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари" мавзусида ўқув семинари ташкил этилди. Ушбу тадбирнинг самарадорлиги шундаки, маълум тоифа вакиллари учун махсус кўрғазмали тарғибот воситалари орқали маърузалар, соҳа мутахассислари билан юзма-юз мулоқот уюштирилди. Худди шундай, ёшлар, шифокор, тадбиркор, маҳалла фаоллари, уйбекалари, отиноийлар учун ҳам алоҳида тарғибот тадбирлари туркуми ташкил этилмоқда.

Ташкилотлар, корхоналар, муассасаларда, олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда, ўрта умумтаълим мактабларда, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида талаба-ёшлар, аҳоли ўртасида "Юксак маънавият – энгилмас куч" рукни остида ишлаб чиқарилаётган махсус фильм ва курсатувлардан фойдаланиш чора-тадбирлар режасига мувофиқ тайёрланган "Эҳтиёт бўлинг, мультфильм", "Экрандаги олабўжи", "Алло, огоҳ бўлинг" махсус фильмларининг намойиши ва муҳокамаси ташкил этилди. "Алло, огоҳ бўлинг" фильмида уяли телефонларнинг бола тарбиясига салбий таъсири, бу борада ота-оналар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар, "Экрандаги олабўжи" фильмида ўқотар қуроллар билан ўйналадиган компьютер ўйинлари, кўрқинчли ва беҳаё тасвирларнинг ёшлар онги ва тарбиясига салбий таъсири, "Эҳтиёт бўлинг, мультфильм" орқали хориж кўғирчоқлари ҳамда мультфильмларининг қадриятларимизга зид жиҳатлари батафсил акс эттирилганлиги туфайли ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда кенг фойдаланилди. Худди шунингдек, диний-экстре-

мистик оқимларни фош этишга қаратилган ("Иқроор", "Изтироб", "Кўркушнинг қисмати"), миссионерлик ва презелитизм ҳаракатларининг салбий оқибатларига бағишланган ("Жаҳолат чангалида", "Қувонч"нинг қайғуси") фильмлар намойиши ҳам мавзуга оид тарғибот тадбирларнинг самарадорлигини оширмоқда, глобаллашув жараёнида кучайиб бораётган мафкуравий тажовузларга қарши курашда самара бермоқда.

Тарғиботчи учун асосий мезон – тафаккур, фикр бойлигидир. Фикр, таъбир жойиз бўлса, иш қуролига ўхшайди, ишлов берилмаса, тезда занглайди, ўтмаслашади. "Ўтмаслашиш" – тарғиботчи учун катта хавф. Чунки у борадиган аудитория андрогогика – катталар аудиторияси бўлиб, ёши, таърибаси ҳатто билим кўлами ундан кенгрок тингловчилар билан юзлашиши мумкин. Шу сабабли, ўз устида тинимсиз ишлаш, замонавий технологиялардан хабардорлик, таҳлил қила олиш хусусияти – тарғиботчи учун муҳим хислатдир. Мана шуларни инобатга олган ҳолда, "Тарғиботчига ёрдам" рукни остида маъруза матнлари, ахборотлар базасини (электрон шаклда ҳам) яратганмиз. "Қашқадарё", "Баркамол авлод" газеталари орқали ҳамда марказнинг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тарғиботчиларга етказилмоқда. Республика Маънавият тарғибот маркази ва Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан маънавий-маърифий тарғибот ишларида фойдаланиш учун зарур бўлган плакатлар, адабиёт, рисола ва қўлланмалар ҳам жойларга етказиб берилмоқда.

Айниқса, шу кунларда кенг миқёсда нишонланаётган мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги байрами муносабати билан вилоятимизнинг барча ҳудудларида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари махсус қабул қилинган дастурлар асосида амалга оширилмоқда.

Маънавият ва маърифат кенгаши раиси, вилоят ҳокимининг қарорига му-

вофик 15 июндан 15 августгача “Маънавият 60 кунлиги” тадбирлари Эълон қилинди. Тарғибот ва ташвиқот тадбирларида яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисолларда ёритиб бериш учун зиёлилар, профессор-ўқитувчилар, ёш тарғиботчилар, Зулфия номидаги давлат ва “Ниҳол” мукофотлари совриндорларидан таркиб топган тарғиботчилар гуруҳи ташкил этилди.

Шу ўринда “Маънавият 60 кунлиги” тадбирига қисқача изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқ. Улуғ неъмат – мустақилликка эришилгач, ўтмишимизга, бой тарихий меросимизга, маънавий қадриятлар ва анъаналаримизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг маънавий юксакликка эришишлариغا катта эътибор қаратилаёпти. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Маънавиятни йўқотсак, ўзимиз ва ўзлигимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз мурод мақсадимизга етишда кучли мадад топамиз”.

Мана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларимизни мамлакатимиздаги изчил маънавий янги-ланиш жараёнлари, бугунги кун воқелиги ва талаблари, мазкур масалада давлат ва ҳукумат томонидан қўйилаётган устувор вазифаларга мос ҳолда ҳар томонлама такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш чораларига алоҳида урғу берилмоқда.

Миллат ва халқнинг руҳи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қилади. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суюнгандагина қудратли кучга айланиши айтиш ҳақиқат.

Амалга оширилиши мўлжалланган тадбирларнинг замирида – аҳоли, айниқса ёшларда ён атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини

ошириш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, аҳоли қалбида истиқлолга, миллий қадриятларга нисбатан ҳурматни ошириш, дунёқарашини янада бойитиш ҳамда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашдек устувор мақсадлар ётибди.

Жамиятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг янада самарали бўлишига ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилган “Маънавият 60 кунлиги” акцияси давомида вилоятнинг биронта қишлоғи четда қолмади. Тарғиботчилар 27 та гуруҳга бўлиниб маънавий-маданий ишларини олиб бормоқдалар. Аҳоли билан самимий суҳбатлар чоғида ҳар бир инсон қалбига йигирма йил давомида Ўзбекистон буюк ишларга қодир халқи билан қандай улуғ ишларни амалга оширганини, яна қандай муҳим стратегик мақсадларга чоғланганимиз аниқ мисоллар ёрдамида тушунтирилмоқда.

Учрашувларда берилаётган саволлар асосан, келгуси тараққиёт, мактаб, таълим ва болаларнинг келажаги билан боғлиқ масалалар, бу борадаги мулоҳазалар эканлиги бизни қувонтирмоқда. Косонлик бир гуруҳ отахонлар видеоэфили ўринбосари Инобат Каримовга “Насаф” ўйингоҳида футбол томоша қилиш истакларини айтишди ва махсус автобусда келишиб ўйингоҳда “Насаф-Шўртан” жамоаларининг ўйинларини томоша қилиб, завқланиб кетишди. Эсимда, бундан 10-15 йил аввалги учрашувларда турли-туман маиший саволлар бериларди. Демак, бугун муҳит ўзгарди, дунёқараш бойиди, дахлдорлик ҳисси ривожланди, масъулият ошди, аҳолининг қалбида келажакка интилиш ва ишонч бор, ҳар бир фуқаронинг истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳақида ўз айтар сўзи бор. Айниқса, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик - энг олий қадрият эканлиги учрашувларда бот-бот тақдорланмоқда. Нишоннинг чегара қишлоқларию, Қамашининг қирларида, Дехқонободнинг тонгда йўлга чиқсанг тунда етиб борадиган тоғли қишлоқларию, Шаҳрисабзнинг чекка худудларида ҳам дилтортар суҳбатлар

давом этмоқда. Айниқса, Исоқ Тўраев раҳбарлигидаги “Эски мачит” театр студиясининг юксак даражада сахналаштирилган дастури, вилоят санъаткорларининг профессионал ижролари, Қарши давлат университети талабаларининг кўзлари чақнаб эл олдига чиқшларини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Олти карра Ўзбекистон чемпиони, жаҳон ҳамда Осиё чемпиони ҚДУ талабаси Ферузабону Абдурахмонованинг шода-шода медаллар билан кишлоқларга кириб бориши, ҳар гал шоҳсупада турганда, Ўзбекистон байроғи кўтирилиб, мамлакатимиз мадҳияси янграганда юрагида кечадиган ҳиссиётларини тўлиб-тошиб сўзлашлари қанчадан-қанча ўғил-қизларни спорт тўғаракларига бошлади экан. Қарши агросаноат коллежи талабаларининг “Парламент” жамоаси томонидан тайёрланган “Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?” мавзусидаги композицияси он сахна кўринишлари ёшу қарини бирдай тўлқинлантирганини кўриб, асосан ёшлардан таркиб топган тарғибот гуруҳимиз кўзлаган мақсадига эришганига яна бир бор амин бўлдим. “Ёшим уч кам саксонда, дейди Нишон, тумани Отқудуқ кишлоғилик отахон, юртимиздаги бўлаётган буюк ўзгаришларни таърифлашга сўз топиб беролмайман. Шу ёшимда шеър ёзгим келади. Ичимда вулкон кайнади, қанийди 20 ёшда бўлиб қолсаму, бутун кучимни Ватаним мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида сарфласам дейман...”. Қамашининг Куға кишлоғилик ўроз ака таассуротларини ифодалаб шундай дедилар: “Қаршидан театр келади, олимлар келади, байрамга аталган йигин бўлади, дейишса ишониб-ишонмай келувдим. Туманнинг ўзидан 70 км юқоридаги тоққа театр келадими-йўқми дедим-да. Қир бўйига ўрим-йигимга бораётувдим. Яхшиям кетмабман, шундай чиройли тадбирдан куруқ қолардим”. Бўритош Носированинг Ватан озодлиги учун жон фидо қилган аждодларимиз ҳақидаги ҳикояларидан таъсилраниб шахрисабзлик маҳалла раиси: “Мен узоқ йиллар ички ишлар соҳасида ишлаганман. Кўп воқеа-ҳодисаларни бошдан кечир-

гандим. Лекин, ҳеч қачон йигламаган эдим. Хозир Бўритош опанинг айтган гаплари юрагимни тўлқинлантириб юборди, кўз ёшимни тийиб туролмадим. Қандай қийинчиликлар, қанча йўқотишлар эвазига биз озодликка эришганимизни бугун юрак-юрагимдан ҳис қилдим” деган бўлсалар, Қамашининг Фиштли кишлоғилик бир аёл опанинг енгидан тутиб, “Бугун менинг руҳим тозарди, кайфиятим яхшиланди. Ҳеч қачон касал бўлмасликка, юртим учун жонимни бериб ишлашга сўз бераман” деди. “Сизларга катта раҳмат, тадбир баҳона вилоятимнинг ҳамма туманларига сафар қиялман”, - дейди ёш тарғиботчи. “Қашқадарёда шундай сўлим кишлоқлар борлигини билмабман, юрагим фаҳрга тўлиб кетяпди, бизга шундай имконият берганларингиз учун раҳмат”, дейди яна бири. “Ҳамма истеъдодлар кишлоқда экану опа...” дейди учрашувда иришкорлик “Сотти” ролидан парча ижро этган қизнинг иқтидорига тан бериб яна бир санъаткор. “Биз байрам кайфиятини берайлик деб келувдик, тан оламан, кишлоқлардаги ўзгаришлар, тадбиркору чеварларнинг кўргазмалари, оддий кишлоқ қизларининг сахна кўринишларини қойилмаком қилиб уйнашлари, ёшларнинг савёл-жавоблардаги фаоллиги шахсан ўзимни тўлқинлантириб юборди” дейди яна бир тарғиботчи... Хуллас, таассуротларимиз бир олам. Элни мустақиллик байрами билан қутлаш учун кетаётган бу фидойи тарғиботчиларни 16 та автобус карвони ортидан кузатар эканман, юрагимда шукр туйғуларини ҳис қиламан: қандай гўзал бахт бир-биримизни мустақиллик билан табриклаш бахти, қандай улуғ шараф бир-биримизни озодлик билан муборакбод этиш шарафи. Бу қутлуғ иноят билан халқимиз бир-бирини токи дунё бор экан қутлаб юриш бахти насиб этсин! Ҳолбуки, Мустақиллик юртимизнинг катта-кичик барча фуқароларига бирдай тегишли, бирдай бахт келтирган энг азиз неъматдир.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

Сирожиддин Саййид

Юз оҳ, Заҳриддин Муҳаммад Бобур...

(Достондан парча)

“Темур тузуклари”

“... Ул фурсатлар Темурия
салотини дастури била тўшак
устида ўлтурур эди”.

(Тўққиз юз биринчи (1495-1496)

Бобомдан қолган эй, сўзлар, аё сўзлар,
Менга дармону қувват ҳам даво сўзлар.

Бобом қурган саройлар ичра сўзлар ҳам
Буюк бир кўрғонсиз даҳр аро, сўзлар.

Менинг шаъну, гурурим ҳам шараф-шоним,
Турар дунё турар то бу бино, сўзлар.

Жаҳонгирлик билан фатҳу зафарлардин,
Дилимга сиз берибдирсиз сафо, сўзлар.

Ики кафтин очиб тургандайин бобом,
Қолибдурсиз менга мисли дуо, сўзлар.

Жам ўлмиш ҳарбу зарбнинг санъати сизда,
Гувоҳдир оламу арзу само, сўзлар.

Жаҳон то олгувси давлатчилик дарсин,
Жаҳон давлатлари сизларда жо, сўзлар.

Мисоли наррашернинг наърасидирсиз,
Берурсиз то қиёмат сиз садо, сўзлар.

Улуғвор салтанат шундоқ бино бўлмас,
Кўрибсиз қанчалар жабру жафо, сўзлар.

Оғирдир подшоҳлик бирла бахт йўли,
Бўлингиз менга ҳам сиз раҳнамо, сўзлар.



“Темурбек солғон иморатлар”

“Темурбек солғон олий иморатлардин
бири Кўксаройдурким, Самарқанднинг
аркида воқий бўлибтур. Ажаб хосиятлиқ
имораттур. Темурбек авлодидин ҳар ким
бош кўтариб тахтга ўлтурса ҳам мунда
ўлтурур, ҳар ким тахт доияси била бош
қўйса ҳам мунда қўяр...”

(Тўққиз юз биринчи (1495-1496)
йил воқиалари)

“Рубъи маскунда Самарқандча латиф
шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдан-
дур... Шаҳри Самарқанддур, вилоятини
Моварауннаҳр дерлар... Темурбек пой-
тахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Те-
мурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни
пойтахт қилғон эмастур...”

(Тўққиз юз учинчи (1497-1498) йил
воқиалари).

“Темурбекнинг ва Улуғбек мирзонинг
иморати ва боготи Самарқанд маҳалло-
тида кўптур. Самарқанд аркида Темур-
бек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошён-
лик, кўксаройға мавсум ва машҳур ва
бисёр олий имораттур. Яна Оҳанин дар-
возасига ёвуқ қальанинг ичида бир мас-
жиди жумъа солибтур, сангин, аксар
Ҳиндустондин элтган сангтарошолар

анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни "Ва из яр-фау Иброҳималқавоида (ило охириҳи)"* андоқ улуғ хат бирла битибтурларким, бир куруҳ ёвуқ ердин ўқуса бўлур. Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бири ким йироқроқтур, Боғи Бўлду-дур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари экти-рибдур. Дилкушоода ҳам улуғ кўшк сол-дурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Хин-дистон урушини тасвир қилибтурлар. Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида Ко-нигилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Обираҳмат дерлар, бир боғ со-

либтур. Нақши жаҳонға мавсум. Мен кўрган маҳалда бу боғ бузулуб эрди, оти беш қолмайдур эди. Яна Самарқанднинг жанубида Боғи Чанордур, қалъага ёвуқ-тур. Яна Самарқанднинг қуйи ёнида Боғи Шамол ва Боғи Беҳишттур. Темурбек-нинг набираси Жаҳонгир мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон мирзо Самарқанднинг тош кўргонида – чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авло-дидин ҳар кимки Самарқандга подшоҳ-лик қилибтур, аларнинг қабри ул мад-расададур".

(Тўққиз юз учинчи
(1497-1498) йил воқиалари).

Темурхондин хикоят айлағайлар бу иморатлар,
Замонлардин ривоят айлағайлар бу иморатлар.

Фалак гунбазларингни Ерда кўрдим мен шу маъвода,
Ажаб сеҳру синдрат айлағайлар бу иморатлар.

Буюк бу салтанат донғи қаритгай минг асрларни,
Асрларни бидоят айлағайлар бу иморатлар.

Тамоми етти иқлимни шараф овраси кезгай,
Муқим ҳолда саёҳат айлағайлар бу иморатлар.

Тамаддун пойтахти, ору номуснинг қароргоҳи,
Жаҳон бирла рақобат айлағайлар бу иморатлар.

Жаҳонда шону шавкат, куч ва қудрат таъма қилганлар,
Қаранг, недин сиёсат айлағайлар бу иморатлар.

Ёғубдур бунда ҳоқонлар, улуғ беклар ва султонлар,
Жаҳон бор то – ҳимоят айлағайлар бу иморатлар.

Фалакким, қанча ранж этмиш, иморатларга ҳам тегмиш,
Фалақдин кўп шикоят айлағайлар бу иморатлар.

Самарқанд, рубъи маскунда қаён борсам, соғингайман,
Дилимда зўр қиёмат айлағайлар бу иморатлар.

Валийлар бунда ётмишдир, риёзат бирла келгай ким,
Зиёратга иноят айлағайлар бу иморатлар.

Юз оҳ, Заҳриддин Муҳаммад Бобур...

Азим пештоқлари Қуръон зиёсидин мунаввардир,
Эшит, сокин қироат айлагайлар бу иморатлар.

Тизилмишлар қатор, гўеки тарих жойнамозида
Садо этмай, ибодат айлагайлар бу иморатлар.

Тавоф этсанг агар дилдан-дилинг кўкка этар маъво,
Дилинг соҳибдиёнат айлагайлар бу иморатлар.

Минора, куббаларга боқ-ғуруринг юксалиб боргай,
Сени ҳам бир иморат айлагайлар бу иморатлар.

Келибсан, қошига бошинг эгиб, оятларин ёд эт,
Таололлох, хидоят айлагайлар бу иморатлар.

МИР ТЕМУРИЙ ҚОВУНЛАР

"Сайхун суйининг шимоли тарафида-
ги қасабалар: бир Ахсидур. Китобларда
Ахсикат битирлар... Умаршайх мирзо
муни пойтахт қилиб эди. Сайхун дарёси
кўргонининг остидин оқар... Қовунни яхши
бўлур. Бир навъ қовундирким, "Мир Те-
мурий" дерлар, андек қовун маълум
эмаским оламда бўлғай".

(Саққиз юз тўқсон тўққизинчи
(1494) йил воқиалари).

Мен бахтимдан мудом юрдим илгари,
Ўтди яна рамазон ийдлари.
Димоғимдан ҳаргиз кетмади нари
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Ўз бобомдан ёдгор қолган зироат,
Англамиди буни Ҳирот, Ҳиндлари.
Бу не соғинч эрур, не сир-синоат,
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари?

Ғурбат отим жиловини қўйвормай,
Байрам қилди дарду ҳасрат итлари.
Эсиб турди қай ергакимен бормай,
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Аччиқ чоғир берди менга давроним.
Коса тутди доим ҳижрон риндлари.
Бу дунёда энди ёлғиз армоним –
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Паст кетса чарх, кўрсатса-да минг ўйин,
Баланд бўлган султонларнинг дидлари.
Ғарк-этмасин сени, ўғлим Ҳумоюн,
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

Салтанат ҳам тўтаб битди оҳимдан,
Дуо айланг беклари, сайидлари.
То қиёмат анқир энди хокимдан
Мир Темурий қовунларнинг ҳидлари.

АГАР МЕНИНГ РИЗОМНИ
ТИЛАРСЕН..."

"Беклар ва йигитлар!
Ҳар кимки ҳаёт мажлисиға кирибдур,
оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва
ҳар кишиким, тириклик манзилиға келиб-
тур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур.
Ёмон ота била тирилгандин яхши от била
ўлган яхшироқ. Тенгри таоло бу навъ са-
одатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ
давлатни бизга қарийб айлабтур..."

(Тўққиз юз ўттиз учинчи
(1526) йил воқиалари)

“Яна улук иш устига борасен, иш кўрган, раъй ва тадбирлик беклар била кенгашиб. аларнинг сўзи била амал қилгайсен.

Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинликни ва эл била кам итилотликни бартараф қилгил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрлариға қўймай, қошингга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлат хоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўзунга қарор бергайсен”.

**(Тўққиз юз ўттиз бешинчи
(1528) йил воқиалари).**

“Мусаввиди авлок айтадурким, тўққиз юз ўттиз еттида Жумодул-аввал ойининг олтисидида чоҳорбоғидаким, ушул подшоҳ ўз қўли била обод қилиб эрди, ҳоли мутағайир бўлиб, бу олами бевафони падруд қилди.

... Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан тугалгай. Лекин мужмал буким, секкиз сифати асил анинг зотиға муттасил эрди: бириси буким нажхати* баланд эрди; иккимчиси, химмати аржуманд эрди; учумчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешумчиси, маъмурлуғ; олтинчиси, рафохият* нияти Тенгри таоло бандалариға; еттимчиси, черикнинг кўнглини қўлга олмоқ; секкизинчиси, адолат қилмоқ.

Ва фазилат бобида камлиғи йўқ эрдиким, назм ва наср ва гуркий ва форсийни бебадал айтур эди... Тил билур доно халқ орасида анингдек латойиб йўқтур... “Валлоху би-кулли шайин алим”*

**(Тўққиз юз ўттиз олтинчи
(1529) йил воқиалари).**

Яратган ҳукмидан олийжоҳ бўлдим-
Ўн икки ёшимда подшоҳ бўлдим.
Темурхон авлоди –отам Умаршайх,

Қисмат жом ичурди ғоят аччиқ, талх.
Буюк бир кўл суриб, елдирди мени,
Шатранж донасидай келтирди мени.
Айтмангиз йўлдаги бир сипоҳ бўлдим,
Ўн икки ёшимда подшоҳ бўлдим.

Подшоҳ бўлдиму кўрдим даҳрни,
Билдим разолату адлу қаҳрни.
Фалак сақлагандай қатлимга кеклар,
Ҳаргиз тинч юрмади кўрнамак беклар.
Ўйловдим: менга қош, кўз мирзоларим,
Охир адо қилди ўз мирзоларим.
Гарчи даврон аро хоки роҳ бўлдим,
Ўн икки ёшимда подшоҳ бўлдим.

Токи айланаркан чарҳи гардунлар,
Бордир мамлакатни туган устунлар.
Токи тилим сўйлар, очик кўзим бор,
Менинг наслларга айтар сўзим бор –
Ўрнимдан бу замон кўпиб айтурман,
Бобом қиличини ўпиб айтурман:
Гарчи олам доим адоватдадир,
Куч адолатдадир, адолатдадир!
Гарчи таҳт узра ҳам гирди –чоҳ бўлдим,
Ўн икки ёшимда подшоҳ бўлдим.

Самарқанд десам ё битсам Андижон,
Кимрикка ёш янглиғ келиб инди жон.
Алишербек қайда? Ҳирот қайдадир?
Ёру диеримсиз мурод қайдадир?
Сизлар ҳам менга бир қон томир –келинг,
Камолдин Бехзод, Хондамир, келинг.
Ёруғ ҳаёлимни таъмин айлангиз,
Синган бу кўнглимни таъмир айлангиз.
Гарчи бошимда тож, дил-қулоҳ бўлдим,
Ўн икки ёшимда подшоҳ бўлдим.

Даврон айланарми юз йилда ё бир?
Юз оҳ, Заҳриддин Муҳаммад Бобур!
Кўкларда ой бўлиб қолгайдир оҳим,
Юрак-бағринг эзиб, ўртанма, Моҳим.
Дардларингни олиб, кўзим юмойин,
Мендан сўнг хушёр бўл, ўғлим Ҳумоюн.
Бобонг сўзларини зурёдингга айт.
Андин сўнг келажак авлодингга айт,
Гарчанд зафар гоҳо адоватдадир,
Куч адолатдадир, адолатдадир!
Шу буюк ҳикматдан мен огоҳ бўлдим,
Ўн саккиз ёшимда подшоҳ бўлдим.



ган орзуларинг бот-бот сени безовта қиладими?" - демоққа лаб жуфтласанг, оғзингдан чиққанини ёқангга тармаштиради-мазза қилиб мум тишлайсан. "Бу ҳавойи, осмоний, китобий гапларни қўй биродар, бўларидан, яшамоқнинг бароридан гапир. Ўй ўйлаб ҳали ҳеч кимнинг ошиғи олчи бўлмаган. Топмоқлик, йиғмоқликни билмаган одам яшамаётган одам! Сен бизга уқтирмакчи бўлаётган гаплар аллақачон айтиб бўлинган." Лекин бу "жайдари донишмандлар" бир нарсани билмайдиларки, билсаларда назар-писанд

ҚИЯДИКДАГИ ОДАМ

ҲУДУ

ТАҚДИРТИСМИ

(Ҳикоя)

Тугилиш ва ўлимдан бошқа тақдирни тақдирдан ажратадиган чизик йўқ. Тугилиш ва ўламоқ оралигида эса биз худди ёшилган иплардек бир-биримизга қушилиб кетганмиз.

Чингиз Айтматов

Мен бу битикларни ёзмаслигим керак эди. Ҳамманинг фикри бир ердан чиқаётган бир пайтда ўзгачароқ янги гап айтаман дейиш, шунчаки чиранчоқликдан бошқа нарса эмас. Ҳамма аҳори тўкилмаган фикрлар аллақачон айтиб бўлинган. Инсон ҳаётининг мазмуни ҳақидаку бирор бир фикр айтиш тугул, ўйлашнинг ўзи ҳам одамларга бугун нодонлик бўлиб кўринади. "Яшашдан мақсадинг нима? Дилингда армонга айлан-

қилмайдиларки, ана шу айтиб бўлинган Фикрларнинг ўз вақтида айтилганлигини мушоҳада қилишнинг ўзи ҳам бир инсон ҳаётининг мазмунига етиб ортади. Демак, бу ёзганларим ана шу айтилганларнинг мушоҳада-си ҳақида.

(Раҳмонқулнинг кундалигидан, 1989 йил, 13 январь)

Ўтган етти ой ичида Элсаройга бало дориди; бир парча гўшт-сағирликдан кўр тақдирнинг минг бир азобини кўриб эндигина одамлар қаторига қўшилаётган, эндигина оғзи ошга етганда боши тошга теккан Файзулла топталган ва ҳақоратланган орият важдан хотини билан бўлим бошқарувчисини чопиб ташламоқчи бўлди, лекин қисмат иноят

қилган Ғозиқул билан унинг "машъуқаси" бу қаҳр чопқинидан омон қолди, уларни тақдир яна бир бор сийлади, лекин бу қисмат эҳсони Ғайзуллонинг хотинига қимматга тушди; Ғозиқул кейинги учрашувда "эрингга ўзинг айтгансан", деб уни ўласи қилиб калтаклади, хиёнат гулшанининг маликаси бўлмоққа чоғланган аёл туйқус ташландиққа айланди, бу ҳам етмагандай ўша куни жahl устида аввал уйига олов кўйиб, кейин ўзини ҳам нобуд қилишга жaҳд қилган Ғайзулла кажовали трактори билан Қирққиз жаридан учиб кетди, бўлакраниб кетган трактор қисмларини йиғиб олаётган одамлар, жар лабидан кўчган қиррадор кесаклар орасидан чалажон Ғайзуллани ҳам топиб олишди, ярим таъаси ишламай қўйган Ғайзулла олти ой тўшакка миҳланиб ётди, мана бир ойки, у эндигина юришга чоғланган гўдакдек атак-чечак қилиб ўзи ташқарилаб келаётган бўлсада, телбахаёл бўлиб қолганлиги элга ёйилди, у девор ортидаги одам билан гаплашиш одатини чиқарди, хотинидан бошқа барча элсаройликлар "Кайф қилиб трактор хайдашнинг оқибати шу, аввал ўз уйингга олов қўясан, сўнг ўзинг Қирққиздан учиб кетасан, омадинг бор экан, болаларингнинг бахтига тирик қолдинг, миянг чайқалса ҳам!", деган ҳукми хулосага келишди.

Бир пайтлар дунёни забт этиш шахди билан Элсаройдан бош олиб кетган, Элсаройнинг биринчи ва сўнгги шоири Орзиқул Сарой неча кунлардан бери тинимсиз, эзиб-эзиб ёғаётган куз ёмғири остида намхуш рутубатдан тумрайган, оғир ва ҳарасонли сукунатга чўмган Элсаройда пайдо бўлди, унинг ёмғирдан шалобба бўлиб пешонасига та-

рам-тарам ёпишган патак сочларида, дафъатан кўрган нарчасига очкўзлик билан суқланиб узоқ тикилиб қоладиган изтиробли кўзларида, ёноқлари туртиб чиққан тунд юзида, кучсизликдан туғиладиган ожизлик ва шу ожизликни ниқоблаган ғариб бир бежиримлик нуқси уриб қолган-унинг бутун қоқсуяк вужудидан жирканч бир кибр ва шу баробар оташин бир нафрат барқ уриб турарди, шу боис у Элсарой кўчаларида телба бўлиб "Анал ҳақ" деб юрганида ҳам, ичкиликка муккасидан кетиб, тўй-хашамларда маст бўлиб, ташландиқ кир ўраларнинг сассиқ балчиғига беланиб ётганида ҳам, бир шиша ароқ деб Тоштурсун Ҳукмнинг кўнгил очар эрмаги учун ит бўлиб хурганида ҳам, мусибатларга тўла туманли бир тонгда асрий субх суқунатини бузиб "Кетаяпман! Алвидо!" деган бир ҳайқириқ одамларни уйғотгани-ю, лекин кейинчалик бу сассадони бировлар ҳар юз йилда бир элнинг бошидан бир қичқириб этадиган Ҳаққушнинг овози дейишса, бошқа бирлари бу гулдирак узоқ бир юртда тоғ босиб қолган қишлоқдаги кўчқиннинг гулдуриси эди дейишмасин; ўша тонг Орзиқул Сарой ғойиб бўлганини билиб қолганларида ҳам Орзиқул Сарой элсаройликларнинг ёдида жабрдийда ва хўрланган шоир сифатида эмас, ўша ёмғирли кунда Элсаройга кириб келганида унинг бутун қоқсуяк вужудида аксланиб турган-жирканч бир кибр ва шу баробар оташин бир нафрат тимсолида элсаройликлар юрагида мангу муҳрланиб қолди.

Кўп йиллар Элсаройни ойдек жамоли билан ларзага солган Барчинойни нима жин урди бу ёлғиз Худога аён, ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликка қўл урди- Эл-

саройнинг кўркига кўрк кўшиб, виқор тўкиб турган, бус-бутун синчдан тикланган, элсаройликлар учун хашам ва савлат тимсолига айланган нақшинкор уйига олов кўйиб юборди ва ўзи ҳам ёниб нобуд бўлди. Жимирлаб ёғаётган баҳор ёмғирининг ожиз томчилари, зулмат ичида ётган бутун Элсаройни ёритиб гуриллаётган олов гулханида чарсиллаб сўнар, лекин ҳеч ким зум ўтмай томи қулаб тушиши мумкин бўлган, синган дераза кўзларидан қуюқ тун аралаш гоҳ-гоҳ аланганинг ялмоғиз сариқ тили кўриниб-кўриниб кетаётган, жаҳаннам дохил қилган олов ичидаги уйга киришга ботинолмас, фақат ҳамма бақирар, қичқирар, йиғлар, додлар, лекин ҳеч ким ҳеч нарса қилолмасди. Айниқса, бундан роса икки соат бурун боболарни­кига онаси Барчиной томонидан юборилган, энди эса ўз уйларининг гуриллаб ёнаётган олов орасида қолганини кўриб эсхонаси чиқиб кетган уч норасида йиғлашар - лекин овози чиқмас, бақирмоққа чоғланарнафаси етишмас, фақат бу мурғак гўдаклар сур бўлиб қотиб қолган кўзларини чарсиллаб, гуриллаб ёнаётган олов гулханига тиккан куйи дағ-дағ титрар эди.

Фақат эртасигагина, тонг отгач, ёмғир тўхтагач, ҳали тўлиқ ёниб бўлмаган уй устунларидан кўтарил­аётган сийрак тутун ичида, алланечукинсон димоғини ёриб юборадиган аччиқ куйинди бўйидан нафаслари қайтган одамлар ҳали тафти батамом совумаган қайноқ куллар орасини белқурак билан титиб, Барчинойнинг жизғанаги чиқиб қовурилиб қолган лошларини топиб олишди, ноилож уни қазо расм-русумларини жойига келтиришиб бекафан кўмишди.

Етмиш уч йилдан бери, орада мулла Тангриқулнинг бир умрлик қамоққа ҳукм қилиниб йигирма йилда авф этилиб қишлоққа қайтганини айтмаса, Элсаройда ҳали ҳеч ким бундай кўргуликка мустахқик бўлмаган эди. Элсаройга ҳукми ҳозиклик қилиб келаётган, Элсаройнинг Элбегилигини қуловлод шажарасининг шарафига айлантирган, тўрт одам тўпланган йиғин-у, гап-гаштакларда "Туфласам туфконни қуритаман!" деб гердаядиган Тоштурсун Ҳукм Қорақулони хибсга олишди, марказга мажлисга деб чақирилган Тоштурсун Ҳукм билан бирга кетган Норбобоқул ярим тунда Элсаройга ёлғиз қайтди, у бу шум хабарни етказиш илинжида аввал Тоштурсун Ҳукмнинг нақшинкор дарвозаси олдида бир зум тўхтади, лекин яна фикридан қайтди чоғи-Тоштурсун Ҳукмнинг ичқуяри Шоди Усмоннинг хузурига шошилди, бемаҳалда дарвозанинг ёкимсиз тақиллашидан ижирғаниб уйғонган Шоди Усмон аввалига дарғазаб бўлиб, дарвозасининг бир тавақасини очди, остонада мултайиб турган Норбобоқулни Тоштурсун Ҳукмнинг тонготар базмига чақиргани келган деб ўйлаган Шоди Усмон ўзининг касал эканлигини айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, лекин Норбобоқул хўнграб юборди:

-Усмон! Уйимиз куйди, уйимиз куйди!!! Ҳукми олиб қолишди! Ҳукми хибс этишди!!!-деди Норбобоқул йиғламоқдан бери бўлиб.

Бу совуқ хабардан Шоди Усмоннинг кўзлари бақа бўлиб, дарвозасининг иккинчи тавақасини ҳам очиб юборди. Шоди Усмоннинг қурилгандан бери икки тавақаси бир пайтда очилмаган дарвозасининг иккала тавақасининг бир лаҳзада очилиши баробар Элсаройга Тоштурсун Ҳук-

мнинг ҳибс этилгани ҳақидаги шум хабар тарқаб, то тонг отгунча бутун Элсаройни талотўп қилиб юборди, лекин бу совуқ ва мудҳиш хабарни бир умр Тоштурсун Ҳукм билан довллашиб, бир умр ундан мағлуб бўлиб келаётган Алимқул Қаҳҳор билан Султон Сафар Элсаройда ҳаммадан кейин эшитишди. Лекин гафлатда қолган аламзада Алимқул Қаҳҳор билан Султон Сафар тақдирнинг хушсаодат тасодифи билан аввалдан кунни белгилаб қўйилган тўйларини Тоштурсун Ҳукмнинг муқаррар қамалишини ўзлари амалга оширганини ва шунинг учун ҳам ўша кунни тўй бошлашганини ваз кўрсатиб мақтаниб юришди.

-Султон, тўйни бошла! Худонинг ўлмайдиган кули йўқ! Кулбулнинг ўғлининг салтанати кулади-ку, дедим!- деб кериларди Алимқул Қаҳҳор.

-Кулбулнинг ўғлини йиқитаман деб, соқолим оқарди! - У-ў-ў, анағар, элга не зугумлар қилмади-я! Мен тўй қилмасам ҳам Кулбулнинг ўғли қамалган кун элнинг тўйи, дедим-у, тўйни бошлаб юбордим,- деб фахрланарди Султон Сафар.

Элсаройликлар аввалига ўзлари ҳақгўй ва танги одамлар деб юрган бу икки қишлоқдошларининг ёлғон гапларига ошқора бўлмасада, орқаваротдан кулиб юришди; Султон Сафарнинг ўғил уйлантириш тўйи шу кунни бўлиши бундан роса бир ой олдин белгиланганлигини аҳли Элсарой аниқ билишарди. Лекин Алимқул Қаҳҳор билан Султон Сафарнинг бу даъволари шунчалар кўп гапирилдики, алалоқибат элсаройликлар кейинчалик Тоштурсун Ҳукм ҳибс қилинган кун Султон Сафар тўй бошлаганини ўзлари ҳам эътироф этиша бошлади.

Хуллас, ўтган етти ой ичида бирин-кетин содир бўлаётган бу наҳс воқеаларидан тамом силлалари қуриган элсаройликлар бугун тўй бошлашди. Элсаройни бўри кирган қўтондек тўзғитган, одамларнинг юрагига ваҳм ва ғазаб уругини сочиб кетган, бу мудҳиш воқеаларни унутишга чоғлангандек салқин август оқшомларининг бирида Элсарой осмонини роса етти ой ўтиб биринчи марта ёр-ёрлар садоси тутди, аммо кўк тоқида ҳали ёр-ёрлар саси ўчмай, унинг диловор оҳангига бемаҳал ажал шаробини симирган инсон фарёди кўшилиб кетди. Лекин бу ваҳмкор нидони тўй-тантаналари билан алаҳсиб ётган элсаройликлар эшитмади, жисми жони ўткир пичоқлар тиғида дабдала қилиб ташланган Раҳмонқулнинг жасадини тўй тарқаб, тонг отгач, ўша кеча тўйхонада ётиб, наҳор ошини тайёрлаш илинжида айна субҳи: козиб палласида уйғонган уста Хушвақт кўриб қолди; қонга беланган Раҳмонқул тўйхона эшигининг унги бурчагидаги пастдак гўза-поя кўрасининг пойида юзтубан ҳолда ётган эди...

Мен қияликда турган одам ҳақида мушбоҳада юритмоқчи бўлиб неча бор кўлимга қалам олдим. Ҳар гал аввалида ваҳм, сўнгида кўрқинч, теграсида азоб бурқисиб турган бу манзил қанчалар тилсимли, сирли ва ғаройиб эканлигини сўз билан ифода эта олмайман. Бу қияликда ҳуррият ва зулм, адолат ва мустабидлик, бахт ва бахтсизлик, иштиёқ ва тушкунлик, фароғат ва азоб, умид ва умидсизлик, ишонч ва ҳавотир туйғулари ҳар лаҳза менинг идрок оламимни ўзларининг тизгинсиз шаҳду шиддати билан истеъло этар ва яна ҳудди шу лаҳзанинг ўзида, оний бир дақиқада шуур дунёмни тарк этар эди. Эҳти-

мол, лахзада минг йил яшаш деганлари шудир. Ана шундай алғов-далгов эврилиш дақиқаларида бир қаттол фикр қалбимда уйғонади; "Аслида мен кимман, мен руҳнинг қулиманми, ё руҳ менинг қулимми?! Шўртолеъ Файзулло, қароқисмат Орзикул Сарой, поктийнат ва мангу гуноҳкор Барчиной, разолат эркаси ва ўйинчоғи Тоштурсун Хукм аслида қияликда саргашда турган менинг руҳим акс садоси эмасмикан?! Улар умрининг давомини мен яшаётиманми? Ё улар менинг ҳаётимнинг бошини яшаб ўтишдими? Мен тақдир тилсимида чора излаётган қияликдаги одамман!

(Раҳмонқулнинг кундаликларида, 1989 йил, 13 апрель)

Бу қаттол қисмат ва аянч кургилик унинг чекида эканлигини, шумқадам паймона ортидан садоқатли ит каби эргашиб юрганини, зум ўтмай ўзининг ёвуз ва шафқатсиз қазо лашкари билан рўбарў келишини ва бу тўқнашувда япроғидан ажралган баҳодир янглиғ чорасиз ҳолда мағлуб бўлишини Раҳмонқул ҳеч ўйламаган, машъум қазо соатига дақиқалар қолганда ҳам у ҳали ҳеч нарсадан беҳабар эди. Раҳмонқул тураётган икки ёнидаги жўраларининг елкасига кўлини қўйиб; айиқ полвон янглиғ гавдасининг бутун оғирлигини уларнинг устига ташлаганда, давонгирликда ундан қолишмайдиган бу икки йигит ҳам майишиб кетди. Улар ўзларининг кейинги умрлари давомида бевақт хазон бўлган жўралари Раҳмонқулни ҳар эслаганларида, ўша кунги зилдай оғирликни юракларида туяр ва бундан мудҳиш бир фалокат исини сезгандек бўлиб, бирдан гурунғ жоловини бошқа тарафга буришар эди. Уларнинг назарида бу оғирлик сирли ва мудҳиш паймона-

нинг хунрез даракчиси эди. Бу ёпишқоқ ва жирканч харосат уларни умр бўйи таъқиб этишдан тўхтамади. Улар умрларининг сўнгги фурсатида бошларида қаро ажал куши чарх урган пайтда- бири ўзи ҳайдаб бораётган тракторнинг ҳали кўтарма дала йўлининг устига чиқишга улгурмай, аввал ўнг ёнга қийшайётганида, кейин олди кўтарилиб кетган трактор ҳавода бир лаҳза муаллақ қотганда ва зум ўтмай даҳшатли қаср-қусурдан қулоғи чиппа битганда, иккинчиси - дори ҳиди уникиб кетган хонага аввал қоронғулик чўкканини ва сўнгра шу сим-сиёҳ зулматга қўшилиб, шуур дунёсидаги ҳамма нарсалар бирин-кетин сўна бошлаганида - бу оламда улар идрок қилган сўнгги нарса ҳам ўша зилдек оғирлик - Раҳмонқул паймонасининг хунрез ва ёвуз элчилари бўлди.

Лекин ўшанда Раҳмонқул тўй бошлангандан бери ўзи билан валақлашиб ўтирган ёнидаги жўраларининг елкасини эзиб ўрнидан турар экан, ҳеч қандай паймона, ҳеч қандай хунрез ажал элчиси ҳақида ўйламаган эди. Билакс, у ўрнидан турар экан, келин-куёв мадҳига пойма-пой, бири-биридан гўзал ва ёрқин тилаклар билдириб, авжланаётган, чорак соатдан бери бақиравериб, бўғриқиб кетганига қарамасдан кенг сахнани тўлдириб, ўйнаётган ёш ялангларнинг мастона қичқиришларидан бир зумлик шуҳратнинг чубур отига минган ашуланининг заифамонанд овозига мос гувранаётган шу талотум даврада, айна шу фурсатда ўзи кўриб турган мўъжизадан- қаршисида юзида илтижолик бир табассум муҳрланган масъума Барчинойнинг ўтирганидан ҳайратга тушган, тўй бошланганига икки соатга яқин вақт ўтганига қарамасдан Раҳмонқул нега шу вақтга

қадар шундоқ пешонасида ўтирган бу қизга кўзи тушмаганига ҳайрон қолган, кейинчалик эса Раҳмонқул бу Барчиной тимсолидаги фаришта уларнинг рўпарасига ҳозиргина келиб ўтирган бўлса керак деб ўйлаган эди.

Аслида бу қиз ҳали тўй бошланмасдан, ҳали даврага келин-куёвлар чорланмасдан аввалроқ шу ерда ўтирган эди. Эртасига Раҳмонқулнинг жанозаси куни Алимқул Баҳодирнинг кенжа бу қизи суюнчи сўраган алфозда, беписанд бир бепарволик билан дугонасига кеча ўзининг марҳум билан бир столда ўтириб қолганлигини айтиб берди:

-Ай, ер ютсин, менгаку кеча билинудди-ёв?! Тўй бошланиб Баҳром қўшиқ бошлаган пайтда бир тўда жўралари билан марҳум бечора келиб қолди. Жой қуригандек баковул Шодмон Катта уларни бизлар ўтирган стол томон бошлади. Ана-ву муновларни тургазиб, шундоқ бизнинг пешонамизга уларни ўтиргиздида! "Эй хотин-халажнинг орасига ўтириб қолибмизку, яхши бўлмади-да" деди бечора!

Алимқул Баҳодирнинг қизи бу гапларни йўлига гурунг маъносида гапирган бўлсада. Аслида Раҳмонқулнинг қутилмаган қазосини эшитиб, юрагини қурқинч бир ваҳм юки босган ва бетизгин оғирликни унутиш илинжида Раҳмонқул ҳақида гапириб бироз енгил тортгандек бўлганди.

Раҳмонқул эса қаршисида ўтирган таниш сиймо бу қизчага кўзи тушганда, дафъатан сесканиб кетган ва оний бир лаҳза орасида Барчинойнинг марҳума эканлигини, бундан роса икки ойу йигирма етти кун аввал ўзи ва нақшинкор уйни ёқиб юборганини эслаган. Лекин фариштасиймо бу қиз Раҳмонқулнинг найзадек қадалган нигоҳини аввалига сезмаган, илтижо-

ли табассум муҳрланган юзидаги маҳзун бир ифодани ҳеч бир ўзгартирмасдан талотум даврани жимгина кузатиб ўтираверган. Раҳмонқул эса бу қизнинг давранинг сўниқ чирокларидан таралган шуълалалари аксланиб турган сутга чайилгандек тиниқ юзларидан, даврага оққуш мисоли бўйинларини чўзиб қараганда, қуюқ қора қошларининг нажиб бир чимирилиб, бундай чоғлар мунаввар бир нур билан порлаб кетган кўзларидан, эҳтирос ва шаҳват қўшинларини уйғотиб юборадиган анор гулидек ақиқ лабларидан, икки томчи сувдек Барчинойга ўхшаб кетадиган номаълум бу қизнинг гўзаллик, нафосат, ёшлик ва кибр аксланиб турган бутун сиймосидан унутилган, армонга айланган, ҳар эслаганда таҳқир бир хотира уйғотадиган ўтмишнинг изларини изларди.....

Аслида мусибат ҳақида ёзиш ва ўйларингни унинг азобли мулки маъвосидан олиб ўтиш шартми? Лекин бу саволнинг қанчалар мантиқсиз эканлигини исбот этадиган бир ҳақиқат бор; мусибат ва ғам бўлмаганда, яшашнинг фароғати ва қувончи ҳам бўлмас эди. Ахир осмон бўлмаганда ер, куёш бўлмаганда борлик, ёруғлик бўлмаганда зулмат, яхшилик бўлмаганда ёмонлик, эзгулик бўлмаганда қабоҳат бўлмаслиги ҳақидаги тушунчалар неча минг йиллар давомида башар фарзандларини мушоҳада этишга чорлаб келаяптику?! Ана шундай мулоҳаза этар эканман, ҳамиша хаёлимга бир ўй бостириб киради; Ўтмиш ва гўзаллик туташган жойда қияликда ўтириб, тақдир тилсимини излаётган одамнинг боқий ҳаёти бошланади - бу Рўзи Маҳшар йўлидир.

(Раҳмонқулнинг кундалигидан,
1989 йил 13 август)



Эътибор Норбўтаева

ЮКСАКЛАРГА ЙЎЛ ОЧГАН ПАРВОЗ

(Бадиҳа)

Фақат куёш шуъласидан озикланадиган овози сеҳрли афсонавий бир куш бўлган экан. Қадим Ҳиндистонда яшовчи бу кушнинг овози эшитилган заҳоти одамларда руҳ уйғоқлиги кучаяр, лекин унинг қандай учишини ҳеч ким кўрмаган экан. Бир куни ўша ғаройиб кушдан сўрашибди: "Сен қай томонга учасан – унгами, сўлгами?" У жавоб берибди: "Самомга. Юксакка парвоз қиламан".

1

Шерни қафасга солган билан у мушукка ё шоқолга айланиб қолармиди? Шер барибир шер-да. Куёшга тик қараб ўрганган, танида ога-боболарининг қайноқ қони кўпирган, кўркмас, бўйсунмас шер...

Ўзбек халқининг эркини кишанламоқчи бўлганлар бу миллатнинг ҳақиқатга тик қарай олишини, аждодларидаги жасурлик, вазминлик, андиша, шижоат авлодлари руҳиятида ҳам сўнмаслигини ҳисобга олмаганлар-да. Бекнинг боласи бек бўлишини, қафасдаги куш ҳам озодликка чиқиши билан кўкка қараб учишини билмайдиганлар ҳали ҳам йўқ эмас.

Истибдод даврида миллатимиз бошига не-не офир кунлар тушгани, халқимизни иймон-эътиқодидан айиришга бўлган ҳаракатлар маълум. Аммо энди у кунлар ўтиб кетди. Гарчи хотираларда маҳзун ва аламли кунларни қолдирган бўлса-

да. Шундай экан, ўтмишдаги хатолардан хулоса чиқариб, ёруғ келажак сари интилиш, олдинга қараб қатъий қадам ташлаш бугуннинг талаби. Ҳар қандай яхши ният билан қўйилган қадамнинг охири эса хайрли ва қутлуғ бўлади.

Бугун қутлуғ йўлда кетаётган катта қарвон, олий мақсадларни кўзлаб йўл босар экан, уларга йўлбошчилик қилаётган қарвонбоши ўзининг зийраклиги, зукколиги, тараффаққури, чуқур билими ва салоҳияти билан бу йўлдан олишмай халқига йўл кўрсатмоқда ва шу элнинг истакларини, орзуларни рўёбга чиқариш учун фидойилик билан давлатни бошқармоқда.

2

Президентимизнинг халқини юксакликка чорловчи, руҳиятини янгиловчи, маънавиятини улуғловчи, тафакқурини бойитишга хизмат қилувчи китобларидаги теран фикрлар, ҳар қандай зиёли киши қалбини тўлқинлантиради. Юртбошимиз ёзган китобларни варақлаганда йиллар ўтса-да, эскирмайдиган, жамият равнақиға хизмат қиладиган, бугун ва келажак учун дастуриламал бўлиб қоладиган асарлар яратиш учун улкан истеъдод билан бирга инсонда ўз элига нисбатан тошқин меҳр ҳам бўла олиши кераклигини ҳис этаман.

Жалолиддин Румийнинг шундай

сўзлари бор: “Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрлидир. Бизнинг сўзимиз сувга ўхшайди. Сувни мироб оқизади. Сув ўзини мироб қайси чўлга ҳайдаганини қаердан билсин? Балки карам, балки пиёз даласига. Гул боғига бўлиши ҳам мумкин. Шунисини биламанки, сув кўп келса, ер ҳам шунга яраша кенг бўлади... “Оллоҳ ўз ҳикмати эшитганларнинг ҳимматлари ўлчовида воизлар тилига кўяди”.

Ҳақиқатан, куруқ сўз ҳеч қандай куч-қудратга, қадрга, аҳамиятга эга бўлмайди. Қачонки унинг илдизи Ҳақиқатдан сув ичган, эзгуликка йўлдош бўлсан ундан тингловчилар тўлқинланади, завқланади, ҳузур, ором, қудрат олади.

Маълумки, 1999 йилнинг 16 февраль куни соат 11:00 да пойтахтимиз Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил якунларига бағишланган мажлиси бўлиши керак эди. Аммо мажлис бошланишига беш дақиқа қолганда Вазирлар Маҳкамаси биноси пойида ва шаҳарнинг яна беш жойида кучли портлашлар юз берди. Ушанда одамлар таҳликага, саросимага тушиб, нима бўлаётганига тушунмай қолган бир пайтда Юртбошимиз (ҳеч қандай тайёргарликсиз) оташин сўзлари билан халқ кўнглини кутара олди. Уша машъум воқеадан икки соат ўтиб, Олий Мажлис биносида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши ўтказилди. Унда Президентимиз жумладан шундай деган эди: “...нима учун хомуш кўри-насишлар? Журъатли, довюрак одамлар бўла туриб, бугунги рўй берган ҳодисалардан қандайдир ташвиш ва саросимага тушиш – бизнинг миллатимиз табиатига, шаънига тўғри келмайди... Шу каби мудҳиш ҳодисалар рўй берганида ўзимизни йўқотмасдан, иймон-эътиқодимизни сақлашимиз керак... Бундай пайтларда ҳар қайси миллатнинг, ҳар қайси халқнинг иродаси ва иймон-эътиқоди синалади... Биз бугун қандай ютуқларга – натижаларга эришаётган бўлсак – бу барчага аён. Бошқалар-

га нисбатан бизнинг ҳаётимиз қадам-бақадам кундан-кунга яхши бўлаётганини кўролмаётган кимсалар ҳар қандай жирканч ишга ҳам қўл уришга тайёр эканини биз олдиндан тасаввур қилиб, билиб олишимиз керак... Орқамизда ким турибди? Тоғдек халқимиз турибди. Тоғни ким ҳам ўрnidан сура олиши мумкин? Ҳеч ким! Мен мана шу минбардан туриб, мана шу дақиқаларда айтмоқчиман: кимки ўз йўлидан қайтса, у номард!”

Ҳақиқатдан ҳам, замонамиз кундан-кунга яхшиланиб, янгиланиб, гўзаллашиб бормоқда. Қаерга боқманг, бунёдкорлик, ободончилик ишлари авжида. Кўркам биналар, билим юртлари, қайта таъмирланган зиёратгоҳлар киши кўзини қувнатади, қалбни ҳаяжонга солади. Бугун Ўзбекистоннинг танлаган йўли тўғри эканлигини ривожланган давлатлар ҳам маъқуллаб, унинг истиқболи ҳақида илик фикрлар билдиришмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тараққиётга юз тутаётган давлатимизга ортдан тош отувчилар, фаровон ҳаётимизни кўролмайдиганлар кам эмас. Бундайлар кеча ҳам бор эди, бугун ҳам бор ва эртага ҳам бўлади. Халқимиздан талаб қилинадигани эса огоҳлик-хушёрлик, уйғоқлик, синкковлик, боқимандаликка берилмасликдир. Бу ҳақда Юртбошимиз кўп бор такрорлайдилар. Лоқайдлик, бефарқлик каби салбий одатларнинг катта фалокатларни бошлаб келиши мумкинлиги ҳақида бот-бот эслатадилар.

Уша - 16 февралдаги воқеадан сўнг Юртбошимиз юрагидаги кечинма, мулоҳазаларини халқимиз билан ўртоқлашар экан, шундай сўзларни айтганди: “Сизларга очиқ айтишим керак: мен аклли, кўпни кўрган баъзи одамлардан “Сенга нима керак? Нима қиласан ҳамма нарсага ўзингни уриб? Нима қиласан ўз принципингда бунчалик қатъий туриб? Сиёсатда андиша, муросаи мадорага риоя қилсанг бўлмайдими, ўзингни ўтга-чўкка уриб нима қиласан, барибир бу ҳаётни

ўзгартира олмайсан”, деган гапларни кўп эшитганман. “Минг йиллардан буён ҳаёт шу гарзда давом этиб келяпти, уни ўзгартириб бўлмайди, нима қиласан ўзингни бунчалик куйдириб, жонингда қасдинг борми?” деган гапларни ҳозир ҳам айтиб туришади. Буларга жавобан мен шу фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, одамлар ҳар хил бўлади. Боринги, мана шундай ҳаракатлар билан бировни кўрқитиш, йўлидан қайтариш мумкиндир. Лекин баъзи бир одамлар борки, уларни асло ўзгартириб бўлмайди, жумладан менга ўхшаган одамни ўзгартириб, йўлидан қайтариб бўлмайди! Менинг ҳаётим – иш, уй. Шу халқ, шу миллат ташвиши...”

Ҳадиси шарифда “Ватанни севмоқ иймондандур” дейилади. Иймон-мустақамлигини эса Ватанга бўлган муҳаббат белгилаб беради. Халқимиз ҳар қандай оғир вазиятларда, синовларда ўз кучини, иродасини кўрсата олган. Бу халқни букиб олиш осон эмаслигини тарих исботлаган. Бугунги авлод эса кечаги “эгилмас”ларнинг фарзандлари:

3

Ёзувчи Р.Ролланнинг шундай сўзлари бор: “Қаерда улуғвор маънавий қиёфа бўлмаса, у ерда улуғ одам ҳам йўқ”. Ушбу сўзларнинг маъзини чаққан ҳар бир киши маънавиятнинг жамиятда нечоғлик ўрни муҳимлигини англаб етади.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида билдирилган фикрлар ҳам шу юрт – она Ўзбекистонимизда ўсиб-улғаяётган фарзандларимизнинг келажаги ҳақида қайғуриб битилган тафаккур маҳсулидир.

Биринчи синфга борган болангиз мактабдан қалбида қувонч, қўлида янги сумка - Президент совғаси билан қайтади. У балки ҳали мустақиллик нималигини тўла англаб етмас, Ватан деб аталмиш муқаддас даргоҳимизда не-не силсилалар, дахшатли даврлар, бошқинчилик жанглари бўлиб ўтганидан хабар-

дор эмасдир. Хурлик, озодлик деган сўз замирида олам-олам маъно мужассамлигини, Ватани, халқини озод кўриш учун аждодларимиз кўрсатган жасоратлар ҳақида етарлича билмас. Аммо у Ватанининг буюклигини, толеи баланд элнинг боласи эканини, атрофида меҳрибон, ғамхўр зотлар борлигини ҳис қилади. Бу ҳислар уни улғайгани сайин шу эл, шу юрт учун муносиб фарзанд бўлишга даъват этиши аниқ.

4

Мутафаккир олим, ёзувчи Абдулла Авланий айтганидек: “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё ҳаловат, ё фалокат, ё бахт, ё ҳалокатдир”. Қайсики жамиятда таълим-тарбияга яхши эътибор қаратилса, ўша жойда илм кишилари кўпайиб, давлат юксатиш сари юз тутган.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликка эришилган илк паллалардаёқ таълим жараёнида ислохотларга кенг ўрин берилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши ва ижроси амалда уз куч ва самарадорлигини кўрсатди. Узлуқсиз ўн икки йиллик таълим тизими вужудга келтирилди. Бу тизимнинг афзаллиги ҳақида Президентимиз Москва Давлат университетида сўзлаган нутқларида ҳам таъкидлаб ўтган эдилар: “Агар мендан ҳозир нималарга кўпроқ эътибор беряпсиз: иқтисодиётдаги ва давлат тузилмаларидаги ислохотларгами ё маънавият масалаларига, ахлоқий негизлар ва кадриятларгами, ҳар бир инсон вужудидаги юксак орзулар ва шу негизларни тарбиялашгами, деб сўрасалар, уларнинг бирини- иккинчисига қарама-қарши қўйиб бўлмайди, деган бўлар эдим. Моддий асоссиз маънавий фикр яшай олмайди, маънавиятсиз моддий асос ҳам ривожлана олмайди... Эсингизда бўлса, совет даврида саккиз йиллик мактаб бор эди, шундан кейин муайян босқич яратилганди – тўққизинчи синфга

энг истеъдодли болалар олинар эди. Бу ҳол ота-оналар учун бош сғриги эди. Худо кўрсатмасин, уларнинг ўгли ёки қизи ҳунар-техника билим юртига тушиб қолса борми, бу гўё бир кулфат эди. У қандайдир иккинчи даражали муассаса ҳисобланарди. Шундай қилиб болаларнинг оз қисми тўққизинчи синфга ўтар, аксарияти эса кўчада қолар эди. Бизнинг назаримизда умумий таълим олиш учун тўққиз йил бемалол етарли. Кейинги уч йил лицейларда таълим олишдан иборат бўлиб, уларда асосан олий ўқув юртларининг муаллимлари дарс беради. Келгусида фан ва таълим соҳасида ишламоқчи бўлганларнинг кўплари олий ўқув юртларига ўқишга киради. Коллежлар эса ҳунар таълими беради, у ерда бир неча ихтисосни эгаллаш мумкин” (2001 йил, 4 май).

Пойдевори мустаҳкам иморатнинг узоқ вақт тура олиши ҳеч кимга сир эмас. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бошидаёқ танлаган йўлимизнинг ҳар томонлама лухта ўйланган, ҳаққимизни порлоқ келажак сари олиб чиқадиган йул экани аён бўлади. Мамлакатимизда эришилган ютуқларни жаҳон ҳамжамиятининг етакчи олимлари ва экспертлари ҳам эътироф этмоқда ва “Ўзбек модели” деб ном олган мамлакатимизнинг тараққиёт йўли накадар тўғри эканини тасдиқлашмоқда. Юртимизда ёш авлоднинг таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилаётгани эндиликда ўз самарасини кўрсатаёпти. Ёшлар фан, санъат, спорт, тадбиркорлик соҳаларидаги пешқадамликларини намоён этишмоқда. Уларнинг иқтидорларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилинмоқдаки, бу юртимизда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришишга замин яратаяпти. Ёш авлоднинг хорижий давлатларда ўтказилган танловларда иштирок этиб, ўз қобилият ва талантлари билан дунё ахлини лол қилиб, олий ўринларни эгаллаётганли-

ги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Бугунда бундай марраларнинг саноғи узун.

Ҳўш, улар шу кунларда, бугунга келиб шунақа иқтидорли бўлиб қолишди-ми? Йўқ, бизнинг аждодларимиз ҳам дунё цивилизациясига улкан хисса қўшишган. Бугунги ёшлар шу илдиздан кўтарилгандир. Бурунлари ўзбек боласини биров таниб, биров танимаган бўлса, бунга сабаблар кўп... Мана энди юртимиз, ҳаққимиз донғи жаҳонга таралмоқда. Ютуқларимиз кенг қанот ёзмақда. Бу “қанотлар” учун ҳукуратимиз хазинасидан ажратиладиган маблағлар ҳам оз эмас. Мустақилликдан сўнг 600 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилгани, уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани қайд этилмоқда. Уларнинг барчасида болалар ва ёшларнинг манфаатлари ҳимоя қилинган. 2010 йилнинг ўзида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш - соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилгани, “Баркамол авлод йили” дастурини бажариш учун 8 триллион сўм маблағ сарфланганининг ўзи юртимизда фарзандларимизнинг баркамол бўлиб улғайишлари учун амалга оширилгани ишларнинг кўлами нечоғли кенглигини билдиради. 2010 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди. Муҳтарам Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек: “Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўнал-

тириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизи-ни ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир”.

Бугун экилган ниҳол яхши парваришланса, эртага катта бир дарахтга айланиб, яхши ҳосил солиши, табиий. Яъни бугун ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик келажакда юрт равнақи учун минг, миллион марта фойда бўлиб қайтади. Албатта, ҳар қандай эзгу мақсад бир куни амалга ошади. Буни тарихнинг ўзи тасдиқлаган.

5

Шаҳрисабздаги Оқсаройни томоша қилиш учун Тошкентдан курсдошларим - Миллий Университет талабалари Қашқадарёга келишди. Тарихий бинонинг зиналаридан кўтарилиб, энг тепасига чиқиб, атрофни кузатишар экан, бу кўҳна обиданинг бузилган жойлари, кўчган ғишлари, нақшларига разм солиб, “Шу ҳолида шунча гўзал ва ҳайбатли, асл ҳолатида сақланганида у бизга қандай сир-синоатлардан сўзлаган бўларди”, дейишди.

Чет эллик сайёҳларнинг оқими узилмайдиган, ҳайратини уйғотадиган ушбу иморатни гарчи асл ҳолидек тиклашнинг иложи бўлмасада, у мустақиллик шарофати, Юртбошимиз ташаббуси билан қайта таъмирланиб, фусункор ҳолатга келтирилди. Она Ватанимизда жойлашган бу каби минглаб тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, қадамжолар, масжиту мадрасалар ўз асл-қиёфасини, қадрини топди, қайта тикланди. Бугун қадимий меросимиз ҳисобланган бундай иншоотларнинг қай бирига кўз ташламанг, ободонликка, боҳашамликка кўзингиз тушади, қалбингиз яйрайди.

“Инсоният тарихида ёрқин из қолдирган буюк шахслар аввало Аллоҳ таоло азиз тутган муборак заминда дунёга келади, - деган эди фахр билан юртимиз раҳбари Ислон Каримов Бурҳониддин Марғинович таваллудининг

910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда. - ...Қадимий заминимизда ўтган бу улуг зотларнинг яна бир хосияти шундаки, уларнинг шарофати билан табаррук мақбаралар, тарихий обидаларгина эмас, балки миллий тафаккуримиз, маънавиятимиз, миллий ғуруримиз, энг муҳими, халқимизнинг тарихий хотираси қайта тикланмоқда”, (2000 йил, 16 ноябрь).

Эҳ-ҳей, хароба аҳволга келиб қолган қанчалаб тарихий ёдгорликларимиз бугун қайта қад кўтариб, чет элдан келган сайёҳлар эътиборини тортмоқда, назарига тушмоқда. Жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

6

Бу йил Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига 20 йил тўлади. Шу йиллар ичида давлатимиз тараққиёт сари дадил қадамлар билан интилди. Одамларнинг ҳаёти янада фаровон, осуда бўлиши учун нима қилиш зарур бўлса, юртбошимиз ўша йўлни тутди. Бир пайтлар шаҳар ва қишлоқ ўртасида мавжуд бўлган катта тафовут ҳам бугун йўқолиб бормоқда. Қишлоқ жойларда қурилаётган намунали турар жойлар замонавий кўриниши билан қишлоқ қиёфасига ўзгача кўрк бағишлаётган бўлса, барча коммунал хизмат шароитларига эгаллиги билан аҳолига қулайлик яратиб, руҳиятига кўтаринкилик бағишляпти. Қишлоқларда тиббиёт соҳасидаги сифат ўзгаришларини ҳам фуқаролар ҳаётининг яхшиланиши учун қилинган ишлардан бири сифатида келтириш мумкин. Қишлоқ врачлик пунктлари энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Бизни қувонтирадиган яна бир ҳолат, кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффициенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффициенти 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушгандир. Туғма ва ирсий

касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайган...

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина давлатларга ўз таъсирини кўрсатаётган, уларни "йиқилишга" олиб келган иқтисодий инқироз бизнинг давлатимизга соя солмай тургани ҳам унга қарши пухта ўйлаб топилган "дори"нинг самарасидир. Яъни танланган иқтисодий тараққиёт моделининг амалда ўзини тўла оқлагани ҳозирда тасдиғини топмоқда. Бунди 2000 йилга нисбатан таққослаганда 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошганидан ҳам билса бўлади. Шунингдек, ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоизга ошган.

Йигирма йил давомида янги қурилган объектлари, таъмирланганларини санайдиган бўлсак, биргина қурилиш соҳасидаги қилинган ишларнинг ўзи яққол намён бўлади. Қабул қилинган ўзгартиш киритилган қонунларга кўз югуртириб эса уларда инсон манфаатининг биринчи ўринга қўйилгани, миллии менталитет, кадриятлар, эътиқодларимиздан келиб чиқилгани аён бўлади.

Юртбошимиз "Озодлик" радиосининг мухбирига интервью берганида: **"Гап фақат қурилган объектлар, ишхоналар, янги корхоналарда ҳам эмас, ўйлайманки, энг катта ютуғимиз, авваломбор, одамларимиз тафаккурида, қарашларида, уларнинг тушунчаларида рўй берган ўзгаришдир. Ва шу нуқтаи назардан қараганда, биз жуда катта, мустақкам пойдевор қурдик"**, деган эди. (2002 йил, апрель).

Ҳа, мана шу пойдевор, халқимиз яқдиллиги, интилишлари асосида фуқаролик жамиятини қуриш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, уларнинг фаолияти кенг йўлга қўйилди. Сиёсий партияларнинг жами-

ятдаги роли ошиб бормоқда. Бу партиялар ўз вазифаси нимадан иборат эканини астойдил англаб, ўз ўрни, салоҳиятини эгаллаш учун фаолликни кучайтиришмоқда. **"Биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган юрт кураимиз, жамият кураимиз, деб олдимизга катта мақсад қўйган эканмиз, сиёсий қиёфамиз, ҳаётимизда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мана шундай партиялар, ҳаракатларни, нодавлат ташкилотларни ташкил қилишимиз лозим"**, деган эди Юртбошимиз. (2002 йил, 4-апрель).

Ҳозирда тўртта партия фаолият олиб бораётган бўлса, уларнинг барчаси давлат, жамият, парламентдаги ўрни, маънавияти, салоҳиятини сақлаб қолиш, нуфузини янада ошириш, халқ ичига кириб бориб, ишларини қозониш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Мамлакатимизда уларнинг ғоялари, дастурий вазифаларини ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишидаги қафолати мустақкамланишига замин яратилган.

Балки кўзланган натижалар дарров амалга ошмас, бу бугун кучга кириб қолмас, лекин албатта, йиллар мобайнида кўнгли фуқаролик жамиятининг асоси бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

7

Бу азиз диёрда тонгда яхши дам-хордиқ олган ҳолда уйғониб, тунда хотиржам уйқуга кетамиз. Бунинг боиси нима? Албатта, тинчлик. Қўшни Афғонистонда анча вақтдан бери (аниқроғи 30 йилдан ошди) тинчлик йўқ. Тинчлик бўлмаган жойда эса на ривожланиш, на бунёдкорлик ишлари, на хотиржамлик ва на ҳаловат бўлади. Қирғинбарот урушлардан афғон халқининг юраги зада. Мактаб кўрмаган, қўлига китоб-қалам ушламаган аянчли қисмати олдида болаларимиз ҳаётини бир солиштириб кўрайлик. Эсимда, собиқ СССР даврида амманнинг ўғлини Афғонистонга, ҳарбий хизмат сафарига чақиришганда ҳамма йиғлаб кузатганди. Чунки у ерга борган

аскар тирик қайтиши ҳам, қайтмаслиги ҳам мумкин эди. Энди-чи, энди ўғлонларимиз ўз она Ватанларида хизмат қилмоқдалар. Соғинсангиз, бориб кўриб келишингиз мумкин. Бу нимадан? Албатта, тинчлик деган буюк неъматдан. Бугун бу юртда яшаётган одамлар яратувчанлик, бунёдкорлик иштиёқи билан яшамокда. Уй қураётти, тўйимда уйим меҳмон билан тўлсин деб. Ерга дон экаяпти, оилам тўқ, элим фаровон бўлсин деб. Тонгдан тунга қадар ширин ташвишлар гамида елиб югуради эртага эл олдида юзим ёруғ бўлсин, деб. Далага қадаган чигити ерни ёриб чиқишини кутгани ва бир текис униб чиқса, кувонади, худди янги фарзанд кўргандай. Ахир шунинг ортидан-да, топгани, бойлиги. Шунинг ортидан тўлади-да, дастурхони. Шунинг ортидан нафи тегди-да кези келса одамларга. Буларнинг бари ортадаги тинчликнинг эвазига эмасми?

Бизни кўриқлайдиган, чегараларимизга дахл қилувчиларга қарши зарба беришга тайёр турадиган армиямиз, ҳушёр аскарларимиз борлигига ишонганимиз учун бежавотир болишига бошқўямиз. Болажонимизни боғчасида қолдириб, кун бўйи бежавотир ўз юмушимиз билан банд бўламиз.

Мустақилликдан сўнг бошқа соҳаларда бўлгани каби армиямизда ҳам туб ислохотлар ўтказилди. Янги, ихчам ва замонавий талабга жавоб бера оладиган армия шакллантирилди. Юртнинг қудрати фақат армияси билан белгиланмаса-да, ташқи кучлардан, таъсирлардан халқини ҳимоя қилувчи армиянинг бўлиши муҳимдир. Шу боис ҳам миллий армияни вужудга келтириш давлат олдида турган асосий вазифалардан бири эди. Ва бу изчиллик билан амалга ошириб келинди. Эндиликда Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигига катта ишонч билан қараш мумкин. Юртбошимиз Америка Қўшма штатларига расмий ташрифи ниҳоясида журналистларга интервью бериб: **“Армия қачон кучли бўлади? Армия замонавий қуролланган бўлиши**

билан бирга, ўзининг кучига ишонган, нима учун хизмат қилаётганини англаган аскарлари билан кучли бўлади. Ҳар бир аскар ва офицер мен нима учун хизмат қилаяпман, мақсадим, муддаоим нима деб ўзига савол берса, ватанпарварликни сўзда эмас, амалда кўрсатса, бугун ҳаракатини, бутун вужудуни шунга қаратса, Ваганимни ҳимоя қилишга, Ватанимнинг озодлиги, эркинлиги, дахлсизлигини ҳимоя этишга ҳаётимни бағишладим, бу йўлда ҳамма нарсага тайёрман, деган ишонч билан ҳаракат қилсагина бу ҳақиқий замонавий армия бўлади”, деган эди. (2002 йил, 14 март).

Президентимиз Ислон Каримовнинг “Халқаро миқёсдаги лидер” мукофоти билан тақдирланиш маросимида тилга олган бир жумласи ҳар қандай одамнинг эътиборини тортиши шубҳасиз. Унда диний ақидапараст кимсаларга таъриф бериб туриб: **“Бу ёвуз кимсаларнинг атоқли бир ёзувчи айтган “бутун жаҳоннинг бойлиги ноҳақ ранжитилган гўдакнинг бир томчи кўз ёшига арзимайди”, деган фикрни тушуниши мумкинлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ўзи ортикча”,** деган эди.

Буни террористларнинг 11 сентябр кунини Америка Қўшма штатларининг ҳукуматига етказган талофатларидан ҳам бутун дунё мамлакатлари англаб етди.

Президентимиз ҳаётимизни янада фаровон этиш, юртимиз тинчлиги, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш ишига ҳаммиша эътибор қаратиб келади: **“Ана шундай қалтис шароитда барча зарур чораларни, айтиш керакки, бундай хавф-хатарларнинг йўлини тўсишга қаратилган тадбирларни кўрмаслик халқимиз олдида, аввало эртага бизнинг ўрнимизга келадиغان фарзандларимиз, янги авлод олдида жиноят эканини яхши англаймиз”,** дейди.

Юртбошимизнинг сўзларидан қалбимиз янада ишонч, гурурга тўлади. Юксак мукофотга Президентимизнинг муносиб кўрилгани ўзбек халқининг бошида зукко, теран ақлли, аниқ ва эзгу мақсадлар эгаси тургани, бундай йўлбошчи билан буюк давлат қуриш мумкинлигига янада ишонч ортади. Ахир, бу мукофот юксак эҳтиром сифатида топширилган, халқро террорчиликка қарши курашга, бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка эришиш йўлида қўшган ҳиссаси учун муҳтарам Юртбошимизга берилган муносиб баҳо эди.

Бугун ўта мураккаб, зиддиятли, ахборот хуружи авж олган бир пайтда юрт тинчлигини сақлаб туриш осонми? Ўз йўлида тинчгина кетаётган қарвонга тош отувчилар озми? Шундай пайтда халқига қалқон бўла олувчи, "қўшнинг тинч сен тинч" деган мақолдаги ҳикматга тўғри ёндашиб, вазминлик билан иш юритиб, барчасини яхшилик, сабр, муроса йўли билан ҳал этишни маъқул топган юрт раҳбарига суянмай халқ қимга суянсин? Ҳар қандай таҳликали вазиятда андиша, сабр билан қўл ишларни бажариб юборган халқимиз бундан кейин ҳам ҳамжихатликда, қизиқонликка берилмай, меҳрини кенг тутиб ҳаракат қилсалар, бундай юртга ёғилган тошлар зое кетиши аниқ. Агар ён-атрофимизда нима бўлаётганига бефарқ қарасак, эртага яхшигина қўшни бўлиб юрган кишингиз диний экстремистик гуруҳ аъзоси экани аён бўлганида бош чангаллашдан фойда йўқ. Бугун болам ичмайди, чекмайди, деб назоратни бўшаштирсак, бутун дунёга хавф солаётган гиёҳвандликнинг тўри уни тортиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Шундай экан, бир лаҳза бўлсин, бефарқ, лоқайд бўлишга, "менга нима?" қабиллида иш тутишга ҳаққимиз йўқ. Шу азиз Ватан барчамизники.

8

Инсоннинг қийматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. У махлуқотлар ичида энг мукаррами ва азизи саналади. Инсон комиллик сари интиларкан,

ўзини илоҳиётнинг бир бўлаги эканини ҳис қилиб бораверади. Ижод, кашфиёт - буларнинг ҳаммаси Оллоҳнинг санъатию, маҳорати. Фақат инсонинг қалбига кўчган кўчирмаси холос. Бирок инсон эъзоз топмаган жамиятда талант ҳам ўз қадрини йўқотади. Буюк истеъдод намунаси дунё юзини кўрмасдан нобуд бўлиши ҳеч гапмас. Одамзот шахсга айланиши учун унга шахс сифатида қаралсагина, йўли равланлашиб, адашган сўқмоқларидан ортга қайтиши, пашаймонлик гирдобида ўзини қайта таниши ва ҳаёт гўзаллигидан баҳра олиб яшашга муносиб зот эканини ҳис қилиши мумкин. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, мустақил суд тизimini таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Суд тизимида ҳам бошқа соҳалардаги каби ислохотлар юритилиб, инсонпарварлик ғояларини ўзида муҳасам этган қонун ва қарорлар қабул қилинди.

Юртбошимиз Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маърузасида, "Шу йилнинг июнь ойида менинг топширигим бўйича тергов ҳибсхоналарида ўтказилган текширув натижасида жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва ҳатто етказилган моддий зарарни тўла қоплаган шахслар қачон суд мажлиси бўлишини кутиб, ойлаб ҳибсда сақланган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бир ой ичида тергов ҳибсхоналаридан икки минг нафардан зиёд ана шундай шахслар озод қилинди.

Бундай ҳолатларнинг ҳар бири ортида тирик жон, бизнинг ватандошимиз, унинг алам-изтиробларини бирга тортаётган ўғил-қизлари, оиласи, қариндош-уруғлари борлигини, минг афсуски унутамиз", деган эди. (2001 йил 29 август)

Суд-ҳуқуқ тизимида юқоридагидек нуқсонли қонун-қоидаларнинг жамият учун ҳеч қандай фойдали томони йўқли-

гини тўғри англаган Юртбошимиз ушбу тизимни тубдан янгилаш, бу борада катта ислоҳот олиб бориш йўлида самарали ишларни амалга ошириганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

“Шуни тан олиб айтиш керакки, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик – бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади”, дея қуюнчаклик билан уқтириб ўтганди Юртбошимиз. Сўнгги йилларда қабул қилинган “Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунларнинг қабул қилиниши жамиятда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тула ёритиб берилиши билан бирга вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими, уларнинг ваколатлари белгиланди. Бу эса қадимдан ажодларимиз тилида такрорланиб келаётган “Бир болага етти маҳалла ота-она” иборасининг амалдаги исботи.

Келажак авлод ғамхўрлигини ўйлаган юртбошимиз: «**Шуни барчамиз яхши англаб олишимиз муҳимки, колониядаги ишлар нечоғлик яхши ташкил этилмасин, барибир бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас. Кўп ҳолларда арзимас қилмиши эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига киради, ушаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш-тарзига хос кўникмаларини эгаллай бошлайди**”, дея барча жиҳатларни бирдай эътиборга олиб, вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизимига янгилик киритиш

таклифини қўйган ва шундан сўнг суд-ҳуқуқ тизимида бир қанча ўзгаришлар, янгиликлар бўлганди. “...**Фарзандлари, неваралари бор, соч-соқоли оппоқ қарияни ҳаётдан маҳрум этиш бизнинг миллий анъаналаримизга мутлақо тўғри келмайди. Кексаларни эъзозлаш, уларга мурувват кўрсатиш ва ғамхўрлик қилиш халқимизнинг ўзига хос бетакрор ва бебаҳо инсоний фазилатларидан ҳисобланади...**”

Собик иттифоқ даврида миллий анъана, миллатнинг қадриятлари билан ҳисоблашилганмиди? Бу мустақиллик деган неъматнинг шарофати. Шу миллатга Оллоҳнинг юборган йўлбошчисининг ботинидан отилиб чиққан сўзлари, эътиқоди - “**Ёши бир жойга борганида жиноятга қўл урганлар, майли, яхшиси, Оллоҳни ёдга олиб, унга илтижо қилсин, яқин орада Яратганининг ҳузурда ўз қилмишларига яраша ҳисоб бериши муқаррарлиги ҳақида ўйласин. Майли, хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри ишлари учун улар вақти-соати келиб, невара-чеваралари, келгуси авлодлари олдида жавоб бериши лозимлиги ҳақида ўйласин**”.

Ўзбекистонда олиб борилаётган сиекат ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган ва бу муқаддас ватанда азиздир инсон ғоясига хизмат қилмоқда. Бугун тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимизга ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Шу юрт, шу Ватан фарзанди эканлигимдан қандай фахрланмаслигим мумкин?! Бизни боқаётган шу она тупроқни азиз кўрмай бўладими? Сабр-матонат билан меҳнат қилиб, юрт равнақига ҳисса қўшаётганидан ўзини бахтиёр ҳисоблайдиган меҳр-оқибатли бўлган шу халқни улуғ санамаслик мумкинми? Бундай одамларни ҳурмат қилмаслик ношукрлик бўлмайди? О, суюмли элим, суюкли Ватаним, кучоғингдан айирмасин Тангри ҳеч қачон!

Ўзимники имон, Ўзимники эрк



Бир куч тортар, бўлди дегунча имкон,
Муқаддас –киндик қон тукилган замин.
Девори азобдан тикланган макон,
Тоқатдан ёпилган тўрт ёғоч томи.

Юрагимда ҳорғин ёмбошлар соғинч,
Ёллари қайрилган тулпор-масофа.
Кетгувчи, қайтгувчи кўноқлар зим-зич,
Йўлларда югуриб умрлар соба.

Шошқалоқ йўлларнинг чўнтаги тешиқ,
Рухим дарчалари дарз кетган хона.
Соғиниб, ҳовлиқиб қоқаман эшиқ,
Дарвозани очар чўккан остона.

Қаршимда мўлтирар меҳрибон нигоҳ,
Қалбимдан узилар бир томир илкис –
Шаҳардан беҳуда қидириб, э воҳ,
Мен тополмай юрган ғариб ҳис.

Кучоқлаб бағрига босади меҳр,
Хўрсиниб-хўрсиниб йиғлайди сукут.
Ичкари, ташқари эшиклар бир-бир
Унут шамолларга юз тутар, унут.

Меҳр –момоларим туқиган тумор,
Оқибат –боблар йиғирган тасбех.

Эътиборсиз-тасбех, писандсиз-тумор,
Юрагим тубида инграган Касби.

Юлдузнинг тушидай ўтар бир нафас,
Мен сенга суяниб яшайман, асли.
Билгинки томоша қилгани эмас,
Дардингни олгани келаман Касби.

Кел, ёнимга ўтир сунбулсоч:
Соғинганим, кел интизорим.
Сен келган дам бағримда қувонч,
Сен кетган дам бағримда зорим.

Кел, ёнимга ўтир мохтобон:
Доғни унут, ҳижронни унут.
Тўйиб-тўйиб сўзласин армон,
Тўйиб-тўйиб тингласин сукут.

Кел, ёнимга ўтир оташ бўб:
Куйдир, майли, ёндир, майли, ёр.
Бу дунёда куйдурган-ку кўп,
Бу дунёда куйган ҳам бисёр.

Менга хатлар йўллайсан, жоним,
Соғинчларинг йўлларда бўзлар.

Қандай қилмай ёзасан ёниб –
Қоғозларга ботади сўзлар.

Таъна билан бошлайсан уни,
Тугатасан умид-ла ҳар гал.
Имконсизлик қийнайди мени,
Хатларингга дуч келган маҳал.

Кўзларимни куйдириб такрор
Мен уларни ўқийман, чўғдир.
Ёзолмайман жавобин зинҳор,
Турар жойинг сўнгида йўқдир.

Ўзининг фойдаси учун
бу кимса,

Қийналмай ўтади:

Эркин, бемалол,

Чивинлар ҳам қисилиб

қоладиган тешиклардан.

Лекин, бировнинг эҳтиёжи йулида эса
сигмайди, ҳатто ланг очиқ эшиклардан.

Ёбонларда ухлар бир бола,

ойнинг чопонига ўралиб.

Олисларда, қадим ўзани-нола

Қашқадайро ётар буралиб.

Тун ойдин. Тун салқиндир хийла

эти совуб жунжикар ёбон.

Юлдузларнинг кўзлари тийра,

боши узра термулар осмон.

Куни бўйи боланинг тамум

тинкасини қуритган бот-бот:

қай ўнғирда очофат самум,

қай сайхонда ёввойи таппот?!

Тўлғанар. Қўл чўзар. Қўзигул

исларини тўкади сўнг бор...

тушларига киради дулдул,

тушларига кирар зулфиқор.

Ёбонларда ухлар бир бола...

Содиқ бўлиб қолар дарахтлар фақат,

Ишониб дардингни ёрсанг уларга.

Сени тинглар топиб сабр ила тоқат
Ва ҳаргиз ишончинг сочмас елларга.

Ноҳақликдан тўйиб, канглунгда қадар,
Боқсанг дасти узун зотларга тикка,
Дарахтлар ёнингда бўлгайдир мадор –
аро йўлда ташлаб кетмайин якка.

Суянсанг кўтарар оғирлигингни,
юрагингда кўчар фарахлар.
Одамлар ўқситган мискин бағрингни
умидга тўлдирар дарахтлар.

Қишлоқ аёллари – тинмаганларим,

Қора меҳнат эзиб қўйибди сизни.

Ҳаловат нелигин билмаганларим,

Бирпас йиғиштиринг бор ишингизни.

Ташвишларни четга қўйинг озгина:

Ўзингизга қаранг,

Ўзингиз бир ҳол.

Рангингиз синиққан,

Киртайиб тинар –

ич-ичига ботган кўзингиз бир ҳол.

Мадорингиз тинар, лек, тинмайсиз, сиз,

Тиним бор елларда,

Сизда йўқ тиним.

Ўзам-ҳакоб дейсиз,

Пиллам оч дейсиз,

Муштаккина жониз билмайди қўним.

Жонҳалак чопасиз:

Тинкангиз титар,

Бўй етган каттангиз тўйининг ками.

Канглунгиз титкилаб,

Зирқираб ситар –

Дугонангиз ўглин куйдирги –ғами.

Аждаҳо комидай ястанган дала,

Сўнгакингиз ёғин олади сўриб.

Офтоб куйдиради-

Чинқирак бола,

Сийнангиз тутасиз силлангиз қуриб.

Тўлиблар кетасиз, воҳким, ташвишдан,

Тўйиблар кетасиз, шундай бир пайтлар.

Умрингизнинг ярми битилмиш ишдан,

Ўзимники имон, ўзимники эрк

Ярмига дардкорлик этилмиш қайдлар.
Шундай ўтар сизнинг умр гузарон.
Ризқингизни қийиб –
Қолдирмай чимдим:
Узатасиз катта манзиллар томон,
Хузур косасини тўлдириб лим-лим.

Оқшом. Овқат ўтмас. Чарчаб қоласиз,
Ҳасрат,
Истеҳзо йўқ бир-бирингизга.
Кучингиз етади –
Қасд қилоласиз,
Зигирча айби йўқ юрагингизга.


Кўлингиз қадоғи
Қабарган азоб,
Манглай ажинлари–
Бемавруд поён.
Сизнинг жимлигингиз борлиққа –жазо,
Сизнинг ўлимингиз меҳнатга-исён.

Ердан олганмисиз ё тупроқ ила,
Авайламайсиз ҳеч хаста бу жонни?!
Ярим армон билан,
Ярим дард билан,
Вояга етказасиз иймонни!

Зигирча ҳам ҳиммат қилмагин менга,
Тариқча ҳам инъом кўрмагин раво.
Миннатли марҳамат сингмас канглумга,
Таънали иноят поримас асло.

Миннатнинг шарбати қақшатар тишни,
Елкани синдирар таънанинг шони.
Кувват бериб, мағрур кўтарар бошни
Қаттиқ бўлса ҳамки фақирлик нони.

Бойлигинг, мартабанг кучоқлаб худди,
Кўлингда тутасан қармоғларни берк.
Аслида, мен сендан бойроқман, чунки,
Ўзимники имон, ўзимники эрк.





Ҳақим САТТОРИЙ

СУҶАТЧУ СУҶОЖ

(«Соғинч» романидан
парча)

3. 01. Ўқишга ҳужжат топшириш фурсати етганди. Ўғлон отаси билан йўлга чиқди. Овқадан эниб, Калтакўлнинг толига келганларида, пастдан Убай амаки чиқиб келаётган экан.

— Эшитдингизми? — деди отага қараб.

— Нимани? — дедилар ҳеч нарсадан беҳабар одам.

— Эшонқул тутдан тушиб кетиб, бели синибди, касалхонага етибди.

— Ол-а, — деб юбордилар отаси афсусланиб, — қачон бўлибти?

— Ўтган кун. Пилла олганакан, ушанга барг олиб келаман, деб...

Ақаси тагига ёғоч тахта қўйилган қаравотда осмонга қараб ётар, ранги-рўйи жойида эди. Фақат суяк битишини кутиши лозим эди. Энди йўл кўрсатувчи одам йўқ, Тошкентга эмас, Самарқандга ҳам бориб бўлмайди. Ўзининг якка кетишига ишонмайдилар, онаси қаттиқ тайинлаган. Шундай қилиб, “Ҳаммаси бир ўқиш-да” деб, Қаршидаги олий ўқув юртига ҳужжат топширадиган бўлди. Отаси бу йил мақсади ҳосил бўлиши учун ҳамма нарсага тайёр эдилар чоғи, Қаршига бирга борадиган бўлдилар.

Автобусда Қаршига келиб тушгач, ўтган йил тиббиёт билим юртига ўқишга кирган тенгдошлари Зайниддин ва Овлоқулнинг яшаш жойини излаб кетишди. Уларнинг тайинлаб айтишича, йўналишдаги автобуснинг ўн биринчи бекатида тушишлари керак эди, адашиб, икки бекат олдин тушиб қолишиб-

ди. “Бегона шаҳарда мусофирнинг кўзи кўр” деганларидек, роса сарсон бўлишди. Охири манзилни топиб олдилар, отаси “Эски шаҳар демайсанми, мана бу Каллахона кўчаси, бу жойларни билламан” дедилар.

Журалари кўчанинг охирида туришар экан. Эскироқ ҳовли, даричадан киришда чап томонда уй эгалари яшайди, ўнг томонда даҳлизли хона уларнинг ихтиёрида. Жойлашиб олгач, отаси “Раҳмоналини топайлик, сени шунга тайинлаб кетаман” дедилар. Институтдан ёш домлани топиш қийин бўлмади, зармаслик қариндошлари ўз ётоғида экан. Ота гаплашиб олдилар, озгина “харажат”и билан иш ҳал бўларкан. Кўнгиллари тинчиб, отаси қайтиб кетдилар.

Ҳужжат қабул қиладиган домла “Э, Тошқўрғонга ўқитувчи кам боради, шу йигитчаникени олайлик” деб ҳафсала билан қоғозларни варақлаб кўрди-да, “Меҳнат дафтарчасининг нусхаси йўқ экан, шуни тўғрилаб келсанг, бирданига топширасан” деб қайтариб берди. Бунинг учун Яккабоққа, яна хўжалик маркази Қайрағоч қишлоғига бориш керак эди. Ўзи, дафтарчани олиш ҳам анча қимматга тушувди, таниқли чўпон Қажом тоға, ҳисобчи Хайрулло поччанинг қийин-қистови билан ёзиб беришувди, бу сафар нима қилишаркин? Дардини тинглайдиган одам йўқ эди, эртага ўзи бориб келмаса, бўлмайди. Кечаси билан безовта бўлиб чиқди, қандай топиб бораман, машина бўладими, нусхалаб

беришадими, каби саволлар тинчлик бермасди.

Тонгда Қарши — Шахрисабз астобусига чикди-да, Тўрттомнинг йўлига тушиб қолди. Бу ёғи ўн беш қақиримча масофа, пиёда бориб бўлмайди, узоқлик қилади. Теп-текис далада, йўл бўйида кутиб турди. Бир оздан кейин борти шақирлаб, юк машинаси келди, унга чиқиб олди. Қайрағочда поччага учрашган эди, ҳеч оғринмай, қаерларгадир кириб чиқди (машинкада нусхалатди чоғи), бир оздан кейин муҳр қўйилган қоғозни қўлига берди, катта йўлга чиқадиган бир машинага миндириб ҳам юборди. Шу билан мушқули ҳал бўлди. Автобусга илашиб, оқшом Қаршига етиб келди. Бу ўзи уддалаган биринчи мустақил катта иш эди, бировнинг кўмагисиз узоқ қишлоққа бориб, юмушини битириб келганди. Унинг муваффақчили амалга ошганидан хурсанд эди. Агар одам бир ишга дадил киришса, мақсадга етиши аниқлигига ишониб бораётганди. Хужжатлари шу тахлит қабул кидинди.

Тенгдош жўралар аини бир-бирини топган эдилар. Зерикни йўқ (Самарқанд-дагидек), ўйин-кулги, тайергарлик ҳам меъёрида. Уй эгаси Наби ака хайдовчи, кенг феъл одам, унча-бунча нараса билан иши бўлмайди. Унда ота билан суҳбат чуқур таассурот қолдирган чоғи, “Бобо зўр одам экан” деб қўяди бот-бот. Бир куни юк машинасидан бўшаб, таксига ўтмоқчилигини, шунга бир ариза кераклигини айтиб қолди. Ёзиб берди. Орадан кўп ўтмай хурсанд бўлиб келди, оғзи қулоғида, ишга қабул қилишибди. Унга “Қачон бўлса бизнинг ховлига келавер, сендан пул олмайман” деб ҳиммат қилиб юборди.

Ўқишга кирди, фақат битта шартни бажариш керак эди: қабул қилинганларнинг ҳар бири мингтадан фишт қўйиб бериши лозим экан. Яна бир синовга рўбару бўлди. Фишт қўйиладиган майдондалар. Атрофда хандақлар, қўйилган фишлар. Фиштни кўрган-у, у қандай қўй-

илишига иши тушмаган. Мана энди ўрганадиган бўлди. Қолип, белкуракни ижарага беришди. Цистернада сув ҳам турибди. Ҳали бир-бирини танимаган кишилар ишга киришиб кетган, ҳамма билганини қиляпти.

Тупроқ кавлаш учун белни ерга урса, бўйламайди, ер тошдек қотиб кетган. Майка-трусикчан бўлиб, бир оз тупроқ бўшатди. Сув қуйиб, лой қориди. Ораора бошқаларнинг ишига разм солади, биров “ғинг” демайди. Шу билан бир кун ўтди. Бадани офтобда қуйган экан, кечаси товланиб чиқди. Эртаси ишни лойни қолипга жойлаб, қуйишдан бошлади. Лой қолипдан тушмайди, қолипни намлаб, кейин кум сепиш керак экан — қайдан билсин. Кум топиб, бошидан бошлади. Ўн чокли фишт қуйгунча бўлгани бўлди. Бунақада. қачон мингга етказди?

Майдонда ҳам одам сийраклашиб қолди. Суриштирса, сотиб олса бўларкан, “нархи палон пул”. Одамлар қийин вазиятдан чиқишда каллани ишлатади, каллага қўлоқ солса, “Раҳмоналига учраш” деди. Домла аҳволини кўриб қулиб юборди, “Эртароқ келмайсизми? Сиз фишт қўя оласизми?” деди. Баракалло, ўзи ҳам шу хулосага келди. “Нима қилай?”. “Пулини бериб қўяверинг”. “Кимга?” “Менга”. Шундай демайсизми? Олдин ҳам Тезгузардаги Хайрулла акадан “харажат”ни олиб келиб берувди, буниси унинг йигирмадан бири экан. У ташналик, у иссиқ, у азобнинг олдида ҳемири ҳам эмас.

Ҳамма иш силлик битди, сиртки бўлим талабаси бўлди. Пешонага ёзилгани. Икки ҳафта ўқишди ҳам. Талабаларнинг энг ёши у, ундан икки ёш катта Туфли деган бола бор. Қолганлари ёши катта одамлар, эллик-олтмишгача. Шу пайтгача ўқимай, нима қилиб юришган экан? Касблари ҳам ала-қурок: ички ишлар ходими, ҳарбий, бензаколонка қуювчиси, район маданият уйи мудир, кутубхоначи, қишлоқ шўросининг котиби, аксарияти эса ўқитувчилар. Ўсмир-

ни булар кам қизиқтиради, диққат эътибори — домлаларда. Улар олдин ҳеч эшитмаган гапларидан сўзлайдилар. Ҳаммасини эслаб ёки дафтарга ёзиб олишга интилади. Хуллас, ҳаётида янги саҳифа очилгани рост.

Бошланғич курсни тугаллаб, дастлабки синовлардан ўтиб, Дара йўли билан қишлоққа кириб борар экан, қарама-қарши ҳислар оғушида эди. Ўқишга кирганига хурсанд бўлай, деса, бор-йўғи сирткига қабул қилингани учун яйрай олмасди. Хафа бўлай, деса, барибир мақсадига етди-ку, ўқишга кирди-ку, деган иқрор жўшиб чиқарди. Ҳар ҳолда бу гал қадимий масканга тайинли, турумли бир одам сифатида қадам қўяётганди, таржимаи ҳолида ёзиладиган аниқ саналар пайдо бўла бошлаганди. Қаршисида кенг уфқ очилмоқда, фақат уни кўра олиши керак бўлади. Гапнинг дангали шу, бу ёғи ўзига боғлиқ.

3. 02. Чиғир тошли илонизи йўлдан майда қадамлар билан илғарилайди. Ингичка из босқондек қотган. Минг йиллар давомида ҳатто кўзга ташланмайдиган эгри-бугри сўкмоқдан йўлчилар турли алпозда ўтганлар. Ундан, эҳтимол, ҳали мато кийимлар кашф қилинмаган пайтда елкасига тери ёлғиниб, қадимги аждодимиз кезингандир. Бойлиги яйловга сиғмай кетган, тиллони хуржунда арпадек ортиб журадиган бойлар, бурда нон илинжидаги қашшоқлар, ҳокимият ишқида ёнган мансабпарастлар, кўлига кишан солинган қатагон курбонлари, гўзал келинчаклар, келажагини излаган ёшлар ўтган бу излардан. Ҳаёт каби қадимий, китоблардек маънига бой, қадрият сингари дахлсиздир бу йўллар. Бу изларни биринчи ким очган — жавоб топмоқчи бўлсак, бош айланиб кетади. У кашшофлар бирон жойда қайд қилинмаган, асрий гувоҳлар — тоғ қоялари эса абадий сукутда. Разм солган одамга ҳар бир қадам ҳикмат, ҳар бир унсур синоат. Қаламнинг қоғозда-

ги изини ўқиш калити мавжуд, ҳарфларни бир-бирига қўшса, сўз, сўзларни уласа, гап ҳосил бўлади. Афсуски, инсон қадамнинг ерда қолдирган изини таҳлил қиладиган илм ҳали йўқ. Олимлар сув томчиларида хотиралар яшашини аниқлаб, уни ошкор этишга уринаётган экан, эҳтимол, ердаги изларни ўрганадиган илм ҳам пайдо бўлиб қолар.

Сувлисойдан кейин машина ҳаракати тўхтайди. Унинг четидаги сойдан амаллаб ўтиб олган тўрт ғилдирак ўрмончилар маскани — Калтакўлгача ўрмалаб бориши мумкин, Дара йўли эса пастга қайрилиб кетади. Дарё (бу ўша қадрдон Қизилсувнинг яна ҳам чашмалар билан тўлишган давоми)нинг нари томонида Тотор (балки — “Тоғтор”дир) қишлоғи, унинг сийрак уйлари-қалин дарахтлар орасидан аранг кўзга ташланади. Йўл измига тушиб олган оёқ эса етаклаб, гувлаб турган дарага олиб кириб кетади. Тупроқли йўл бориб-бориб тошлоққа айланади. Чегара — Даранинг оғзи деб номланган. “Дара” сузини, ётоқли от — шу жойдан Тошқўрғонгача ва ҳатто ундан ҳам ичкаригача чўзилиб кетган арна, қапуғ номи сифатида ҳам, шунчаки жуғрофий атама ўрнида (дарё, кўл дегандек) ҳам қўллаш мумкин. Бир уловли ёки пиёда сиғадиган из уни бутун бўйича тилимлаб кетган.

Икки томонга тисарилиб, дарёга йўл берган қоялар қуршовига тушиб қолганда, мутаносиблик ҳажмга нисбатан қанча тенгсиз бўлмасин, ушоққина инсон ҳеч нарсадан тап тортмай, ўз виқори ва қудратини намойиш этиб, унинг бағрига ёйдан отилган камондек дадил сингиб кетади, авлодлардан мерос бўлиб қолган йўналиш бўйлаб, мақсади сари интилади. Бир қатта харсангни айланиб ўтиш ҳам машаққат, у кўндаланг туриб олган, гўё елкасидаги хизмати — йўловчининг равон юришига тўсиқ бўлиш, шу вазифаси учун у бор ва яралган, ҳозирча уни йўлдан суриб ташлайдиган куч

бўлмаган, фақат айланиб ўтиш лозим. Қоялар зикналик билан дарёгача бос-тириб келган, қирғоққача бир қадам қолдирмаган жойлар бор.

Бир вақтлар ўн қақиримга яқин дара йўлида ўн олтита кўприк бўлган, қаерда йўл қояга тақалиб қолса, нари қирғоққа из солинган. Кўприклар ҳам илма-тешик, зогосаю саритоллар шапшаб қолган, тупроқ йўқ (чўнг қоялар ичида ер ҳам ғойиб бўлган), тўкилган тош парчалари турмайди. Гувоҳ бўласизки, юк ортилган эшакнинг тўрт оёғи ҳам кўприкнинг илма-тешигига тушиб, “дорбоз” бўлиб қолган ёки харини “миниб” олган. Ҳаракатни давом эттириш учун аввал эшакнинг устидан юк туширилади, кейин тўқим ечилади ва жониворнинг думидан, қулоғидан тортиб, жабрдийда эшак “қопқон”дан халос қилинади. Бу ҳол бир, боринки икки-уч такрорланса, чидаш мумкин, баъзан ўн олти кўприкнинг саккиз ё тўққизда эшак боёқиш йўлдан тояди-да. Энди уни “озод этиш” машаққатини чамалаб кўраверинг. Тоғликнинг неча авлоди, уларнинг бебаҳо ҳаёти шу даҳмазалар ичида захмат тортиб ўтиб кетди.

Энди анча тараққиётга эришилган, йўл бир томонлик бўлган: бошда ва охирида иккита кўприк. Кўприклар ҳам кўтариб солинган, болинглари бақувват, унча-бунча сел таъсир қилмайди. Йўл ўша-ўша, бир из, қарши томондан келиб қолганлар кенгроқ жойларда елка тираб, бир-бирини ўтказиб юборади. Ўғлон секин олдинга босар экан, бошда фақат тезроқ бу қуршовдан чиқиб, қишлоққа етиб олишдан бошқа хаёл йўқ. Зеҳн-эътиборни оёқ тагига ва атрофга қаратиш шарт, тойиб кетиш ёки тепадан тош учиб келиш эҳтимоли мавжуд.

Дарёнинг қояга тиралиб келган жойлари портлатилиб (геологияда ишлайдиганлар “аманит”, “динамит” деган тоғбузар ашёларни топиб келишгач, улардан фойдаланилган), ингичка из очилган, кўп жойларга шоти (осма йўл) бойланган, уларни сув ювиб турибди.

Дарёнинг шовуллашидан кулоқ батанг бўлади, бу шовқин яна кучли ваҳима кўзғайди, бир кишининг фавқулодда бу жойларда юриши қўрқинчли. Нам кучли, салқин, қоялар тик жойларда осмон ҳам кўринмай қолади. Ана шундай кам учрайдиган манзаралар бўйлаб одимлаб, ҳаяжон ва ҳарасон билан киндик қони томган қишлоқ сари бораяпти. Аждодлардан қолган қадим маскан кўринмас иплар билан қучоғига тортади, унинг меҳри қақир тошларни босиб ўтишда куч беради.

Дарадан чиққач, ҳамроҳи Зармасга қараб тирмашиб кетди, тошлоқ тугаб, тупроқли дала бошланган, бироқ кўшни қишлоққа элтадиган йўл тик ва майда тошли. У кўприкдан чап сохилга ўтди-да, дарё бўйлаб ястанган сидирға йўлдан бемалол одимлаб кетди. Бир оз юргач, ҳамроҳи билан қўл силкиб хайрлашишди, у анча юқорига чиқиб олган, овози эшитилмас эди. Ёз хавоси, дарё салқини танага ҳузур бағишлайди, ҳаракат туфайли қизиган қон бутун вужуд бўйлаб йигитлик ғайратини таратади. Ўғлон ажиб завқ-оғушида чарчоқ билмай, олға интилади.

Йўл четларида бу жойлардаги доимий қатновлардан қолган белгилар: бир жойда олов ёқилган, нарироқда тош тахтлаб ўтирилган. Гоҳ қиялик, гоҳ уч-тўрт қатор сўқмоқ ёки нишабга тушиш, яна равон текислик — дарё мавжларидек тўлқинли из олға етаклайди. Хўжапан-никнинг сувидан кейин Вориға кетадиган йўл ҳам ажралади, шу билан тоғлар ичидаги бошқа аҳоли масканларига олиб борадиган излар тугайди, энди истиқболда ягона манзил — Тошқўрғон. Тўғри, бу йўлнинг ҳаёт сингари поёнига ҳеч ким етмаган, у қишлоқдан ўтиб, яна кимсасиз даралар бағридан узоқ-узоқларга кетади, аммо бундан бу ёғига одамлар яшайдиган бошқа турғун манзил йўқ. Уни Тошқўрғон яқунлайди. Нега бунча ичкарида яширинди экан бу қишлоқ (ёки нега у бунча ичкаридаги қишлоқда туғилди экан)?

Ўтган йилги қаттиқ қишнинг зарбидан Ворининг таги кўчибди, кўкиш лойқа икки юз қадамларни банд қилиб ётарди. Унинг бўлароқ жойларида ҳамон ботқоқ кўзга ташланади, қотган четларидан эса эшак йўли очилибди. Дарёнинг нари томони — Зармас тарафдан тоғ беш юз қадамлар баландликда тик тушган, у Ворининг бети, Говургон, Қинноқ, Шогологзини чегаралаб гурибди. Ажойиб манзара, гўё дарёга тиралиб улкан супа ясалган, унинг устида арчазорлар, яйловлар барпо қилинган.

Сўкмоқлардан завқ ва сурур билан, сакраб-сакраб, ирғишлаб-ирғишлаб йўл босади, тезроқ қадрдон хонадонга, ота-онаси дийдорига етишга шошади. Ниҳоят, Ворининг тегирмони кўринди. У ҳамон қаровсиз, иморати, ҳам бузилиш ҳолига келиб қолибди. Кўприқдан ўтди, Тованинг тагидаги ўроқчилар, отличлар-у, пиёдалар юрган йўлдан жадаллаб кетди. Бахчанинг сувига етгач, нафас ростлаш учун йўлдан чиқиб, майсазорга ёнбошлади, сўнг бошини тошга кўйиб, оёғини узатиб юборди. Бир тотли фароғат келди, толиққан вужуди қадрдон тупроқнинг меҳридан ором олди. Боши устида бепоён, булутсиз осмон мовий чодирини ёзган, хаёл узоқ-узоқларга парвоз қиларди.

Коронғи тушмай уйга кириб келди. Соғинчлар таскин олди, қўлга киритган кичкина ютуғи хонадонларига мамнунлик ва қўнғил хотиржамлиги ҳада этди.

1. Худди Кўлдашидан Кўрғонга чиққан (ёки Кўрғондан Кўлдашига тушган) ботиқ изнинг сири ўрганилмаганидек, тоғлар салтанатида пайдо бўлган қишлоқнинг тарихи ҳам махсус тадқиқ қилинмаган. Омади гап — бу ишни шу қишлоқнинг фарзандлари эплаши керак, ахир ҳар бир жойнинг ўтмишини ўша ерлик тадқиқотчи ўрганса, ҳам олим кўпаяди, ҳам юртимиз харитасида назар тушмаган номаълум нуқта қолмайди. Тошқўрғонда эса ўнлаб монографи-яларга етадиган маъна яширинган.

Албатта, бу худуднинг табиати — иқлими, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, бошқа унсурлар турли мақсадларда тадқиқ қилинган, қомусларда, дарсликларда тош босадиган маълумотлар етарли, аммо инсон авлоди фаолияти билан боғлиқ жиҳатлар етарлича ўрганилган, деб бўлмайди. Бор манзара эса бундай манбага жиддий илмий ёндошув зарурлигини талаб қилиб турибди. Бу масканда ер юзида ҳаётнинг бошланишини тасдиқлашга дахлдор унсурлар мавжуд.

Зоғчохонада кўшдаги ҳўкизларни етаклай туриб, ўсмир бот-бот кун чиқар томондаги товага қараб-қараб кўяди. Сидирга тош билан қопланган қир (унинг сирти текис тош бўлгани учун ҳам “Това” деб юритилади) Қалъа сувигача тиралиб тушган. Унинг Дулдулнинг изигача бўлган сиртида кенглиги бир қадам, оралиги уч-тўрт қадам бўлган йигирма учта из бор. Унда улкан ҳайвон панжаси, ҳатто унинг тирноқлари чуқур ботган ўринларигача сақланиб қолган. Олимларнинг эътирофича, бу баландлиги саккиз-ун, узунлиги ўн икки-ўн тўрт метр бўлган улкан махлуқлар — динозаврларнинг тошда қотган қадамлари. Ер юзидан сувлик чекиниб, лавалар қотиб, тошга айланаётган даврларда шу “адрес”ларда яшаган табарруқ динозаврлар ҳарасон ичида қуруқшаб бораётган қоялардан сўнгги бор ўтган ва қотиб бораётган қоришмада унинг излари муҳрланиб қолган.

Бу маърака ҳозирги кунларимиздан етмиш-юз миллион йил (!) олдин содир бўлганини мўътабар фан тасдиқлайди. Ундан кейинги ҳаёт фақат илмий адабиётларда “яшайди”, бунча олис мозийда нима синоатлар кечганини ақл ҳам бовар қилмайди. Одамзот ҳайвонни қўлга ўргатиб, уни омочга кўшадиган бўлгунча ҳам ҳисобсиз йиллар ўтгани бор гап. Ўтмиш ҳикматини теран аңлай олмаган одамлар биологик оламнинг бу мўъжизасини ўзларининг тасаввурларидан келиб чиқиб шарҳлайди.

Сирли изга тасодифан дуч келган чўпон кўрганларини энтикиб ҳикоя қилиб берганда, маърифатли бир зот “Бу пайғамбаримиз отларининг туёғидан...” деб ривоят қилади ва йўл ўтадиган кам “Дулдулнинг изи” деб номланади.

Шу қирдан ўтилса, сайёҳ нигоҳи қаршисида бепоён ҳудуд ва бетимсол манзара намоён бўлади. Кўкиш губор ичида сирти худди андавалангандек ялтироқ ва текис қоялар, қорайиб кўринадиган даралар, чўққисидан йил бўйи қор аримайдиган тоғ салтанати кўзга ташланади. Куёш нурларида қуйига интилган зумрад булоқлар мис кўзага тортилган нуқра нақшдек ялтираб кўрилади. Булар ўша қадрдон манзиллар — Ҳисор тизмасининг Бовурчи чўққиси, ундан пастда Кичик қалъа дараси, Ғўтала яйлови, қуйида, чағи тарафда эса Ғўлмараша, ундан ўтилгач, Қалъаи ше-рон ва анча машҳур Ғор жойлашган қоялар.

Энг қизик ва салмоқли тафсилотларга ўтишдан олдин бир далилни алоҳида таъкидлашга тўғри келади: шу ҳудуд ва умуман Тошкўрғоннинг атрофида муҳ — тошдан темир ажратиб олинганда ажралиб қоладиган чиқит жуда кўп. Ҳатто Мухлик, Фаланг деган жойлар борки, у ерларда бундай маъдан қолдиқлари уюлиб ётибди. Энди илмий далилларга қулоқ турадиган бўлсак, тошдан темир ажратиб олишни хитойликлар кашф қилган ва улар шу мақсадда бошқа мамлакатларга суқилиб кирган — тоғли юртларни босиб олган. Бу воқеалар эранинг бошларида — бундан икки минг йил олдин содир бўлган. Демак, бу жойлардаги инсон фаолиятининг тарихи ана шу қадим даврларга, балки ундан ҳам олдинги айёмларга бориб тақалади.

Ичкари дарага кетиш йўлида Бум, Чорёр деган манзиллар бор. Бу жойларни “Шаҳри Рум” деб ҳам юритилгани нақл қилинади. Кекса авлоднинг хотирасида бир-бирига улашиб кетган томлар, оташгоҳнинг ўрни ва масжид сақ-

ланиб қолган. Энг эътиборли далил шуки, шу атрофда жуда катта қабристон мавжуд ва унинг ўрнини вақт ҳам ўчира олмаган, юзлаб қабрлар чўкиб ёки дўмпайиб ётибди. Кейинги юз йилда бу жойларда одамлар муқим яшамаган, бироқ қабрлар йўқ бўлиб кетмаган. Қайсидир доруломон кунлардан хотира сифатида “Бир улоқ томга чиқиб қочган экан, эгаси бир кун қувса ҳам, ушлай олмаган” ёки “Шаҳри Румдан юзта қашқа эшакли бозорчи шаҳар (эҳтимол Шаҳрисабз назарда тутилгандир)га тушди” сингари айтимлар оғиздан оғизга ўтиб, шу кунларгача етиб келган.

Бу қайдлардан ушбу манзилда қанчалик салмоқли нуфус яшаганини тасаввур қилиш қийин эмас. Албатта, қалин халқнинг ўз турмуш тарзи, урф-одат, удумлари, ҳўжалик тизими бўлади. Бундай маданият унсурлари юз йилларда шаклланади. Демак, бу заминда минг йилларни бўйлайдиган тарих тупроқ остида ётибди. Тошкўрғоннинг мозийнинг долғали воқеаларига дахлдорлиги манбаларда кўп қайд қилинган. Жумладан, оташин ватанпарвар, миллат гурури учун мардона курашган Абдумалик Ғўра сўнгги таянчларидан бирини шу жойдан топган. Бухоро амири Музаффархоннинг катта ўғли Абдумалик отасидан фаркли ўлароқ, рус босқинига қарши охиригача курашади. У охириги тарафдорлари билан босқинчиларга қарши жанг қилиб, Қалтақўлгача чекиниб келади. Шу ерга етгач, катта қор ёғиб, Овға бекилиб қолади ва таъқиб этувчилар изига қайтиб кетишади. Тошкўрғонга ўтиб олган тўра шу кишни қишлоқда ўтказди, баҳорда жанубга йўл очилиши билан довондан кечиб, Термизга, ундан Афғонистонга ўтиб, курашини давом эттиради. Булар ҳақида таниқли ёзувчи Самар Нурий ўзининг “Қора тонг” романида қисман ҳикоя қилган. Муаллифнинг режасига кўра, кейинги қисмларда бу тафсилот тўла шарҳланиши керак эди, афсус, бу ният қоғозда қолиб кетди.

Шак-шубҳасиз, қишлққнинг олтин тамғаси — Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларига дахлдорлигидир. Бобокалонимиз таржимаи ҳолида йигитлик йилларини тоғларда, чўпонлар ва раият орасида ўтказганликлари алоҳида қайд қилинган. Кеш вилоятининг бир диққатни тортадиган ҳудуди сифатида бу жойларга Соҳибқироннинг қутлуг қадами текканига ишонинг келади. Бу далилни тасдиқлайдиган маълумотларнинг салмоқли қисмини вақт бўронлари маҳв этган, сунъий равишда ўйлаб топишга эса уят йўл қўймайди. Аммо бундай эшликни тасдиқлайдиган унсурлар жой номларида, турли халқ оғзаки ижоди намуналарида, чўнғ қоялар хазинасида сақланиб қолган. Уларнинг энг салмоқлиси, эҳтимол, табиатнинг шубҳасиз бетақдир мўъжизаси ҳисобланмиш улкан горнинг Амир Темур номи билан аталишидир. Халқ орасида бу маскан азалдан “Амир Темур гори” деб юритилган.

Албатта, гор ҳақида келинги йилларда турли муносабатлар билан етарлича ёзилди, кўп қисмий телефильм яратилди. Бу ўринда сийқ тапларни такрорлаш мавриди эмас. Яхшиси, уша кунларга биздан анча яқин бўлган мўътабар зотнинг хотираларини келтириш билан чегараланайлик:

“Шукроналар бўлсинки, тоғ мазараларини томоша қилиш, уларнинг ажойиботларидан баҳраманд бўлиш учун икки марта Тошқўрғон амлокига бордим. Сафаримнинг бирида мўъжизали Қалъаи шерон ҳақида эшитиб қолдим ва уни кўришни ихтиёр этдим. Маҳаллий аҳолидан ишончли кишиларни атрофимга тўплаб, Қалъаи шеронга йўл олдик. Менга йигирма уч киши ҳамроҳлик қилди. Бир кеча йўлда тунадик. Офтоб Қисқичбақа буржида бўлишига қарамай, кун ботиши билан чодирда олов ёқилди ва унинг атрофида жипс ўтирдик. Ҳаво шундай совиб кетдики, тананинг оловга терс томонлари музлаб қолаёзди, шунинг учун иссиқ қа-

бобга зўр берардик.

Тонг отиши билан йўлга тушдик ва чошгоҳга яқин манзилга етиб бордик. Икки чўққи орасидан кўриниб турган тоғ пойида йигирма танобча майдон кўзга ташланарди. Икки тоғ орасидан дарёча жўшиб оқарди, у Яккабоғдарёнинг боши ҳисобланади. Бу ерда ёввойи зардоли, гилос, олма, олча каби мевали дарахтлар чаппар уриб ётардики, уларнинг саногига етиб бўлмасди. Тоғнинг бир тарафидаги дарахтлар энди гуллаган, бошқа ёқдагилари эса мева тугиб қолганди (зардоли довчаларини эса бўларди). Бир-бирига қарама-қарши турган тоғ қоялари шунчалик ялтирардики, уларга кимдир сайқал берганга ўхшарди.

Ўнг томондаги тоғнинг ўртасида туртта кунда устига ўрнатилган дарвоза турарди. Дарвозанинг устига рандаланган туртта ҳодадан мезана кўтарилган. Унинг бир ёғочи кулаб ётибди, учтаси ўз ўрнида турибди. Дарвоза ўз мезанаси билан ердан ўттиз-қирқ газ баландликда, тоғ чўққисидан эса қирқ-эллик газ пастда. Қўида туриб, бу иморат нима учун, ким томонидан қурилган ва унга йўл қаердан эканлиги ҳақида қанча бош қотирмайлик, ҳеч нарса тушинмадик. Сафимизда икки-уч тошқўрғонлик кўп китоб кўрган (ўқиган) одамлар бор эди, улар ҳам бу иншоотнинг қачон пайдо бўлганини билишмади.

Тоғнинг яна бир мўъжизаси шу эдики, чап томондаги қоя бағрида юқори баландликдан сув отилиб тушарди. Тарвуздан каттароқ тешиқдан кучли оқим билан чиққан сув ёйилиб-ёйилиб пастга тушар, ерга тушгунча муштдек пуфак ҳосил бўларди. Пуфаклар кейинги оқимда товуқ тухумидек кичраяр, ерга тушгач, тошлоққа сингиб, йўқ бўлиб кетарди. Унга яқинроқ бориб, манзарани мириқиб томоша қилдик, тушаётган майда томчилар шудрингга ўхшарди. Анча сув пастга тушиб, дарёга қўшилиб кетади.

Бу жойдан ўтгач, кўз олдимизда са-

ноғига етиб бўлмайдиган дарахтлардан иборат ёввойи чорбоғ ва каттагина ирмоқ пайдо бўлди. Баландлиги ўттиз-қирқ газ бўлган кўк ва совур арчалар осмонга интилган, атроф кўм-кўк, гўзал манзара. Шу жойда отлардан тушдик ва овқат тайёрлашга киришилди.

Тушлик ва дам олишдан кейин қарийб йигирма киши Қалъи шерон (бу ерда гап фор ҳақида кетаяпти шекилли. *Мухаррир*.)ни томоша қилишни бошладик. Биз эллик-юз қадамча кўтарилдик. Бу ерда катта дарвозанинг қолдиқлари ётарди, ундан ўтиб, ичкарига кирдик. Юз қадамча ораликда юқориси ёпилган, отхонага ўхшаган иморат турарди. У тоғдан ўйилган. Иморатнинг кесими ўттизгазга тенг. Деворнинг иккала томонига тарашланган тош қалаб чиқилган... Иморатнинг баландлиги отлик кўлида қиличини кўтариб юрганда ҳам шипга етолмайдиган даражада эди. Бу хона тоғ қатламини кесиб куриб олинган.

Бинони томоша қилиб, бошқа эшикдан чиқиб қолдик ва қаршимизда шаҳарларда бўладиган катта дарвоза турарди. Аммо тавақаларнинг урни билиниб турса-да, ўзи жойида йўқ эди. Дарвозадан кирдик ва ўнг томонда тошдан тахтланган зинага дуч келдик. Кимнидир кўтарилиб, қарашга тақлиф қилдик. Юқорида тахт ва тошдан қилинган бир неча кенг супалар бор экан.

Ҳар эҳтимолга қарши ўзим билан икки-уч фонус, уч-тўрт темир машъала, икки коса зигир ёғ ва икки-уч қадоқ шам олиб келган эдим.

Шу ердан ичкарига йўл олдик. Шипнинг баландлиги отхона даражасида. Бинонинг юқори кесими тахминан йигирма газга тенг. Юқори ёпиқ. Унинг томи ва айланаси баланд тоғлар, албатта. Деворининг ички қисми ислими нақшлар ва қабарик тасвирлар билан безатилган. Иккала деворда ҳам ўйилган катта-кичик токчалар бор. Токчаларнинг кўп қисми тош панжаралар билан ўралган. Турли жойларда тошдан ясалган катта шамдонлар турарди. Икки-уч жойда ёргичоқлар ётарди. Ёргичоқлар-

нинг қуйида яшаётганлар ва чўпонлар олиб кета олмаганлари синдирилган.

Хуллас, машъалани ёқиб, ўзимиз билан нон, гўшт, сув ва бошқа егуликларни олиб, икки юз қадамча юрдик ва гумбази Бухоро заргарлик устахоналарига ўхшаб кетадиган, йўлаклари бор кенг жойга чиқиб қолдик. Ўртада ёқутдек тусланувчи катта оқ мраммар устун осилиб турар, одамлар унинг баъзи қисмларини синдириб олгандилар...”

Сафарнома шу хилда давом этади. У замонавий муаллифларнинг энтиқишларидан ҳоле бўлса ҳам ўз самимияти билан кишини тўлқинлантиради. Аввало, қани ўша сирли дарвоза-ю, мевали дарахтлар, деган андиша кўнгилдан ўтади. Кейин эса форнинг бугунги кўриниши сафарномада тасвирланганидек, жозибали эмас, иморат тағ-туғи билан йўқ, “Бухоро заргарлик устахоналари”нинг гузалигини эслатган сталактит ва сталагмитлар кўпориб олиб кетилган, “ислими нақш”ларнинг тақдири номалум. Майли, гиналарни кўйиб турайлик, бундан бир-юз йигирма йиллар олдин ҳам кишиларни ҳаяжонлантирган ажойибот бугун ҳам, бундан кейин ҳам ўз шукҳини, қадрини йўқотмайди.

Сафарнома 1893 — 98 йилларда Яққабоб беги бўлиб турган, Бухоро амирлигида катта мавқега эга бўлган, олиб ва адиб Мирза Салимбекка тегишли эди. Муътабар зот ўша сафариди тошқўрғонликлардан яқинда таҳсилни тугатган мулло Абдишукур, мулло Исма тулло ва Наман (балки Неъмат ёки Намоздир) ҳамроҳлик қилганлигини таъкидлаганлар. Гарчи ҳамма боболаримиз ҳам китобларда қайд этилмаган бўлсалар-да, бу қишлоқда азалдан одамлар гавжум яшашган ва уларнинг қаторидан диний арбоблар, илм-маърифат аҳли, ҳунармандлар етишиб чиққан.

Қишлоқда учта масжид бўлган, уларнинг бири — Чақил гузардагиси бузилиб, мактаб қурилган, иккитаси қишлоқ кўчирилгунча ва ундан кейин ҳам турди. Улардан ғалла омбори сифатида фой-

даланиларди. Катта ҳовуз бўйидаги масжидда Рамазон ва Ҳайит намозлари ўқилар, намозга Вори ва Зармасдан ҳам одамлар келарди. Колхоз тугагач, улар бўшаб қолди. Шунда қишлоқ болалари ўйнаб, уларнинг ҳовлисига борар, кўрқиб-кўрқиб, хужраларга бўйлаб қарашарди. Кичикроқ бир хонада, зиналар остида эски китоблар тахланиб ётар, ҳеч ким бу жойга киришга ботина олмасди.

Баландлиги икки том бўйи, уч тарафи айвонли салобатли иморатлар қишлоққа кўрк бериб турар, лекин улар қаровсиз эди. Деворлари оппоқ ганч билан қопланган, чиройли нақшлар чекилган, улар учиб, нураб ётар, эшиклари икки тавақали, ўймакор, биноларнинг шифтидаги арча ёғочидан бўлган болор ва вассалар рангинг бўёқлар билан жилоланган, бўёқларнинг ранги шунчалик ўткир эдики, юз йиллар ўтган бўлса ҳам хира тортмаганди. Кейинги таассуротларга суяниб гувоҳлик бериш мумкинки, бундай муҳташам масжидлар вилоятнинг Қарши, Шаҳрисабз, Лангар (Қамаши тумани) сингари тарихий манзилларида бор эди. Шу далилнинг ўзидек, Тошқўрғон қанчалик маъқега эга бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Темирчилик, дурадгорлик, заргарлик, гиламдўзлик, каштачиликнинг ўз мактаблари шаклланганди, бу ҳунарларнинг тўрт-беш авлоддан-авлодга ўтиб келган анъаналари амал қиларди. Чўпкор (ёғочдан) иморат қуришнинг маҳаллий шароитларга мос услуби бор эди. Усталарнинг ҳунари атроф-теварақда машҳур бўлиб, уларга буюртмалар берилар, ойлаб бошқа қишлоқларга чақириб олинадилар. Мана бу далил усталарнинг маҳоратига гувоҳлик берса, ажаб эмас.

Уста Карим деган ҳунарманд бир нодир қаламдон ясаб, Бухорода таҳсил олаётган талабалар орқали амирга совға қилган экан. Саройда ҳеч ким уни оча олмабди, бошқа моҳир кишилар ҳам бу юмушни уддалай билишмабди. Кейинчалик устанинг ўзи талабага бу сир-

ни очган экан. Қаламдон кўзга кўринмас тешиқдан игна билан очиларкан. Бу қаламдонни яқин-яқинларгача музейда кўрганлар бор экан.

Эшик-деразалар битта ҳам миҳ ишлатилмай ясалган, уларнинг чоклари шунчалик жипс бирлаштирилганки, худди яхлит буюмдек таассурот қолдирган. Иморат устачилигида "каптардуми", "қўш синч", "гардиши" сингари усуллар муваффақиятли тадбиқ эгилган, ҳолбуки, улар устандан юксак маҳорат талаб қилган. Тошқўрғонлик моҳирлар буларни бекам-кўст эплашган. Бундай омилкорликлар кейинчалик ГЭС, машина йўли қурилишида асқотган.

2. Ўтган аср бошларидаги силкинишлар тўлқини чекка тоғ қишлоғига ҳам етиб борди. Шунгача ҳаёт барқарор давом этар, ҳамма нарса ўз измида эди. Иғво тўғайли Қизилгазадан жануб томонларда умргузаронлик қиладиган кўнғирот уруғига мансуб чорвадорлар билан тоқчилар (қатағонлар) ўртасида юзага келган зиддият тинч йўл билан ечим топган, гўйдош, маъракадош икки улус оға-инидек бўлиб кетганди. Ҳайтовур, бу воқеага муфассалроқ тўхталиш фойдадан холи бўлмасди.

Кексаларнинг эслашича, калтакўллик Мавлоннинг иғвоси билан Дўконхона, Ғурумқишлоқ, Ҳачча тарафларда яшайдиган, турмуш тарзи кўчманчиликка асосланган, кўнғирот уруғига мансуб қавм билан шу ўрамнинг марказида турувчи Тошқўрғон аҳли ўртасида совуқлик тушади ва табиатан жанговар бўлган кўнғиротлар жаҳлга миниб, тошқўрғонликларнинг ерларидан чорваларини қайтармай, экинларни пайхон қилиб, далаларни шип-шийдонлаб келаверадилар. Улар тегирмонгача бўлган ерларни — тоғликларнинг халқумининг тагигача эгаллаб оладилар. Калтак ёки шоха кўтариб чиқиб, ёқалашиш фожеа эканини сезган тошқўрғонликлар жаҳлларини ичга ютиб, жим турадилар. Қишлоқ оқсоқоли Соли мироҳўр Бухорога йўл олиб, вазиятни амирликка тушинтиради ва вакил келиб, икки томон-

нинг обрўли одамлари иштирокида машварат тузилади.

— Мажлисга тарафлардан тўқсон ёшдан ошган тўқсон тўққиз нафар чол қатнашган экан, — дейди боболаридан эшитиб қолган тарихини ёдга олиб тоторлик Ходихон. — Мунозара бир неча кун давом этган, ерга даъвогарлар ўз важларини келтирганлар. Амирликдан ташриф буюрган қозилар масалани ҳал қилиб кетишган.

Ҳамма далиллар келтирилгач, даъволар ҳисобга олиниб, бир тўхтама келинади, уни икки томон ҳам қўллаб-қувватлайди. Машваратнинг қарорига кўра, Қизилгаза билан туташ Шайиллик газадан бир ариқ ўтган, шу ариқдан бу ёққа кўнғиротлар, у ёққа тошқўрғонликлар молини ўтказмасликка келишадилар. Бу битим кейин асло бузилмайди, икки улус юз йиллар давомида тинч тотову яшаб кетади.

Яна бир қизиқ гап: кўнғиротлардан кимларгадир бу ечим маъқул келмайди чоғи, бунинг учун ўч олмоқчи бўлиб, бир каллакесарни ёллайдилар ва Обли мирохўрни ўлдирмоқчи бўладилар. Ёлланган одам Тошқўрғонга келиб, бир ҳовлига тушади, уни жиккаккина чол кутиб олади, нега келганини ҳам сўриштирмай (одоб бўйича бу ҳақда меҳмоннинг ўзи гапирмаса, сўралмайди), сидқидилдан хизматини қиларди. Эрталаб уйғонса, мезбон илиқ сув ушлаб бошининг устида туради, юзқўлини ювдириб, дастурхонга таклиф қилади. Иссиқ тандир нон, қаймоқ, сариёғ, қайноқ юпқа. Тушликда каклик гўшtidан булмоқ, юпқа, чакки, кўк пиёз, олма-ю ношвоти — ноз-неъматнинг саноғи йўқ. Кечқурун кийик гўшtidан шўрва, тандир кабоб... Меҳмоннинг ҳурматига қишлоқнинг эътиборли одамлари ташриф буюрган, кечалари қиссахонлик, маърифатли гурунг. Буюртма олган ғараз мақсадли зот келганлар орасидан Соли мирохўрни излайди, ҳеч ўхшата олмайди. Унинг тасавури бўйича у тоғни урса талқон қиладиган, девдек одам. Буларнинг сафида бунақа

“зўр” йўқ. Икки кун ўтибди, уч кун ўтибди, шу аҳвол, уйнинг эгаси қўли олти, оёғи етти бўлиб, хизматдан чарчамайди, мулозиматни сусайтирмайди. Бир-биридан ширин, дилкаш гурунглари авжидан тушмайди. Охири меҳмон тилга кириб:

— Мен Соли мирохўр деганни кўришим керак, ишим бор эди, — дебди.

— Безовта бўлмай, бемалол дам олаверинг, мирохўрни ҳам топамиз, — деб бамайлихотир жавоб берибди мезбон.

Кунлар ўтса ҳам кутилган одам келавермагач, тоқати тоқ бўлган меҳмон астойдил уни топиб беришни сўрабди.

— Мирохўрга нима ишингиз бор эди, жуда безовта бўлдингиз? — дейди мезбон ҳар доимдагидек хушмуомалалик билан.

— Гапимни ўзига айтаман.

— Айтаверинг, Соли мирохўр мен бўламан.

Бу гапдан танг қотиб қолган меҳмон нарсаларини йиғиштириб, кетишга чоғланибди, бир гап демай, жўнаб қолибди. Бориб, буюртма берганларга:

— Мен сизларни тинчителишим мумкин, аммо ундай одамга қўл кўтара олмайман, — деган экан. Бу ҳикояни тошқўрғонликлар юракдан чиқариб сўзлардилар.

...Осуда кунларнинг бирида “Яккабоғни ёв босибди, ҳамма ғазавотга чиқар экан” деган гап тарқалди. Эрта тонгда Намоз бобо деган одам бор овози билан ҳайқиради:

— Язит келди. Ҳамма ғазо(т)га. Пушти паноҳимиз амир Олимхоннинг гапи. “Амри подшо — вожиб”. Ким чиқмаса, мусурмон эмас.

Бу кўпроқ миш-мишга ўхшаб кетса ҳам, хотираларда эсланишича, орадан кунлар ўтиб, элнинг пешволари — Тошқўрғондан Ғофир бой ва ўғли Саъдулло, Зармасдан ака-ука Мамашариф ва Мамаражаббойлар ўртага чиқиб, халқни “кофирга қарши қасос”га қақариб, ҳар хил даъватлар қила бошладилар.

Улар авомни қизиқтириш учун “Ўрис катта бойлик билан келган, унинг сони оз, бизлар кўпчилик бўлиб боссак, унинг хазинасига эга бўламиз. Ким бойишни истаса, майдонга чиқсин” деган гапларни тарқатадилар. Ҳар хил усуллар ишлатиб, одамларни жунбушга соладилар ва кенг ўрамга тарқалган халқ ҳаракати бошланади. Кейинчалик бу юриш **“Қоракалтак”** деган ном олади.

Шундай қилиб, теварак-атрофдаги қишлоқлардан отлик-пиёда, қўлига тўғри келган нарсани кўтариб олган оломон Яккабоғ қўрғони томон бостириб кела бошлайди. Оналар, оталар ўғилларини бу курашга сидқидилдан кузатиб қўядилар. Яна уларга тортиқниб ўтирмай, хазинадан улафасини мўл-кўл олишини қайта-қайта тайинлайдилар. Тошқўрғондан, Савра момо ёлғиз ўғлини кузата туриб:

— Бўз бўлса ҳам олавер, суруп бўлса ҳам олавер, — деб қистарди. Оч, юпун одамларнинг иштаҳаси роса тобига келтирилганди.

Кўпларнинг қўлида ёғоч шоха, гаврон, камдан-кам одамда милтиқ, у ҳам пилта билан ишлайди: чакмоқ тош билан пилта ёқилади, у порохга тегса, сўнг ўқ отилади. Аксарият пиёда, борида от. Сувлисой, Ҳайдарбулоқ, Самок, Кенгузар қишлоқларидан ҳам тўпир-тўпир одамлар қўшилади. Улар ярим кенга ўрис горнизонини босадилар. Ёв қаттиқ уйқуда эди. Эшикни бузиб кирган қасоскорлар тўпларни миниб олган, бироқ уни отишни эплай олишмас, кўзғолон шундай уюштирилган эдики, кейин нима қилишни ҳеч ким билмасди.

Уйғониб, ўзига келган солдатлар тартибга ҳаракатни бошлайди. Қарши зарбага ўтиб, дадил ҳужум қилади. Исёнчилар босимга чидай олмайдилар, пилта милтиқларини ишлатмоқчи бўлсалар, чакмоқ ялтираган жойдан душман белги олиб, пешанасидан отиб ташлайверади. Дастлабки қурбонларни кўргач, ваҳимага тушган оломон орқасига бурилиб, қоча бошлайди. Душман баттар таъқиб қилиб, милтиқлар-

дан, пулемётдан пайдар-пай ўқ узади. Кўп одам жоврондан қирилади. Уларнинг жасадлари Дўнғиқшлоқ, Бобошо-ди, Турон қишлоқлари қабристонларида қолиб кетади.

— Қишлоққа қон куйди, — деган эди ғамгин ҳикоясини тугата туриб Маҳмадиёр бобо. У ўшанда эсини таниб қолган ўсмир бўлган экан.

Шу талотўпда йигирма-йигирма беш ёшда бўлган навқирон йигит — отаси ҳам қатнашганларини кўп айтардилар.

— Кўпқари чопиладиган қорабайирни миниб борганман, — дердилар отаси, — милтиқдан ўққа тутгандан кейин орқага бурилиб жўнадик. Узилиш қутилиб кетгандан кейин қарасам, отнинг кифтида қон. Бир ўқ орқадан келиб, сонимни тешиб ўтган, отнинг баданига санчилиб қолган экан. Ўқ этни титиб юборган, ваҳимнинг томири очилиб турибди, узилмаган. Ваҳима билан билмабман, баданим совигандан кейин сездим:

Бу воқеа шўро истилосининг дастлабки йилларида рўй бериб, тўпга қарши пайшаҳа билан борган мазлум халқ оғир талотўт кўрган.

“Босмачи”лик ҳаракати даврида қишлоқ кескин тўқнашувлар майдони бўлгани унинг атрофидаги кўплаб шахидлар қабридан маълум. Муҳим стратегия ўққа сифатида у тез-тез қўлдан-қўлга ўтиб турган. Охирида шўро аскарлари доимий қароргоҳ барпо қилиб, муттасил ва давомли курашлар билан мақсадига эришган. Уша йиллари шўронини ҳам, босмачиликни ҳам қувватламаган, бутунлай мустақил давлат тузмоқчи бўлган ватанпарварлар ҳам чиққанлиги халқ ҳикояларида кўп таъкидланарди. Албатта, тарихнинг бу саҳифасини тўлдириш мутахассисларга ҳавола.

3. Не синоатларни кўрган қишлоқда тўй. Аллаберди акаси уйланапди. Никоҳ ўқилди, бошқа ирим-расимлар ҳам бўлиб ўтди. Қишлоқ аҳли ошни еб, тарқалишди. Энди навбат куёвтуғарга етди. Куёв томоннинг тўққиз болорли

уйида жўралар йиғилаяпти. Келин тарафдан "туғдириш"га келган қудалар "Тез бўл, ўттизта белбоғи бор, шунга қараб одамнинг йиғ" деб кисталанг қилиб туришибди. Йиғилаётганлар кур тортиб ўтираяпти, уй ҳам тўлиб қолди. Қуда томоннинг вакиллари (улар икки киши) ўз юмушларига киришдилар. Энг аввал салла ўраб, бурнига рўмолча тутиб, сузилиб ўтирган куёвнинг олдига келин ўз қўли билан тиккан белбоғ, дастрўмол қўйилди: Кейин чап тарафдаги куёв жўрага ҳам белбоғ ва рўмолча қўйилди.

— Энди ўнг томонга ўтинг, ўнг томондан бошланг, — деган овозлар эшитилди, — йўллари ўнг бўлсин.

Кайвони "Ўзим ҳам шунноқ қимоқчима" деб бу ёқдан тарқатишга киришди. Шундай қилиб, етгачларга дастрўмол, бироқ ҳаммага белбоғ тарқатиб чиқилди. Сўнгра белбоғлар устига бир ҳовуч қант ва иккитадан кулча нон ҳам қўйилди. Шу билан тайёргарлик қисми тугади, қуда асосий ишга киришди.

Куёвтуғар — Тошқўрғон ва атроф қишлоқларда таомилда бўлган ўғил уйлантириш тўйининг удумларидан бири. Қиз бола вояга етиши билан қўлига игна бериб, унга белбоғ тиктирганлар. У куёвтуғар учун тайёрланган. Кейин бор ҳунарини ишга солиб, рўмолча тикади, унга инжа кашталар чекади, атрофига попирилар тўқийди. Бу ашёлар бўлажак куёвнинг жўраларига бир умрлик совға бўлиб қолади. Ўғил бола ҳам буй етгач, қариндошларини куёвтуғарига қатнашиб, ўзи учун тарафдорлар тўплайди, бир кун у куёв бўлса, шулар ёнида туради-да.

Қўлида баланд гардишига темир халқалар осилган, силкитганда жиринглаб овоз берадиган дафни қўлига олган қуданинг вакили куёвга яқинлашади, унинг қаршисига тиз чўқади, сиполик билан гап бошлайди:

— Куёвжон, акангни қийнамай, катта-катта ташла, кўнглим тўлса, ортиқча қийнаб ўтирмайман. Вақт ҳам кеч бўлиб

кетди.

Куёв ҳимматини намоён қилиб, эп кўрганини дафга ташлайди. Дафчи ҳар хил усуллар билан уни "аврайди", мақсади кўпроқ пул ундириш. Кўнгли тўлмаса, дафнинг гардиши билан тиззасига туртади, халқалар рақсга тушгандек жаранглайди. Турли гаплар билан пул ташлаётганларнинг ҳамиятини кўзгамоқчи бўлади. Куёв тарафлар эса:

— Йигитларни қийнаманг, дафингиз тўлиб кетибди-ку, — сингари сўзлар билан дафчини инсофга чақиради. Бунга жавобан у

— Безовта бўлманг, пулга деб катта хуржун олиб келганман, — деб ҳазил қилади.

Шунақа ҳазил-мутойиба билан "туғиш" давом этади. Ҳамма бир-бир тафтишдан ўтказилади. Дафчи унга ҳам яқинлашди. Бола отаси берган пулни учга бўлиб, турли киссаларига жойлаб олган. Дафчи қизишиб кетса, чўнтақларни ҳам кавлар, бир хилларга изза бериб, йиғлатар ҳам экан. Унга, ўн икки-ўн уч ёшли болага "Пухта бўл, пулингнинг ҳаммасини бирданига ташлаб қўйма. Роса қўймаса, ташла" деб ўргатишган. Тиззасига теккан дафдан хушёр тортиди.

— Бу кишим куёвнинг тоғаси бўлади, белбоғнинг ҳам зўрини олди, қани, ҳаммани уялтириб, бир катта ташласин, — дейди дафчи бемалол жойлашиб олиб: Хуллас, у дейди, бу дейди, боланинг чўнтагини ювиб олади. Ёнида ўтирган Эшонқул акаси бир сафар ўзидан ҳам ташлаб юборади. Ҳамма баравар шип-шайдам бўлгач, куёвтуғар тугайди. Охирида йиғилган пул ўртада саналади, олдинги куёвтуғарлардан тушганларга таққосланади, оз-кўплиги баҳоланади. Пул қизнинг отасига тегади.

Куёвтуғар яқин-яқинларгача бор эди. Кейинроқ турли сабаблар билан жанжаллар пайдо бўла бошлади. Ёш авлоднинг асаби дафчининг шилқимликларини кўтара олмай қолдимиз, замонадан эскирдими, бу удум таомилдан чиқиб кетди. Унинг ўрнига янги қилиқлар пайдо бўлди. Ҳаёт қонунияти шу экан-да.

Нурбой ЖАББОРОВ

ШЕЪР АҲЛИНИНГ ИККИ ЖАҲОНГИРИ



Буюк адиблар, улуғ мутафаккирлар камбатида, ижодий қиёфасида муайян муштаракликлар бўлиши кўп кузатилган. Бунга аждодлар кечмиши, адабиёт тарихидан ададсиз мисоллар келтириш мумкин. Бироқ биз ўз олдимизга бундай вазифани куймаганмиз. Бизнинг муддаомиз бир оз аниқроқ: миллатимизнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳамда замонавий шеърятимизнинг забардаст намояндаси Абдулла Орипов сиймосидаги ана шундай муштараклик хусусида баҳс юритмоқдир.

Профессор Бегали Қосимов бундан қарийб ўн йил муқаддам мана бундай ёзган эди: "21 мартда замонамизнинг машҳур адиби Абдулла Орипов 60 ёшга тўлди. Бу сана улуғ Навоий таваллудининг 560 йиллигига тўғри келишида ўзига хос рамзий маъно бор. Агар Абдулла Орипов шунчаки бир истеъдод бўлганида, 560, 60 рақамларига ёхуд Наврўз кунда туғилганига кўпчилик эътибор бермаган бўларди. Ёхуд тасодифга йўйиб қўя қоларди. Ҳозирда эса, у шубҳасиз, муайян маъно ташийди".

Дарҳақиқат, бу мутаносиблик бежиз эмасдек, назаримизда. Бунда Яратганининг биз англамаган ҳикматлари бўлса ажаб эмас. Зеро, ҳазрат Навоийдан роппа-роса беш юз йил кейин буюк бобокалонимиз асарларидаги умрбоқий аъёналарни муносиб давом эттиргани, миллий шеърятимизда ўзига хос

мактаб яратиб, уни янги замон шароитида чинакам юксак даражага кўтара билгани Абдулла Орипов ижодининг беқиёс аҳамиятига ҳужжатдир, далилдир.

Савол туғилади: хўш, бу икки мутафаккир дунёқарашидagi, ижодий принципларидаги, поэтик кашфиётларидаги муштараклик, ворисийлик нималарда кўринади? Уларнинг миллий маънавиятимиз, адабиётимиз тақомилига қўшган улуғвор ҳиссаларида қандай мутаносиблик бор?

Буюк бешлик: "Хамса"ни ижод этар экан, ҳазрат Навоий мана бундай сатрларни битади:

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусга майли беандоза бўлғай.

Июк эрса, назм қилгонни халойиқ
Муқаррар айламак сендин не лойиқ.

Хўш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўлеким, эл югурмишдур – югурмак.

Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилгон – кўрди, терди.

Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон сахнида гул кўп, чаман кўп.

Улуғ мутафаккир халойиқ назм қилгонни муқаррар айламоқ – такрорламоқ фикридан йироқ. Ул зотнинг эътиқодича, бировлар кетидан от сурмоқ, эл юрган йўлдан югурмоқ маъқул

Шеър аҳлининг икки жаҳонгири

эмас. Бошқалар гул терган чаманда гул истамоқ оқил иши саналмайди. Ваҳоланки, “Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп”. Яъни ҳар ким ўз дидига мос гулни изламоғи, термоғи зарур. Буни ижодга татбиқ этилса, ҳар ким ўз сўзини, ўзигагина хос услубда ифодаламоғи керак.

Абдулла Ориповнинг ижодий дастури ҳазрат Навоийнинг мазкур фикрларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг:

Мен шоирман,
Истасангиз шу,
Ўзимники эрур шу созим,
Бировлардан олмадим туйғу,
Ўзгага ҳам бермам овозим...

Ана шу дастурий фикрнинг поэтик ифодаси билан бошланган шеърнинг хотимасида шоир бениҳоят салмоқли хулосага келади. Аҳамиятлиси шундаки, бу хулоса ҳам ҳазрат Навоий номи билан боғланган:

Хаёл каби кенг эрур олам,
Майда гапни кўтармагай, шеър.
Керак бўлса, менинг учун ҳам
Жавоб берар бобом Алишер.

Кўриниб турибдики, ҳар икки ижодкор яқдил фикрда: шеърятда ўзгаларни такрорлаш (“мукаррар айламак”) айб. Чинакам шоир ўз сози билан қуйлаши лозим. Бошқалар кетидан от сурмоқ, ўзгалардан туйғу олиш ҳақиқий ижодкор иши эмас. Тақлидчилик ижод табиатига зид. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов тақлидчи шоирга ҳақли равишда мана бундай киноя қилади:

Тақлид қила бергин етса бардошинг,
Модомики сенда бор экан ҳавас.
Фақат бир қора кун кўтариб бошинг,
Асл нусхаман деб дод солмасанг бас.
Тақлидчилик ҳазрат Навоийнинг
“Ани назм этки тарҳинг тоза бўлғай”
деган фикрларига ҳам моҳиятан мувофиқ эмас. Чинакам ижод намунаси оригинал бўлмоғи зарур, тоза тарҳ билан битилмоғи керак. Бутун ижодий фао-

лияти ана шундай юксак эътиқод, мустаҳкам тутум асосига қурилгани бу икки буюк истеъдоднинг ижодкор сифатидаги принциплари нечоғли уйғун экани далилидир, бизнингча.

Улар ижод майдониغا чиққан тарихий шароит ўртасида ҳам муайян мутаносиблик бор. Ҳазрат Навоий замонида адабиёт тили сифатида форс тилининг мавқеи баланд эди. Ўзлари туркий миллатга мансуб икки буюк ижодкор – Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий ҳам форсийда “Ҳамса” яратган, адабиёт аҳли ўртасида туркий тилда бундай улкан бадиий обидани яратиш кенг эмас, деган қарашлар ҳукмрон эди. Улуғ мутафаккир “Муҳокама-ту-л-луғатайн”да туркий тилнинг фасоҳати ва балоғати форсийдан кам эмаслигини, аксинча баландроқ эканини аниқ далиллар билан исботлар экан, бундай ёзади: “Бу алфоз (туркий тил – Н.Ж.) ва иборатда бу навъ дақойиқ кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилмагон жиҳатдин бу яшурун қолубдур... Андин сўнграким, турк тилининг ҳомиеяти мунча далоил била сўбит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидан пайдо бўлгон таъб аҳли салоҳият ва таъбарин, ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва шунга буюрмасалар эрди. Ва агар икки тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккала тил била тенг айтсалар эрди. Бу эҳтимолга худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштаъблари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар ва билкулл турк тили била айтмағайлар”.

Ҳазрат Навоий она тилининг тақдир учун ана шу тарзда куюнди, унинг мавқеини кўтармоқ, миллатнинг шаънини юксалтирмоқ учун бор салоҳиятини сафарбар этди. Бу миллатдан етишиб чиққан таъб аҳлини – ижодкорларни

ўзга лисонда эмас, она тилида бебаҳо бадий асарлар битмоққа чорлади.

Абдулла Орипов ижод майдонига келган ўтган асрнинг 60-йилларида ҳам она тилимиз тақдири учун таҳликали вазият юзага келган, кўпмиллатли совет халқининг таркибий қисми саналган миллатлар тилининг йўқола бориши, бир тилга бирлашиб кетиши ҳақида “башораг”лар қилинаётган эди. Йиллик нуфузли анжуманлар тугул кичик гашкилот ёки муассасадаги йиғинлар ҳам рус тилида олиб борилиши урфга айланган эди. Барча идора ишлари ҳам ўзга тилда юритилар, собиқ иттифоқдаги бошқа миллий тиллар каби ўзбек тили ҳам деярли хонадон тили даражасига тушиш хавфини бошдан кечираётган эди. Абдулла Орипов ана шундай вазиятда ижод майдонига қадам қўйди. Энди унинг олдида ҳам “миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон оинаи ҳаёти” (Абдулла Авлоний таъбири – Н.Ж.) – тили ва адабиётини юксалтириш йўлида жонбозлик қилиш вазифаси турар эди. Она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирию камолоти учун масъуллиқ ва ғамжўрлик – сўз даҳоларини бирлаштирувчи биринчи фазилат. Данте италян тилини халқаро йўқламада нечоғлик барқарор этган бўлса, Навоий ҳам шундай вазифани – жаҳоншумул ватанпарварлик ишини адо этди. Этник жиҳатдан бағоят хилма-хил, қанчадан-қанча шеваларда гаплашувчи кишилар тилига хос сўзларни ўзбек адабий тили доирасига олиб кирди. Навоийнинг журъати ва жасорати, маҳорати туфайли ўзбек адабий тили мукамал шаклланишга эришди” деган Абдулла Ориповнинг ўзи ҳам бу борада ўз даври учун тенгсиз хизмат қилди. Шоирнинг 1965 йилда ёзилган “Она тилимга” шеъри бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга:

Минг йилларким, булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...

Бор-йўғи саккиз қатор шеърда миллатнинг тақдири билан боғлиқ муҳим масалани бу тарзда самимий, бунчалар образли ва таъсирчан ифодалаш учун сўзлар қалб призмасидан ўтмоғи зарур эди. Бинобарин, “сўз даҳоларини бирлаштирувчи биринчи фазилат” саналган “она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирию камолоти учун масъуллик ва ғамжўрлик” – Абдулла Орипов ижодий фаолиятининг ўзагини ташкил этади. Бу жиҳатдан уни ўзи номларини санаган улуғлар – Навоий ва Данте сафига қўшиш мумкин.

Ватанга муҳаббат туйғусининг бетакорро поэтик таъқини борасида ҳам Алишер Навоий ва Абдулла Орипов ижодига ана шундай уйғунликни кузатиш мумкин.

Ватан хуби иймон нишони дурур-деб ёзган Ҳазрат Навоий асарларида бу туйғунинг нечоғлик муқаддас экани теран мазмуни ва гўзал бадийят во-басталигида тасвирланган. Жумладан, улуғ шоир “Саиди Искандарий”да ўзи тугилиб ўсган Хуросон ва унинг гўзал шаҳри Ҳирот ҳақида бундай ёзади:

Хуросон бадандир, Ҳирий жон анга,
Ҳирий жон, Хуросон бадандир анга.

Таъкидлаш жоизки, бу мавзу Абдулла Ориповнинг ҳар бир шеърда ўзгача маҳорат билан билан ифодалангани. Ватан тушунчаси мавҳумлик гирдобига туширилган мураккаб ва зиддиятли даврда ёзилган “Ўзбекистон” шеърдаги “Ўзбекистон – Ватаним маним” мисраси ҳар бир ватанпарварнинг қалб садоси бўлиб янграган бўлса, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!” асарида бу муқаддас туйғу ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган оҳорли услубда, тамомила ўзгача ракурсда бадий ифодасини топгани сир эмас. Мана, шоир тўрт мисра шеърда “Ватан хуби”ни қандай тасвирлайди:

Шеър аҳлининг икки жаҳонгири

Балки чаман бўлар дашти Карбало,
Балки, беҳишт мавжуд юлдузлар аро.
Менинг Ўзбекистон – Ватаним бордир,
Уларнинг баридан аълороқ, аъло.

Ватан ҳимояси, уни хавфу хатарлардан
эмин асраш – муқаддас бурч. Ҳазрат
Навоий ижодида бу масала ҳам
бетакрор поэтик талқинини топган:

Аёнким, Ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

“Ватан! Менинг бор қисматим шу
бир сўзда ҳал”, деб ёзади Абдулла
Орипов. Зеро, чиндан ҳам, инсон учун
Ватан – Яратганнинг улуғ неъматидир. Уни
танлаш имконияти берилган эмас. Ва-
тан – тақдир, Ватан – қисмат. Уни се-
виш иймондандир, одамийлик зийнатидир.
Ҳар икки буюк мутафаккир асарла-
ри бизга бу ҳақда унутилмас сабоқ-
лар беради.

Ўзи мансуб бўлган халққа муҳаб-
бат, эл дардини ўз дарди деб билмоқ
ҳар икки ижодкор асарлари лейтмоти-
вини ташкил этади. Уларнинг ҳар ик-
киси “эл шод, мамлакат обод” бўли-
шини орзу қилди, бутун ижтимоий фа-
олиятини, ижодий салоҳиятини ана шу
улуғвор мақсадга йўналтирди. Бу жи-
ҳатдан, ҳазрат Навоийнинг мана бу мис-
ралари айрича аҳамиятга эга:

Юз жафо қилса манга, бир қатла
фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла
фарёд айларам.

Элга фидойилик бундан ортиқ
бўлмас. Бу туйғунинг поэтик талқини
борасида улуғ шоирдан ўтказиб бир
нарса дейиш маҳол. Бироқ Абдулла
Орипов улуғ бобокалонидан юққан ис-
теъдоди боис ўзи мансуб бўлган хал-
ққа муҳаббатини бетакрор услуб бил-
лан, баланд пафосда ифодалай олди:

Хуш, нечун севаман Ўзбекистонни,

Сабабини айтгин десалар менга.
Шоирона гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга.

Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Эътиборга молик яна бир жиҳати,
мазкур шеърда шоирнинг халқига
бўлган меҳри Ватанга муҳаббати бил-
лан уйғунликда тасвирланганидир. Аб-
дулла Орипов буюкларга даҳо бахш
этган, энг сўнгги нонини ҳам ўзи емай
ўғлига тутган, фарзандлар шонини ас-
рлардан опичлаб ўтган, суюклардан
суюк она халқини жону тан баробари-
да ардоқлайди. Муҳими, бу ардоғини
бетакрор мазмун ва тугилмаган таш-
бихлар билан бадиий кашфиёт мақо-
мида назм сўликига чекади.

Ҳазрат Навоий ёзадилар:
Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.
Абдулла Орипов оломоннинг халққа
айланиши учун жон куйдирган, ўз қис-
матини она халқи тақдири билан уйғ-
унликда тасаввур этган миллатпарвар
сифатида буюк мутафаккир бобоси
янглиг бутун ижтимоий фаолиятини,
ижодий салоҳиятини ана шу улуғвор
мақсадга сафарбар этди. Шоирнинг
мана бу мисралари чинакам халқпар-
варликнинг намунаси:

Халқим, мозий ўтди,
толе кўрмадинг,
Пиширдинг ўзингга
бенасиб таом.
Кийгаздинг бировга,
ўзинг киймадинг,
Юлдузни кашф этиб,
ном олдинг авом...

Замонавий шеърятимизда ҳазрат
Алишер Навоийнинг адабий анъанала-
ри муносиб давом эттириляётир. Аб-
дулла Орипов ижоди бу жиҳатдан ил-
мий тадқиқотлар учун бой материал
бера олади. Зеро, у мумтоз адабиёт-
ни, айниқса, Алишер Навоий асарлари

Шеър ахлининг икки жаҳонгири

ни чуқур билади. Ҳар йили Миллий богда ўтказиладиган умуммиллий навоийхонлик байрамлари Абдулла Ориповнинг бири-бирини такрорламаган, ҳам илмий теран, ҳам ҳар қандай даражадаги тингловчи қалбини забт эта оладиган маърузалари билан очилиши бежиз эмас. Шу боис шоир ижодда ҳам буюк салафи юксакларга тиккан байроқни қўлдан бермай келаётир.

Абдулла Ориповнинг ғазаллари мумтоз шоирларимиз, хусусан, ҳазрат Навоий поэтик анъаналарининг муносиб давоми дейилса, муболаға бўлмас.

Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,

Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун.

Ғазал матлаъида мумтоз шеъриятга хос бадиий унсурлар ажиб, бир тарзда мужассам бўлган. Ўзини ишқ саҳросида беишқ ҳис этган ошиқ ёр ҳажрида бениҳоя қаттиқ изтироб чекмоқда. На тижанда ишқ дарди боис саҳрони мандил этмоққа ўрганган Қайс бу одатидан воз кечмоққа мажбур. Не учунки, ошиқнинг ўтли охи сабабидан саҳрога ҳам ўт кетган. Энди Қайс – Мажнун учун борарга макон қолмаган. Байтда тасвирланган образ ёрқин ва жонли, ўқувчи кўз ўнгида мутлақ унутилмас таассурот гавдаланади: олов ичида қолган бепоён саҳро ва иложсиз Қайс. Бир вақтнинг ўзида тазод, тажнис, игроқ фиссифат сингари мумтоз бадиий санъатлар имкониятидан маҳорат билан фойдаланилгани байтнинг поэтик мукамаллигини таъминлаган. Игоқ фиссифат (“Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун”) санъатини шоир назариётчилар талаблари даражасида, балки ундан ҳам ўтказиб қўллайди. Маълумки, Шайх Аҳмад Тарозий бу санъатда “...бир нарсанинг васфинда муболағани ҳадду ғоятдин ўтқарурлар” дея таъкидлаган. Атоуллоҳ Хусайний мулоҳазалари Аҳмад Тарозий фикрларини тўлдиради: “Агар даъво ақлга сигсаю одатдин ташқари бўлса

ҳам мақбулдур ва ани игроқ дерлар”.

Арузнинг туркий шеъриятда кенг тарқалган рамал баҳри (қолипи: фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун) – рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилгани ғазал ритмининг ўзига хослигини таъминлаш баробарида, ифодаланаётган фикр таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Кейинги байтлар ҳам жозибаси ва бадиий мукамаллигига кўра матлаъдан қолишмайди:

Чехраи заррин сира кўрмакка ҳожат қолмади,
Шамс нарвони уза агёр эрур пайдо бу кун...

Ёки:

Нун лабинг узра сокин қолди ҳилолдек ҳолатим,
Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун.

Бир вақтнинг ўзида бир неча қават мазмуннинг ва ғазал бадииятнинг бу даражадаги уйғунлигига эришмоқ учун мумтоз адабиётни, ҳазрат Навоий асарларини шунчаки мутолаа қилишнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун Худо юқтирган шеърий иқтидор, юксак назмий салоҳият зарур.

Шоирнинг

Бул ажаб хор кимсадин имдод сўрайди хорлар,
Сиз бемор кўксига бош қўймангиз, эй беморлар,

матлаъли ғазали ҳам мумтоз лириканинг юксак талабларига жавоб бера олади. Оҳорли мазмун, вазн, қофия ва бадиий санъат мукамаллиги Абдулла Ориповнинг ғазалнависликда ҳазрат Навоий санъатхонасидан баҳра ола билган бахтли ижодкор экани исботидир.

Ўтган асрнинг 80-йилларида нашр этилган бир суҳбатида шоир мана бундай фикрларни билдирган эди: “Мен навоийшунос деган терминга қаршиман. Чунки бу шундай катта баҳри муҳитки, унинг денгизлари бор. Шунинг учун “Лайли ва Мажнун”шунос ё “Фарҳод ва Ширин”шунос бўлиш мумкин. “Чор девон” бир умр ўрганилса кам.

Мен Навоидан масаланинг моҳиятига киришни, шеърни сеҳрли таёқчадай ўйнатишни ўргандим. У киши мазмун ифодасининг устаси, шеър айтиш мумкин, лекин шеърни мазмун билан факат Навоий айтган".

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов маънавий устози ҳазрат Навоидан ўрганганидек, масаланинг моҳиятига кира билади. Бугина эмас, моҳиятни бетакрор бадий талқин этиш бобида тенгсиз маҳорат касб этган. Яна улуғ Навоидан ўргангани каби шоир шеърни сеҳрли таёқчадай ўйната олади. Шунинг учун ҳам, унинг асарлари бир вақтнинг ўзида шуурни ҳам, кўнглини ҳам бирдай забт этади. Ўқувчини ҳайрат оламига олиб киради, унинг қалбида янги-янги дунёларни кашф қилади. Мана, шоирнинг арузда ижод этиш имконияти нечоғлик катта эканини кўрсатадиган шохбайтларидан яна бири:

Гар фалак буржида шамс уйқуга солса ўзни,
Етди навбат бизга деб чақнар эмиш сайёрлар.

Табиийки, бунда шамс (қуёш) ҳам, сайёралар ҳам мажоз, байтда ақолида аксар инсонлар табиатида хос ўзи лойиқ бўлмаган мақомга интилиш, ҳою ҳавас, ҳирсу ҳасад каби иллатлар танқиди ўз ифодасини топган. Мухими, бу фикр фалак, бурж, шамс, сайёрлар каби мутаносиб образлар воситасида жозибали поэтик тасвир орқали акс этган. Бу каби байтлар шоир ижодида кўплаб учраши Абдулла Ориповнинг арузда ҳазрат Алишер Навоийнинг муносиб издоши экани далилидир.

Шоир ҳазрат Навоий ғазалларига мухаммаслар ҳам боғлаган. Улар орасида

*Жамоатеки, жунун манъини манга қиласиз,
Тош отибон не учун телбаларга қотиласиз, -*

матлаъли ғазалга боғланган мухаммас алоҳида ажралиб туради. Сабаби, биринчидан, бу ғазал туркий шеърятда

кам қўлланган комили мусаддаси солим (қолипи: мутафоилун-мутафоилун-мутафоилун) вазида битилган. Иккинчидан, мухаммас мисралари шу даражада мантиқан ва санъаткорона боғланганки, гўё бир ижодкор қаламига мансубдек таассурот қолдиради.

Ҳазрат Навоий "Мезону-л-авзон"да арузнинг комил баҳри ҳақида мана бундай маълумот беради: "Олтинчи доираки, андин икки баҳр мустахраж бўлур, бу ҳам аҷам шуароси арузларида кўрулмайдурким, алардин бири комил баҳридурур...".

Мазкур мухаммаснинг айна шу "...аҷам шуароси вазнларида кўрулмайдурган, оз шеър воқеъ бўлган" комил баҳридаги ғазалга битилгани Абдулла Ориповнинг арузда нечоғлик маҳорат касб этишидан далолат беради. Мана мухаммаснинг якунловчи банди:

*Келибдур оғзима жоним, қилурман ишқими зикр,
Негайким васл эрди орзу вале дилдордин макр,
Несун Абдулла хайрондур, аё пир, айланг фикр,
Навоий ҳажроға қолди, қилинг висолда шукр,
Жамоатеки, севар ёрингиз била биласиз.*

Миллий университетда бўлган ижодий учрашувлардан бирида шоир ҳазрат Навоийнинг сўз қўллаш борасидаги ўзига хослиги ҳақида гапириб, улуғ мутафаккирнинг "бўлдило", "қилдило" тарзидаги ифода шакли унга бениҳоя маъқул келгани хусусида баҳс юритди. Шундан сўнг ўзининг буюк бобокалонимиздан таъсирланиб ёзилган "Бўлдило" шеърини ўқиб берди. Бу ҳол Абдулла Ориповнинг улуғ Навоий аъналарини яна ўзгача шаклда ҳам давом эттираётганини кўрсатади.

Ҳазрат Навоийнинг Абдулла Ориповни тўлқинлантирган мисралари қуйидагича:

*Кимки замон аҳлидин айламади ижтиноб,
Бир кун ани ҳам дегунг аҳли замон бўлдило.*

*Яхшилар ичра Ватан тутса Навоий, не тонг,
Кимки ёмонлар била бўлди ёмон бўлдило.*

Ҳақиқий шеър изтиробдан, дарддан туғилади. Айниқса, дунёни мукаммал кўрмоқ истаган, кўлмак давралардан хазар қилган, умрнинг югуриклигини теран ҳис этган, йиллар жароҳатига даво излаган шоир беғам, бепарво бўлиши мумкин эмас. Абдулла Ориповнинг ҳазрат Навоийнинг мазкур шеъри таъсирида дунёга келган қўйидаги мисралари ана шундай изтироб маҳсули:

*Йиллар жароҳатин борми давоси.
Бормикан Лукмони, борми Синоси?
Муҳаббат мулкининг нозик биноси
Хижрон сели ила вайрон бўлдило.*

Шоир лирик қаҳрамонининг изтироб би ўткинчи ҳою ҳаваслардан туғилмаган. У бахтга зор бўлса-да, бахтни қўйлаган, саробга термулиб нақдни бой берган, вақтни сомондек совурган ва бундан адоқсиз андуҳда қолган, бошқача айтганда, ўз-ўзини тафтиш қилишга қодир тафаккур соҳибининг изтиробини.

Лирик қаҳрамон гарчи сув излаб қумларга дуч келган, дафъатан дўстга мадад бера олмаган, ёвлари мисоли тикандек қуршаган, не-не орзулари армонга айланган бўлса-да, неқбин. Ҳаётга умид ва ишонч билан қарайди:

*Бу фоний дунёда мен ҳам бир сайёҳ,
Гоҳида шошилдим, шошилтирдим гоҳ,
Асл манзил экан у Олий даргоҳ,
Қолгани шунчаки сайрон бўлдило.*

Ҳазрат Навоийнинг “Арбаъин” асари ва Абдулла Ориповнинг “Ҳикмат садолари” туркумининг қиёсий таҳлили ҳам қизикarli хулосаларга олиб келади. Жумладан, “Арбаъин”да қаноатнинг туганмас бойлик экани ҳақидаги ҳадис қўйидагича шеърий шарҳланган:

*Хирсдин кечгил ул ғамедурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.*

*Тут қаноатки, ул эрур моле –
Ки, ниҳоят анга эмас пайдо.*

Қаноат комилликнинг бош шартларидан. Шу боис ҳам мумтоз шоирларимиз ҳадиси шарифда улуғланган бу фазилат тарғибига алоҳида эътибор билан қаратган. Зеро, қаноат – бошдаги тож. Унинг акси бўлган тамағирлик эса инсоннинг асл табиатиға ёт хусусият. Қаноат инсонни юксакликка кўтарса, тамаъ уни забунликка маҳкум этади. Абдулла Ориповнинг қаноат ҳақидаги шеърий ҳикмати ҳам ҳадиси шарифнинг бугунги замон кишиси руҳиятиға мос поэтик талқинидир:

*Рамазон ойида, ҳайит чоғида,
Сумалак пиширди аҳли мусулмон.
Унни қовурдилар зайтун ёғида,
Ҳалим тайёрлади – кимда бор имкон.*

*Баҳор келди, мана, қишдан чиқолдик,
Берган ризқ-рўзига, неъматга шараф.
Тоғдайин заҳматни ахир йиқолдик,
Табиатга шараф, ҳимматга шараф.*

*Рўзадан чиққанлар, сизга ҳам раҳмат
Фарзингиз синовли саодат эрур.
Рағулуллоҳ дёмиш: - Сабр қил, уммат,
Муминлик белгиси қаноат эрур.*

“Арбаъин” ва “Ҳикмат садолари”нинг муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари алоҳида тадқиқотларга мавзу бўла олади. Мухими, шу биргина мисол ҳам кўрсатиб турибдики, замонамиз шоири Абдулла Орипов ҳазрат Навоий сингари муборақ ҳадислар мазмунини бетакрор бадиий талқин эта билди. Бу орқали ўзининг инсонни комил, жамиятни мукаммал кўриш ҳақидаги орзуларини оҳорли образлар, гўзал ташбиҳлар орқали поэтик тасвирлашга муваффақ бўлди.

Абдулла Орипов шеъриятда ҳазрат Навоий аънаналарини муносиб давом эттириш баробарида шоирлар султони образини бетакрор поэтик талқин этиш бобида ҳам пешқадамдир. “Навоий бобомиз асарлари мутолаасидан

чарчаганим йўқ, – деб ёзади шоир матбуотда ўтган юзйилликнинг 90-йилларида чоп этилган бир суҳбатида. – У кишининг бирор байти ёки мисрасини ҳар ўқиганимда, янги-янги қирраларини кашф қиламан, гўё охори тўкилмагандай туюлаверади. Ижодкорлар орасида Ҳаққа етгани Навоий, деган тушунча бор. У киши асарларини ўқиганимда кўз ўнгимда соҳиби камол, беназир бир инсон сиймоси гавдаланаверади”.

1966 йили ҳазрат Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан ижод этилган “Алишер” шеърисида шоир бундай ёзади:

*Жаҳонки муқаддас нени кўрибди, -
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.
Беш юз йил наридан боқиб турибди,
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.*

Ҳазрат Навоийни улуғлаб минглаб байт шеърлар битилган. Муаззам адабиётимиз тарихида ул зотнинг шаънига шеър бағишламаган шоирни топиш маҳол. Бироқ шеър билан шеърнинг фарқи бор. Бобокалонини улуғлар экан, Абдулла Орипов оҳори тўкилмаган ташбихлар қўллайди, мавзуга ҳеч бир ижодкорда кузатилмаган услуб ва мезонлар асосида ёндашади. Масалан, ҳазрат Навоий бебаҳо асарлари билан миллий тилимиз, адабиётимиз мавқеини, миллатнинг шаънини юксакларга кўтаргани маълум. Бироқ бу фикрни мана бу тарзда ўзига хос поэтик талқин этиш осон иш эмас:

*Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан, -
Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом.
Унинг номи билан бирга битилган
Дунё дафтарига ўзбек деган ном.*

Улуғ мутафаккир таваллудининг олтинчи юз йиллиги ҳам ниҳоясига яқинлашаётир. У мансуб бўлган халқ буюк ўғлига юксак даражада эҳтиром кўрсатиб келмоқда. Абдулла Орипов бу фик-

рни ҳам бетакрор бадиият билан, ўқувчининг кўнглига, шуурига таъсир кўрсатадиган даражада ифодалайди:

*Нидо тингла, бу кун, юртинг тарафдан,
Эй, йироқ Ҳиротда маскан топган эр!
Огоҳ бўл, Алишер, сен ушбу гапдан:
Ҳар икки набиранг бири – Алишер.*

“Ҳар икки набиранг бири – Алишер” – бу поэтик фикр чинакам бадиий топилдиқ, ўзбекона ибора. Буюк мутафаккирга бўлган эҳтиромни бундан ҳам содда ва таъсирчан ифодалаш маҳол.

*Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...
Шодмон қасида айт сен ҳам, эй куёш!
Беш юз йил унга ҳам нима гап ахир,
Мингга қадам қўйди йигирма беш ёш.*

Яъни ҳазрат Навоий жаҳоний миқёсга кўтарилган ижодкор. Унга куёш ҳам қасида айтса арзийди (шоир улуғ мутафаккирнинг серкуёш замин фарзанди эканига ишора қилган). Беш юз йил деганлари нима гап, у мингга қараб ҳам яна йигирма беш қадам қўйди. Бошқана айтганда, яна эҳтимол минг йиллар ўтар, бироқ Алишер Навоий даҳоси мудом етиб бўлмас юксакликда қолаверади. Ахир у қалам билан Соҳибқирон Амир Темур тиғи етмаган жойларни, наинки мамлакатлар, ўларда яшайдиган инсонлар қалбини ҳам забт этди. Абдулла Орипов “Ўзбекистон” қасидасида бу ҳаётий ҳақиқатни мана бу тарзда бадиий ҳақиқатга айлантирди:

*Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,
Ҳаммасига гувоҳ – ер ости.
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро
Жаҳонгири кам бўлар, рости.
Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер,
Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер.*

Дарҳақиқат, ҳазрат Навоий – шеър аҳлининг тан олинган жаҳонгири. Улуғ

мутафаккир, ўз таъбири билан айтганда, Хитодин то Хуросонгача, ундан Шерозу Табризгача бўлган ҳудудни черик чекмай туриб, тахти фармони-га олган, буйсундирган. Буюк шоирнинг фасоҳат ва балоғатда тенгсиз сўзига наинки турк жон ҳам, ҳатто туркмон ҳам кўнгил берган.

Абдулла Орипов бир замонлар овози икки дарё оралигида қолиб кетаётганидан афсус чеккан эди. Миллий истиқлол шарофати билан унинг асарлари ҳам дунёнинг кўплаб тилларига таржима бўлди, эътироф қозонди. Жаҳон адабиётининг Чингиз Айтматов, Қайсин Қулиев, Давид Қўғултинов, Расул Ҳамзатов, Евгений Евтушенко, Ўлжас Сулаймонов, Андрей Вознесенский сингари атоқли номояндаларининг эътирофлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, Ўлжас Сулаймоновнинг эътирофича: "Абдулла Орипов лирикасида қадимий ўзбек шеърлятига хос энг гўзал жиҳатлар мужассамлашган. У ўзбекнинг рамзи бўлган ижодкор". Евгений Евтушенко эса "Ўзбекларга хос дошиманглик, бағрикенглик, хокисорлик ва андиша Абдулла Орипов поэзиясига сингиб кетган"ини таъкидлайди.

Чингиз Айтматов Абдулла Ориповга ўз даврининг ҳаками ва куйчиси, жарчи ва файласуф, сўз сеҳргари, мутафаккири, XX1 асрга қадам қўйган давримизнинг буюк маданий аҳамиятга молик шоири, дея таъриф беради.

Абдулла Орипов жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига ижодий сафарлар қилди. "Ҳаж дафтари", "Япон оҳанглари", "Женева дафтари", "Италия таасуротлари" сингари туркумлари шоирнинг барҳаёт умуминсоний ғояларни ҳеч кимга ўхшамаган тарзда, ўз сози, ўз овози билан қуйлагани исботидир.

Булар барчаси Абдулла Орипов назмий асарлари билан жаҳоний эътироф қозонганидан, шоир бу борада улуг бобокалони ҳазрат Алишер Навоийнинг муносиб издоши эканидан далолат беради. Муаззам миллий шеърлятимизнинг 570 га кирган бобо жаҳонгири ёнида ижодкор учун айни камолот палласи – 70 ни қаршилаган неvara жаҳонгирнинг борлиги нақадар ярашиб турибди.





Балқиб турар дилда иминжим

МЕНИНГ ВАТАНИМ

Болалигим улғайган бешик,
Кенг оламга очилган эшик,
Бўйи-басти, доим қадди тик,
Ҳам қучган шон – менинг Ватаним.

Ҳамкорликни ёклаган элим,
Ўзлигини сақлаган элим,
Нону тузин оқлаган элим,
Қадим Турон – менинг Ватаним.

Фидо бўлди эрк деб Кул Тегин,
Қанот қоқди кўкларга эркин,
Битта жойда олмагай ҳеч тин.
Кўкси осмон менинг Ватаним.

Спитамен от сурган маскан,
Муқаддасдир унинг учун шаън,
Боғ-роғлари юз очган гулшан,
Бойликка қон менинг Ватаним.

Болаларин тишида тишлаб,
Кўл қаварган далада ишлаб,
Кузатгандир кўнглини хушлаб,
Келса меҳмон, менинг Ватаним.

Бузмагандир ибодатини,
Эъозлагай саодатини,
Авлодларга ёзгай хатини,
Топса имкон, менинг Ватаним.

Йўл олгандир улуғ манзилга,
Меҳри жодир ҳар битта дилга,
Номи кўчгай тиллардан-тилга,
Даври даврон, менинг Ватаним.

Ҳар бир дардга излагайдир қор,
Кундан – кунга топгай эътибор,
Толмас Сарбон ўғлонлари бор,
Ўзбекистон, менинг Ватаним.

ЯХШИЛИК

Дейдилар яхшидан боғ қолар,
Эзгуликни уруғини эк.
Кўлдан келса бирор иш агар,
Фақатгина қилгин яхшилик.

Бу ширға ҳар лаҳза, ҳар дам,
Амал қилиб ўшагайман, рост.
Юрагимдан жой олган маҳкам,
Яхши хислат отамдан мерос.

Нур таралган юзда мўйсафид,
Буй кўрсатар эзгулик нафис.
Яхшиликлар тилар ҳар сўзда,
Юртимда ҳам мужассам шу ҳис.

Уй тўрида тишланган патир,
Хуш бўйини турар таратиб.
Мазмунлари оламга татир,
Онанг ўпгай гардларин артиб.

Пичирлайди: насибанг, болам,
Бир кун сени келади бошлаб.
Кўксимни ҳеч эзмасин алам,
Гоҳо пинҳон кўзларин ёшлаб.

Кузатаман бу ҳолни ҳар гал,
Соғинганман мен ҳам аслида.
Йўллариингга боққанча маҳтал,
Кутаяпман келишинг жуда.

Онанг кўзи толган йўл қараб,
Сенга бориб тақалар сўзи.
Хат борми деб қолар гоҳ сўраб,
Чирой очган қўшнининг қизи.

Ватанни-ку қўриқламоқ бурч,
Унда меҳр ҳамда шафқат жаъм.
Бахш этгандир умидвор бир куч,
Шундай кутган момонг бизни ҳам.

уй тўрида тишланган патир,
Бизга мерос қолган қадрият.
Хизмат ўтаб қайтгаймиз, ахир,
Холис бўлсин орзу-ю ният.

Кўнглинг фақат менда бўлса, бас,
Юз очади умрим чечаги.
Хотирамда беизн кетмас,
Дил ўртаган ҳижрон кечаги.

Кўнглинг фақат менда бўлса, бас,
Айрилиқ ҳам ишққа дўнади.
Чекинади номарду, нокас,
Изтироблар бир-бир сўнади.

Кўнглинг фақат менда бўлса, бас,
Бўй чўзади орзулар қат-қат,
Яшайман бугун қасдма-қасд,
Ишонаман, келар муҳаббат.

ШЕЪРИЯТ

Шеърият майдониға,
Кирдингми, ёнмоқ керак.
Хузуру-ҳаловатдан,
Бир умр тонмоқ керак.

Шеърият –мангу бир дард,
Шаънига қўндирмай гард,
Вужудинг ёқсин абад,
Меҳридан қонмоқ керак.

Бу дунёда шодлик, ҳам,
Баҳс этади дамба-дам.
Ёринг алдаб кетса ҳам,
Унга ишонмоқ керак.

Тирикдирсан Ҳазрат то,
Муҳаббатинг дилда жо,
Шеъринг берсин акс-садо,
Дилдан қувонмоқ керак.

КЎНГЛИНГ...

Кўнглинг фақат менда бўлса, бас,
Балқиб турар дилда илинжим.
Юз очади қайтадан ҳавас,
Ўз ҳолига қайтади тинчим.

Кўнглинг фақат менда бўлса, бас,
Қодирдирман буюк бардошга.
Юрагимда ёғилган ҳар сас,
Айланади намга, кўз ёшга.


СЕНСИЗ...

Сенсиз дунё менга бир қадар,
Кенгликлар ҳам сим-сиёҳ саҳро.
Бир умрга аразлаб кетар,
Юлдузлардан ойларгача то...

Аразлайди, буради юзин,
Муҳаббат – бахт билмас ниҳоя.
Лов-лов ёнган эҳтиросларим,
Сўндирмоққа бир сўз кифоя.

Дилларимни ўртайдим алам,
Қоғоз узра туқаман дардим.
Тун қўйнида милтираган шаъм,
Ҳаератларим тинглагайдир жим.

Бир мўъжиза кутаман тонгдан,
Ич-ичимдан энтиқиб, ёниб.
Жоним, билсанг сенсиз оламда,
Мени ҳеч ким ололмас таниб.



Ушратхона Ётиклари

Нафас ШОДМОНОВ

НАЖОТ ДАРВОЗАСИ



(Драма)

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
20 йиллигига бағишланади**

ИШТИРОҚЧИЛАР:

- Собир Шодиев** – айни пайтда нафақада, 65 ёшларда, собиқ пахтачилик хўжаликларидан бирининг раҳбари, 45 ёшларда Собирнинг хотини
- Маҳбуба** – Собирнинг хотини
- Рўзибой Алимов** – айни пайтда нафақада, 70 ёшларда, собиқ туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассиси, 50 ёшларда Рўзибойнинг хотини
- Зубайда** – Собирнинг қизи, битирувчи талаба
- Орзуғул** – Рўзибойнинг ўғли, муҳандис
- Зафаржон** – Иттифокда ўйлаб чиқилган “пахта иши” жиноятини текширишга марказдан юборилган ички ишлар ходими
- Комиссия** – шўро милицияси раҳбарларидан (ОБХС)
- Сардор** –
- Маҳалла аёли**
- Маҳалла вакили**
- Исҳоқ** – артист
- Нозим** – диний даъватчи
- Аҳмад** – сохта демократ
- Маҳалла вакиллари** – бир аёл, бир эр
- Шарпалар** – шўро милицияси
- Собирнинг ёш болалари**
- Зафаржон ва Орзуғулнинг ўғли**
- Пионерлар**

Асар Қашқадарё вилоятида 1986-1989 йилларда содир бўлган воқеаларга асосланади.

МУҚАДДИМА

“Одина” масжиди пештоқи олди. Собир Шодиев, унинг хотини Маҳбуба, куёви Зафаржон ва қизи Орзугул дарвозадан чиқиб келадилар.

СОБИР: Мана замоннинг зайли...

Ана даврону мана даврон! Мана шу обида Ўзбекистоннинг тимсоли. Ўша замонларда бу бино қандай хор бўлган бўлса, юрт ҳам ана шундай хор эди... Сизлар кўриб турган ҳар бир устун ораси беркитилиб камерага айлантирилган эди. Ҳозирги қиёфаси умуман бузиб ташланган эди. Деворларига қанча маҳбуснинг қонлари сачраган эди. Ҳа, биз ҳам хор эдик... Энди бунинг обод бўлганини кўринг! Бай-бай-бай...

МАҲБУБА: Лекин ўша кунлар юракларга катта доғлар ташлаб кетди-да. Эслагим келмайди-я...

ЗАФАРЖОН: Лекин ўша воқеаларни ёзса, зўр китоб бўлади-да, дада... Сизни бош қаҳрамон қилиб олса...

СОБИР: Ҳақиқатан, ёзиш керак, лекин бош қаҳрамон қилиб мени эмас, ҳаммамизни... йўқ, нажоткоримизни олиш керак! У бўлмаса, мен албатта хору зорликда ўлиб кетар эдим... Бир мен эмас, у-ху, қанча бегуноҳ одам...

ОРЗУГУЛ: Мен ҳам ўлиб кетар эдим...

СОБИР: Ҳақиқатан, ёзиш керак! Ўша кунларни кўрмаган авлодлар бизнинг, элнинг, юртнинг таҳқирланган, эзиб ташланган аҳволда қандай қилиб ҳурлик топганини, бунда кимлар бош қаҳрамонлар бўлганини қаердан билади. Келинлар, мана бу ерда бир оз ўтириб ўша кунларни бир эслаб олайлик. Кейин бирорта ёзувчини топиб ёздирамиз...

1-кўриниш

Саҳнада ўтган аср 80-йилларига хос манзара касб этган кўча, одамлар, қизил галстуклар таққан пионерлар, шиорлар, ундан кейин пахтазордан чиқиб келаётган юпун, жунжиккан аёллар, болалар, ундан кейин ўтин-таппи териб уйларига олиб бораётган аёл-болалар, ўчоққа олов ёқиш учун энгашиб пуфлаётган аёл ҳаракатлари намоён бўлади.

2-кўриниш

Боғ манзараси. Шоир ва Зафаржон кирадилар.

ШОИР: Зафаржон, шеърларимни бир китоб қилмоқчи эдим. Тошкентга, нашриётга олиб борсам, машинкада печать қилиб келинг, дейишди. Бир машинка ёрдам қилиб туриг.

ЗАФАРЖОН: Менинг ҳам шахсий машинкам йўқ. Бошқармага олиб борсангиз, дадамнинг котибаларига айтиб қўяман, печать қилиб беради.

ШОИР: Уйда бўлса яхши эди-да.

ЗАФАРЖОН: Нима қиламиз, бунинг иложи йўқ.

ШОИР: Лекин ҳозир жуда зўр инқилобий шеърлар ёзаяпман-да, биттасини ўқиб берайми?

ЗАФАРЖОН: Ўқинг.

ШОИР: Эшитинг бўлмаса:

Қишки сарой – бу сарлавҳа.

Қишки сарой!..

Гумбазида кўринмас ой,

Деворлари метин кўргон!..

Ҳурлик нури топмаган жой,

Зулму зулмат ҳоким макон!..

Қишки сарой!..

Қишки сарой!..

Мамлакатга гўё тимсол,

Савлат тўкиб турган қоя.
Писанд эмас довул, шамол,
Емиради лекин ғоя!..
Қишки сарой!..

Қишки сарой!..
Ғоялардан уйғонар эл,
Турар қалқиб оёққа ҳам!
“Инқилоб!” дер ҳар забон, тил,
Бошланади шахдам қадам!..
Қишки сарой!..

Қишки сарой!..
Қучоғингни тарк этади
Оқподшоҳнинг аъёнлари.
Котиблар хушхол битади,
Коммунанинг эълонларин!
Қишки сарой!..

Қишки сарой!..
Ҳар бир инсон юрагини
Қишки сарой қилиб олар,
Илиқ-илиқ тилагини
Инқилобий изга солар!
Қишки сарой!..

ЗАФАРЖОН: Жуда яхши. Қишки саройнинг инқилобчилар томонидан қўлга олиниб, унинг бошқарилуви ни инқилобий изга солинишини юракларга кўчирибсиз. Бу маҳоратингиз етилиб қолганидан далолат беради. Лекин энг аввало шоир қайси халқнинг вакили бўлса, ўша халқнинг дардини айта олиши керак. “Газни Уралга бериб, таппи ёққан ўзбегим”ни халқ тўқиган. Қаранг бу сатрларда халқ дарди борлиги учун тилдан тилга ўтиб юрибди. Буни тўқиганлар шоирларга танбеҳ бермоқчи бўлганлар.

ШОИР: Жуда тўғри, буни ўйлар эдим, лекин ҳеч ким бундай равшан тушунтирмаган. Энди мени “миллатчи” десалар ҳам, халқимнинг дардини ёзаман!.. Менга машинка

ёрдам қиласиз-а?

ЗАФАРЖОН: Эртага дадамнинг котибаларига қўлёмаларингизни олиб боринг, ёзиб беради, дедим-ку.

ШОИР: Бўпти, эртага олиб бораман...

ЗАФАРЖОН: Хўп, мен бораёй, хайр.

ШОИР: Хайр, раҳмат.

Чиқадилар.

3-кўриниш

Боғ манзараси. Орзугул билан Зафаржон кирадилар.

ЗАФАРЖОН: Келур жонон, бу бизнинг жон учунми?

Бу бизнинг жон ўшал жонон учунми?

Бу гулшан чира минг булбул чекар ун,
Жаҳон шайдо гулим меҳмон учунми?

Қилур гуллар ўзин унга пояндоз,
Жаҳон гулзорида ул хон учунми?

Қизармиш бу наман ҳам, уфқи шом ҳам,
Тўқилган кўзимиздан қон учунми?

Қизилликдур тонг аҳлин юзида ҳам,
Уятдин аҳди ул ёлгон учунми?

ОРЗУГУЛ: О-о! Шоир бўлиб кетибсизми?

ЗАФАРЖОН: Ҳозиргача шоир эдим, бугун висол бодасидан маст мажнунман, эртага ёзувчи бўлсам керак.

ОРЗУГУЛ: Бу нима деганингиз?

ЗАФАРЖОН: Энди бу муҳаббат ҳақида роман ёзмоқчиман.

ОРЗУГУЛ: Қанақа роман экан?

ЗАФАРЖОН: Муҳаббат ҳақида! Бахтиёрлар севгиси ҳақида!

ОРЗУГУЛ: Ким экан ўша бахтиёрлар?

ЗАФАРЖОН: Биз, яъни Зафаржон ва Орзугул! Романнинг номи...

номи... ёрдамлашиворинг...

ОРЗУГУЛ: Орзугул ва Зафаржон...

ЗАФАРЖОН: Яхшироқ ном топинг, масалан "Ўткан кунлар" дегандай.

ОРЗУГУЛ: "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" ёмонми?

ЗАФАРЖОН: Яхши-я, лекин... олдин Зафаржон турса яхши экан!

ОРЗУГУЛ: Йўқ, Орзугул турса яхши.

ЗАФАРЖОН: "Зафар ва Захро", "Фарҳод ва Ширин", "Юсуф ва Зулайхо", қаранг, қандай ажойиб!

ОРЗУГУЛ: Мен ҳам қизларнинг исми олдин айтилган кўп дostonларнинг номини айтишим мумкин. Орзугул олдин туради, тамом, вассалом!

ЗАФАРЖОН: Э, романни мен ёзаманми, хоҳлаганимни олдин кўяман-да.

ОРЗУГУЛ: Тушунинг, олдин орзу туғилади, у учун курашилади ва охир зафарга эришилади. Шундай бўлгандан кейин олдин Орзугул туради-да.

ЗАФАРЖОН: "Енгдинг, Раъно, э-э, Орзугул, енгдинг". Минг қилса ҳам, филологияда ўқиганлигингизга борасиз-да.

ОРЗУГУЛ: Хўш, ўртоқ муҳандис-ёзувчи, асарингизни ўқиб бериш учун чақирдингизми ёки бошқа муддаолари борми?

ЗАФАРЖОН: Романимнинг биринчи боби тайёр бўлганини айтмоқчи эдим.

ОРЗУГУЛ: Хўш, уни қандай номладингиз?

ЗАФАРЖОН: "Ота-она ризоси" деб.

ОРЗУГУЛ: Яъни?

ЗАФАРЖОН: Кеча онамга сизни севишимни айтган эдим...

ОРЗУГУЛ: Нима дедилар?

ЗАФАРЖОН: "Бўлмайти", дедилар.

ОРЗУГУЛ: Бизни ўзларига тенг кўрмаган бўлсалар керак-да...

ЗАФАРЖОН: Йўқ, "У жуда чиройли, аллақачон юрагини кимдир забт қилиб кўйгандир", дедилар.

ОРЗУГУЛ: Сиз нима дедингиз?

ЗАФАРЖОН: Унинг юрагини биринчи бўлиб забт этган мен бўлман, "шоҳ қизига муносиб куёвманку" дедим.

ОРЗУГУЛ: Шунга ўзингиз ишонасизми?

ЗАФАРЖОН: Ишонмасам, айтаманми?

ОРЗУГУЛ: Ким билсин?

ЗАФАРЖОН: Онам бугун дадам билан гаплашмоқчилар, ҳар ҳолда дадам ҳам қаршилик қилмасалар керак.

ОРЗУГУЛ: Хўш, менинг ота-онамни қандай рози қиласиз?

ЗАФАРЖОН: Оилаларимиз ўртасида яхши муносабатлар бор-ку, ҳаммаси жойида бўлишига ишонман.

ОРЗУГУЛ: Ҳар ҳолда жуда ишониб юбориб, ўзингизни ҳам мени ҳам қийнаб юрманг-да.

ЗАФАРЖОН: Орзуйим, мана кўрасиз, ҳаммаси жойида бўлади, дангиллама тўй қиламиз. Бирга яшаймиз, бахтли бўламиз.

Келур жонон, бу бизнинг жон учунми?

Бу бизнинг жон ўшал жонон учунми?..

ОРЗУГУЛ: Билмадим, негадир дадам шу кунларда жуда паришон бўлиб юрибдилар. Айтишларича, Москвадан текширувчилар келган эмиш, гуноҳли-гуноҳсиз ҳаммани бирдай жазолаётган эмиш...

ЗАФАРЖОН: Ахир, дадангиз жуда ҳар томонни ҳисобга оладиган одам-ку, ҳисобини топиб кўйган бўлиш-

лари керак. Лекин менинг дадам ҳам ташвишга тушиб қолганлар.

ОРЗУГУЛ: Ишқилиб тинчлик бўлсин-да. Лекин нима бўлганда ҳам шу ишлар бир ёқлик бўлгунча шовилмай турайлик.

ЗАФАРЖОН: Э, нима деяпсиз? Уруш йилларида ҳам севишганлар турмуш қураверишган. Эртагаёк совчилар бориши мумкин, тайёр туринг.

ОРЗУГУЛ: Тайёр туриб мен нима қиламан?

ЗАФАРЖОН: Барибир, сиздан сўраб жавоб беришади-да.

ОРЗУГУЛ: "Хуфиёна учрашувимиз, чўзилиб кетди, яхши эмас", энди борайлик.

ЗАФАРЖОН: Ха-хўп, Кумушбиби бўлиб кетинг-а, мана шундай ширин сўзларингизга ўли-и-б қоламан-да, кетдик.

ОРЗУГУЛ: Кетдик.

(Чиқадилар)

4-кўриниш

Туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Рўзибой Алимовнинг кабинети. Деворда М.С.Горбачевнинг портрети. Собир билан Рўзибой ўзаро суҳбатлашмоқда.

РўЗИБОЙ: Ўзи районда фақат Сиз тинч тургандингиз. Энди Сизга тегинишмади-да, деб юрган эдим. Лекин сизнинг колхозингизга ҳам бирдан бундай қаттиқ ёпишиб қолишганига тушунолмаёпман.

СОБИР: Бу Сардорбойимизнинг иши бўлса керак. Ҳали уни тилайди, ҳали буни... Баъзан эси кириб қолар деб, косанинг юқини ялатиб юборсам ҳам, қайтиб келаверди, уятсиз. Ахийри бизда бунақа расм йўқ, бунга имкониятимиз ҳам йўқ десам, давлатнинг мулкини қандай еб юр-

ганингни биламиз, деб менга дағ-даға қила кетди. Мен ҳам қайтардим. Кўрамиз, деб кетган эди. Мана, энди шунинг жабрини тортаяпмиз-да.

РўЗИБОЙ: Оғалар Сардорбойга кулоқ солмас?

СОБИР: Солади-и, солади... Сардорнинг оғзидан гуллаганини эшитдим ҳам-да.

РўЗИБОЙ: Унда юқорига билдириб қўйинг.

СОБИР: Бу жараён бутун Ўзбекистонда бораяпти, қанча одам қамалиб кетди, ахир. Сардор уларни менга ҳозир бошлаб келмаса ҳам, кейинроқ уларнинг ўзлари барибир келар эди-да.

РўЗИБОЙ: Районда камчиликлар бунча кўп аниқланса, ОБХС сифатида Сардорбойнинг ўзига ҳам гап тегади-ку, а? Ахир... ҳамма ёқда кўшиб ёзиш, пора... бор гап...

СОБИР: У ҳали чучварани хом санаяпти. Мен уларнинг қўли билан одамларни кўрқитиб, хоҳлаганимни йук қилиб оламан, деб ўйлаяпти. Ундан маълумотларни олиб бўлишган, ўзини ҳам "тиқиб" юборишади. Лекин мен ҳам ўзимни бирдан олиб бориб тиқиб қўйишмаганига шукр қилиб юрибман.

РўЗИБОЙ: Барибир, унинг қилмишларини катталарга бир етказиб қўйиш керак.

СОБИР: Гап ўзимизники-ю, ҳозир катталарингизнинг думи қисилган. Оғаларнинг номини эшитиши билан ҳаммаси титрайди. Ҳозир ишончли катта қолмади.

РўЗИБОЙ: Хўп, тортинишни қўйинг-да, каттароқ партия ташкилотлари раҳбарларидан бирининг олдига бориб кўринг.

СОБИР: Қани, кўрамиз-да.

РўЗИБОЙ: Собиржон, мен сиз билан ўзимизнинг муаммо ҳақида

хам суҳбатлашмоқчи эдим. Имкони-миз бўлиб турганда хайрли ишимизни кечиктирмасак, дегандим.

СОБИР: Билмасам, Рўзибой ака... Биринчи фарзанд, бошим шишиб қолди...

РЎЗИБОЙ: Шу фарзандлар деб яшаяпмиз-да, Собиржон. Мен ўғлим сизнинг қизингизни танлаганидан хурсанд бўлиб кетдим.

СОБИР: Аслида, мен ҳам хурсандман, лекин гўдаклигидан ер-кўкка ишонмай ўстирган қизингни чиқариш қийин бўлар экан.

РЎЗИБОЙ: Хўш, бирор қарорга келдингизми?

СОБИР: Рўзибой ака, майли, ҳозирча фотиҳа қилибми, нон синдирибми кўяйлик... Билмасиз-ку, аёллар бир оз тайёргарлик кўриб олишмаса, бўлмас экан... Қолаверса, тўй қилиб анави оғаларнинг назарига ҳам тушиб ўтирмайлик...

РЎЗИБОЙ: Бўлмаса, кечқурун совчилар яна боришади, маслаҳатлашиб, керакли гапларни айтиб юборасиз-да.

СОБИР: Бўпти, боришсинчи...

РЎЗИБОЙ: Бўпти, кейин гаплашамиз бўлмаса.

СОБИР: Яхши, саломат бўлинг, боринг.

РЎЗИБОЙ: Хўп, саломат бўлинг.

(Хайрлашиб чиқадилар.)

5 – кўриниш.

Кўча. Аввал олдида горн, барабан чалиб борилаётган пионерлар ва қизил байроқлар кўтариб олган сафлар, кейин ҳар хил байроқлар кўтариб олган оломон тўлқини. Бир гуруҳ одам йиғи фарёд қилади, яна бир гуруҳ шиорлар кўтарган кўйи тўполон қилади. Шарпалар ҳаракатларни бошқариб боради. Охир улар оломонни саҳнадан олиб чиқади.

6 – кўриниш.

Собир Шодиевнинг ҳовлиси. Сўри устида Маҳбуба, Зубайда ва маҳалла аёлларидан бири.

МАҲБУБА: Опа, ҳозир ҳайитлик деганлари урфдан чиқиб кетди, овора бўлибсиз-да.

ЗУБАЙДА: Қудажон, ота-бобола-римиздан қолган урфлар ўлмайди. Биров бировни дегандан кейин уни қадрлаш керак-да.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Ҳа, момоларимизнинг келин олиш олдидан қилинадиган қанча-қанча одатлари бор эди. Бу замон ҳаммасини йўқ қилаяпти.

ЗУБАЙДА: Орзу-ҳаваси борлар халиям қилишади.

МАҲБУБА: Ортиқча харажатларнинг ҳеч кераги йўқ, опа.

ЗУБАЙДА: Ортиқча нима харажат қилаяпмиз, қудажон?

МАҲБУБА: Ҳа, айтгандай эшитдиларингми, “Кўчага лозимасиз чиққан қизларни тилиб кетамиз”, деб ёзиб илиб кетишган эмиш.

МАҲБУБА: Вой, ўлмасам!..

ЗУБАЙДА: Э, бекорчи гапларни кўйиб бер!

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Чин айтаяпман. Кўчада ҳозир ҳамма қизлар атлас кўйлак, лозима кийиб қолишди.

ЗУБАЙДА: Замонни орқага қайтариб бўлмайди. Булар бир тўда жоҳилларнинг гапи-да.

МАҲБУБА: Тушуниб бўлмайдиган замон бўлиб қолди-да.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Тошкентдаям, Қаршидаям одамлар кўчага чиқиб намойиш қилишаётган эмиш.

МАҲБУБА: Нимага?

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Ўзбекистонни ажратиб олиб, мусулмон давлат қилмоқчи эмишлар. Аёлларни паранжи-

га солишар эмиш.

ЗУБАЙДА: Қўйинг-е бўлмаган гапларни.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Шу гапларни сиз ҳам эшитдингизми ўзи?

ЗУБАЙДА: Эшитиб юрибмиз. Давлат уларни бир кунда йиғштириб олади, хоҳласа. Ўзларини ўзлари тифқа тортаётганлар-да улар. Қўйинг уларни, ўзимизнинг гаплардан гаплашайлик...

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Яна бир гапни эшитдингларми? Амир Темур давридан қолган бир китобда “Ўрислардан бошида нори бор подшо чиқиб, ҳамма ёқни бузади. Шундан Амир Темур авлодидан бир подшо чиқиб, ўзбекларни бирлаштириб, ўрисни енгиб, зўр давлат қуради”, деб ёзиб кетилган экан.

МАҲБУБА: Оққан дарё оқаверади-да.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Ха, яна бир гап, Қашқадарёни Бухорога қўшиб юборармишлар, буни ҳам эшитдингизми?

ЗУБАЙДА: Эшитдик, давлат хоҳласа, нималар қилмайди.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Қўшса бизга нима-ю, қўшмаса, нима-а?

ЗУБАЙДА: Нима эмас, элга қўйин бўлар эмиш.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Горбачев Москвадан юборган комиссиялар катталарнинг ҳаммасини қамар эмиш, ўзи ҳаммаси ҳаддидан ошиб кетувди-да.

ЗУБАЙДА: Ҳаддидан ошиб нима қилди? Бу бечоралар ўзи ўшаларнинг буйруғини бажарган-да. Энди бечораларни гуноҳкор қилишяпти.

МАҲБУБА: Опа, шу ишлар ўзи яхшилик билан тинчирмикан?

ЗУБАЙДА: Хўжайиннинг айтишича, элдан бир мард чиқмаса, ҳозирча уни тўхтатиш ҳеч кимнинг қўли-

дан келмас эмиш.

МАҲБУБА: Охири бахайр бўлсин-да... Оддийгина биз ишлайдиган мактабда ҳам ўқитувчилар тараф-тараф бўлиб тортишиб-талашадиган бўлиб қолди. Шу бир йил ичида урта директор алмашди. Нима бўлаяпти ўзи, тушунмайсан...

ЗУБАЙДА: Кимлардир халқнинг ичига гўлгула солиш билан шуғулланаяпти-да. Бу душманларнинг иши-да...

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Горбачевнинг ўзи сотқин эмиш-да!..

ЗУБАЙДА: Хайр, қўйинглар шу сиёсатни. Тўйдан гаплашайлик.

МАҲБУБА: Опажон, бироз шошмайлик. Негадир дадасининг кайфиятлари жойида эмас.

ЗУБАЙДА: Биз аёллар эрларимизнинг кайфиятини кўтаришимиз керак. Қелинг, бир тўй бошлаб уларга кайфият бағишлайлик. Хўп десангиз, келгуси ҳафта келинимизни олиб кетайлик.

МАҲБУБА: Фотиҳа тўйдан буён дадаси билан бу тўғрида гаплашганимиз йўқ. Дадаси билан келишмасдан мен ҳеч нарса дея олмайман...

ЗУБАЙДА: Сиз рози бўлинг, буёғини бизга қўйиб беринг.

МАҲБУБА: Кечкурун дадаси келсинлар, бир маслаҳатлашайлик. Эртага келсангиз, натижасини айтман.

ЗУБАЙДА: Кечиктирманг-да, қудажон.

МАҲБУБА: Йўқ, йўқ, нима деяпсиз? Дадаси рози бўлсалар бўлди, мен розиман.

ЗУБАЙДА: Бўлмаса, қудажон, биз эртага яна келаемиз. Ишқилиб, қудамнинг розилиklarини олинг.

МАҲБУБА: Худо хоҳласа...

ЗУБАЙДА: (Маҳалла аёлига) Дуо қилинг, опа.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Илоҳи омин, тинчлик-омонлик бўлиб, қўшганлари билан қўша қаришиб, (Ҳали Норпош-шаникига тўйга ҳам боришимиз керак.) ўзларидан кўпайиб эвали-жевали бўлиб юришсин. (Тўйда ваъда қилган кўйлак эсдан чиқмасин-да.) Ота-оналари билан ҳурматли-иззатли, боришли-келишли бўлиб топганлари тўйга буюрсин, Оллоҳу а.бар!

(Хайрлашиб Зубайда билан Маҳалла аёли чиқадилар.)

7-кўриниш.

2-кўринишдаги манзара.

ЗАФАРЖОН: Орзуйим, таклифномаларни тарқатиб бўлдингизми?

ОРЗУГУЛ: Ҳа, оз қолди.

ЗАФАРЖОН: Орзуйим, мана, абдий висолга тўрт кун қолди. Қандай бахт-а?

ОРЗУГУЛ: Бахтли бўлишингизга ишонасизми?

ЗАФАРЖОН: Нега ишонмас эканман? Нима, сизнинг шубҳангиз борми?

ОРЗУГУЛ: Билмадим, шунчаки айтдим-да...

ЗАФАРЖОН: Йўқ, шунчаки айтмайсиз, қандайдир гап борга ўхшайди. Нима гап?

ОРЗУГУЛ: Ҳеч гап йўқ дедим-ку. Лекин бир нарсани билмоқчиман: бахт ўзи нима?

ЗАФАРЖОН: Бахт, бу – висол лаззатидан баҳраманд бўлмоқ.

ОРЗУГУЛ: Жиддий сўраяпман.

ЗАФАРЖОН: Сизга нима бўлган ўзи?

ОРЗУГУЛ: “Ҳар нарсага етадиган ақлингиз шунга қолганда оқсайдурми, бегим?”

ЗАФАРЖОН: Сизга тушуна олмаяпман. Майли эшитинг: Бахт, менинг назаримда, ҳаётдан рози бўлишдир.

Бу розилик кишининг ҳар қандай кўнгил тилагига етмоғидан иборат.

ОРЗУГУЛ: Инсон ҳар қандай кўнгил тилагига ета олармиди?

ЗАФАРЖОН: Бу мумкин эмас. Эҳтиёж билан имконият ва қобилият ҳеч қачон мос келмайди. Кўз кўрару, қўл етмас, дейдилар-ку.

ОРЗУГУЛ: Демак, инсон ҳеч қачон бахтли бўлолмас экан-да?

ЗАФАРЖОН: Нега энди? Инсоннинг бахти шундаки, унинг хоҳиш-истаклари онги, ақли ва қудратидан келиб чиқади. Улар аста-секин, бир-бир туғилиб боради. Уларга секин-секин эришиб борилади. Ёки бошқача айтсак, хоҳиш-ирода йўлидаги ҳар қандай топмоқ – бахт, бу йўлдаги ҳар қандай йўқотиш – бахтсизликдир!..

ОРЗУГУЛ: Муҳандис эмас, файласуф бўлишингиз керак экан.

ЗАФАРЖОН: Бўлсам бўлавераман ҳам... Лекин сизни қийнаётган нарсани тополмаяпман.

ОРЗУГУЛ: Мени қийнамайсизми?

ЗАФАРЖОН(қулади): Шуни ўйлаб қийналаяпсизми? Мен феодалга ўхшайманми? Ахир, биз замонавий одамлармиз-ку!..

ОРЗУГУЛ: Дадамдай меҳрибон бўлишингизни истайман...

ЗАФАРЖОН: (Бир оз ўйлаб) Ўйламанг, истаганингиздай бўлади. Бу соҳада дадангиздан ўтмасам, юрган эканман. Келинг, ўзингизга ўхшанг.

ОРЗУГУЛ: Ўхшамаяпманми?

ЗАФАРЖОН: Йўқ.

ОРЗУГУЛ: Ўзингиз-да, файласуфлик қилавериш одамни эзиб юборган.

ЗАФАРЖОН: Хўш, нимадан бошлаймиз?

ОРЗУГУЛ: Нимани?

ЗАФАРЖОН: Сухбатни-да.

ОРЗУГУЛ: Қўшиқ айтиб бера

бирининг орқасидан 20 – 30 киши тергов бераяпти. Собир-ку хўжалик раҳбари, баъзи бригадир, ҳосилотларни ҳам қамаб қўйишибди. Райком секретарлари, ички ишлар раҳбарлари ҳам қамалишган, улар ҳам кутила олишмаяпти... Собирни ким қутқазиб ололади?

ЗУБАЙДА: Зафаржоннинг иши нима бўлади?

РЎЗИБОЙ: Нима бўлар эди, энди тўй Собир келгунча қолади-да.

ЗУБАЙДА: Ким билади, энди у қачон қайтади? Ўғлимиз шундай юраверадими?

РЎЗИБОЙ: Шуни деса, юраверади... Буни бир ўйлаб кўриш керак. Юр уйга борайлик. Бошни бир совитиб ўйлаб кўрмасак бўлмайди.

(Чиқадилар)

10-кўриниш.

ШОИР: Зафаржон, мана энди ўз йўлимни топгандайман. Бу шеър ёкмаган одам ўзбек эмас!

ЗАФАР: Уқинг-чи, аввал эшитайлик.

ШОИР: Мана, эшитинг:

ОҚ САРОЙ

Бир замонлар Ой юзидан ўпиб турган, Кўк денгизин сувларига ювган юзин, Олам аҳли пойин ўпиб, кўзин суртган, Оқ саройим, ўзинг эдинг ойдин юзим!..

Эгнингдаги мовий либос нақшлари Шавкатингни шарафлаган Каломуллоҳ. Балки рашқдан ўтли Қуёш боқишлари, Қучоғингга эркаланиб кирганда моҳ!..

Қанча ботир, қанча ёвқур бўлганда ҳам, Жангчи зотин ҳоритгандек бир куни жанг, Бошлаб келиб бошинг узра неча алам, Солди даврон лашкарлари юзингга чанг!..

Кўчганида ҳар бир гиштинг жоним оғриб, Фуруримга, шууримга дарз кетарди. Гумбазингсиз қолганингда, мен-да ғариб, Вужудимга жаҳаннамий ўт етарди!..

Эй Оқ сарой – Ватанимнинг ғариб қадди, Синиқ руҳим, қани сени чегаласам!.. Сарбонисиз карвон юрса, борми ҳадди? Темур! Қайтгил, бу дам сени эл қутган дам!..

Яловингни Оқ саройининг бошига ил, Мард йигитлар албат бўлур яна қанот. Оқ саройинг йиқилмасдан буткул қайтгил, Бағишлагин қайтиб яна унга ҳаёт!..

ЗАФАР: Ҳар ҳолда, ўсиш бор. Қойил!

ШОИР: Бу шеърни халқнинг олдига чиқиб ўқиб берсам, нима бўлар экан?

ЗАФАР: Олдин мутахассисларга ўқитиб олиш керак. Кейин цензура деган нарсалар бор.

ШОИР: Ана шу цензура ёмон-да... Вақтингиз бўлса, сизга бир замонавий латифа айтиб берайми?

ЗАФАР: Айт қолинг, бир латифа эшитишга вақтим бор.

ШОИР: СССРдан норози бўлган бир ит бош олиб Америкага жўнабди. Шу вақт Америкадан ҳам норози бўлган бошқа ит СССРга жўнапти. Иккаласи йўлда учрашиб қолишибди. Бир-биридан ҳол сўраб, итларнинг Америкада ҳам, СССРда ҳам яшашларига имкон йўқлигини билиб олишибди. Нима қилишни билмай бошлари шишиб қолишибди. Шунда совет ити америкалик итдан: “Америкада хурса бўладими?” деб сўрабди. “Ҳа, бўлади”, дебди америкалик ит. Совет ити: “Бўлмаса, бир хуриб келай”, деб йўлида давом этибди.

ЗАФАР: Шоирлар гапни топади-да. Ҳойнаҳой буни ўзингиз тўқиган бўлсангиз керак.

ШОИР: Йўқ, халқ тўқиган.

ЗАФАР: Унда яхши. Хайр, мен бораё.

ШОИР: Хўп омон бўлинг.

Чиқадилар.

11-кўришиш.

Собир Шодиевнинг ҳовлиси. Маҳбуба ва Орзугул бир-бирларини қучиб йиғлашмоқда. Зафаржон киради.

ЗАФАРЖОН: Орзу, нима қиял-сизлар? (Маҳбуба ва Орзугул унга ўгрилишиб қаттиқроқ йиғлашга тушадилар) Тўхтанг, бу йиғлаб ўтиришдан фойда йўқ.

МАХБУБА: Қўлимиздан нима ҳам келарди? Бизни худо урди...

ЗАФАРЖОН: Райкомга бормадингизми?

МАХБУБА: Бордик, қамалганларнинг оиласи билан гаплашмайман, деди. Қабул ҳам қилмади... (Йиғлаб уйга кириб кетади.)

ЗАФАРЖОН: Орзу, бундай қараб ўтириб бўлмайди.

ОРЗУГУЛ: Нима қилайлик?

ЗАФАРЖОН: Москвага телеграмма бериш керак!

ОРЗУГУЛ: Нима деб?

ЗАФАРЖОН: Ноҳақ камашди, деб ёзамиз. Отамиз фақат юқори пәртия ташкилотларининг топширигини ба- жарган, деб ёзамиз.

ОРЗУГУЛ: Натижа чиқармикан?

ЗАФАРЖОН: Москвада ошқора- лик, қайта қуриш... демократия де- ган ғоялар кўтарилаяпти-ку.

ОРЗУГУЛ: Бу ғоялар ҳукумат манфаатлари учун айтилаяпти. Ошқоралик ёмон кўринганларнинг гуноҳини кўпир- тириш учун, қайта қуриш раҳбар- ларни алмаштириш учун, демокра- тия одамларнинг кўзига уларни ёмон кўрсатиш учун тўқиб чиқил-

ган гаплар экан.

ЗАФАРЖОН: Нима бўлганда ҳам, ёзиш, курашиш керак!

ОРЗУГУЛ: Бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмайди, биз тамом бўлдик, нима қилсангиз қилаверинг.

ЗАФАРЖОН: Хемингүз ёзган: "Ин- сонни енгиб бўлмайди". Бизни ҳам енгиша олмайдими, охиригача кураша- миз. Ўзбекнинг ори бор!

ОРЗУГУЛ: Наҳотки дадам қама- либ кетсалар, наҳотки дадамни энди узоқ кўрмайман. Қачон кўра- ман дадамни, эй худо!.. Ҳозир бир- гина кўрсам, кейин ўлсам майли эди...

ЗАФАРЖОН: Ундай деманг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

ОРЗУГУЛ: Қамалган раҳбарларни Россияга олиб кетишаётган эмиш. Уша ёққа олиб бориб, қийнашар эмиш.

ЗАФАРЖОН: Хўп, мен бориб те- леграммани юборай-чи, нима бўлар экан? Ўзбекнинг ори бор!

ОРЗУГУЛ: Эрталаб бир киши ай- тди, дадамни катта пул бўлса, олиб чиқиш мумкин экан.

ЗАФАРЖОН: Ким айтди? Пулни ким олар экан?

ОРЗУГУЛ: Москвадан келганлар олар эмиш, улар катта пул тўплаш учун шундай ишларни қилаётган эмиш... Бизда пул ҳам йўқ...

ЗАФАРЖОН: У золимлар шундай йўл билан одамларнинг ҳам пулла- рини, ҳам жонларини олаяпти. Май- ли, бир уриниб кўрайлик-чи. Мен кетдим:

ОРЗУГУЛ: Яхши боринг. (Зафар- жон чиқади. Орзугул ўзича) Эй, худо! Дадамни шу балолардан қутқар! Дадамсиз мен ўлиб қоламан!.. Да- дам ҳозир нима қилаяптилар?.. Зо- лимлар уриб, сўқиб тергов қилиша- яптими? Зах хоналарда ётибдилар-

ми? Эй, Худо! Нима қилай, нима қилай, нима қилай?... Чидаёлмайман!.. Оҳ... чидаёлмайман... (Дево-навор фарёд қила бошлайди. Ичка-ридан Маҳбуба, ташқаридан эркак, аёл маҳалла вакиллари киришади.)

МАҲБУБА: Қизим, қизим, ўзингни бос, қизим! (Орзугул йиғлай-йиғлай йиқилади.) Қизим! Кўзингни оч, қизим! Онанг ўлсин-а, қизим-а! (Ичка-ридан кичик болалар чиқиб, она-лари ва опаларига осилишиб уввос солишади. Маҳалла вакиллари улар-ни тинчителишга уринишади. Рўзибой билан Зубайдалар киришади.)

РЎЗИБОЙ: Бўлди қилсанглар-чи! Бўлди қилинглар. (Фала-говур босилади.) Бу мусибат ҳозир фақат сиз-нинг бошингизга келгани йўқ. Бугун Ўзбекистон шу аҳволда. Қашқадарё-нинг ярми тергов бераяпти. Худо энди бу золимларга бир бало юбориб дафъини қилмаса, еки бизга бир нажот йўлини очмаса илож йўқ!

МАҲАЛЛА ВАКИЛИ: Рўзибой, битта-яримта қўлидан иш келадиган кишиларга учрашиб кўрмадингизми? Бугун-эрта чиқариб олинмаса, про-курор санкция бергандан кейин чи-қариб олиш қийин.

РЎЗИБОЙ: Э, ака, санкция олма-дан буларни қамоққа олишгани йўқ.

МАҲАЛЛА ВАКИЛИ: Унда... энди қийин...

ЗУБАЙДА: Дадаси, дўхтир чақир-маса бўлмайди, Орзугулнинг маза-си йўқ!

РЎЗИБОЙ: Телефон қаерда бор?

МАҲАЛЛА ВАКИЛИ: Телефон фа-қат почтада бор-да.

РЎЗИБОЙ: Раиснинг уйда шу пайтгача ҳам телефон ўтказилмади... (Маҳалла вакиллари) Боринглр, бу ерда турманглр. Керак бўлсан-гиз, ўзимиз чақирамиз. Мен бориб дўхтир олиб келаман. (Чиқадилар.)

12-кўриниш.

Ҳибсхона. Собир Шодиев маҳкум кийимида, шарпалар уни қийноққа солишмоқда. Бир чеккада Комиссия оёқларини чалиштириб ўтириб ку-затмоқда. Унинг ёнида Сардор қўли-даги хужжатларни варақлаб, ораси-дан нималарнидир Комиссияга кўрсатади. У Сардорни бир нарса буюриб чиқариб юборади.

КОМИССИЯ (варақни кузатиб): Бўлди! Бу ёққа олиб келинглр! (Шарпалар Собирни унинг олдига олиб келишади) Хўш, эсинг кириб қолдими, қўй? Гапирасанми?

СОБИР: Нимани гапиришим ке-рак?

КОМИССИЯ: Ҳали ҳам билмай-санми? Ҳақиқатан қўй экансан-ку! Гапир, кимга ишониб шунча ишни қилдинг?

СОБИР: Партияга... ҳукуматга...

КОМИССИЯ: Нималар деяпсан? (кулади) Сен ҳали ҳам ўзингни ра-исман деб ўйлаяпсанми? Эй, энди сен қолхозингга бориб қолхозчи ҳам бўлмайсан. Энди сен учун партия ҳам, ҳукумат ҳам йўқ. Сен маҳбус-сан! Маҳбус кимлигини биласанми? Айтгани қилмасанг, ўласан!

СОБИР: Нима қилишим керак?

КОМИССИЯ: Нима сўралса, айти-шинг шарт! Эй, сен айтмасанг ҳам, ҳаммасини биламиз. Ҳеч ўйлаб кўрмайсанми, ҳамиша тергов чоғи Сардор бу ерда нима қилиб ўтириб-ди. У ҳаммасини билади-ку! Тўғри гапирасанми, нотўғри гапирасанми – ҳаммасини у ечиб беради.

СОБИР: У менинг ҳеч қандай жи-ноят қилмаганимни ҳам билади.

КОМИССИЯ: (кулади) Сен жиноят қилмаганмисан? (Яна кулади) Ё у ёлгон-чи, ё сен. (Сардорни чақиради. У кира-ди) Сардор, ўзинг гаплаш. (Четга ўтиб) Бир-бирингни е! (Чиқиб кетади).

САРДОР: Собир, нима қиласан ўзингни қийнаб, гапирсанг-чи! Қанча пахта сотиб олдинг? Кимга қанча пул бердинг? Шуларни айт, бўлди.

СОБИР: Биринчидан, мен ҳеч қандай пахта сотиб олмаганман. Иккинчидан, ҳеч кимдан пул олмаганман ҳам, бермаганман ҳам. Учунчидан, буни ўзинг ҳам яхши биласан. Тўртинчидан, мени шу кўйга солишда сенинг ҳам қўлинг бор. Булар-ку бегона, сен мени билардинг. Тузимни егансан, тобуткаш, маъракадошмиз, менга шунча азоб беришингга нима сабаб?

САРДОР: Собир, гўл эдинг, гўрда тузалар экансан-да. «Ҳалол яшайман, муттаҳам бўлмайман», деб, мана нимага эришдинг? Соиланг, болаларингни зор қақшатиб, нонга зор қилиб, бу ўтириш нимаси? Ҳали ҳам тушунмаяпсан. Бир-иккита сени хафа қилган раҳбарларни, пулни ўшалар олган эди, деб ёзиб берсанг, бас, ҳеч жойда имзоянинг бўлмаса, ҳам бу ердан чиқиб кетасан, ҳам ўшалардан ўч оласан.

СОБИР: Бегоналар бизни бир-биримизга қайраса, тушунса бўлади, лекин сен нега бундай қиласан? Узимизники бўлиб, ўзакни кесма. Сенда ҳам халқ, Ватан деган тушунчалар борми? Ҳеч бўлмаса, худодан кўрк...

САРДОР: Бас! Сени коммунист бўлгансан десам, художўй бўлган экансан-ку... Менга насиҳатингни ўқима. Насиҳат эшитишдан ўтганман. Қизил гапларингни ҳам йиғиштир. Мен учун мана шу форма – ватан, столим – халқ, пагоним – худо! Тушундингми? Менга тузингни пеш қилма, мен сенга ўхшаган муттаҳамлар билан ҳеч қачон ош-қатиқ бўлмаганман, бўлмайман ҳам. Бунақа сафсатани йиғиштир-да, жиноятингни

бўйнингга ол!

СОБИР: Мен жиноят қилмаганман, бўйнимга нимани қўйиб жазоласангиз, жазоланг... (Комиссия киради)

КОМИССИЯ: (Сардорга) Бирор нарса дедими?

САРДОР: Демай қаерга борарди? Мен машинкада ёзиб келаман қўл қўяди.

КОМИССИЯ: Яхши. Бор, тез ёзиб кел. (Сардор чиқади. Собирга) Кўрдингми юртдошингни. Бизга сизнинг ана шу яккабошлигингиз жуда ёқади-да! (Кулади) Ҳамма мансабдорларингиз бир-биридан дунёни қизғанади. Худди шундай катта дунё уларга етмаётгандай. Ўзи халқингиз паст-да...

СОБИР: Халқни ҳақоратламамг!.. Халқимнинг дунёга берган даҳо зотларини биласиз. Улар осмондаги юлдузларни санаб юрганда сиз қаёқда эдингиз? Ундан чиққан жаҳонгирлар сизнинг бошингизни силамаганмиди? Уларни тарихдан биласиз. Ҳозирги хокисорлиги унинг айби эмас. Аслида, уни хоҳил подшоҳлар ва сиз шу кўйга солдингиз. Ҳаммагиз, унинг соддалигидан фойдаланмоқдасиз... Лекин у жуда донишманд халқ... У ҳамма нарсани билади... Билади-ю, сабр қилади, андиша қилади. Сиз андиша нималигини билмайсиз-да.

КОМИССИЯ: Бас қил! Тарихни қўй, тарих ҳаёт эмас. Уни ҳамма хоҳлаганча кўпиртиради. Бугунги аҳволингни ўйла.

СОБИР: (бир оз сукут қилиб) Бизнинг ҳам елкамизга бир кун офтоб тушар, кўкрагимизга шамол тегар. Бошимизни силайдиган топилиб қолар?

КОМИССИЯ: Нима демоқчисан? Йигирманчи йиллардагидек капита-

листлардан умид қилаяпсанми? Хали чет эллар билан ҳам алоқам бор, де?

СОБИР: Асло! Ўзбек ҳеч қачон бошқаларнинг марҳаматини кутмайди! Ўзининг кучига ишонади! Чунки у билади: дунёда ҳеч халқ бировнинг марҳамати билан улуг бўлмайди. Ўзидан мардлар чиқади бу халқнинг. Шунда бу қилмишларингизга пушаймон бўласиз...

КОМИССИЯ: Тушунмадим, бирор яширин ташкилотинг борми? Мен бу халқнинг орасида дохий эмас, бирор юракли раҳбарни ҳам кўрмадим. Қайси раҳбарга бир ҳамла қилинса, ўзини йўқотиб қўяди, бирдан ўлади қолади... (қулади)

СОБИР: Уларни сиз танлагансиз, сиз тарбиялагансиз. Қачон бўлса ҳам, сиз марказдан узоқлаштирган раҳбарлар орасидан биз умид қилган одам пайдо бўлади.

КОМИССИЯ: Шунақа утопистми-сан? Бўлмаса шундай йўқ нарсени кутиб, қамокда чирийдан!

СОБИР: Бу утопия эмас, муқаррар келажак!

КОМИССИЯ: Аблаҳ, сиёсатчи! Отдан тушсанг ҳам, эгардан тушмайсан-а... Йўқотинг буни! Тавба қилмагунча жазосини беринг!..

Собирни уриб, турткилаб олиб чиқадилар. Қўлида варақ билан Сардор киради.

САРДОР: Мана, ёзиб келдим. Қўл қўйдирсак, бас, яна етти кишини терговга тортса бўлади. (Комиссия Сардорни Собирнинг инқиллагани эшитилиб турган томонга тортиб, у эшитиши учун баралла овоз билан гапиради).

КОМИССИЯ: Баракалла... Бу маъразнинг орқасида қандай нозик жойи бор?

САРДОР: Унчалик жиддий нарса

йўқ. Лекин бир қизи бор экан... талаба. Уни узатишларига икки кун қолганда отаси қамалиб тўйи қолиб кетди... Қиз олдимга келган эди. Бир жўшиб кетдим-у, ўйлаб қолдим...

КОМИССИЯ: Қизининг нимасини ўйлайсан?

САРДОР: Мабодо, жаҳлингиз чиқмасин дедим-да...

КОМИССИЯ: Э, менга деса, еб қўймайсанми. Ўзи ким-у, қизи ким бўларди? Бор, уни билганингдай қилавер!..

САРДОР: Раҳмат, оға. Аввал уни ҳам қамокқа олсак. Жазосини бериб тергов қилсак. Кейин менга қўйиб берсангиз, начальник?

Собирнинг овози эшитилади.

СОБИР: Нима десанглар, майли... қизимга тегманглар!..

Комиссия билан Сардор узоқроқ боришади.

КОМИССИЯ: Олиб киринг! (Собирни олиб кирадилар) Мана бунга қўл қўй. (Собир йиғлай-йиғлай қўл қўяди) Энди бунинг ишини судга ошираверсак бўлади. Овқат емаганингни қанча бўлди?

Собир сукут қилади.

САРДОР: Икки кун...

КОМИССИЯ: Олиб чиқинг! (Собирни олиб чиқадилар. Сардорга) Хужжатларини тайёрлаб, Москвага жўнатамиз.

САРДОР: Хўп, бўлади.

КОМИССИЯ: Қизини шунчалик яхши кўрар экан-да. Бошқа нарса-ни ўйлашга ҳам тоқати қолмади. Қизини нима асос билан қамокқа олиш мумкин? Эҳ, қўй! Бу қанақа психология? Тушунарсиз...

САРДОР: Юринг-е, тушлик қилайлик. Эрталаб сал шошилиб нонушта қилган эдим... Овқатланишдан гапириб қолдингиз, эсимга тушиб қолди.

КОМИССИЯ: Кетдик.

Телефон жаранглайди. Сардор трубкини кўтаради.

САРДОР: Эшитаман. Ҳа... Ҳа... Шу ерда, ҳозир... (Комиссияга) Сизни сўрашаяпти.

КОМИССИЯ: Ало, эшитаман. Ҳа, она? Нима гап?... Қанақа машина экан? Ҳим... Бошқа жойи соғми?... Витяга кўрсатдингми?... Телефони дафтарчада ёзилган эди-ку... Тез кўнғироқ қилиб чақир... Келади... Қандай бўлмасин, даволат, мен ҳозир Валерийга кўнғироқ қиламан, топтираман ўша муттаҳам ҳайдовчини... Москвичнинг номерини аниқ кўрдингми?... Ҳўп, кейин кўнғироқ қиламан, Витяни чақириб даволат... бўпти...

САРДОР: Тинчликми?

КОМИССИЯ: "Москвич" ҳайдаб юрган бир аҳмақ ҳайдовчи онамнинг мушугини уриб юборибди, орқа оёғини босиб олган бўлса керак, синибди.

САРДОР: Ҳа... хайрият, мушук экан...

КОМИССИЯ: Нима деяпсан? Мушук тирик жон эмасми? Унга азоб бериш мумкинми?

САРДОР: Энди онгсиз махлук-да...

КОМИССИЯ: У менинг қадрдоним, кайфиятимни кўтарувчи овунчоғим. Уни ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман.

САРДОР: Биз бундай нарсаларни тушунмаймиз.

КОМИССИЯ: Шунинг учун ҳам аҳволингиз, мана, нима бўляпти?

САРДОР: Нима бўпти, аҳволимизга?

КОМИССИЯ: Қанча одамларинг қамалаяпти, хўш, сизлар нима қиялп-сизлар?

САРДОР: Биздаги жараён иттифоқнинг ҳамма жойида кетяпти-ку?

КОМИССИЯ: Ҳа, сизга ўхшаган

халқлар яшаётган жойларда... кетяпти. Бунинг сабабини биласанми?... Албатта билмайсан. Билмаганинг яхши.

САРДОР: Билмасак, айтинг, билиб олайлик.

КОМИССИЯ: Бу аслида мумкин эмас, лекин сенга айтса бўлади... Бизнинг мақсадимиз пахтами? Ёки қўшиб ёзишми? Йўқ, дўстим, бор-йўғи жиловни тортиб қўйиш. 30-йиллардаги, урушдан кейинги тозалашнинг сабаби ҳам худди ҳозиргидек эди. Лекин Сталин жуда авомлигидан картани очиб қўйган. Шунинг учун уни қораладилар. Уни қоралаш яна бир марта тозалаш ўтказиш имконини берди. Брежневнинг бўш сиёсати даврида бир авлод етилди. Улар орасида асл моҳиятни тушуниб қолганлар борлиги аниқланган. Ҳозир ана шулардан тозаланиш кетяпти. Областингизга келган, анави, янги обкомларинг ҳам ўшалардан бири деб тахмин қилинган. Шунинг учун уни пойтахтдан узоқлаштириш учун областга жўнатилди. Лекин у жуда хавфли... Мен бу ерда нега юрибман, биласанми? Албатта билмайсан. Билмаганинг яхши. Агар уни илдириш мумкин битта кўрсатма ишлай олсам...

САРДОР: Обкомни Москванинг ўзи тайинлаган-ку?

КОМИССИЯ: Ўтиб кетиб қолган-да!..

САРДОР: Лекин у бўлмаса, ҳозир областда кўп жанжаллар бўларди. У дарров жиловни қўлига олиб, тинчликни сақлаб қолди.

КОМИССИЯ: Ана шуниси ёмон-да!.. Жанжал бошланса, бизнинг иш энгиллашарди.

САРДОР: Қўйинг, кўп чуқурлашмайлик. "Аввал иқтисод, кейин сиёсат", деган экан.

КОМИССИЯ: Бу гапни ким айтган билмадим-у, дохийларимиз "Сиёсат бўлмаган жойда иқтисод ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас", дейишган. Хўп, кетдик.

САРДОР: Кетдик.

Чиқадилар.

13 – кўриниш.

Рўзибой Алимовнинг кабинети. У ишламоқда. Зафаржон киради.

ЗАФАРЖОН: Ассалому алайкум, дада.

РЎЗИБОЙ: Ва алайкум ассалом, кел, ўтир. Нима гаплар?

ЗАФАРЖОН: Мана, уч ярим ой деганда Москвадан телеграмма жавоби келибди.

РЎЗИБОЙ: Ўзгариш булармикан?

ЗАФАРЖОН: Йўқ, ҳаммаси қонуний амалга оширилган дейилган эмиш.

РЎЗИБОЙ: Ўн тўрт йил... Бечора Собирнинг шу давлатни деб жони-ни жабборга бергани куйди, кетди.

ЗАФАРЖОН: Дада, нега шундай-а? Бировнинг жиноятга яқин кичик бир хатосини топишса, унинг аслида кимлиги, қандай фидойидликлар қилгани, меҳнатдаги ютуқларини умуман ҳисобга олишмас экан. Гуёки у билан умр бўйи жамият учун фойдали меҳнат қилмаган аллақандай ғаламиснинг фарқи йўқдай...

РЎЗИБОЙ: Ҳа, бир умр жиноятнинг ичида юрган ҳам, унга хоҳламай қўл урган ҳам баравар жазоланади. Шунга мен ҳам ачинаман-да. Жиноят қилган одамни-ку жазолашади... яна... судланган одамга яқинлиги бор тоза фикрли одам ҳам баъзи имтиёзлардан маҳрум қилинади.

ЗАФАРЖОН: Қандай имтиёзлардан?

РЎЗИБОЙ: Масалан, партиёга

ўтказишмайди, партиёга ўтмаган одамга мансаб берилмайди.

ЗАФАРЖОН: Бу адолатсизлик.

РЎЗИБОЙ: Хўш, ўзинг энди нима қилмоқчисан?

ЗАФАРЖОН: Нимани?

РЎЗИБОЙ: Райкомдагилар билан ҳам, парткомларинг билан ҳам гаплашиб кўйдим, партиёга ўтишга ариза бердингми?

ЗАФАРЖОН: Ҳа, партком айтган эди, бу... ишлар билан... вақтим бўлмади.

РЎЗИБОЙ: Олий маълумотлисан, сени партиёга ўтказишлари осон эмас. Ҳозирча мен шу ерда ишлаб турибман фойдаланиб қол, дейман-да.

ЗАФАРЖОН: Илтимосингиз учун ўтказишса, ўтказишар, лекин ҳозир ҳеч бир олий маълумотли киши партиёга бепул ўтаётгани йўқ. Кимдан сўрасам, райкомдагиларга унча бердим, мунча бердим дейишади.

РЎЗИБОЙ: Айтишаверади, сен аризагини бер, уёғи билан ишинг бўлмасин, пул сўрашса, мен бераман. Ўтсанг бўлди, кейин партшколга жўнатаман.

ЗАФАРЖОН: Униям шартлари бордир.

РЎЗИБОЙ: Э, ҳаммасини тўғри-ласа бўлади. Партшколни тугатиб келсанг, бас, бир вазифа нақд.

ЗАФАРЖОН: Униям шартлари бордир.

РЎЗИБОЙ: Айтдим-ку, уёғи билан ишинг бўлмасин.

ЗАФАРЖОН: Пулингиз кўпми дейман, дада?..

РЎЗИБОЙ: Сени ишга жойлашга етади, етмаса, қарз оламиз.

ЗАФАРЖОН: Шу пулингиздан озроқ Орзугулларникига ҳам бериб турсангиз яхши бўлар эди.

РЎЗИБОЙ: (бир оз ўйланиб) Мен

монмисиз, ахир?

ИСҲОҚ: Мусулмонман, алҳамду-диллоҳ. Ота-бобомиз мусулмон бўлган.

НОЗИМ: Бу гапларингиз қуруқ даъво. Мусулмон бўлсангиз, Оллоҳ буюрган ишларни қилинг-да.

ИСҲОҚ: Намоз ўқиш, рўза тутишларни айтасизми? Шошилманг, дўстим, бизга ҳали бир оз вақт бор. Нафақага чиқиб олсак, худо хоҳласа, соқол қўйиб... ҳаммасини қиламиз.

НОЗИМ: Биринчидан, сизга нафақага чиқиб, яшаб юришингизга кафолат берилганми? Иккинчидан, ҳозир сизга ҳеч ким намоз ўқинг, рўза тутинг деётгани ҳам йўқ. Ҳозир фақат даъват қилиб, одамларни диний руҳлантириш, давлатни диний шакллантириш лозим. Бошқа ишлар кейин бўлаверади.

ИСҲОҚ: Тақсир, менинг бошимни айлантирманг...

АҲМАД: Исҳоқ ака, тухтанг, сиз тушунган одамсиз. Тақсирнинг айтаётган гапларига ҳали кўп вақт бор. Ҳозир биринчи вазифа: демократияни шакллантириш ва шу орқали давлатни қўлга олиш.

ИСҲОҚ: Эй, нима деяпсизлар? Давлатни қўлга олиш?.. Э-ҳей!..

АҲМАД: Ҳозир бутун СССРда демократия учун кураш бошланган. Сиз «Бирлик»ни биласизми?

ИСҲОҚ: Ҳа, эшитганман, нима эди?

АҲМАД: Ана шу «Бирлик» аъзолари намойишлар ташкил қилади, керак бўлса куч ишлатиб бўлса ҳам, демократияни ўрнатади. Кейин тақсир айтаётган гаплар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Чунки демократия бўлса, ҳар ким хоҳлаган нарсасини эркин даъват қилаверади. Халқни эргаштиролса, хоҳлаган ишини қилади.

ИСҲОҚ: Ўртоқлар, биз санъаткормиз, биз бундай сиёсатларга аралашшни унчалик хуш кўрмаймиз...

АҲМАД: Қиладиган ишингизнинг ҳаммаси сиёсат-ку?

ИСҲОҚ: Тўғри, қайсидир маънода сиёсат, лекин биз сиёсатчи эмасмиз-да. Мени кеча обком олдига чақирган эди...

Зафаржон киради. Кўришадилар. ЗАФАРЖОН: Нима гап? Йиғилиб олиб нимани баҳслашаяпсизлар?

ИСҲОҚ: Эшитиб турсангиз тушуниб оласиз. Хуллас, кеча мени обком олдига чақиртирди. Борсам, кутиб турган экан. Олдига киритишди. Биласизлар, биз шу ерда театр-студия очдик. Бир қисм актёрлар биз билан вилоят театридан кетишди. Бундан театр директори хафа бўлиб, обкомга арз қилган, шекилли, чақирган-да. Аввал театрда нега кетганимизни сўради. Жавобим маъқул тушдимми, кейин театр мисолида менга шундай гапларни гапирди... Бай, бу одамнинг тушунчаси кенглигини! Бутун театр тарихини шундай таҳлил қилиб бердики, институтда ҳам бундай маъруза эшитмаган эдим. Ана сиёсатчи ундай бўлади. Жамиятнинг қаёққа кетаётганини ҳам таҳлил қилиб берди. Ҳали ҳам унинг таъсиридаман. Сизлар ҳам ариза ёзиб бўлса-да, обкомнинг олдига бир кириб, унинг фикрларини бир эшитиб чиқинглар.

АҲМАД: Э, нима қиламиз унинг олдида, у коммунистда!

ИСҲОҚ: Хўш, у коммунист бўлса, сизлар кимсизлар? Сизларнинг гапларингиз, тўғриси, мени қизиқтира олмаяпти, болаларнинг лофига ўхшайди.

НОЗИМ: Қўшилмасангиз, қўшилмайман денг. Бизни ҳақорат қилманг. Агар сиз бизнинг амирлар сўзларини

ҳам бир эшитиб кўрсангиз, кейин биласиз кимнинг кимлигини.

ИСҲОҚ: Ўша амирларингиз обкомнинг олдига келиб бир суҳбатлашиб кўришсин. Аввало, дамига ҳам яқинлашолмайди. Агар икки оғиз сўзини эшитса, дами ичига тушиб кетади. Ким бўлибди амирларингиз? Обком Москвани тўхтатди-ку, вилоятнинг қўшилиб кетишига йўл қўймай.

АҲМАД: Э, бўлмаса билганингиздан қолманг. Лекин ҳадемай кўрасиз, бизнинг нималарга қодирлигимизни. Кетдик, тақсир, артистлар шу-да. Улардан фойда йўқ. *(Чиқадилар.)*

ЗАФАРЖОН: Нима гап ўзи?

ИСҲОҚ: Бири динга даъват қил, дейди, бири демократияни шакллантираамиз, дейди. Кўр кўрни қоронғуда топгандай...

ЗАФАРЖОН: Давлатда парокандалик бошланди-да, буларнинг раҳнамолари ҳам пайтдан фойдаланмоқчи.

ИСҲОҚ: Хўш, ўзингизда нима гап, дўстим? Нима хизмат?

ЗАФАРЖОН: Хабарингиз бор-ку. Собир амакимнинг ишлари юзасидан маслаҳатлашгани, тўбраси ичимдаги дардларимни бир ёргани келган эдим-да.

ИСҲОҚ: Ҳа, шу одамга ҳамма ачинапти. Бир кишини ноҳақ қамаш минглаб одамда бутун ҳукуматга ишончсизлик, нафрат туғдуради-да... Озод қилишга бирор илинж борми ўзи?

ЗАФАРЖОН: Йўқ-да, дўстим! Нима қилиш кераклигига ҳайронман.

ИСҲОҚ: Йўли битта, дўстим. Фақат обком, Исломо ака! Бошқа жойдан ҳеч қачон нажот тополмайсан. Нишоновга борсанг ҳам, Горбачевга борсанг ҳам, натижа чиқара олишмайди. Лекин Каримов бошқа одам.

Бир олдига киргин, у одамни кейин биласан.

ЗАФАРЖОН: Киритишармикан?

ИСҲОҚ: Киритишмаса, ўзим ёрдам бераман. Лекин албатта киритиш керак. Яна бир гап, агар янгани ҳам олиб кирсанг, ундан ҳам яхши бўларди. Ўша қулоқларидан сирғаларини юлиб олишганини, қўлларини қаериб узукларини тортиб олишганини ўзи айтиб берса бошқача бўлади-да.

ЗАФАРЖОН: Обкомнинг Москвага кучи етишига ишонасанми?

ИСҲОҚ: Ишонаман. Бир юрист дўстим бор, исми Мурод, шу айтди, Исломо ака қаттиқроқ гапирса, иттифоқ бош прокурори ҳам титраб кетар экан. Ишонмасанг, олдига ўзингни олиб бораман, маслаҳат ҳам сўрайсан.

ЗАФАРЖОН: Шундай қилгин, дўстим, шояд нажот топилса.

ИСҲОҚ: Кетдик. Чиқадилар.

15-кўриниш.

3-кўринишдаги манзарага аввал бир гуруҳ маҳкум кийимидаги кишиларни олиб ўтиш кўрсатилади. Кейин бир гуруҳ фуқаролар **Нажот! Нажот!** дея фарёд қилиб ўтишади. *Шоир ва Зафар кирадилар.*

ШОИР: Замонга нима бўлиб қолди-а? На ўнгда тинчлик бор, на тушда. Кеча бир ёмон туш кўрдим. Уни шеърга солдим. Бир эшитинг: сарлавҳаси "Туш".

Чор тарафда оташ ҳалқалар,
Дўзах ҳукми этилур ижро...
Тақдирларни ғойиб ҳал қилар,
Қилиб бўлмас ҳеч кимга даъво...

Сўроқ қилар бир маккор ҳакам...
Қил кўприкда кўрқиб турибман...

Дўзахийлар ичра, ё эгам,
Не гуноҳим учун юрибман?..

ЗАФАР: Мен ҳам ҳозир худди шу кайфиятдаман.

ШОИР: Сизга нима бўлди?

ЗАФАР: Собир амакаимни чиқариб олмасам, ўзимга кела олмайман.

ШОИР: Кучингиз етармикан?

ЗАФАР: Жуда кўп киши билан маслаҳатлашиб юрибман. Ҳамма бир гапни айтаяпти: "Нажот фақат янги обком секретаридан".

ШОИР: Лекин у билан гаплашиб бўлармикан?

ЗАФАР: Қабул кунида борса бўлади.

ШОИР: Сиз кириб чиқинг, кейин мен ҳам бир кираман.

ЗАФАР: Сизнинг нима дардингиз бор?

ШОИР: Биласиз-ку, менга ҳам озгина эътибор керак. Қанча шеър ёзмай, китоб чиқара олмаяпман, бирор жойда тайинли иш беришмаяпти.

ЗАФАР: Исҳоқ бор-ку, актёр. Уша унинг олдига кирибди. Айтишича: у ижодкорларни яхши кўрар экан. Исҳоққа яхши ёрдам қилибди, Жуда хурсанд.

ШОИР: Кириб чиқинг, унинг олдига кейин мен ҳам бир кираман.

ЗАФАР: Кираман. Албатта кираман.

Чиқадилар.

16-кўриниш.

Собир Шодиевнинг ҳовлиси. Маҳбуба, Орзугул ва болалар маънос қиёфада. Маҳалла аёли киради.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Ассалому алайкум, айланайлар.

МАҲБУБА: Ассалому алайкум, келинг, опа.

ОРЗУГУЛ: Ассалому алайкум.

(Ўтиришиб дуо қиладилар.)

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Илоҳи, Собиржоннинг юзи ёруғ бўлиб келиб ватанига эгалик қилсин, Оллоҳу акбар!

МАҲБУБА: Айтганингиз келсин.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Тинчгина ўтирибсизларми? Болалар ҳаммаси саломатми? Собиржондан ҳам хабарлар борми? Янгиликлар борми?

(Орзугул дастурхон, чой олиб келишга машғул бўлади.)

МАҲБУБА: Опажон, кўлимиздан ҳеч иш келмаяпти.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Сизларга бир гап айттайми?

МАҲБУБА: Нима гап экан?

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Сизлар обком бувага ариза ёзинглар.

МАҲБУБА: Ёзганимиз билан ун қандай қилиб у кишига етказамиз? Ҳамма биздан қочиб қолган, биров ёрдам берай демайди. Мен аёл киши бўлсам, олдимга тушиб бошлаб борадиганим бўлмаса...

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Собиржон ёлғиз бўлса ҳам, сиз ёлғиз эмассиз-ку. Ақангиз бор, акангизнинг органда ишлайдиган девдай ўғли бор.

МАҲБУБА: Эҳ, нимасини айта-сиз... Оғамнинг уйида ёнган чироқ, шуъласи мендан йироқ, деган эканлар. Акам умидимизни узиб кетди. Ўғиллари бизга тегишли эканини билиб қолишса, ишдан четлаштирар эмишлар. Шунинг учун аралашолмас эмишлар... Жиянимнинг органга ишга ўтишига поччаси ёрдамлашганини ҳам ҳисобга олишмади... эҳ!..

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Куда бўлмишингиз... куёв бўлмишингиз-чи. Ҳар кун шу ерда эди-ку?

МАҲБУБА: Шу Зафаржон тўрт ойдан буён югур-югуримизга яраб турибди. Отаси кўп айланишмайди...

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Сизга бир гап айтмай деяпман-у, гап ўлгурнинг изи-

дан гап чиқмаса, деб кўрқаман-да.

МАҲБУБА: Биз гап кувадиганлардан эмасмиз-ку, айтаверинг.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Майли, айтаман, лекин бу гап мендан чиққанини билиб қолишмасин.

МАҲБУБА: Айтаверинг, кўп бўлган бўлмаган гапларни эшитавериб, ўрганиб қолдик, айтаверинг. *(Қизига тегишли гап борлигини сезиб унга бу гапларни эшиттирмаслик учун Орзугулга.)* Қизим, ҳали сув олиб келмадинг-а? Олиб кела қол, кеч бўлаяпти. *(Маҳалла аёлига)* Шу сув ўлгурни ҳам бир тош ердан ташиш жонга тегди. Ҳовузнинг суви тугаган, бирор водавозга айтолганимиз йўқ эди. *(Орзугул кетади.)* Ҳа, нима гап эди, айтаверинг.

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Куда бўлмишнинг рингизникида тинчлик йўққа ўхшайди.

МАҲБУБА: Нима гап, тушунтириб-роқ айтинг!..

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Куда бўлмишнинг билан куёв бўлмишнинг кеча тун бўйи жанжаллашиб чиқибди.

МАҲБУБА: Нимага?

МАҲАЛЛА АЁЛИ: *(Овозини пасайтириб)* Рўзибой ўғлига қизингизни олиб бериш фикридан қайтганга ўхшайди. *(Маҳбуба “уфф” тартади.)* Отаси фотиҳани бекор қилмоқчи эмиш. Ўғли қатъий уйланмоқчи...

МАҲБУБА: Қаердан эшитдингиз?

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Зубайда дугонадан. Эрталаб ўзи чиқиб арзи ҳол қилди. “Отаси шу қамалган одамнинг қизига уйлансанг, келажакнинг кесилади, дейди. Ўғлим: Келажаким куйиб кетса ҳам, бошқага уйланмайман, дейди”, деди. Ҳалиги обкомга боринг деган гапни ҳам унинг оғзидан олиб айтган эдим. Зафаржон обкомга бораман, деб туриб олган эмиш, отаси қўймаётган эмиш. Зу-

байда дугона: “Икки ўртада менинг бошим қотиб қолди”, дейди...

МАҲБУБА: Боши қотмаган, нима қилишни билган. “Бориб айтсин” деб, сизга айтган. Биргина умидим шулардан эди... Булар ҳам юз ўғиринишса, нима қиламан... Дардимни ким эшитади?.. Эй, Худо!.. Қаерга бориб дод дейин!..

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Мен ўлгур шуни ўйламабман, тилим қурсин. Яна бир бемаъни сўз айтмай кета қолай. Хайр, келин, мени кечиринг... хайр... Яна Зафаржонга менинг гапларимни айта кўрманг-а. Сизга ишондим, хайр... хайр... *(Чиқади.)*

МАҲБУБА: Эй, дунё! Бу қандай бедодлик?.. Қизим бу гапни эшитса, қандай кўтаради? Чидай олмайди-ку бечора!.. Отасининг доғи унга етиб ошмаяпти-ку!.. Бизни нима жин урди... Эй, Худо!.. Қачонгача бу ҳол давом этади, қачонгача?.. Оиламиз билан кирилиб битгунчами?.. Шуми дунёдаги энг хур, энг озод инсонлар яшайдиган жамият?.. Шуми коммунизмга йўл? Шуми?.. Шуми?.. *(Болалар югуриб келиб йиғлаётган онасига осилиша бошлайди. Маҳбуба болаларини бағрига босиб, бир оз тинчланган куйи)* Нега бу дунёга келдиларинг, бахти қароларим? Нега келдиларинг? Сиз бўлмасангиз... яшамасдим бундай адолатсиз ҳаётда... яшамасдим... кўнмасдим... яшамасдим... *(Йиқилади. Болалар уввос солишади. Орзугул қўлларида челақ кўтариб киради.)*

ОРЗУГУЛ: Онажон! Нима бўлди?.. Нима бўлди?.. Айтинг, онажон... Айтинг...

МАҲБУБА: Сенга бу гапларни айтгунча... тилим... кесилса бўлмасмиди?..

ОРЗУГУЛ: Нима бўлди, онажон?.. Айтинг... Ё... дадамга бирор нарса

бўлибдими?.. Айтинг, онажон...

МАХБУБА: Кудалар... тўйни... қайтарар эмиш...

ОРЗУГУЛ: Нима... (Аввал ўтириб қолади, сўнг ўрнидан туриб кўчага отилади. Ортидан Махбуба ва болалар чиқадилар)

17-кўриниш.

2 – кўринишдаги манзара. Орзугул ёлғиз.

ОРЗУГУЛ: Бахтиёр кунларим қаерда қолдингиз?..

Дадажонимнинг елкаларига осилиб эркалик қилган шўх-шодон болалигим қаердасан?..

Дадажоним ҳар ойда икки марта хабар олиб ҳақиқий олтин даврга айлантирган талабалик йилларим қани сиз?..

Кечагина фалоннинг қизи деб мактабига ишга олмоқчи бўлиб турган директорларнинг хушомадларидан сармаст бўлиб юрган кунларим, бунча тез завол топдингиз! Қаерга беркиндингиз?.. Бугун мен ишга боришга-да имкон ҳам, фурсат ҳам, юз ҳам топа олмаган бир омадсиз охи-зага айландимми?..

Шу хиёбонда эшитган муҳаббат изҳоридан ўзимни унутган, берилган ваъдаларга ишониб ҳаёт завқини туйган дамларим, нега бир оғиз сўз демасдан беркиндингиз?.. Нега бунча тез гойиб бўлдингиз?..

Эй бевафо йигит!.. Ироданг шунчалар сустмиди?.. Нега мени алдадинг?.. Менинг айбим нима?.. Отамнинг ноҳақ қамалганини ҳаммадан ҳам сен яхши билардинг-ку. Келажак ҳаётингда нималар кутаётганини қаердан биласан?.. Сенинг бошингга ҳам отамнинг куни тушмаслигига кафолатинг борми?..

Эй ёлғончи дунё!.. Нега мени шу ёшимгача ёлғон бахт билан алдаб

келдинг?.. Охири бахтсизлик бўладиган бахтнинг нима кераги бор?.. Берган нарсангдан нима қолди?.. Ҳаммаси йўқликнинг темир пардаси ортига кетди-ку. Энди яшашдан маъно қолдими?..

Қайнаб турган булоқлардан отилган сув, Борар сизнинг манзилингиз билурмисиз? Олдингизда пойлар очкўз қумликлар-ку, Ундан йироқ йўқлигин из билурмисиз?.. Наҳот, мени очкўз қумдек пойлар ажал, Наҳот, энди шу бекатда тугар йўлим? Дунё мени сийламади, қилма маҳтал, Бу бокира вужудимни сийла, ўлим!..

О, дадажон! Дийдорингиз ўлимдан ҳам олис бўлди-я!.. Олис-олис... Қаерлардасиз, дадажон? Бизга зулм қилганларга бало келсин! Балоки, биз беғуноҳ болаларни хўрлаб ота меҳридан айирганлари учун улар болаларидан ажраб, тирноққа зор бўлиб қакшаб ўтсинлар!..

Дадажон! Шу ердалигингизда Зафаржон акани қаттиқ севган эдим... Йўқлигингизда унга яна-да қаттиқроқ суяниб қолдим... Энди у ҳам йўқ!.. Йўқ... кетди...

Нима қилай, бошқа йўлим йўқ! Сиз билан гойибона видолашаман... Алвидо; дадажон!.. Дадажон!..

СОБИРНИНГ ОВОЗИ: Йўқ, қизим! Сабр қил! Ҳар қандай жабру зулмининг ниҳояси бор. Инсон зоти зўравонликка абадий бош эгмайди, уни енгиб ўтиш учун курашади, қизалогим! Ўзинг ва яқинларинг учун ҳам шундай қилиш керак!..

Зулм қаерда ҳаддидан ошса, ўша ердан нажот дарвозаси очилади. Ўша дарвоза очилишини кут! У албатта очилади. Тезда биз озод бўламиз ва кўришамиз! Сабр қил ва ўша кунни кут!..

Агар муҳаббатинг ҳақиқий бўлса, ўқинма, у жавобсиз қолиши мумкин

эмас! Ўша йигитни чин дилдан севсанг, у ёнингга албатта қайтади. Уни ҳам кут!.. Ҳозир эса уйга қайт. Онанг ва укаларингни ўйла. Улар мендан жудо бўлиш азоби устига сендан ҳам айрилсалар, бу йўқотишга чидай олмайдилар. Мени севсанг, тез кунда кўришгунимизча уларни асра... Ўзингни ҳам асра, қизалоғим!

(Зафаржон югуриб келади.)

ЗАФАРЖОН: Орзу! Орзуйим! Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

ОРЗУГУЛ: Ўзингиз нима қилиб юрибсиз?

ЗАФАРЖОН: Сизни излаб уйингизга борган эдим. Онангиз, укаларингиз уйда йўқлигингизни айтишди. Шу ерда бўлсангиз керак, деб бу ёққа югурдим.

ОРЗУГУЛ: Нега келдингиз?

ЗАФАРЖОН: Сиз нима учун мен билан бундай муомила қилаяпсиз?

ОРЗУГУЛ: Қандай муомила қилишимни кутгандингиз?

ЗАФАРЖОН: Сизга нима бўлди?

ОРЗУГУЛ: Мен билан орани очиқ қилгани келган бўлсангиз керак-а?

ЗАФАРЖОН: Бу нима деганингиз?

ОРЗУГУЛ: Энди бошқа нимага ҳам келишингиз мумкин?

ЗАФАРЖОН: Гап нимадалигини тушунтириш мумкинми?

ОРЗУГУЛ: Нега ўзингизни билмаганга оласиз?

ЗАФАРЖОН: Нимани билишим керак эди?

ОРЗУГУЛ: Уйингизда нималар бўлаяпти?

ЗАФАРЖОН: Хабарингиз бўлса, нега сўраяпсиз?

ОРЗУГУЛ: Биз ҳам шу хорликда қолиб кетмасмиз.

ЗАФАРЖОН: Ҳали ҳам менга

ишонмас экансиз-да?

ОРЗУГУЛ: Ишонардим, нега келмай кўйдингиз?

ЗАФАРЖОН: Уч-тўрт кундан буён мен нечта юрист билан гаплашдим, нималарни аниқладим, билмайсиз-ку. Шундай бўладиган бўлса, эртагаёқ тўйни бошлаб, уйланиб оламан. Розимисиз?

ОРЗУГУЛ: Кимга?

ЗАФАРЖОН: Кимга бўларди? Фо-



тиха қилинган қизимга-да!

ОРЗУГУЛ: Йўқ, дадам чиқиб келмагунларича тўй ҳақида гапирманг.

ЗАФАРЖОН: Шундай дейишингизни билардим. Шунинг учун ҳам дадангизни тезроқ чиқариб олиш учун югуриб юрибман.

ОРЗУГУЛ: Ҳозир дадам билан ғойибона гаплашиб тургандим.

ЗАФАРЖОН: Ҳар хил хаёлларга берилманг, юринг уйингизга борамиз, гап бор.

ОРЗУГУЛ: Нима гап? Ҳозир билсам бўлмайдами?

ЗАФАРЖОН: Йўқ, юринг тезроқ борайлик.

ОРЗУГУЛ: Хўп, кетдик... (Зафар кета бошлагач) Зафар ака!..

ЗАФАРЖОН: Нима гап?

ОРЗУГУЛ: Мени кечиринг...

ЗАФАРЖОН: Э, кўйсангиз-чи, кетдик-е!.. (Кўл ушлашиб чиқишади.)

18 – кўриниш.

Собир Шодиевнинг ҳовлиси. Маҳбуба ҳовлида безовта.

ЗАФАРЖОН: Ассалому алайкум.

МАХБУБА: Келинг, ўғлим...

ЗАФАРЖОН: Янга... бийи...

МАХБУБА: Нима гап, ўғлим?

ЗАФАРЖОН: Тайёрланинг, Қаршига бориб келамиз...

МАХБУБА: Нима? (Ховлиқиб) Яна нима гап?

ЗАФАРЖОН: Тинчлик... Обкомга борамиз. Бошқа нажот йўқ.

МАХБУБА: Бирор иш чиқармикан? Ахир шунча уринганимиз бекор кетди-ку.

ЗАФАРЖОН: Мен бир неча кундан буён юристлар билан гаплашиб юрибман. Бугун биттасининг айтишича, обком бир йиғилишда: "Ноҳақ қамалганларни оиласига қайтаришимиз керак. Мен ўзимнинг озод юришимга кафил бўла олмасам ҳам, ноҳақ қамалганларни озод қилиш учун, уларни ҳимоя қилиш учун кафолат бераман", дебди. Айтишларича, у билан Москвадагилар ҳам ҳисоблашар эмиш.

МАХБУБА: Тилингиздан айланай, ўғлим. Илоҳи, айтганингиз келсин-а!

ОРЗУГУЛ: Нажот дарвозаси!

ЗАФАРЖОН: Мен ўша юрист танишимнинг сўзига ишондим. Айниқса, вилоятни тугатиш тўғрисидаги Москванинг режасини обком бекорга чиқарганини эшитиб унга ишончим яна ортди. У қама-қамаларни умуман тўхтатирибди. Москвадан келган ко-

миссияларни ҳам областдан чиқариб юборибди.

МАХБУБА: Худо шундай дея оладиган раҳбарни етказганига ҳам шукур...

ОРЗУГУЛ: Нажот дарвозаси!

ЗАФАРЖОН: У одам фақат айтиб қўядиганлардан эмас, айтганини қиладиган раҳбар экан, юринг унинг олдига борайлик.

ОРЗУГУЛ: Ариза ёзиб олиш керакдир.

МАХБУБА: Ҳа, ариза ёзайми?

ЗАФАРЖОН: Ҳа.

МАХБУБА: Ўғлим, Қаршига боришга бугун кеч бўлмадимиз? Автобуслар қатнови ҳадемай тўхтади, машина-миз бўлмаса... Бу кеча аризани яхшилаб ёзиб кўйсам, эрталаб борсак яхши бўлармиди?..

ЗАФАРЖОН: Бир ҳисобда, буниси ҳам маъқул... Йўлни айтиб бўлмайди. Обком бирор йиғилишга кетиб қолган бўлса, кўтиб ҳам бўлмай қолади... Яхши, эрталабга тайёр бўлинг... Бўлмаса, мен бора қолай.

МАХБУБА: Ўғлим, уйингизда тинчликми?

ЗАФАРЖОН: Тинчлик.

МАХБУБА: Бизнинг кулоғимизга баъзи гаплар чалинди.

ЗАФАРЖОН: Парво қилманг, мен ёш бола эмасман-ку.

МАХБУБА: Кейин пушаймон қилиб юрманг, дейман-да...

ЗАФАРЖОН: Мен қарорга келиб бўлганман. Собир амакимнинг бегуноҳ қамалганларини яхши биламан. У киши бир куни албатта оқланадилар. Ўшанда ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ бўлади.

МАХБУБА: Раҳмат сизга.

ЗАФАРЖОН: Хайр, бора қолай...

МАХБУБА: Хайр, омон бўлинг.

Чиқадилар.

(Давоми келгуси сонда)

ТАРИХИЙ РОМАНЧИЛИГИМИЗ ТАСНИФИ ХУСУСИДА

Жаҳон адабиёти тарихида романчилик салмоқли ўринга эга. Бу жанрда яратилган асарлар дабиётшуносликда мавзу ва воқеалари кўламидан келиб чиқиб турлича номланади. Дунё адабиётида тарихий мавзуда кўплаб асарлар яратилгани сабабли ҳам, тарихий романчилик мактаблари юзага келган. Бу борада рус тарихий романчилиги ва унинг энг яхши намуналаридан Л. Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” эпопеясини эслаб ўтиш етарли.

Ўзбек тарихий романчилиги салкам бир асрлик тарихга эга. Абдулла Қодирий бошлаб берган романчилик мактабининг издошлари бу борада баҳоли қудрат асарлар яратиб келдилар ва бу жараён узлуксиз давом этиши табиий. Ватанимиз мустақилликка эришгач тарихий мавзуда асарлар кўпроқ ёзила бошланди. Бу ўз тарихини чуқур билишни истаган халқ маънавиятининг табиий ҳосиласи. Аммо сўнгги йилларда яратилган тарихий романларимизга, қиссаларимизга нисбатан муносиб назарий мақолалар, йирик монографиялар яратилаяптими? Бошқача қилиб айтганда, бу борада амалиёт билан назария бирдек қадам ташлаяптими. “Ўтган кунлар” ёзилган 20-йиллардан истиқлол давригача собиқ шўролар замонида яратилган “Навоий”, “Қутлуғ қон”, “Улуғбек хазинаси”, “Бобур”, “Меъмор” ва бошқа кўплаб тарихий мавзуда ёзилган асарлар ҳақида ки-



чик тақризлардан тортиб, илмий ишларгача ёзилган. Буларнинг барчасида ҳукмрон мафкура таъсирида бир ёқлама ёндашиш бўлгани сир эмас. Айниқса, тасниф борасида тарихий романчилигимиз теран тадқиқотларга муҳтож. Собиқ шўролар вақтида бу борада академик Матёкуб Қўшжонов, профессор Пирмат Шермухаммедов каби олимларнинг айрим ишларида фикр билдирилган. Масалан, “М. Қўжонов тарихий тематикадаги асарларини икки гурпуга бўлади; 1. Бош қахрамони тарихий реал шахс бўлган асарлар (“Навоий”); 2. Конкрет тарихий давр руҳи биринчи планда туриб “тарихий руҳни ифодаловчи” характерлари ёзувчи фантазиясининг маҳсули” бўлган асарлар (С.Айний “Қуллар”, Ойбек “Қутлуғ қон”). (Қаранг: Маҳмуд Сатторов,

Ақром Каттабеков “Олис юлдузлар жилоси”. Тошкент, “Ўқитувчи” – 1984. 16-бет). Юқорида исмлари зикр этилган олимларимизнинг мулоҳазалари қанчалик салмоқли бўлмасин, улар шароитдан келиб чиқиб иш кўрганлар. Ҳозирги давр романчилиги мавзуларни ёритиш жиҳатидан, тарихий шахсларга, фактларга муносабат юзасидан ўтган асрдан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам назарий масалаларга янги давр нуқтаи назаридан қараш замон талаби. Истиқлол даври тарихий романчилиги ўзбек ва жаҳон романчилик мактаби тажрибаларига суяниб иш кўргани шубҳасиз. Аммо тарихийлик муаммоси, миллий тарихий ўзига хосликнинг ёритилиши, истиқлол тарихий романларининг бош – асосий хусусиятлари нималарда кўриниши назарий жиҳатдан умумийлаштирилиб, илмий хулосалар чиқариш вақти етди. Назарий муаммолар қанчалик жадал ва тўғри ҳал қилинса, бу ижодкорлар учун ҳам, илмий ишлар олиб борувчилар учун ҳам фойдадан холи эмас.

Сўнгги икки ўн йилликда ўзбек адабиётида юзга яқин романлар ёзилган бўлса, салмоқли қисми тарихий мавзудаги асарлар экани бежиз эмас. Бунинг сабаби, аввало, тарихий ҳақиқатни билишга бўлган руҳий эҳтиёж. Иккинчидан, Ватан, миллат тарихига оид илмий асарлар чоп этилиб, тарихимиздаги кўпгина “оқ доғлар”га холисона баҳо берилди. Учинчидан, асл манбаларга таяниб, асосланиб халқимиз маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, аммо шу вақтга қадар кўпчиликка номаълум бўлган асарлар нашр қилинди. Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, ан-Насавийнинг “Сийрат ас-Султон Жалолиддин Мангуберди (“Султон

Жалолиддин Мангубердининг таржимаи холи”), Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг кўшилиш жойи”) китобларини мисол келтиришнинг ўзи кифоя. Сўнгги йилларда яратилаётган тарихий мавзудаги асарларимизнинг ўзига хослиги нималарда кўринади? Шўролар даврида яратилган ушбу мавзудаги асарлардан асосий фарқи қандай? Бу борадаги ишларимиздан қониқамизми? Назарий жиҳатдан уларни қандай умумлаштириш мумкин? сингари кўплаб саволлар борки, адабиётшунос олимларимиз бу соҳада жиддий ўйлаб фикр билдиришлари лозим.

Аввало, тасниф масаласида. Бизнингча, тарихий мавзуда яратилаётган асарларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Аниқ тарихий шахс ҳаёти мисолида олис ўтмиш – тарихий мавзунинг ёритилиши;
2. Ёзувчи бадиий тўқимаси биринчи-планда бўлган, умуман тарихий мавзудаги асарлар;
3. XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг биринчи ярми, яқин ўтмиш воқеаларига асосланиб ёзилган тарихий асарлар.

Истиқлол даврида ёзилган биринчи гуруҳга мансуб тарихий романлар ичида Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган асарлар кўпроқ тарози босишини алоҳида таъкидлаш зарур. Академик Бўрибой Аҳмедов, атоқли ёзувчиларимиз Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Али, Хайриддин Султон, Асад Дилмурод, Тўлқин Ҳайитларнинг асарлари фикримиз далили. Бу хайрли ишни бошлаб берганлардан Б. Аҳмедовнинг “Амир Темур” тарихий романи тарихий да-

лиларга бойлиги билан ажралиб турса-да, асарда бадиийликдан кўра хужжатлилик устивор бўлиб қолгандек таассурот уйғотади. Пиримқул Қодиров “Она лочин видоси” ва шу асарни қайта ишлаб тўлдирилгани “Шоҳруҳ ва Гавҳаршодбегим” романларида темурий малика Гавҳаршодбегим образини биз шу вақтга қадар тасаввур қилганимиздан бошқача – тарихий ҳаққонийлик принциpidан келиб чиқиб ёритади. Роман адабиётимизда темурийлар салтанатининг улуғ ҳукмдорларидан Шоҳруҳ Мирзо образини кенг қамровли очиб бергани билан ўрнаклидир. Баъзи ўринларда воқеанависликка берилгандай туюлса-да, бу ёзувчининг ижодий мақсадидан келиб чиққан ҳолда бош қахрамон характерини очишга хизмат қилган. Адибнинг асарлар ёзиш тажрибаси, тарихни пухта билиши романни ўқишли бўлишини таъминлаган. М. Алининг “Улуғ салтанат” асари тетралогия бўлиб, “Жаҳонгир Мирзо”, “Умаршайх Мирзо”, “Бойсинокур Мирзо” дея номланган уч китоби эълон қилинди. “Улуғ салтанат”нинг биринчи, иккинчи китоблари Давлат мукофотига сазовор бўлди. Тўртинчи китоб “Шоҳруҳ Мирзо” нашр этилса, “Улуғ салтанат” Амир Темур ҳақидаги илк тетралогия бўлади. Бу тарихий романчилигимизда шаклий ва эпик изланишда эришилган ютуқлардан биридир. Тўлқин Хайит темурий маликалар мисолида давр, тарихий шахслар образини чизиб беради. Эркин Самандарнинг “Султон Жалолиддин” романи, Саъдулла Сиёевнинг “Яссавийнинг сўнгги сафари”, Асад Дилмуроднинг “Маҳмуд Таробий”, Х. Бегматнинг “Машраб” романларида ҳам воқеалар тарихий сиймо шахси билан боғланган ҳолда ёки ўша давр турмуш тар-

зини кўрсатиш мазмунида берилган. Романчиликнинг тарихий-биографик типдаги бу асарлар мавзуга тўғри ёндашиш мафкура тазийқидан холислик тамойили устуворлиги билан ажралиб туради.

Иккинчи гуруҳга мансуб романларда тарихий шахслар асар марказида бўлиши шарт эмас. Бунингдек романларда тарихий шахслар эпизодик тарзда кўриниши мумкин. Ёзувчининг асосий мақсади ҳам тарихий шахснинг бадиий образини яратиш эмас, тарихий воқеликни тасвирлаш орқали ижтимоий муҳитни кўрсатиш ва ғоясини асар мағзига сингдириб юборишдadir. Тарихий романчилигимизнинг (умуман романчилигимизнинг) тамал тошини қўйган Абдулла Қодирийнинг “Утган кунлар”, “Меҳробдан наён” романлари, шунингдек, тарихий асарларнинг энг яхши намунаси Омон Мухторнинг “Ишқ аҳли” романида ижтимоий-тарихийлик кўриниши усту. Омон Мухтор ижоди тарихни замон билан узвийлаштиришнинг янгиша шаклларда ифода-лаштигани билан ҳам диққатга молик.

Учинчи гуруҳга оид асарларда кўпроқ яқин ўтмиш, XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг биринчи ярми атрофида кечган давр акс эттирилган. Бунинг яхши намунасини устоз Ойбек “Қутлуғ қон” романи билан бошлаб берганиди. Мадаминбек, Шермухаммад каби собиқ шўролар нотўғри “босмачилик” дея атаган ҳаракатнинг кўзга кўринган вакиллари шахсни тарихий нуқтаи назардан холисона баҳолашга интилиш ҳам бу гуруҳ романчилигининг асосий тамойилларидандир. Бу асарлар синфийлик қарашларидан холи. Бу гуруҳга мансуб асарларда, аввалги икки гуруҳдаги хусусиятлар қамраб олинганлигини кўриш мумкин. Бу давр во-

кеалари аниқ тарихий шахс ҳаёти-ни асосий сюжет чизиғи қилиб олган ҳолатларни ҳам, бадий тўқимага урғу берилган ҳолатларни ҳам кўрамиз. Муҳаммад Алининг “Абадий соғинчлар” роман хроникасида қисмат тақозоси ила чет элга чиқиб кетган ватандошлар тақдири ҳикоя қилинади. Эркин Самандарнинг “Қора қуюн ёхуд Огаҳий” романида мумтоз шоиримиз ҳаёти қаламга олинishi баробарида, Чор Россияси томонидан Хоразмнинг забт этилиши ҳам чуқур ёритилади. Йўлдош Сулаймон “Армон” романида эса октябрь тўнтарышидан сўнг хорижга кетишга мажбур бўлган инсонлар қисмати, шу баҳона 20-йиллардаги воқеалар ҳикоя қилинади. Учунчи гуруҳга мансуб асарларда даврнинг талотуми халқ ичидаги тарафкашликлар кенгроқ ифодаланиши лозимлиги борасида мулоҳазалар билдириш мумкин.

Ҳар уч гуруҳга оид асарларда яхши маънода бир муштараклик бор. Бу схематизмдан қўтилган ҳолда йирик тарихий сиймоларнинг ички дунёсини очишга интилиш, уларни оддий инсон сифатида ботиний туйғуларини теранроқ ифодалашдир. Метиндек мустаҳкам иродали Амир Темур ҳам, Жалолиддин Мангуберди ҳам вақти келса оддий инсондек йиғлайди ёки арзимасдек туюлган воқеадан болалардек суюнади. Болаларни эркалаганда ўзидек тилини “ширин” қилиб сўзлаши, пир ёки падарнинг олдида болаларча ювош бўлиши мумкин. Инсоний хислатларга (гоҳида хато қилиш, ғазабланиш ёки ўта ишонувчанлик ва ҳ.) тасвирлаш улуғ тарихий сиймолар образини ишонарли, таъсирчан чиқишида асосий омил бўлган. Муҳими бош қаҳрамон бир томонлама тасвирланмаган. Бу асарлардаги яна бир эъти-

борга лойиқ томони хронологик принцип бузилмаган ҳолда қаҳрамонлар тақдири билан боғлаб ишқий мотивларни қўшиш, саргузаштлик унсурларидан усталик билан фойдаланишдир.

Тарихни янгича англаш ва ёритиш, тематик диапазоннинг кенгайганлиги сюжет тизими ифодасида шаклий янгиликка интилиш тарихий романчиликнинг ўзига хосликларидандир, десак адашмаймиз. Омон Мухторнинг “Ишқ аҳли” асари тарихий ва замонавийликнинг уйғун тарзда ифодалашнинг намуналаридан бири. Тарихий асар ёзишда замонавийлик ва тарихийлик тамойилларини мувозанатда тутиб туриш, ҳикоя қилиш тарзи тарихий асар ёзишдаги энг мураккаб масалалардан. Бу борада ҳам ҳозирда ёзилаётган тарихий асарларда олға силжиш бор. Ўтмиш давр руҳини хис қилган ҳолда замондош китобхонга сингишадиган тарзда тарихни бадий қайта яратиш ёзувчидан катта маҳорат талаб қилади. Асар мавзусидан қаътий назар замон руҳини ифодалаш зарур. Пиримкул Қодиров, Муҳаммад Али, Тўлқин Ҳайит, Асад Дилмуродларнинг романларида, Пирмат Шермуҳаммедов, Отаули қиссаларида бу анча муваффақиятли чиққан.

“Ҳақиқий истеъдод ато қилинган киши буюк ўтмишдошлар билан муомала қилишга ички эҳтиёж сезади ва ушбу эҳтиёж унинг юксак истеъдодидан далолат беради”, деганида И. В. Гёте тарих олдидаги юксак масъулиятни назарда тутган бўлса эҳтимол. Ёзувчида ички эҳтиёж қанчалик кучли бўлмасин, у тарихий масъулиятни унутмаслиги даркор. Бадий савияси паст ёзилган тарихий асар, биринчидан, китобхон дини ўтмаслаштира, иккинчидан,

ўқувчида тарихимиз ҳақида нотўғри тасаввур уйғотиши мумкин.

Сўнгги йиллар яратилган ўзбек тарихий романлари бу борада мавзу кенгайишида, полифоник оҳанг теранлашувида, шаклий изланишларда ютуқларга эришаётир, деб хулоса қилишимиз мумкин. Тарихий мавзуда диология, тетрологиялар ёзила бошлангани тарихий романчилигимиз янги пағонага кўтарилганидан далолат. Бу борада ўзбек адабиёти илғор адабиётлар қаторидалиги қувончли. Шу ўринда филология фанлари номзоди Шоира Дониёрованинг қуйидаги фикрларини эслаш ўринлидир: "Жаҳон насри, жумладан, романчилигининг асосий адабий-эстетик тамойилларидан бири сифатида тарихийликка катта эътибор берилмоқда. Бадиий насрда тарихийлик мезони тарихий қаҳрамон, тарихий муҳитни кенг тасвирлашдаги асосий омиллардан бирига айланиб бормоқда. Бу жиҳатдан ўзбек миллий романчилигини кўзатсак, машҳур тарихий шахслар ҳаёти асосида яратилган асарлар сюжетларида ҳам, прототиби реал ҳаётда мавжуд бўлмаган тўқима образ ёки воқеалар силсиласида ҳам, қаҳрамонларнинг нутқида ҳам тарихийлик бош ижодий тамойил сифатида бўй кўрсатганидан воқиф бўламиз". (Жаҳон адабиёти. 2009. № 1, 132-бет). Кўринадики бугунги ўзбек тарихий романчилиги ҳам дунёвий адабий жараёндан орқада қолаётгани йўқ. Адабиётимиздаги янгиликларни, сифат ўзгаришини жаҳонга кўрсата олиши зарурияти сезилмоқда. Аини пайтда тарихий мавзудаги асарлар ичида ҳам бадиийликдан йироқ, айниқса, тил масаласида ўта ғализ ва жўнлари борлигини эслатиб қўйи-

шимиз керак.

Тарихни яхши билиш ёш авлодга ўзлигини англашни ўргатади. Умуман, миллат руҳини кўтаради. Тарихий мавзуга қўл урадиган ижодкор қандай услубга – тарихий-биографик, ижтимоий-фалсафий ёки ижтимоий-тарихий методга асосланмасин, шуни ҳеч қачон унутмаслиги даркор.

Адабиётшунос олимларимиз тарихий мавзуда ёзилган асарлар юзасидан илмий татқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Профессор Шариф Юсупов, Абдугофур Расулов, Қозоқбой Йўлдошев, Нўъмонжон Раҳимжонов, адабиётшунос олим Ислом Ёқубов ва бошқа олимларимизнинг тарихий мавзудаги асарлар ҳақида мақолалари эълон қилинди, айрим диссертациялар ёзилди. Аммо бу яратилган бадиий асарларга нисбатан кам. Бизнинг кўзимиз тушмаган ёки хотирамиздан фаромуш бўлган бадиий, илмий асарлар бўлиши табиий. Шу ўринда вилоятларда ижод қилаётган муаллифлар томонидан тарихий мавзуда асарлар яратилаётганини хушнудлик-ла айтиб ўтиш муҳим. Ж.Қурбоновнинг уч китобдан иборат "Сардоба", Ш.Ашурованинг "Қусам шайх" романлари шулар жумласидандир. Бироқ бу китобларнинг айримлари Тошкентда нашр қилинса, кўпроғи вилоятларда чоп этилиб марказга етиб келмайди ва уларнинг қандай савияда ёзилганини билиш қийин. Муҳими ким қаерда тарихий мавзуда ёзиши эмас, тарихий мавзуга қўл урган муаллиф фақат воқеаларни ҳикоя қилиб қолмаслиги, талқин ва фалсафий мушоҳадаларга кенг ўрин бериб, миллий руҳни теран, ҳаққоний ёритишидир.

Шайхнинг ўлими

(Ҳикоя)

Уни орқасидан қўндоқ билан итариб, оғир, нағалли этиклари билан тепкилаб олиб кетишарди.

Туманга чўмган тонг. Куёш одамларнинг қилмишидан уялган-дек булутлар ортига беркинди. Йигирма кунлик қийноқдан сўнг тор уйчага қўл-оёқлари боғланган ҳолда улоқтирилганлардан ёлғиз унга ёруғ кунни кўриш насиб этди.

У қишлоқнинг шайхи эди.

Ҳар бир зарба аста-секин, лекин тўхтовсиз уни биродарларидан узоқлаштирар, ўлим томон етакларди. Ҳар бир қадам ҳаётдан ўлимга олиб борувчи занжирга янги ҳалқа қўшар ва бу занжир тириклар марҳумларни бир-бири билан боғлагандек, бирлаштирган-дек бўлиб кўринарди.

Унинг бутун умри азоб-укубатда ўтди.

- Бу сенми Қуръонни ўқиган?

Жавоб ўрнига сукут. Қўндоқ билан берилган зарба чап жағга тушди. Унинг фақатгина киприклари беихтиёр пир-пиради. Шайхни уйку элитарди. Шундай бўлса-да, ерга букчайишга мажбур этган чарчоққа қарамасдан тик туришга уринарди. Унинг юзи совуқ ва нафратли эди, у бутун вужуди билан титрар ва ҳар бир нотўғри босилган

қадам қўндоқнинг кучли зарбалари билан «сийланарди.»

- Шошмай тур, ҳали сен шундай сайрайсанки...

Шайх французчани тушунмасди. У биродарларидан айрилди, видолашди. Улар сўнгги кунларига қадар шайхга ғамхўрлик қилишди.

Аскарлар совқотишар, қўллари-ни бир-бирига ишқашарди.

Уни меваларининг оғирлигидан ерга эгилган зайтун дарахти шохлари тагида тўхташга мажбур этишди. Шайх сариқ тупроқда қолган узининг яланг оёқлари ва соқчининг изларига боқди.

Илк бора нигоҳлари қадалган ва бутун умри давомида кадрдон бўлиб қолган қишлоғига сўнгги бор назар ташлаганча «Умримнинг интиҳоси шу ер», дея пичирлади. Қўрқув йўқолди. Шайх ўзини сезмасди. Файриоддий қўрқув шайх учун иснод эди, қўрқув энди ёлланма аскарлар қишлоққа келишган дамлардагидек жонни қийнамасди.

Аскарлардан бири белкурак келтирди.

-Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ (Ла илаҳа иллаллоҳ)...-Қўндоқнинг зарби уни йиқитди- ва Муҳаммад унинг расулидир (Муҳаммадур расулуллоҳ).

Шайхни бошқалар билан бирга узоқ азоблаб қийнашди. Кўпчилик қийноқларга чидай олмади. Ҳозир шайх учун энг муҳими Худонинг марҳамати эди. Тарсакидан шайхнинг боши силкинди, милтиқ билан қорнига берилган зарбанинг чидаб бўлмас оғриғи уни букчайтириб қўйди, баданида соғ жойнинг ўзи қолмади ва ҳаттоки зарбанинг кучидан суякларининг қирсиллагани эшитилди. Мурдадек рангпар юзида ажралиб турган, ёрилган лаблари орасидан хириллаган товуш чиқди. Шайхнинг қўлларини ечишди. Темир симлар ўрнида икки из жой қолди. Бармоқларининг учлари шишиб кетганди. Учли гугурт доналари санчилган тирноқлари остидан оққан қон қотиб қолганди.

Бир неча сониялик сукут абадийдек туюлди. У ҳаммаси тезроқ тугагини хоҳларди, ахир тақдирга шундай ёзилган; улим - қутулмоқ.

Зобит ниманидир ўйларди. Унинг қайрилма киприклари остидаги кўз қорачиқлари кенгайди, юзи шафқатсиз тус олди.

Аскарлар ишни тугатишга шошилардилар. Зобит эса олдиндан роҳатланарди. Шайх бутун ўтмиш ва келажак авлодларининг нафратига тўлган нигоҳи билан уларга қаради. Узун, тўзиган, кир соқоли унинг юзини қоплаганди.

- Қани, қўлингга ол-чи - деди аскар ўзи олиб келган белкуракни оёғи билан тепиб. Буйруқ ҳақорат билан тўлдирилди.

Зобит шайхни ўзига-ўзи гўр қазишга мажбурлашни хоҳларди. У шу пайтгача одамларни ўзи учун

қабр қазиришга бўлган иштиёқини босиб келарди. Ҳеч нарса - ҳатто мана шу уруш ҳам, бу галаба билан тенглаша олмасди: курашувчан инсонни ўзига қабр қазишга мажбурлаш, уни жонсиз жисмга айлантириш, онги ва иродасидан маҳрум қилиш, инсон кадр-қимматини ваҳшиёна таҳқирлаш.

Зобит ғазаб-ла ўзининг азалий орзусини амалга оширишга тиришарди.

- Демак, сен экансан-да уларнинг раҳнамоси? Бу сенми қурол-яроғ учун пул йиққан? Иқроп бўл, нима билсанг, ҳаммасини айт, шундагина сени қўйиб юбораман...

Зобит олдиндан ўз қилмишини оқламоқчи ва бу билан танбал виждонини аллаламоқчи эди. Аммо виждон уйғонишидан умид йўқ эди. «Нима ҳам қилардик, - деди у, - уруш кетяпти, уруш муқаддасдир.»

Шайх аниқ биларди, агар у гапирса ҳам барибир ўлдиришарди.

На зобит, на шайх ўзларини алдашга уринишмасди. Бири ўлдиришини, иккинчиси эса ўлдирилишини биларди. Шайх худди мушукнинг чангалига тушган сичқондек ҳимоясиз эди.

Шайх оёғи остида ётган белкурак томон эгилди. Зобит иршайди, у ниятига етгандек мамнун эди. Аммо шайх белкуракни четга суриб қўйди холос.

Бу ғазабни қўзғатадиган ўйин эди.

Шайх хотиржам қаддини ростлади.

- Жазоирлик ҳеч қачон ўзига қабр қазимайди!

Бу гап ўқ овозидек янгради. Зо-

бит муштини тугди, тишини тишига шундай босди-ки, яноқларида шиш пайдо бўлди ва шайхнинг юзига кафтининг орқа тарафи билан кулочкашлаб туширди.

Зобит ўзига бўйсунмасликларига чидай олмасди. Шайх қонли табассум қилди... бу табассумда бечора зобитга ачиниш бор эди.

«Иродали бўл, иродали бўл» биродарларининг далда бериб айтган бу сўзлари унинг шуурини эгаллаганди. Юзидан қон оқар, чаккалари зиркирарди. Қулоғининг шанғиллашидан бошқа ҳеч нарса эшитмасди.

Шайх зобитнинг юзига тупурди, шу он кўзининг четидан бир қатра ёш кўринди. Шу пайтгача тупроққа кўмилган отаси учунгина кўз ёш тўкканди. Гуё қонга бўялган юзига бир дона гавҳар юмалади. У тили билан лаълни ушлаб қолди, тупроққа туширмади.

Аскарлар ҳамон интизорлик билан кутишарди. Улар шайхни тезроқ тинчителишни хоҳлашарди. Буларнинг бари одамни зериктирадиган ҳолат эди. Ёш аскарлардан бири хижил бўлиб, лабларини тишлаганча, бошқалар каби юзини тескари ўгирди.

Шайх ўзини электр токи силкитгандек ҳис қилди, нам қўлларини қимирлатди, пешонасидан дона-дона тер чиқди. Ногаҳоний қувонч тўлқини унинг бутун вужудини чулғаб олди, кўзларига нурни қайтарди. Энг қийин ҳал қилувчи онларда қалбимиз тубида беркитилган ажодларимизнинг жасурлиги, ботирлиги кутилмаганда жонланади ва чексиз жисмоний ёки руҳий азобнинг ортидан эъти-

қоди мустаҳкам инсоннинг ғурурини ҳам уйғотадиган, ҳам ҳайратга соладиган хотиржамлик пайдо бўлади.

Аскарлар ҳайратдан лол қолишди. Шу лаҳзада шайх ғазаб оловида аскарлардан бирига ташланди, уни ерга ағдариб, милтиғини тортиб олди ва зобитни нишонга олди... Қаторасига эшитилган автомат товуши тонгги сукунатни бузди - аскарлардан бири ўқ узган эди. Шайх совуқ милтиқни ушлаганча, қақшаб йиқилди... У қуролни ишга солишга беҳуда уринган эди. Ахир уни ҳеч қачон бунга ўргатишмаганди.

Ўлимнинг нафаси бутун танага ёйилди. Нурсиз кўзлар туманли шафақ қаршисида очиклигича қотиб қолди.

Лойда думалаган тана ёпишқоқ кафанга бурканди.

Ҳазабдан титраган зобит тўппочасини суғуриб олиб, шайхнинг юзига тўғирлади. Жасадни реғи билан босиб, унга тупурди, зобитнинг юзида лоқайдлик акс этди.

Ёш аскар ўзини тутиб тура олмади - қайт қилиб юборди.

-Ҳеч қиси йўқ, аста-секин ўрганиб кетасан, эртага сен ҳам бундай ишларни бажарасан... Кўрасан бунинг қанчалик осонлигини...

Эртага яна бошқа қотил туғилади. Улар кетишди...

Осмон баайни уларнинг кетишларини кутаётгандек, кўз ёшларини тўкиб юборди...

Рус тилидан
Саиджалол Саидмуродов
таржимаси.



Ниёзмухаммад ПАНЖИЕВ

Қарши, Қашқадарё— нури дийдамсан

(манзумадан парча)

Қаршининг қаҳратон киши ортимда,
Кўз очмоқ пайтини кутар новдалар.
Аслида қаҳратон киши ҳам йўқ бунда,
Гул баҳор келтирар бизга совғалар.

Қарши. Қадим маскан, табаррук тупрок,
Насаф деб, Нахшаб деб ном таратмиш жой.
Узоқ тарихингни ўйлаб сахарда,
Мискин хаёлларга толдим, ҳойнаҳой!

Яна баҳор келар!
Кўчаларингда
Бахтимдай барқ урар шан атиргуллар.
Меҳнат қанот қоқиб далалрингда,
Кўй-қўзига тўлар сахрою чўллар.

Серёгин қиш мудром ризқдан нишона,
Бу йил ҳам мўл бўлар эл дастурхони.
Агар худо берса, байрам бошқача,
Ахир, ширин бўлар меҳнатнинг нони.

Улуғ тўй қилмоқни кўнгилга тугиб,
Бугун элим жўшар тун ва кун демай.
Улуғ маъракага бағрини очиб,
Меҳмонни кутмоққа она шаҳрим шай.

Кафтдай текис кўча! Чароғон йўллар,
Сизга айтиб турар қадим ёшини.
Лип-лип ўқиб борар кўзларим, ажаб,
Шаҳрнинг ҳар гиёҳ, ҳар бир тошини.

Мен учун онадай қадрдон шаҳар,
Галабалик даврим кечган масканим.

Хар бир гиёҳида, ҳар бир тошида,
Оҳим бор, нолам бор, ишқим бор маним.

Бунда таълим олдим, улуғ устозлар,
Ҳикмат гулларини экди дилимга.
Улуғ дорулфунун китобга ошиқ,
Ташна қилиб қўйди ҳамда билимга.

О, она масканим! Онажон шаҳар,
Бундан узоқ йиллар, ёдингдами, айт.
Бир қизга мен ошиқ, сен она эдинг,
Иккингиизга бирдай бағишлардим байт.

“Ортда қолмиш энди у маъсум дамлар”,
Бугун дилда ташвиш, бошимда қиров.
Сен яшариб боряпсан йил ўтган сайин,
Энди ёш деёлмас мени-чи биров.

Сен улуғ карвонсан, сенинг ортингдан,
Мен ҳам йўлга чиқдим пири муршидим.
Улуғ бир манзилни кўзлаб боряпман,
Фақат сен сўнмагин, порлоқ хуршидим.

Сўзининг индаллоси чўзилса ёмон,
Дебоча узайди наздимда, узр.
Лекин нима қилай бу она шаҳар,
Шаънига шеър айтмоқ бахш этса ҳузур.

Икки минг етти юз... Исодан нари,
Искандардан улуғ, Чингиздан қадим.
Қону шонга тўлиқ, долғали йиллар—
Асл тарихингдир, юртим- масканим.

Бизга она қишлоқ, жонажон қишлоқ,
Қаршининг ғарбида – олисида ётар.
Қуёш шаҳри Кешнинг ортидан чиқиб,
Жейнов томонларда сахрога ботар.

Оралиқ масофа эллик чақирим,
Орада бор қанча қишлоқлар, жойлар.
Узлуксиз у томон, бу томон қатнаб,
Ўтади ҳафталар, ўтади ойлар.

Мудом Қарши томон йўлга чиқсам шай,
Хаёлан тоғларга бахтим бўйлайман.
Мен учун дунёга беригсиз замин,
Она – Қашқадарё, сени ўйлайман!

Бир ёки Сурхону бир ён Самарқанд,
Бир ёнда Бухоро – шариф бир маъво.
Улар қаторида олтин воҳамиз,
Арзир етукликка қилса ҳам даво.

Унинг бир ёнида оқсоч тоғлари,
Бир ёнида ётар ястаниб чўллар.
Денгиздай мавж урар экинзорлари,
Қон томири эрур дарёлар, кўллар.

Шу табаррук маъво – Қашқадарёдир,
Сатқалик ярашур қалбин кўрига!
Арши аълогача кўтаргум қадрин,
Меҳрин жойланмаган жоннинг тўрига.

Ўзбекистон она улуг миллатга,
Бугун ўз эркининг ҳақли хўжаси.
Қашқадарё, ахир шу улуг юртнинг,
Қони қайноқ эрка жигаргўшаси.

Унинг ёзларида беҳишт файзи-ю,
Баҳорида эса унинг ҳавоси.
Тоғу даштларида ўсган ҳар гиёҳ,
Ҳар доим минг битта дарднинг давоси.

Мардлик хислатлари Темурдан мерос,
Йигитлари шердир рақиб қошида.
Ёшлик ва гўзаллик барқ уради, рост,
Иккиминг ети юз йиллик ёшида.

Улуг карвонбоши йўлнинг раҳбари,
Манзил сари ҳар вақт собит қадамсан.

Падарим сингари, онам сингари,
Қарши, Қашқадарё нуридийдамсан.

Истиклол йилари самоларингда,
Тўю, байрамдаги наволарингда,
Бахтиёрлик янграр садоларингда,
Қарши, Қашқадарё нуридийдамсан.


Баҳор олдинда-ку, ортда қиш бугун,
Қаро кунлар энди унут туш бугун,
Дунёга бўйламоқ оддий иш бугун,
Қарши, Қашқадарё нуридийдамсан.

Улуг Ўзбекистон – табаррук замин,
Бир бора тотдинг-ку озодлик таъмин.
Солмасин бошингга кулликнинг ғамин,
Қарши, Қашқадарё нуридийдамсан.

Сомоларга бўйлар бўйларинг, юртим,
Баландроқ янграсин кўларинг, юртим!
Дейман: оёғингга бош кўйиб, юртим,
Қарши, Қашқадарё нуридийдамсан.

Улуг карвонбоши йўлнинг раҳбари,
Манзил сари ҳар вақт собит қадамсан.
Падарим сингари, онам сингари,
Қарши, Қашқадарё нуридийдамсан.





(Ҳикоя)

*“Хатларинг – сарғайган варақлар,
Аксидир балки бу юзимнинг ...”*

Урол ТУРСУН

Ёши олтимишни қоралаб, курак соч-соқоли битта қолмай оқарган, боз устига олд тишлари тўкилиб, кўзи хира тортганидан қабарик куч-зойнак тақадиган, бироқ ҳали куч-куватдан қолмаган Ўсарқул отасидан қолган катта-кичик пўлат қоққонлар осиб қўйилган омборхонага кириб, бир пайтлар Тошкентдан сотиб олган картондан ясалган ва устига футболчи йигит сурати туширилган ихчамгина жомадончани олиб каттакон ишқом тагидаги ёғоч сўрига чикди. Калити аллақачон йўқолгани учун қайирма пичоғи билан жомадоннинг икки қулфини ҳам очди. Унда чиройли тахтланган, ҳуснихат билан ёзилган бир даста шеърларни олди ва қайсинисини ўқимоқчи эканлигини ўзи ҳам билмай, титкилай бошлади...

Бу шеърларнинг ёзилганига анча бўлган. Баъзилари ўша пайт газеталарда босилган, айримлари Ўсарқулнинг сурати билан берилган. Уларни аллақачон тўплам қилиб чиқарса, бўларди. Ўсарқулда журъат

ва хафсала етишмайди. Ҳар сафар уриниб кўрганида бу шеърлар фақат ўзигагина тегишли, интим бўлиб қуринар, ўшанда ёниб кул бўлган муҳаббати учун фақат ўзи сабабчидай, гуноҳкорлик ҳис тўфони ва қуюни остида қолиб, ток ургандай тиксиниб қетар, индамай жомадонни қоронғи томчага киритиб қўярди. Хотини Гулбувиш уни тушуниб, ярасини тирнагиси келмай сўраб-суриштирмасди. Чунки Гулбувиш ўша фожа рўй берганда 11-12 ёшга кириб қолган қизалоқ бўлиб, узоқроқ қариндоши бўлган ўша қизга жуда ачинган. Ўсарқулга атаб ёзилган хатларни доим Гулбувиш етказиб турган ва кўп сирдан воқиф эди. Унинг ўрнига бошқа биров бўлганида, аллақачон бу жомадонча тандирга ташланган бўларди. Энг қизиғи, бу жомадон ошиқона мактублар билан ҳам лиммо-лим тўла эди. Унда ҳатто келинлик либоси гулдай танасини куйдириб, кул қилган Сумбулнинг ҳам соддагина, аммо ҳар сатрига минг битта юрак титроғи - “зарбнома” қўшиб битилган шеърий мактублари ҳам бор эди. Уларнинг соҳиби

бир марта ёниб кул бўлган, қоғозда қолган сатрларни эса куйдириб ташлаш гуноҳи азим саналарди. Ҳечдан кўра кеч, деганларидек Ўсарқул энди бу шеър ва мактубларни саралаб-саралаб китобча қилиб чиқаради. Номи “Ёнар ўт”. Ахир, Ўсарқул адашмай ва эринмай қирқ йилдан бери унинг қабрига гул ташийди. Ўтган йили борганида ота-онаси қабрини зиёрат қилиб, кейин тусмол қилиб Сумбулнинг ҳам қабрини топиб, тиловат қилди ва руҳи билан сўзлашиб, одатдагидай кечирим сўраб, ҳар йили тоғдан атайлаб олиб келадиган сумбулгиёҳ ўтининг майин толали соч попугидан қабр тупроғига санчиб қўйди.

– Э товба, анавини қаранглар, Сумбул, Сумбулгиёҳ. Бу йил барокотли йил экан. Ёмғир кўп бўлди. Коврак эмасмикан, йўқ Сумбулнинг худди ўзи. Бу Сумбулой сочларидан униб чиққан. Оҳ, унинг сочлари шунчалик қора, қадин, узун ва хушбўй эдики, эсласанг эсинг кетади. Бу гиёҳ ҳали ўртасидан узак чиқариб, хушбўй зира тугади. Зира уруғлари қабр устига сочилиб, ҳаммаёқни сумбулгиёҳ босади. Бора-бора бу гиёҳ Ёнар ўтга ҳам айланиши мумкин. Айтмоқчи ўшанда Ўсарқул Сумбулга ҳамма тоғ гуллари-дан совға қилдию бир туп меҳригиёҳ анқонинг уруғи бўлди-да. Агар ўша ўт топилганида Сумбул бундай худкушлик қилмаган бўлармиди?

Хайрият, ўша мўъжиза қирқ йилдан кейин рўй берди. Ўсарқулга озми-кўпми таскин бор. Бироқ бу ҳақда кейинроқ...

“Келин учди” ёки Меҳригиёҳ ривояти.

Ўсарқулнинг етти пушти мерган ўтган. Сайёд уруғидан. Тоғликлар-

нинг ҳаммасига тегиб ўтган афсонапарастлик, бироз маховат қилиб гапириш, меҳмондўстлик булардан ҳам бегона эмас. Айтишларича қадимда бу уруғдан чиққан мерган йигит уйланаётганда қайлигининг сепига йўлбарс терисини солишган. Охирги йўлбарсни эса Ўсарқулнинг отаси Эгамқул ўрис Ёмондовада кўриб қолган. Шундан кейин бу маҳлуқни Чашмиобда ҳеч ким ўзини ҳам, изини ҳам кўрмаган. Охирги қобонлар ҳам бошпана излаб Оқтоққа чиқиб кетган. Хайриятки у ёқда “қўриқхона” бор. Бир кун келиб шу тоғда қобон ёки олағужон, сувсар ёки атир илон яшаб ўтган, деса қим ҳам ишонарди? Ўсарқулни яқинроқ таниш учун Эгамқул ўрисни билиш керак. Отанинг йигитлиги уруш даврига тўғри келган. Хайриятки. Кумуш конда ишлагани учун урушга олишмаган. Ўсарқулнинг энасини уруш истаётгандан кейин ўша кон чиққан қишлоқдан кўриб, билиб, ёқтириб қолгану тупли-поёнли эканини айтиб, никоҳига олиб, қишлоққа қайтган. Бечора Муслимабону саккиз фарзанд кўриб, фақат икки ўғилни бағрига босиб қолган. Уларни ҳам вақти-вояга етганини кўриш насиб этмаган. Эгамқулга “ўрис” сўзини илашиб қолгани эса унинг конда ўрислар билан ишлагани ва ўжар бир гапли бўлганига ишора. Эгамқул ўрислигига бориб ўжарлик қилиб, қайта уйланмади ҳам. Болаларини саксондан ошиб, мункайиб қолган қари энасига топшириб, ўзи тоғма-тоғ юриб, маошсиз тоғбеги бўлиб яшади. Етти-саккиз ёшлар чамаси бир куни Ўсарқулнинг отаси эшакка миндириб, илк бор Қалқама бозорига олиб бора-

ётганда кўндаланг қирнинг этаги Ҳожисой бошидаги катта жарлик ёнидан ўтаётганида болакай сўраб қолди:

– Ота, жарлик бунчаям баланд, тепасига қарасанг бош айланади. Унда каптарлар ҳам кўп экан. Тагидан оқиб ўтаётган анҳор сузи нега қип-қизил? Ғув-ғув учаётган каптарларни ов қилса бўладими?

– Э болам, бу кўҳна дунё. Бу жарни эскининг одамлари “Келин учди” жари деб аташади. Ундаги каптарларни отиб бўлмайди. Улар орасида париси бор эмиш. Анҳор сувининг қизиллигида ҳам бошқа маъно бор.

– “Келин учди” дегани нимаси?

– Бобомга бобоси айтиб берган. Бугунги замонда жарнинг нариги устидаги хаворда минг кўйли бой яшаган экан. Унинг 3-4 та хотини, сурув-сурув кўй-эчкиси, уюр-уюр отлари, қўшалок-қўшалок фарзандлари бўлсаям қўл остидаги чўпоннинг қизига кўнгли кетиб, уни хотинликка олмоқчи бўлади. Чўпоннинг ўзи ҳам, қизи ҳам норози бўлишса ҳам ҳеч илож қилишолмапти. Бор-йўғи ўн олтига кирган қиз келинлик либосига ўраб-чирмалипти. Ота уйдан жўнаш олдидан қизнинг сўрагани шул бўлипти:

– Исминни ўзларинг Ойзода, деб атадинглар. Болалиқдан ой билан суҳбат қураман. Кеч бўлсин, ой чиқсин. Мен уни яна бир кўрай. Кейин майли. Янгалар бу шартга рози бўлишипти. Ўша оқшом ой ўн тўрт кунлик бўлиб чиққан экан. Ойзода ойнанинг қизи. Келинлик либосини ҳам ечмай, ялангоёқ жар лабига келибдида, ойга салом бериб, мени покиза даргоҳингга олиб кет, дея бот-бот илтижо қилиб, қўлла-

рини ва қўлидаги рўмолини қанот қилиб, тўппа-тўғри жар тепасидан ойга учиб кетибди. Изидан шошапиша етиб келган янгалар худди юлдуз каби яллиғ чўғ бўлиб, учиб кетаётган ва тоғлар орқасига ўтгачина, изсиз, шарпасиз келинни ғойиб бўлганини англаб, “келин учди, келингинамиз учиб кетди” дея ҳангу-манг бўлиб қолаверишипти. Шу-шу тоғликлар тилида бу жарлик “Келин учди” номини олган. Ўша яллиғ чўғ шуъласи анҳор сувига қизғиш суврат берган. Каптарлар ичида ҳам ўша ҳур қизнинг руҳи яшайди.

Бурунда бир бола каптар боласини оламади, деб жарга чиқиб, йиқилиб-нобуд бўлган. Шу-шу одамлар бу жардан каптар овламайди. Болам тўғриси шуки, камбағалнинг кўни қурсин. Лекин эски бойлардан қайси бирови бирорта қизга ишқи тушса, тоққа овчилар юбориб, бир туп ёнар ўт-мехригиёҳ топтириб келиб, қиз томонга совға қилишгану кўнглини ийдириб олишган. Келинжардаги ўша бой бу барибир ўзимники, деб ўйлаб, мехригиёҳ беришни унутган, шекилли.

– Мехригиёҳ ўзимизнинг тоғда ҳам ўсадими?

– Ҳа, илгарироқ бир икки жойда кўргандим. Лекин уни ковлаб олишга ҳар ким ҳам журъат қилавермайди.

Буям женшенга ўхшаб одамгиёҳ. Женшеннинг танаси аёл танасига ўхшаса, Ёнар ўтнинг (кечаси чўғдай ёниб кўринади) илдизи эркак кишининг митти ҳайкалчасига ўхшайди.

Шу суҳбатнинг эртасигаёқ отаси уни ахта ҳангисига миндириб, тоққа олиб чиқди. Тоғ дегани сир-

синоатга тўла экан. Ҳар бир жониворнинг ўз сўқмоғи, ҳар қайси гиёҳнинг ўз дараси бўлишини, улар ўниб-урчишда бир-бирига беминнат ёрдам беришини, бари-барисига тоғлар паноҳ бўлишини ўргатди. Куш бўтага, бўта худога сиғинар эмиш. Тоғлар заминнинг юрак зарблари улкан қозиқлар каби ерни тутиб туради. Қизиғи, Эгамқул ўғлини милтиқсиз, тош қопқон "желла" билан (каклик овида тузоқ қўйиш) билан ов қилишга ўргатди. Бироқ Ўсарқул вояга етган сари овчи ўтган боболаридан кўра риндтабиат тоғаларига тортиб 10-20 ёшида китобга ихлос қўйиб, ўзича шеърлар битган. Боз устига унинг ажабтовур ишқ қиссаси ҳам аяча эрта, тўққизинчини битириб, ўнinchига ўтганида "Ошиқ булоқ" бўйида бошланганини эслатиб қўйиш жоиз. Илк учрашув авжи саратонда қоқ тушда содир бўлган. Одатда чашма сувини олиб келишга тушадиганнинг кўпчилиги қизлар бўлади.

Ўсарқул балоғат ёшини бўйлаганида дастёрликдан тортинса ҳам, энаси ёки синглиси бўлмаганидан ўзи сувга келишга мажбур. Уй тепаликда, булоқ эса пастликда, анҳор ёқасида. Даштда жизловуқлар саратоннинг сариқ чопонини кийиб олиб, ким ўзарга чўзиб, сибишга чалади. Булоқ елкасидаги "худойимайдонда" экилган минг йиллик марварид тутлар қариликни писанд қилмай, навда чиқариб ҳосил беради. Уларда ин қўйган чумчуқлар бола очиб, учирма қилган. Ўсар улар тагидан ўтаётганда ҳаққа ёқимсиз, ўтқир овози билан сайраб қолди. Унинг бадани сесканиб кетди. Қалайдан қилинган

икки пақирни бир-бирига уриб ҳақкага пўписа қилди. Уям қўрққан бўлиб, нариги тутга ўтди. Булоқ атрофи жимжит, демак ҳеч ким сувга келмаган. Улкан харсанг тагидан чиқаётган чашма атрофи ҳовуз қилиниб, адоққа оқизиб қуйилипти. Унга пақир тутилса, ҳаялламай тўлиб қолади. Ўсарқул секин-аста юриб, чашмага етти қадам қолганида унинг шундоқ жилдироқ сувида юз чайиб турган қизга кўзи тушиб, чопиб келиб жар лабида беихтиёр тўхтаб қолган тойчоқдай тисланиб саросимада қолди. Қоқ тушда ажина бўлади, дейишарди. Йўғе кўзимга қиз бўлиб кўринаяптими. Бисмиллоҳни айтса, ажина кетади, шекилли Бисмиллороҳийм. Йўқ ажина кетмади. Йигитча журъат қилиб яна уч қадам пастга тушди. Ий-э, бу қўшни барлос маҳалладан раис буванинг қизи Сумбулқу. Дарров каттариб қолибдида, ҳаёлидан ўтказди. Бошида ўша пайтлар энди урф бўлган тўрт тараф қизаги устига митти гул, икки қушча ва "Чангда қолган гул" ёзуви туширилган ироқи дўппи, майда ўрим сочлари орқа-олдини тутиб кетган, орқага қайтишга кўнмаган пешона сочи бир энли қилиб қирқилган, ҳозиргина уйида ўсмани сўлителиб, кафтида эзиб, қошларига қўйгану қотиб-ботиб кетган ўсма ширасини чашма сувида шапатилаб эндириш билан овора эди. Қиз жилдираб тушаётган булоқ суви овозидан бошқа ҳеч қандай шарпани сезмас, шу туришида жилға бўйига тушиб сув ичаётган ва ҳар сафар сувга тумшук урганда қора қошли бошчасини аввал кўтариб, кейин гоҳ ўнг томонига, гоҳ чап томонига ташлаб та-

манно қилаётган ҳилол какликнинг ўзгинаси эди. Ўсаркул ҳар сафар овда шу ҳолатни кўрганида қизларни ўсма қўйиб, уни эндириш учун бошини гоҳ у ён, гоҳ бу ён ташлаб турган қизчалар кўз олди-га келарди. Қошларку қуюқ ўсма олган, камолини кўзлайди. Мижгонлар эса булоқ сувига бот-бот чўмилганидан бамисли қундуз кипригидай қорайиб, ялтираб кетган, тим қора кўзларга қириб қолган сув томчиларини зўр бериб сиқиб чиқаришдан чарчамас, бармоқлар ҳар замон юз-кўзни яшириб йигитчанинг ҳафсаласини пир қилмоқда. Йигитча ўзига келиб томоқ қирди. Қиз “ялт” этиб қаради. Унинг паттон кўзларидан оҳува сапчиган нур йигитчанинг ҳали ишқ нималигини билмаган, бироқ талпиниб турган юрагини камон ўқидай мўлжалга олиб, ҳали тегмай туриб нафаси ичга уриб, қафасдаги юрак беистиёр тавонига тушиб кетгандай бўлди. Хайриятки, бир ички хўрсиник қинидан чиқиб кетган юракни жойига қайтарди. Бироқ энди у шундай дўккиллаб ура бошладики, радиокарнай устига тортилган матодай чап кўкракка қўшилиб унг кўкрак ҳам шундай лоппиллаб, унинг овози атрофга ҳам таралаётгани биллиниб қолди. Ё тавба, қизнинг жисми-жонида ҳам худди шундай ҳолат рўй бериб, шошиб қолган, юзлари ловуллаб кетиб, яноқларга ёпишган томчилар бирдан парланиб кетмоқда эди.

– Иби ман ўлай, Сиз келиб турганмидингиз, мен ҳозир!

– Майли, майли шошмай пакирингни тўлдириб ол! Мен қараб тураман. Булоқ бўйида сени ёлғиз

қўриб, аввал ажина, деб ўйлаган эдим. Катта қиз бўл қопсан, қалпоғингдан танидим.

– Кечиринг, ўзим билан ўзим бўлиб сизни пайқамабман. Онам қўшненикига, отам эса сурувларни туванлагани тоққа кетган эди. Уйда бир ўзим зерикиб сувга тушган эдим.

– Яхши, яхши.

Шундан ўзгасига Ўсарнинг тили айланмади.

Қиз унинг ёнидан ўтаётганда кўз остидан қараб, шундай жилмайиб қўйдикки, Ўсар бу тамоннони бир умр унутмади. Йигитнинг ёдида қолгани яна шу бўлдики, бу энг баланд тоғ чўққисиди ўсадиган қаравуш ўтининг ёкимтой ифори, ҳар нарсани биладиган барлос момо неварга қизини гўдаклигида ўша гиёҳ солинган сувга камида етти марта чўмилтирганидан қалампирмунноқ бўйига монанд ҳид унинг жисму жонига ўрнашиб қолгани аён эди.

Йигитча ўша куни чашмадан сув олдимди, ёки қуруқ қайтдимди, тез келдимди ёки бир-бир босибми, эсини йўқ, қўлига қалам олиб “Чашма бўйида” деб сарлавҳа қуйдида дуппа-дуруст шеър ёзди. У шеърни анчадан бери машқ қилар, шоир бўлиш орзусининг пилигига мой қуйиб қизчадан беҳад миннатдорлик туйғуси бутун хаёлини банд этиб қўйган эди. “Чашма бўйида” шеъри дафтар варағидан йиртиб олиниб, қизчага совға қилинса.

Аммо Сумбул журъатли чиқиб қолди. Биринчи бўлиб хатни у ёзди. Бинафша сиёҳда ҳарфларни бир-бирига битта қолдирмай қўшиб ёзилган хат шундай бошланарди: ...ака, нега булоққа бошқа келмай

қўйдингиз. Ажинадан қўрқдингизми? Сизни овчи, деб эшитган эдим. Бу юрак билан тоғда қандай ов қиласиз? Кечирасиз, ҳазиллашдим. Шоирлигингиздан хабарим бор. Шеърларингиздан бизга ҳам юборсангиз" С..С..Қ..С..

Хатни олиб келган жамалак сочли қизалоқ икки дона нақ урчуқсопдай келадиган ола-була жайра сихи ва учбурчак хатни олиб, яшириб қиз томон чопганида йигитчанинг юраги ҳам умидвор итга айланиб, болакай изидан эргашганини ошқора айтиб қўйсақ андишасизлик бўлади. Сумбул баҳорда ҳам, ёзда ҳам, кузда ҳам бирдай очилиб турадиган гулхайри гулига ўхшар, бунинг устига гулхайри гуллари икки чаккасига тақиб олар, гулхайри тугмачаларидан бир тизим мунчоқ қилиб бўйнига ёсганида, лалмида эмас, оби жойда дөвдарахтлар орасида у бўлиқ ўсадиган гулхайрининг ўзига ўхшаб қоларди. Пасту баланд синфда ўқийдиган, фақат кўз-кўзга тушганда юрак дўккиллаши орқалигина дил дардини айтиб юрадиган бу икки қалб кечмишидан синфдошларининг кўпчилиги, ҳатто қаттиққўл муаллимлари ҳам хабар топиб улгуришди. Ҳеч ким, ҳатто миш-мишчилар ҳам улар хатти-ҳаракатидан тирноқча айб тополмай, қўл силтаб қўйишарди.

Йигитчанинг овчилик қонида борлиги, лекин милтиқ кўтармай қопқонлар билан ов қилишини олдинроқ айтгандик. Тоғда қаровсизлик туфайли бўталар камайиб, ёввойилар ҳам хилватроқ тоғ чўққилари томон кетиб бормоқда. Ноёб тоғ гуллари, Меҳригиёҳ, қора лола, мумиёйи асилни топиш – олифта-

роқ кампирнинг бошидан бит қидиришдай гап.

Йигитча ҳар сафар овга чиққанида антиқа тоғ гулидан юракдошига совға қиларди. Қизиғи, тоғдаги гуллар навбатма-навбат, қишинёзин очилиб туради. Бир сафар арратишли чўққилар белида митти нилуфарга ўхшаб ўсадиган умрзоқгул совға қилди. Уни гулхайри гулидай чаккага тақиб бўлмади. Бу сафаргул. Кимки узоқроқ сафарга кетса, унга атаб бир тун умрзоқгулни узиб келтирилиб, шиптга илиб қўйилса, сафарга кетган одамга умр тилаб, сўлимай тураверди. Сумбул бу гулни хуш кўрди. Бироқ кўнгли ёнар ўтни жудаям истарди. Ўсарқул Меҳригиёҳни тўрт фаслнинг ҳаммасида отаси кўрсатган жойлардан кидирди. Йўқ, ёнар ўт анқонинг уругига айланипти.

Уларнинг чашма бўйидаги бу учрашуви бошқача бўлди:

— Сумбул, мен яқинда ўқишга кетаман. Шоир бўлиш учун, албатта журналистликка кириб ўқиш керак экан.

— Менчи, мен қандай қиламан?

— Сиз энди сабр қилиб, уйдаги умрзоқгулга қараб-қараб, ўнинчини битирасиз. Кейин отангиз рози бўлса сизниям олиб келамиз. Унга мен бир йил ўқиган бўламан.

— Билмасам, отам мени қўярми-кан?

— Қўяди, қўймаса қочиб кетамиз.

— Вой ўлай, ота-онани норози қилиб бўлмади. Жувонмарг Жуматош артистликка ўқишга кетиб, ўшақда бузилиб кетмагандаку бизгаям йўл очиқ бўлармиди? (Жуматош – шу қишлоқдан аввалроқ чиққан ўйинчи қиз)

— Яхши ният қилинг. Мен кириб

кетсам, албатта сиз ҳам кирасиз...

Ўсарқулни биринчи марта сизлагани, ўзига тенг кўргани Сумбулнинг кўнглини кўтариб юборди. Улар беихтиёр қўл бериб хайрлашдилар. Улар илк бора бир-бировининг қўлидан тутганлиги учун шодумон эдилар. Энди ҳеч қачон ажралгиси келмагани ҳам бор гап. Сумбулнинг шахло кўзларида ёш кўринди.

Бугун Сумбулқиз мактабни битирди. Ўқувчилик ҳам яхши экан. Бир гала орзу билан яшар экансан. Энди-чи? Қўлига ҳужжат олиб ял яшнаб қайтган куни отажони бандаликни бажо келтирди. Раис бува шу қизини яхши кўрарди. На чора? Ул зот тупроққа кўйилганида Сумбулни ўқишга бораман, деган орзуси ҳам кунпоякун бўлди. Акалар тезроқ уни бировга бериб гўё тавқе лаънатдан қутулмоқчи бўлишарди. Ахир ҳамма қатори ака-укалар ҳам Ўсарқул ва Сумбулнинг китобдагига ўхшайдиган севги саргузаштидан хабардор эдида. Фийбатчи хотинларнинг, аёлмижоз эркакларнинг бемаза тилига анчадан бери "таъм" бериб турган, қўшиб-чатиб, куйлакча-иштонча кийдириб олишиб, бамисли қўғирчоқ театрдаги каби бир пардали комедияга айланган бу воқеадан акалар ўзича орланиб Ўсарқул совчи қўйса қалин бериб, юборадиган шашти бор эди. Бироқ Ўсарқул бирдан уйланадиган ҳолатда эмасди. Ҳали ўқиш, ҳарбийга бориб келиш, оила боқишга тайёр бўлиши учун "тўрт-беш қовун пишиғи" бор эди. Ҳар "қовун пишиғи"да Ўсарқул бир марта ўқишга кираман, деб уриниб кўрмоқда эди. Палагига гул чиққан

каби ҳар сафар омади келмай "йиқилиб" қайтарди. Кейин иш, Қарши чўли, ҳарбий хизмат. Икки йиллик хизмат даврида Ўсарқул отасига бор-йўқ гапни тушунтириб хат ёзди. Сумбулга совчи қўйиб, бошини боғлаб қўйилмаса кейин кеч бўлади деб ялиниб ёлборди. Ота негадир Ўсарқулнинг илтимосини инobatга олмади. Сумбулнинг охирги мактуби гўё умид шашасининг чилпарчин синиқлари билан юракни тилиб, қон билан ёзилганга ўхшарди.

– "Мерган ака уйдагилар совчиларингизни кута-кута толиқди. Мени амакимнинг ўғлига мажбурлаб узатишмоқчи. Сира рози эмасман. Агар унга тегмасам онам мени оқ қилармиш. Мен бебахт қизни кечиринг (Сизни севувчи Сумбул)".

Ўсарқулнинг жавоби шошилиноч бўлди: "Сумбул бор-йўғи уч ой қолди сабр қилишсин. Ахир сенсиз бу ҳаётнинг сира қизиғи йўқ. С.С.У..."

Сабрнинг таги сариқ олтин эдику. Наҳотки, тиллоли ҳаётдан фалвали ҳаётни афзал билишса? Аслини олганда қизни вояга етказган оила унчалик мутаасиб эмасди. Ота уруш кўрган, кейинчалик раислик мактабида ўқиган, бошдан-оёқ кайвонилик билан умр кечирганди. Фақат тоғчил барлосларнинг қайсидир ота-бобосидан никоҳ тўйларини имида-жимиди, шовқин-суронсиз ўтказиш эскидан қолганини айтишарди. Буям бир тақдир ёзуғими, шўрлик Сумбул қанча йиғлаб-сиқтамасин опа ва акалари ҳам бир гапда туриб олган, энг қизиғи, амакисининг ўғли Сафарқул найновга ҳам юзма-юз бўлиб, ўз оғзи билан отим чиққан

қиз, сизга бошқа қиз куриб қолганми, адир тўла қиз, менга ёпишманг, уволимга қоламиз деб огоҳлантиришига қарамай куёв тараф ҳам бундай дилбар қизни бировга бериб бўладими, дегандай қизғониш билан шошилишч тўй бериб, худди бурунги боболари каби имида-жимидани никоҳ тўйини ўтказишди. Сумбулнинг илинган иддаси шу бўлдики, никоҳ пайтида қизлар қуршовида ўтириб “вакилини” акасига бериши ҳақида “лом-лим”, деб оғиз очмади. Унинг номидан кимдир “ҳа” деб юборди. Хутбадан кейинги сўровда ҳам куёв бола “қабул қилдингизми” деган сўровга “қабул қилдим демасдан “ҳа” деб жавоб қайтарди. Ярим жавоб ярим кўнгилдан чиқдими безовта юракларни бадтар безовта қилди. “Қиз ўтириш” бўлмади. Дугоналар ўзини тортди. Куёвнинг уйи яқинлиги учун келин отга ҳам минмади. Ер-ёрчи қизлар ҳам негадир тилини тийишди. Сумбул янги уйга бўйнидан бўғиб қушхонага ҳайдалган оҳудай тислана-тислана кириб келди. Бу ёғини чимилдиқ ҳал қилади дейишди. Куёв бола мақсад отига ирғишлаб миниб, аввало уринди, бўлмади. Сумбул минг азобга бардош бериб, Ўсарқулга берган ваъдасига бевафолик қилмади. Аслида Сафарқул найновни ҳам хотинига кўнгилсиз, деб бўлмайди. Ҳамиша тескари қараб ётадиган қизнинг сочини ҳидлаб ҳам нафси ором олади. Сабрни маъқул кўрди. Кейинроқ муллага “иссиқ-совуқ” ҳам қилдирди, нафи бўлмади. Сумбул тишини тишига қўйиб, “талоқ”ни кўтарди. Сафарқул ҳар қанча жаҳли чиқса ҳам

бундай машъум сўзни ишлатишдан чўчирди. Барибир яхши кун келишига умид қиларди. Орадан роппа-роса тўқсон кун ўтказиб кеч кузда Ўсарқул армиядан қайтди. Аскарлик тўйига бир қозон ош дамланиб, жамоат айтилди. Тўйнинг эртаси кун Сумбул пақир кўтариб чашма бўйига тушди. Ўсарқул ҳам бир баҳона уйдан чиқиб, худди кўнгли сезгандай чашма бўйига юрди. Эғнида беқасам тўн, бошида Шаҳрисабз дўпписи эди.

– Мерган ака, яхши келдингизми? Мен, мен, мени кечиринг, лекин менга ит теккани йўқ. Сумбул отилиб келиб, ўзини Ўсарқулнинг бағрига ташлади. Унга суяниб тўйиб-тўйиб йиғлади.

– Сумбул бугун маърака ўтсин, эрта тонгда, нақ соати учда шу ерга кел. Келасанми, кўрқмайсанми? Ҳеч ким бизни тополмайдиган юртларга қочиб кетамиз.

– Ҳа, шундай қиламиз. Бизгаям ёруғ кунлар бордир. Мана сиз омон-эсон қайтдингиз шунисига шукур. Мен ҳам сиз учун ўзимни асраб келаяпман.

Кўнгил-кўнгилдан сув ичиб, аҳду паймонни маҳкам қўлтиқлаб иккиси икки тарафга йўл олди. Бу танланган йўл уларга борса келари йўлига олиб борадиган каби шоду масрур эдилар. Айниқса, Сумбулни жилмайиб хушнуд қайтганидан уни анчадан бери зимдан кузатиб юрган эри ҳам сезди. Яхши, яхши бугун муддаога эришса бўлади Доруйи бехуш айни бугун ярайди. Эрининг ундан умиди узилмаганидан беҳабар Сумбул ўзи билан ўзи овора эди. Кўпдан бери аразлаб юрган онажонини ҳам кўриб ке-

лишга улгурди. Бугунги хушнудлик оқшомга бориб балойи офат келгиришини Сумбул бечора қаёқдан билсин? Бало қаёқдан келишини тун пардаси яширади. Хушнудликни-хушёрликка, эвазига ҳеч нарса олмай, алмаштириб қўйган Сумбул ярим тунга етмаси ўзидан кетиб, 19 йил асраган, ҳатто жонидай суйган йигитига ҳам беихтиёр тортиқ этмаган гавҳар “бойлигини” бериб қўйганини билмади. Хушига келганда кеч бўлганини билди. Ўзини чор тараф уришдан, сочини юлиб, дод-вой солишдан фойда йўқ. Ахир куни кеча Ўсарқулга ўзини ифғатли эканини айтиб, хурсанд қилганди. Бугун эса ўша гавҳар йўқ. Энди бунга ҳеч кимдан яширолмайди. Энди у Ўсарқулга муносиб эмас. Бу кундан минг марта ўлим арзалар. Сумбулнинг елкасига чиқиб олган шайтон ирғишлаб бўйнига яқинроқ келиб, шоша-пиша бугабошлаган, ўлганинг яхши, ўлганинг яхши, дея такрорлаб ақлу хушини олиб қўйганди. У бетон тўла керосиндан салкам бир пақир олиб, бор бўйига тўкиб юборгач, ҳеч иккиланмай ўзига ўт қўйиб, ловуллаб ёнда оғриққа чидай олмай энаси томон югуриб борарди. Ловуллаб ёнаётган бир кучоқ оловни оёқ чиқариб, қўл силкитиб кетаётганини кўрганлар ҳайратдан ёқа ушлашди. Ушанда пахтани ўзимизда мўл-кўл етиштирсак ҳам, сунъий толали кийим-кечак урф бўлиб кетганди. Сумбулнинг икки қават куйлагидан бирови, иккиси оқ нейлондан бўлгани учун у баданга тобора ёпишиб, ёниб “иш” бажармоқда эди. Аланга ичида қолган Сумбулни тўппа-тўғри энаси томон чопгани бир томондан айнан ундан

бошқага ишонмаганидан бўлса, иккинчи тарафдан бадбир истакка бўйсўниб, куйиб кул бўлиш муддати ўтиши учун худди режадаги каби келин бўлиб тушган уйдан туғилиб ўсган уйигача оралиқ ма-софада югуриб борганда ҳам юз фоиз куйиб ёнишга етадиган ма-софа эди. Сумбул онаси қўлида жон бераётиб, рози-ризоликни ҳам ўпка –гинани ҳам даври Қиёматга қолдирди. Охирги дақиқада ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Даъвогар ҳам, талабгор ҳам йўқ. Фақат Ўсарқул ҳайрон. Эгилган бошидан нега? Нима учун? деган пажмурда сўроқ туғилиб жавоби етим қолган қўзининг ноласига ўхшаб кетарди. Кейинроқ қайдадир битта сўз топилди. “Бунча бераҳм бўлмаданди?”

– Йўқ, йўқ бу иддао Сумбулга оғирлик қилади. Унда зарра гуноҳ йўқ. Ҳамма айб ўзида. Вақтида хушёрлик қилмади. Шўр пешона куйганининг изидан куйиб ўтади. Ўз танасини ёндириш орқали бошқа бировнинг жисми жонини куйдириш ҳам мумкин эканда. Уят-пуютни йўқиштирган Ўсарқул аскарлигида момоси тикиб қўйган чопон ва дўппини кийиб, белини маҳкам боғлаб ўлик эгаларининг бирортаси билан елкалашмай, ҳассасакашлар қаторида туриб, тўкилиб-тўкилиб йиғлашдан бошқа чора топмади. Яна билгани шу бўлдики, яқинлардан кўпчилиги хўжа кўрсинга йиғлаб турибди. Яна кимнидир гапи қулоғига чалинди. Мулла ўз жонига қасд қилганнинг жанозасини ўқимас эмиш. Ўлик эгалари бунга чора топишди. Бу ёнғин эҳтиётсизлик туфайли рўй берган. Бу ерда ҳеч қандай қасд йўқ. Шоши-

линч етиб келган орган ходимлари ҳам бу гапдан кейин попуги пасайиб индамай қайтишди.

– Менга ҳеч ким даъво қилмаяпти. Ўша сирни Сумбул ўзи билан олиб кетгани чин бўлсин. Жаноза ўқишса ҳам, ўқишмаса ҳам тезроқ кўмишса бўлди. Бундай ўйлаётган сухтаси совуқ Сумбулнинг эри Сафаркул эди. Бу ерда фақат икки кишининг пушаймони фарёдга айлашиб, жисми жонини қовурмоч қилаётганди. “Мен шўрлик кимнинг гапига кирдима. Ўша касофатга мажбурлаб узатдим. Мана оқибати. Эссизгина. Сенинг ўлимингни келиб-келиб мен тилабманда”... Бу эна, энаизор...

– Шунча йил мени кўтиб яшадим. Ҳатто тегиб ҳам ўзимни жилловлаб юрибман деганди. Унинг бир боқишига ярамадим. Аслида мени тиглаш керак. Бу – Ўсаркул Мархума эса ҳамма нарсани эшитиб, сезиб ётар, талпиниб Ўсаркулнинг буйнига осилиш ёки таскин бериш, афсус қилиш қўлидан келмас, рух ва танага кирса, ҳамма нарса изига тушиб кетишини яхши билса ҳам, ҳукми илоҳийдан ўзгача йўл тутолмай зору сарсон эди. Барибир жаноза ўқилди. Тупроқ тортилди Қабр бошидан қайтишда ҳеч ким қандай аёл эди деб сўрамади.

Ўсаркул ичида ўзи сўраб, ўзи жавоб қилди:

– Яхши қиз эди, Бундайи энди ўтмаса керак...

Қизиги, эртасига ҳам индинига ҳам, Сумбулнинг бирорта яқини унинг қабридан хабар олгани келмади. Бу бир томони Ўсаркулга яхши бўлди у қанда қилмай қирқ кун эрта тонгда келиб, тиловат қилди, эзилиб-эзилиб кўз ёш тўкди.

Қирқинчи куни Сумбулдан тайинли жавоб эшитди: – Сизга муносиб бўлолмаймиз. Дийдоримни Машҳарда кутинг! Ўсаркул бу сўзни дарров тушунди. Гап буёқда эканда. Ҳақ номард Сумбул, шунга шунчаликка бордимиз? Кимдир ишонмаса-ишонмас Ўсаркул Сумбулнинг қабрига қатнашдан чарчамади. Айнан Сумбулнинг қариндошига, ўша ўрталаарида “почтачи”лик қилган қизчага уйланганидан кейин ҳам, бола-чақа, неварга кўрганидан кейин ҳам. Ҳозир ҳам. Айниқса, бу йил ҳамма – тоғдан келиб келган тўдана таёғига суяниб ҳеч қандай белги ҳам қуйилмаган Сумбулнинг қабрини адашмай топиб келиб чўққиси пазайиб-чўққан қабр айнан мархуманинг оёқ сарида ҳар доим келиб икки тиззада чўққалаган ва тиззаси ботиб кетган жойга ўрнашиб, тиловат қилиб ажру савобини Оллоҳдан сўраб турганида бироз хира тортган кўзи олдида яллиғ чўғ бўлиб ёнаётган Ёнар ўт – Меҳригиёх кўриниб кетди. Бу ростданам Меҳригиёхми? Ҳа, бу ўша. Хайрият Сумбул қирқ йил дийдор истаи-истай, Ёнар ўтга айланибди. Ўзига шукур, узингга шукур! Унга қўл узатиб тавоф қилса бўлади.

Мана, мана бундай қилиб. Ё тавба, Ўсаркул ўша илк бор Сумбулнинг кўлини ушлагандек, баданига титроқ кирди. Ҳа бу гул-меҳригиёх унинг устихонидан кўқарган. Сумбулнинг ҳеч қайси гиёҳга ўхшайдиган бўйидан кўқарган. Бўйларингдан айланай Сумбул! Очиғи Ўсаркул бу мўъжизани кўриб, имони ошди. Сумбулни тонгла Машҳар куни қайта бош кўтариши ва унинг дийдорига тўйишига чиппа-чин ишонди.

НАВОИЙНОМА



3. «СОҒОРИБТУР ЛОЛАРЎЙИМ...»

906 ҳижрий қамарий йилнинг жумодуссоний ойи бошларида: (милодий 1500 йилнинг 28 декабри) жарчилар Ҳирот аҳолисига муҳим хабарни эълон қилдилар: Астрободда исён кўтарган ўгли Муҳаммад Ҳусайн Мирзо устига қўшин тортган Ҳусайн Бойқаро у билан ярашиб, Ҳиротга қайтиб келмоқда...

Пойтахтни қўриқлаш топширилган Амир Муборизиддин Муҳаммад Вали ва Алишер Навоий аъёнлар ҳамроҳлигида шоҳни кутиб олиш учун шаҳардан ташқарига чиқдилар. Муҳаммад Валибек рабобига келганларида шоҳ яқинлашиб қолганини хабар қилдилар. Навоий анчагина хаста, ўзини ёмон ҳис қилмоқда эди. Шоҳ муҳофаси яқинлашгач, у отидан тушди-ю, лекин юра олмади. Тинимсиз ижод машаққатларидан, давлат ташвишларидан толиққан вужуди ўзига бўйсунмай қўйди. Хожа Абдуллоҳ ва Хондамир кўмагида Бойқаро томон юрди. Гоҳ чексиз мурувватлар кўрсатган, гоҳида эса азиятлар етказган дўсти - Ҳусайн Бойқаро оғушида ҳушидан кетди.

Шоирни шоҳнинг муҳофасига солиб, зудлик билан Ҳиротга олиб келдилар. Аммо табибларнинг дори-дармонлари фойда бермади. Жумоди ус-соний ойининг ўн иккинчисида (Милодий 1501 йилнинг 3 январни), якшанба куни Алишер Навоий мангуга кўз юмди. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай сатрларни ўқиймиз: «...Султон Ҳусайн Мирзо Астробод черикидин ёнғонда (қайтганда) истиқболга келди, мирзо била кўрушуб қўпкунча бир ҳолати бўлди, қўполмади, кўтариб элтдилар, табиблар асло ташхис қила олмадилар. Тонгласиға ўқ Тенгри раҳматиға борди. Бир байти ҳасби ҳол воқеъ бўлубтур:

***Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балога не чора қилғойлар?».***

Асрлар бўйи шу савол очик қолиб келди: буюк шоирнинг ўлимига қандай касаллик сабаб бўлди экан?

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди хусусида ёзма ҳамда оғзаки маълумотлар:

* (Боши аввалги сонларда)

мотлар анчагина. Замондошлари, шогирдлари ва муаррихлар буюк санъаткор асарларининг сеҳрли жозибаси, юксак бадииятини таҳлил этиш билан бирга шоирнинг хислатлари, ҳаётидаги муҳим воқеалар тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар қолдирганлар. Чунки Навоий даҳо ижодкоргина бўлиб қолмай, шахс сифатида ҳам ўзи яшаган давр ижтимоий-маданий муҳитига катта таъсир кўрсатган, юксак инсоний фазилатлари билан ижод аҳлига ўрнак бўлган эди. Бизгача етиб келган манбаларда унинг шахсиятига катта аҳамият берилишининг боиси ҳам шунда. Бироқ шоирнинг улкан тарихий воқеалар, мураккаб зиддиятлар билан тўла машаққатли ҳаёти мукамал ўрганган, деб бўлмайди. Буюк мутафаккир умр дафтарининг номаълум саҳифаларини аниқлаш жараёни давом этмоқда. Зеро, бу - шоир сиймосини ёрқинроқ тасаввур этиш, ҳаётининг турли босқичларида яратилган асарларининг моҳиятини яна ҳам теранроқ англашга ёрдам беради.

Алишер Навоий умрининг сўнгги йилларида оғир касалга дучор бўлгани, куч-қуввати кетиб, ночор аҳволда қолганидан шикоят қилиб, «Ҳазойин улмаоний»нинг дебчасида шундай ёзади: «Куллуқ арзадошт улким, бу бандага ёш улғойфон чоғда заъфе (касаллик) юзланди. Ва ул заъф риштаси риштадек заъfliқ пайкаримга андоқ чирмондики, ул қуёшдек замирға (Хусайн Бойқарога) равшандур. Ҳоло мизожим истиқоматдин мунҳариф ва баданимда неча мараз мухталифдур. Ва атиббо (табиблар) иложидин ожиз ва маъзул ва ахиббо (дўстлар) мизожимдин мутаажжиб ва малул, димоғим паришонлиғидин сўзум номарбут (бир-бирига боғланмаган) ва хаёлим ошуфталиғидин ҳолим номазбут, бағрим қизигонидин жисмимда ҳумой лозим ва кўнглум озғонидин бошим айланмоғи ва кўзум қарормоғи дойим...»

Шундан сўнг шоир бемадорлиги туфайли отга миниб-тушишида ўзини икки киши суяшини, ҳассасиз юролма қолганини баён қилади. Бу ҳақда изтиробли мисралар битади:

**Гарчи тоғдин оғир этти дарду озоримни заъф,
Лек хастин ҳам енгил қилди тани зоримни заъф.**

**Билмагил, ҳолимни гар аҳбоб сўрмаслар, ажаб,
Ким қилибтур тонимасдек жисми беморимни заъф.**

Қизиғи шундаки, муаррихлар ва замондошларининг асарларида, халафларининг бизга маълум қўлёзмаларида бу касаллик ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Атоқли адабиётшунос олим, раҳматли Иззат Султонов кўп муаммаманга шоир асарларининг ўзидан жавоб топиш мумкин, деб ёзади. Чиндан ҳам у ўз асарларида бу ҳақда бирор маълумот бермаганмикан? Ахир шоир фазаллари ўзига хос шарҳи ҳол-ку! Юксак бадиият дурдоналари бўлган бу фазаллар шоир ҳаётидаги қувонч ва қайғу, шодлик ва тушкунлик онларининг даракчилари эмасми?

«Дебчога» мурожаат этайлик: «Бир ҳамдурд рафиқим йўқ эрдиким, дардимдин шаммаи изҳор қилгаймен, бирор байт бирла ул ҳол мазмунин назм қилиб, кўнглумни холи қилур эрдим ва жунуним шиддати ғалаёнида ҳар ошубқим оллимға келур эрди, чун бир ҳамзабон мушфиқим йўқ эрдиким, махфий ўтумни ошкор этгаймен, бирор матлаъ била у маънини адо қилиб, қаттиғ ҳолимни шарҳ этар эрдим. Бу восита била кўнглум ўтиға ороме ва ишқим

бедоди ноҳамворлиғиға андоме ҳосил бўлур эрди».

Бу эътирофлар шоирнинг ҳар бир асари маълум даражада шарҳи хол эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Шундай экан, у ўз ғазалларида касаллиги ҳақида ҳам сўз юритган бўлиши керак.

«Фавойид ул-кибар» девонидаги бир ғазал масалани анча ойдинлаштиради. Ғазални тўлалиғича келтирамыз:


*Сориғ оғриғ бўлдум, эй соқий, хазони ҳажр аро,
Қони асфар майки, бор ҳар қатраси бир қахрабо.*

*Юзу жисмидур сориғ барге куруғон шох уза,
Шоху баргеким куруб сорғорса, ким кўрмуш даво?*

*Не мараздур буки, бир гулрух шарори ишқидин,
Бўлди сориғ лола кўзум оқию доғи қаро.*

*Суд эмиш, кўз тушса асфар жинси сори, ваҳ, қани
Сарвинозимким, сориғ гул баргидин киймиш қабо.*

*Сорғориб қолдим ҳаводис қожига ҳижрон куни,
Бир сориғ қўшдекки, кундуз қолғай-ул қушлар аро.*



**Шом ила субҳ ар сориг оғриг эмаслар, бас недур
Тун сочин ёйиб, қуёш йиртиб юзин, тутмоқ азо?**

**Дарди туфроққа ниҳон этди Навоий жисмини,
Топибон бир шуша олтин, дафн қилгондек гадо.**

Мазмуни: эй, соқий, ҳижрон хазони ичра сариқ касалига дучор бўлдим, ҳар қатраси қахрабо бўлган сариқ май келтир. Жисмим қуриган шохга, юзим эса сариқ япроққа ўхшайди. Дарахтнинг шохи қуриб, барги сарғайса, бунинг чораси борми? Не дардки, бир гул юзли ишқи ўтидин кўзимнинг оқу қароси сариқ лолага айланди. Сариқ рангли нарсага қарамоқ фойдали эмиш, қани энди, сарвинозим сариқ гул баргидан либос кийиб келса. Ҳижрон кунда ходисалар зарбасидан сарғайиб қолдим, худди кундуз куни бошқа қушлар орасида қолган уккидайман. Шом билан тонг сариқ касал бўлмаган-ку, нега тун сочини ёйиб, қуёш юзини йиртиб аза тутуди? Гадо шуша (ёмби) олтин топиб олиб, ерга кўмганидек, дард ҳам Навоий жисмини туфроққа яширди.

Ҳазални ўқир эканмиз, замона нобозликларю жамият муаммоларидан, ҳижрон азобларидан, ижод машаққатларю касаллик изтиробларидан толиққан шоирнинг маънос қиёфаси кўз унғимизда намоян бўлади. Ҳазал яхлит композицияга эга. Ҳолат тасвири байтма-байт ривожланиб, мақтаъда чиройли ўхшатиш билан якунланади. Ҳазалнинг биринчи байтида қахрабонинг тилга олиниши ҳам бежиз эмас! Чунки уша даврда қахрабо сариқ касалига даво, деган тушунча бўлган. «Ҳар бир қатраси, бир қахрабо» бўлган май эса шоир дардига даво бўлиши керакдек эди.

Навоийнинг сариқ касал ярақон билан оғриганини адабиётшунос олим Натан Маллаев ҳам «Навоий ижодиетининг халқчил негизи» китобида қайд этиб ўтган. Дарҳақиқат, Навоий асарларида кўпгина ўринларда учрайдиган сариқ юзлилик, заъфаронлик ҳақидаги сўзлар фақат шеъринг ташбеҳ сифатида, кўчма маънода қўлланилмаганлиги аниқ. «Сориг оғриг бўлдум»...» деб бошланувчи юқорида келтирилган ҳазал ва «Фавоид ул-қибар» девонидаги кўплаб мисоллар шоирнинг ярақон билан оғриганини тасдиқлайди.

«Наводир уш-шабоб» девонига киритилган мана бу ҳазал ҳам шоирнинг касаллик даврида битилганга ўхшайди:

**Сорғорибтур лоларўйим, ранжи бўлмиш қотиг,
Лола бу йил гулшани умримда очилмиш сориг.**

**Кўп осиг умрум баҳори мевасидин истадим,
Мевага етмай хазон бўлди баҳорим, не осиг?..**

**Эй, Масихо, урма дам ул кўзда суфрат дафъига,
Қахрабо келтир Қуёшдин, хут буржидин болиг.**

**Васфи ул кўзнинг қаролиғ бирла эрди войким,
Эмди сориглиққа мансуб этмиш они хасталиғ...**

Навоий ўз аҳволини ҳазалларида баён этиб, «кўнгил ўтига ором» истар экан, ҳар сафар янги образлар, жозибали ташбеҳлар топади. Уларда шоир

Ўз ҳолатини тасвирлайди, дўстлари ва маҳбубаси ҳолидан хабар олмаётганидан нолийди, касаллик изтиробларини акс эттиради. Бу ғазалларда халқ табобати ва ўша даврдаги урф-одатларга оид қизиқарли маълумотлар бор. Жумладан, балиққа тикилиш кўздаги сариқликни олади, деган тасаввур бўлган. Қизиғи шундаки, бундай қараш ҳозиргача сақланиб қолган.

Шу маънода, «Хайрат ул-аброр» достонидаги қуйидаги байтлар диққатга сазовор:

**Наргис арилмай маразидин ариқ,
Кўзлари айни ярақондин сариқ.**

**Кўз тикибон сувғау ранги синиб,
Сабзани сув ичра балиқ соғиниб...**

Сув бўйида ўсаётган наргис кўзлари сариқ касалидан сарғайган, сув ичидаги ўтларни балиққа ўхшатиб, интиқлик билан тикилаётган инсонга қиёсланади. Бундай касалликни бошдан кечирган одамгина бемор ҳолатини бу шаклда аниқ тасвирлай олиши мумкин.

Бугунги тиббиётдан бизга маълумки, сариқ касали - гепатит ўз вақтида даволанмаса, жигарда ёмон асорат қолдиради. Кейинчалик у циррозга, яъни жигар қуришига айланиши мумкин. Навоий яшаган даврда табобатнинг аҳволи ҳамда шоирнинг кексайган вужудини ҳисобга олсак, бу касалликнинг оқибатлари янада аниқ бўлиб қолади. Шоирнинг ўлимини тезлаштирган, ҳорғин вужудини аста-секин ёмириб борган дард ҳам сариқ касалининг асоратлари бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас.

Хўш, Навоий бу касаллик билан қачон оғриган? Тахминан бу 1492-95 йиллар оралигида рўй берган. Шоир ўз касаллиги ҳақида дастлаб «Хазойин ул-маоний» дебوحасида сўз очади. Бу девонни тузишга эса 1492 йили киришилган. Ана шу дебочада яна қуйидаги арзи ҳолни ўқиймиз: «Агарчи маразимга (касалимга) сиҳат уммиди пайдо бўлубтур, аммо ҳануз ғизо (овқат) била шарбатким ичилур, ейилур, мисқол тарозуси била тортилур ва тонгдин ақшомғача соат шишасига кўз тикилур, агарчи заъфимга қувват имкони зоҳир бўлубтур, аммо ҳануз бузуғ кошонамдин чиқарга кўпмоқ тиласам, осилғон у бори анкабут (ўргумчак) торлари дастгирим бўлуб мадад еткурмагунча, тебранмакка тобу тавон ва ҳаракатга мақдур, балки имкон йўқтур...». Бу муболағали ташбеҳлар орқали ёрқин манзара яратилган. Унда касаллик шоирнинг саломатлигига жиддий путур етказганлигини англаш қийин эмас.

Навоий кекса вужудидаги бу хасталикнинг оқибати нима билан тугашини яхши билар эди. Шунинг учун ҳам қалбини аччиқ армон кемирарди: назарида қилган ишлари ҳали оз, ўйлаган режалари, орзулари эса беҳисоб. Шу дақиқадан бошлаб у умрининг ҳар бир соатидан, ҳар бир сониясидан унумли фойдаланишга киришди, ошиқиб яшади, кўп янги ғазаллар битди. «Хазойин ул-маоний»нинг тўрт девонини жамлади, «Насойим ул-муҳаббат», «Лисон ут-тайр», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб» каби бебаҳо асарларини яратди.

Буюк ижодкор ва мутафаккир ўзининг авлодлар олдидаги «навосиз улуснинг навобахши» бўлишдек юксак бурчини, туркий тилдаги адабиётни янги юксакликларга кўтариш вазифасини бажаришга ошиқар эди.



Яшаётган сатрлар

Гелди БЕРДИЕВ

Мен ўтган Баҳорнинг заъфарон йўли

Баҳор шомларида икков жимгина,
Кезган кунларимиз қолди орқада:
Сокин юрагимда на афсус, гина,
Илиқ бир тўлқинлар маънос оқарди.

Қаҳрабо сочларинг шамолда тўзғиб,
Менга ҳадиксираб боқардинг доим.
Мени қора ўтмиш бўғзимдан бўғиб,
Сенга гап қотолмай термулардим жим.

Бугун шу жойларда юрибман танҳо,
Оёғим остида қовжираган хас.
Худди шу хаслардек севгимиз, э воҳ!
Қовжираб ётибди чўлларда ҳиссиз.

Йиллар кўмиб кетар барча ўтмишни,
Барча хотиралар изсиз йўқолур.
Балки ўтказарман қанча ёз, қишни,
Фақат сен ва шу баҳор бағримда қолур!!!

Кунлар мунча вазмин, қадами ёмғир,
Фалақда нур эмас, кезади булут.
Хазонлар ҳам намхуш, хазонлар оғир,
Энди мени қўйгил, энди-га унут.

Куз ёшимдан ивиган орзу мисоли,
Мезонлар ётибди лойга беланиб.
Унсиз йиғи келар, бу кузнинг ҳоли,
Хазонлар ётибди боғларда ёниб.
Ёмғир шивалайди туманга чўмиб,
Шунда хаёлларга ботиб тургайман.
Ёмғир шовқинига кетаман чўмиб,
Ёмғир орасида сени кўргайман.

Боқсам юзингизга кўзни уқалаб,
Баҳорни соғинган новдадай илҳак.
Не ажаб, гар қўйсам лабингизга лаб,
Кўклам ҳидларига тўлар ҳамма ёк.
Баҳор шамолига бағримни очиб
Юрсам изингиздан кузатиб зимдан.
Ойдин ҳисларимни шўъладай сочиб,
Бирпас қочирмасам сизни кўзимдан.
Кулманг бу ҳолимга, парво ҳам қилманг,
Сиз баҳор газали, сиз баҳор гули.
Мен эса кузман-ку! Юзимга қаранг,
Мен ўтган баҳорнинг заъфарон йўли.
Мен, сизсиз – баҳорни бағримга босиб,
Ечсам сочингиздан ҳар бир ўримни.
Нетай, бўлиш қийин сизга муносиб,
Қайтиб беролмайсиз йигит умримни...

МАНЗАРА

Шох учида қуёшни эмиб,
Гупиллаб йиқилар ерга қор.
Биллур осмон, ҳавога чўмиб,
Куртакларда тўлғанар баҳор.
Лахта-лахта ивиган қондай
Уфқларда ёнади булут.
Шамол эса бир ширин жондай,
Сочларимни силаган умид.
Эрка дамда эрка боламан,
Кўзларимда ёнар севинч-ёш.
Эрий бошлар, хайрон қоламан,
Ўтмиш деган қора қайғу-тош.
Ўтмишимдан нолигим келмас,
Ойдин иқбол кулиб келади.
Қалбда ширин туйғули ҳавас,
Шу ширин дам менга бўлади.

ШЕЪРИМ

Боботоғдан эсган насимда,
Оппоқ рангли ёшлигим бодроқ.
Юз тутгандай боғлар хазонга,
Мен баридан айрилдим, бироқ
Ишонганим фақат сен қолдинг.

Шодмон эдим базми ҳамшилда,
Дўстлар билан даврада дуркун.
У кунларнинг оҳори қайда?
Мен баридан айрилдим бу кун,
Ишонганим фақат сен қолдинг.

У кун қайси кун эди билмам,
Жон-жонимга сингди бир оҳанг.
Елдай елиб кетди у пайтлар,
Мен баридан айрилдим бу тонг,
Ишонганим фақат сен қолдинг.

Мен нелардан айрилган бўлсам,
Барчасини эслайман лоқайд.
Фақат сенсан сўнгги илинжим,
Энди сендан айрилмай фақат,
Ишонганим фақат сен қолдинг.

ҲАЙРАТ

Улуғ Алишерни яратган она,
Ўзингсан табиат, эй доно ҳаёт!
Олам тепасида гоҳ Хайёмона,
Рубоий ўқидинг, ўқидинг баёт.

Пушкин лирасидан хайратга тушдим,
Бунчалар улуғ деб шеър илоҳаси.
Жомий қаршисида таҳсин айтдим жим,
Бунчалар буюк деб ҳаёт даҳоси.
Мен ёқа ушлайман улар ёнида,
Улар бир тоғ эрур, улар бир ҳайрат.
Сўнг хайрон қоламан шеър чаманида,
Мендек ҳаваскорга зормидинг ҳаёт?!

БИРИНЧИ ҚОР

Оқарар самонинг қора пештоқи,
Теракнинг учида энг сўнгги хазон.
Олтин куз ўрнига қиш келди чоғи,
Қаранг, силкиндими бу огир осмон,
Бир баркут пар учар енгил, беғубор,
Биринчи қор!
Биринчи қор!

Оташда хазондай қовжираб лабим,
Қор сени ёқиндим узоқ ва илҳақ.
Оппоқ туйғуларга қани тўл, қалбим,
Бу оққом армонинг топди-ку барҳақ!
Уша армонларда завқ бор, илҳом бор,
Биринчи қор!
Биринчи қор!

Баҳорий кунлардан узоқман бугун,
Хазонли боғлардан ўтдим оралаб.
Қайтмас ёшлигимни эсладим секин,
Биринчи қорга мен қўя туриб лаб.
Биринчи завқларни эсладим такрор,
Биринчи қор!
Биринчи қор!

Қани мен ҳам қорга айланиб шу зум,
Шу зум самоларга тушсам қор бўлиб.
Сенинг ёноғингга қўнсам юлдузим!
Дунёдан кетардим бахтга ёр бўлиб!
Аммо шу армонда кетмасман зор-зор,
Биринчи қор!
Биринчи қор!

Майли сен ёғавер, бўрон бўлиб ёғ,
Мудраган кўзлардан учир уйқуни.
Қалбимиз минг битта туйғудан қурок,
Бўлса ҳам эслатдинг тўнғич туйғуни,
Тўнғич туйғуларда бўлмагай ғубор,
Биринчи қор!
Биринчи қор!

Ҳисларим ойлардан кетмоқда ўзиб



СЕНИ СОҒИНДИМ

Ўртандим тонгача мактублар ёзиб,
На оқшом тинолдим, на тонгда тиндим,
Ҳисларим ойлардан кетмоқда ўзиб,
Сени соғиндим.

Сени-ку англайман, жон дўстинг шамол
Сочу, кўзларингдан ўпади, ёндим,
Менинг қароғимда қотган бир савол,
Сени соғиндим.

Қаршимда гумонлар гоҳ қилар ғазаб,
Шул ғазаб зарбидан қаламдек синдим,
Соч ёйиб олдимга чиқади ғазаб,
Сени соғиндим.

Тушимда қувғиндир ой, юлдуз, қуёш,
Найрангбоз оқшомлар сенлардан тондим,
Муҳаббат англадим кўзинг тўла ёш,
Сени соғиндим.

Дарахтдай қўлимни чўздим умидвор,
Сен қиё боқмайсан, мен қандай кўндим,
Кунимга кун тегмас, босиб ётир қор,
Сени соғиндим,
Сени соғиндим.

ЧЎҒ

Бирдан шамол тўзитиб кулни,
Бағри-дилини осиб юборди.
Кул ичида ялт этиб дурни-
Жавоҳирдай сочиб юборди... –
Шунда порлоқ ақиқдай чўғлар

Бирам гўзал, нафис товланар...
... Либосига боқманг инсоннинг,
Дил чўғига меҳр боғлангиз,
Шунда инсон-инсон кўринар.

Мен тўғилдим гўзал чаманда,
Орзуларим тиниқ, ҳаётбахш.
Юзларимда жилмаяр ханда,
Туйғуларим дилга қўяди нақш.

Муҳаббатим ҳаётга ортиқ,
Она элга садоқатим зўр.
Ватанимга жонимдир тортиқ,
Ёвга қарши метинман мағруд.

ТАЪЗИМ

Япроқ ёзган яшил мажнунтол,
Шивирлайди элга розини.
Шаҳримга у бахш этиб жамол,
Файзли қилар баҳор, ёзини.

Келинчақдай безанибди-ю,
Шохларига тақибди попуқ.
Доим яшнаб таъзим қилар у,
Она ерга севгиси буюқ.

Азиз дўстлар, она тупроққа,
Мажнунтолдек бўлайлик содиқ.
Шай бўлайлик уни кучмоққа,
Унга бўлсин умримиз тортиқ.

ШАБНАМ

Тоғда кўрдим гул ёноғида,
Тиниқ қатра милтирар нафис.
Ойнинг нури энган чоғида,
Уйғотади ажойиб бир ҳис.

Тонгда яшнар бу инжу шабнам,
Майса очар унга кучоқлар.
Аммо қуёш шафтида бир дам.
Чидам бермай сўнар мунчоқлар.

ДЕХЛАВИЙ НАВОСИ

Золимлар дастидан қақшаган эллар,
Тақдири қадалар зулм қамчисида.
Замона қаҳридан вайрона диллар,
Жаҳоний ғам жо кўз ёш томчисида.
Ижод ўти бирла ёнарди шоир,
Севги сатрин тинмай куйларди шоир.

Қалби уммонида титроқ туйғулар,
Қирғоқларга сапчир асов тўлқиндек.
Ҳамиша тансиқдир шараф, қулгулар—
Инсон орзусида порлоқ ёлқиндек.
Сўзлар сеҳргари бу буюк шоир,
Ноёб ғазалнавис бу суюк шоир.

Ҳиндистон юртида нафис бир наво
Қалблар ичра ҳазин тўлғанар ҳамон.
Ошиқ-маъшуқларга бўлдилар даво,
Кулфат аро мангу қолдилар омон.
Сетор дардларига малҳамдир шоир,
Эзгулиу йўлида илҳомдир шоир.

ЯХШИ ОДАМ

Яхшиликка бошламоқ учун
Кичикларга бердим насиҳат,
Баъзан сўзим кўрсатди кучин,
Хушомадгўй тусланди фақат.
Дўстлар, сиздан розиман минг бор—
Одамларга маёқ бўлсангиз.
Яхшиликка топиб эътибор,
Элга ҳамдард—чироқ бўлсангиз.
Дўстлар, боқинг қалбимга бир пас,
Эслаганда мени ҳам бир кун,
Яхши эди, десангизлар, бас,
Содда умрим ва шеърим учун.

БОЙЧИБОРНИНГ КИШНОҒИ

Дўмбиранинг сири сирим тонмайман,
Қалам тутдим, Алпомишдан сўз очдим.
Кўҳна қўшиқ сувларига қонмайман,
Бойчиборинг кишноғидан сўз очдим.

Нур бўп чўқар кўзларимга юлдузлар,
Юзин босар юзларимга юлдузлар,
Достонлардан чиқди юза кундузлар,
Бойчиборинг кишноғидан сўз очдим.

Қор устида шамолар зор йиғлайди,
Қалмоқ элда Ойборчин ёр йиғлайди,
Арча оғоч дилларимни тикқлайди,
Бойчиборинг кишноғидан сўз очдим.

Давр келган эди Ҳазрат онларга,
Вақт беланди авлон янглиф қонларга,
Майиб тарих гоҳ бурканди шонларга,
Бойчиборинг кишноғидан сўз очдим.

Чингиз бўлди, Боту бўлди, талади,
Оч қашқирлар тобоғимиз ялади,
Эл Муқанна, Темурларни тилади,
Бойчиборинг кишноғидан сўз очдим.

Ният холис экан тилак ушалди,
Қулунларинг қозигидан бўшалди,
Бундан олти юз олтмиш йил илгари
Саркардам пойига гуллар тўшалди.

Ер юзида Самарқанд, Шош кўринди,
Шойи камзул кийиб қуёш кўринди,
Эл бахтига оқил Юртбош кўринди,
Бойчиборинг кишноғидан сўз очдим.

Кўкрагимда талпинади ҳур юрак,
Саодатдан Ҳумо қуш берди дарак,
Она юртим Истиклолинг муборақ,
Бойчиборинг кишноғидан сўз очдим.

Баркамоллик зиёси

Қирмизгул Поёнова

Шоир - оппоқ қалбнинг эгаси



Ш О И Р

У сиқилмас, йиғламайди, ҳам
Дардларини бировга айтиб.
Ичмайди май ҳеч алаמידан,
Фақат юрар хаёлда дайдиб.

Билинмайди, тақдирнинг, тоқат,
Найзалари санчилса унга.
Берганига қилар қаноат,
Шукур айтар ўтган кунига.

Ёрдан ортиқ севади шеърни,
Фарзандидек беғубор сўзлар.
Сирдоши, ҳам унинг яқини
Тунда йўқлар илҳомли кўзлар.

Орзулари армондан йироқ,
Хаёллари йўлга поёндоз.
Меҳр берган китобга кўпроқ,
Дўсти фақат қалам ва қоғоз.

У сиқилмас, йиғламайди, чин,
Дардларини бировга айтиб.
Гоҳо майдан олади ўчин,
Фақат юрар хаёлда дайдиб.

Шоир - оппоқ қалбнинг эгаси.
Ниятида йўқ бирорта гард,
Фақатгина орзу, ҳаваси -
Оқ қоғозга тўқа олса дард.

Гар менда бўлсада кўп аламингиз,
Келмайсиз олмоққа бир ўчингизни.
Ишқимдан юз бурмай жим яшаяпсиз,
Соғинчга тўлдириб ҳовучингизни.

Хануз зор боқасиз мен кетган йўлга,
Гар ортга қайтмоғим бўлса - да гумон.
Шунда ҳам хайдамай ҳижронларимни,
Мудом кўксингизда сақлайсиз омон.

Нега қийнамайсиз ҳажрингиз билан,
Чилпарчин этмайсиз ҳаловатимни.
Нега кечирасиз бермасдан ҳеч тан,
Сизга бўлган чексиз адоватимни.

Нетай, юрагимга сиғмаганимсиз,
Аммо севгингиздир менинг паноҳим.
Қалб тўла зардобда яшаганда сиз,
Ортиб бораёпти менинг гуноҳим.

Гар менда бўлсада кўп аламингиз,
Келмайсиз олмоқ-чун бир ўчингизни.
Ишқимдан юз бурмай жим яшаяпсиз,
Соғинчга тўлдириб ҳовучингизни.

ВАТАН

Ватан – юрагимнинг тупроқларида,
Орзу гулларидек ёзасан япроқ.
Ватан – сен онамнинг тундайин қора,
Сочлари ичига оралаган ок.

Уюм тупроқларда изларим қолган,
Ёшлигимга гувоҳ кўчасан – Ватан.
Момомнинг алласи янграган маҳал,
Менга ором берган кечасан – Ватан.

Мустақиллик ҳаёт, эркин фикр, шаън,
Хурлик – эзгу йўлдор бизлар танлаган.
Ватан - сенга содиқ юракларидан,
Фарзандлик бурчини теран англаган.

Сенга араз, менга афсус, ишққа аччиқ,
Озор бериб яшайпмиз ўзимизга.
Кулгумизни айладинг сен қимга тортиқ,
Айт, не кунни бошлаб солдинг юзимизга?!

Сизинганим шу кунларнинг этак, саси,
Соғинчларим бармоғингдан тошиб кетар.
Сирим айтиб синдирганим ойпарчаси,
Хузурингга сўзим етмай юрак титар.

Кўнғироқдек сочларингга илинганим,
Қароғингга тубсиз чўкиб кетар савол.
Хаёлларим парчасига кўнганда жим,
Дардларимни қучиб ётар у, бемажол.

Саробларга айлантирдинг тилагимни,
Майли тонгни олисларга бошлаб кетгин.
Кипригингга осиб ўлдир юрагимни,
Сўнг ёдимни сахроларга ташлаб кетгин.

Фақат менга қайтириб бер ўзлимни.

БОЛАЛИГИМ

Улғайишнинг завқи кетгандай қулиб,
Ўйловдан тунлари чиқмагай чарчоқ.
Беихтиёр олис йўлга термулиб,
Сени соғинаман, эрка қизалоқ.

Умрку катта йўл, менчи йўловчи,
Йиллар алдовига маҳлиё бўлдим.
Жажжи кўлларингдан маҳкам ушловчи,
Қайсидир бекатда йўқотиб қўйдим.

Сочига попуқлар таққан гавҳарим,
Балки, ўйнаяпсан тор кўчаларда.
Момонгнинг қўйнига сукилиб, парим,
Юлдуз теряпсанми тун кечаларда.

Боғда, қари тутнинг шохларин силтаб,
Аргимчоқ солдингми мунчоқ юзлимим.
Жиззали қулча деб онамни қистаб,
Ерлар тепяпсанми, қора кўзлимим.

Ҳар баҳор сен учун бир эртак эди,
Лойсувоқ томларда лола терардинг.
Кўз ёши, шунчаки бир эрмак эди,
Дадаңга араздан сабоқ берардинг.

Эгнингга опангнинг қўйлагин кийиб,
Тезроқ улғайишни қилдингми хаёл.
Қўғирчоқларингни қизим деб суйиб,
Айт, қачон бўй чўздинг гўё навнихол.

Улғайишнинг завқи кетгандай қулиб,
Ўйловдан тунлари чиқмаса чарчоқ.
Шунда беихтиёр йўлга термулиб,
Сени ахтараман жажжи қизалоқ.





Фазилат Абдурахмонова

Ҳар куртакда кўз очар баҳор

БАҲОР ТАШРИФИ

Ҳар куртакда кўз очар баҳор,
Ҳар новдани безар гунҷалар.
Билмам, қандоқ сеҳри бор, билмам,
Бунча гўзал, баҳор, бунчалар!

Яшилланар ўнгирилар бағри,
Ногоҳонда кўз ёрар ялғиз
Майин эсган ҳур шаббодалар
Таратади бирам хушбўй ис.

Ногоҳ шу дам адир ортидан
Эшитилар турналар саси
Думоғимни қитиклаб ўтар
Майсаларнинг хушбўй нафаси

О, баҳорим! Сен борсанки то,
Юрагимда балқийди чирой,
Кундуз кетмас теппамдан қуёш,
Тунлар порлар бош устимда ой.

ИШҚ ТИЛСИМИ

Сиз юрар йўллардан юрмоқлик бир бахт,
Сиз ичган булоқдан сув ичмоқ хузур.
Сиз яшар ерларнинг тупроғи гавҳар,
Осмонлари мовий, кўқдан ёғар дур.

Сиз яшар жойларнинг ҳавоси асал,
Сувлари сув эмас, шарбатдир шарбат.
О, найлай? Соф ҳаво, тоза сувингдан
Ўзга бир дунём йўқ, о, бу не ҳолат.

Найлай? Сизга ҳаёл оғаверади,
Найлай? Сизни агар соғинсам, найлай?
Шунданми қалбимнинг туби- тубида,
Узун нола тортиб ингранади най.

Бу қандай сир сеҳр, қандай синаот
Сизни кўрган сайин кўргим келади.
Тонгдан шомга қадар, ҳамроҳдир тоқат.
Сиз билан суҳбатлар кўргим келади.

Ойдин кечалари сиз билан бирга
Юрган йўлингиздан юргим келади.
Ўлар бўлсам агар ўзгаларнингмас,
Сизнинг кўлингизда ўлгим келади.

БАТАН

Киндик қоним томган ер,
Қалбим нурга қонган ер.
Онам алласи сенда,
Ҳаётбахш саси сенда

Сенда эрур меҳри ҳам,
Жозибаси, сеҳри ҳам.
Сенда ўтган ҳар куним
Ҳар кундузим, ҳар туним

Маъноларга тўлиқдир,
Номинг сенинг қутлуғдир.
Ўзбекистон ҳур диёр,
Сендек ўлка қайда бор?

Сенда эллар эркин, шод,
Қайғу, ғамлардан озод.
Бобомнинг макони сен,
Ери ҳам, осмони сен.

Сен Беруний, Синосан,
Тош, тупроғи тиллосан.
Сенсан Бухорий имом,
Қалбимда ғурур мудом.

Темур туғи бошингда,
Ойингда, қуёшингда.
Мадҳия, гербинг пойдор,
Йўригинг бор барқарор.

Ўзбекистон номинг бор,
Шарафинг бор, шонинг бор.
Дунё сени олган тан,
Сен шундай улуғ ватан.



Сизни ардоқлаган дилларда яшар.
Шону шарафларга тўла номингиз
Элатларда яшар, элларда яшар.

О, лекин соғинсам қайлардан излай,
Тополмасам айтинг қайга урай бош?
Нетай, қайтмас бўлиб кетдингиз ака
Нетай, соғинч тўла кўзларимда ёш.

МЕН КИМГА СУЯНАЙ

Юраман оҳиста қадамлар ташлаб,
Ҳаёт ҳам ўтмоқда ҳижронга бошлаб,
Яқинларим кетса кўнглимни ғашлаб,
Мен кимга суянай ўзимдан бошқа?

АКАМНИ ХОТИРЛАБ

Ака! Бу дунёда нахотки йўқсиз,
Бир умр бизлардан нарисиз, нахот.
Эссиз, орамиздан бирбор сездирмай
Олиб кетди сизни бу баттол ҳаёт.

Кун кеча эмасми турардингиз шод,
Масъул бўлиб йўлнинг шоҳ бекатига.
Истагандай обрў бор эди, ҳурмат,
Ёр эдингиз шоҳлик салтанатига.

Илкингизда эди давр одими,
Замон ҳам сиз билан эди ҳамнафас.
Эдингиз ҳурматли орган ходими,
Сиздек бўлиш эди кўпларга ҳавас.

О, ака! Юрт учун, эл-элат учун,
Аямас эдингиз ҳеч қачон жонни.
Элнинг гули эмас, ҳатто чўпига
Алишмас эдингиз бутун жаҳонни.

Шунданми эл сизни севиб, ардоқлаб,
Ўғлоним дер эди, ўғлим дер эди.
Йўл юриб интилган манзиллар томон
Чорлаб турган байроқ-туғим дер эди.

Неки фахрий ёрлик, неки шон-шараф
Қутлуғ айёмларда сизга эди ёр.
Сиз бор бекатларда хавфу хатарсиз
Йўл босиб ўтарди барчаси ҳушёр.

О, ака! У кунлар унут бўлмас, йўқ!

Баъзида бераман ўзимга савол,
Кимдан камол топдим, кимдандир завол,
Тинч қуймаса ўйга чўктириб хаёл,
Мен кимга суянай ўзимдан бошқа?

Қолмади заррача дилда бардошим,
Дунёда топмадим яқин сирдошим,
Кулаверса ортда ҳа деб қардошим,
Мен кимга суянай ўзимдан бошқа?

Синовга чидайман қиламан тоқат,
Аламлар дилимни ғашлайди фақат,
Дўстлар ҳам келмаса бир йўқлаб лоқайд,
Мен кимга суянай ўзимдан бошқа?

Керакмас улардан улкан бир сарой,
Гўёки бергандай, само тўла ой,
Ортга бурилсам гар сачратади лой.
Мен кимга суянай ўзимдан бошқа?

Кун сайин бормоқда тугаб дармоним,
Шундай ўтаверса, ҳар кун, ҳар оним,
Буни тушунмаса яқин инсоним,
Мен кимга суянай ўзимдан бошқа

Менга даргоҳингдан сабр бер Оллох,
Меҳрингдир қалбимга шифо-бахш гиёҳ,
Кечир қилган бўлсам ҳато ё гуноҳ,
Мен кимга суянай ўзимдан бошқа?



Нурхон БОЗОРОВА

Атиргул тушимда висолга етди

ҚАЛБИМ МЕҲМОНЛАРИ

Янгилик кутялман, қоқилар эшик,
Фафлатдан кочганча сўрайман, ким-у?
Юрагим тебратгум гўёки бешик,
Шодлик қувонтириб сўзлайди, мен бу

Унга жой ҳозирлаб кўз қароғимдан,
Бисотим борини мутлоқ сочаман.
Гуллар дасталайман кўнгил боғимда,
Кимдир келди яна, эшик очаман.

Қоп-қора либосда келибди қайғу,
Оқсоқланиб юрар менингдек йўлсиз.
Эргашиб юради телбавор туйғу,
Деразамни очар сўроқсиз-қўлсиз.

Тўйиб озиқланар кўз ёшларимдан,
Фам-алам семирар кўрганда буни.
Улкан тоғлар унди бардошларимдан,
Кўз-ёшлар ювади шодлик ўрнини.

Сўроқлаб келибди ёмғирда ташвиш,
Меҳмонни ўтқаздим тўрга – кўнгилга.
Дардлар оркестри қилади хониш,
Дастурхоним бўм-бўш, мўралар дилга.

Сукут аросатда қолганга ўхшар,
Мен эса барини қиламан эрмак.
Вужудни очлик ҳам чайнайди башарт,
Ноинсофлик бўлар уни қийнамак.

СОҒИНЧ АЗОБИ

Маним умидида хўрсинган сукут,
Балки билмас менинг оғринганимни.
Кечиккан кузақда гуллашим унут,
Танҳо юрак билди соғинганимни.

Қаровсиз кунларим аразлаб кетди,
Фақат менда тунлар қолди зим-зиё.
Атиргул тушимда висолга етди,
Ҳижрон ҳаловатим ўғирлар гўё.

Сөйинг висолингда хаёл тўкилар,
Дарров териб олиб шамоллар қўлсиз.
Ноз, қарашма бари қалбда сўкилар,
Муҳаббат кўзларда яшайди йўлсиз.

Демадим севгимдек баҳорлар фоний,
Аммо гуллар бўлиб уражақдир барқ.
Юрагим тубидан ситилган жон, эй,
Соғинч денгизига бўлаяпман фарқ.

* * *

Мен нега куляпман хазонни кучиб,
Осмонларга учдим ердан узилиб.
Фафлат оғушидан уйғондим чўчиб,
Севгининг кўйида кўнглим бузилиб.

Мен нега сўзлайман, тинглагучи йўқ,
Ришталар боғлашнинг оддийлиги, чин.
Гўзал онларимни ялаб ўтди ўқ,
Елғонларсиз яшаш мунчалар қийин?!

Атиргул тушимда висолга етди

Мен нега яшадим севгимни кутиб,
Исбот талаб қилмас мавҳум тушунча.
Тулпорсиз шаҳзодам қўлидан тутиб,
Умримнинг ипларин қилдим тугунча.

Хаёлларим кезар дунё айланиб,
Ватандан кетмоқлик жуда ҳам оғир.
Унинг ҳажри ёқар бир пилиг бўлиб,
Нон исин қўмсаган Бобуршоҳ ахир.

Бошимни гангитди тақдир алдови,
Емрилган ковушим бир пойи кимда?
Юрагим нишонда муҳаббат ови,
Яраланган кўксим қондир ичимда.

Соғинч қўлларида найни чалади,
Тандан жон чиққудек титрайди куйда.
Нилуфар гуллари сўлиб қолади,
Ой эса осмонга мўралар уйдан.

Мен нега ишондим ҳавойи сўзлар,
Китоблар ҳаётга бўлолмас ибрат.
Эҳтирос хидидан маст бўлган кўзлар,
Фаришта либосин ечгин, муҳаббат.

Сўқмоқлар етаклар мени у томон,
Менга ризқ қўшади эски тандири.
Болалик шўхлиги эргашар ҳамон,
Ватан соғинчидир қалбим гавҳари.

ВАТАН СОҒИНЧИ

Висол лаҳзалари бахтни чорлайди,
Қалб тўрида Ватан ишқи яширин.
Кўзларига шодлик нури порлайди,
Ватаннинг жамоли болданда ширин.

Бошимни мажнунтол олади чулғаб,
Шамолда тебранар кўкракни кериб.
Эртақлар оламин тарк этади қалб,
Соғинчга муҳаббат тухфасин бериб.

Бешигим ўстирди мени авайлаб,
Бахт эркасин белаб тебратмоқ керак.
Соғинч кетаяти остона ҳатлаб,
Жиловлашга ожиз митти бу юрак.

Менга бегонамас учган хазонлар,
Бу куз ёмғиридан юрак намиққан.
Тунни соғинади мунгли азонлар,
Ватан, юрагимга меҳр - тақилган.



Мұхаммад ОЧИЛ

"ҰСИШ" СИРИ

(ХАЖВИЯ)

Янги бошлиқ тайинланиш муносабати билан ишхонада тезкор "аттестация" ўтказиладиган бўлди. Ҳамма ҳовлиққан, шошган, юраклар така-пука...

Синов ўтказилаётган хонада қўлини орқасига қулф қилганча, у бошдан бу бошга бориб келаётган бошлиқ тўсатдан тўхтади. Кўзларини юмди. Бошини орқага ташлади. Энгаги олдинга чўзилди. Оғзини кўвача қилди:

- Ап-пчу!

Қаттиқ ияк силкинишидан бошлиқнинг бошидаги шляпа "учар тарелка"дек парвоз қилиб, оҳиста полга қўнди.

Атрофга жимлик, синовдан ўтаётганларнинг қўнглига саросималик чўқди...

Сукунатни биринчи бўлиб хўжалик ишлари мудирини Мўминов бузди. У чопқиллаганча бориб бош кийимни қўлига олди. Чанг-чунгини ҳафсала билан қоқди. Сўнг "атагани"ни шляпаннинг ҳалқасига қистирганча икки букилиб бошлиққа узатди:

- Соғ бўлсинлар!

Шу кунларда хўжалик мудирини бошлиққа "зам", қолганларнинг боши эса ҳозирча ҳам...



ЎҚИШ БОШҚА, ЎҚИШ БОШҚА...

Қишлоқлик ота савол айлади, шаҳарда ўқиб қайтган ўғил жавобни шайлади

Савол: - Нима учун кексайганда киши кўл-гапирадиган бўлиб қолади?

Жавоб: - Сабаби, тишлар тушиб кетгач, тил оғизда бемалол айланади.

Савол: - Нима учун қалпоқ кия-миз?

Жавоб: - Бўйиндан тепада бош борлигини эсдан чиқариб қўймаслик учун.

Савол: - Унда шим нима мақсадда кийилади?

Жавоб: - Тўрт оёқли эмаслигимизни исботлаш учун.

Савол: - Нега оёққа қараганда қўлнинг тирноғи тез ўсади?

Жавоб: - Оёқдаги тирноқ ҳаммаша ё пайпоқ ёки пойфазал ичида. Кун кўрмагач, бояқишнинг ҳоли шу-да!

Хулоса: - Ҳм-м... Баракалла улим, ҳам ўқибсан, ҳам уқибсан!

МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

Тўра Саидов, 1961 йил Қашқадарё вилояти, Касби туманида туғилган. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси бошлиғи

Лола Саодатова, 1972 йил Қамаш туманида туғилган. Маънавият тарғиботи маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари.

Сирожддин Саййид, 1958 йилда Сурхондарё вилояти, Сарийосиё туманида туғилган. Ўзбекистон Халқ шоири. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари.

Темирпўлат Тилла, 1960 йилда Қашқадарё вилояти, Қамаш туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Эътибор Норбўтаева, 1974 йилда Қамаш туманида туғилган. «Қашқадарё» газетаси тахририяти муҳбири.

Икром Отамурод, 1951 йилда Қашқадарё вилояти Касби туманида туғилган. «Шар юлдузи» журнали бош муҳаррири ўринбосари.

Ҳаким Сатторий, 1953 йилда Қашқадарё вилояти Яққабоб туманида туғилган. «Ўзбеккино» миллий агентлиги матбуот хизмати бошлиғи.

Нурбой Жабборов, 1966 йил Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Ҳазрат Элов, 1959 йил Қашқадарё вилояти Муборак туманида туғилган. Муборак тиббиёт коллежи директори ўринбосари.

Нафас Шодмонов, 1961 йил Қашқадарё вилояти Ғузор туманида туғилган. Қарши давлат университети профессори, филология фанлари доктори.

Адҳамбек Алимбеков, 1954 йил Чимкентда (Қозоғистон Республикаси) туғилган. Ўзбекистон Миллий университети доценти, филология фанлари номзоди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Абдул Маждид, Жазоир мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг адабиёт оламига кириб келган ёзувчилардан бири. Ёзувчи асарларининг аксарияти Франция мустамлакачилигига қарши яратилган. «Шайхнинг ўлими» новелласи «Новамбр» журнали саҳифаларида илк бор дунё юзини кўрган (№ 2, июль-август, 1964).

Ниёзмухаммад Панжиев, 1960 йил Қашқадарё вилояти, Миришкор туманида туғилган. Миришкор тумани ихтисослашган мактаб директори ўринбосари.

Ғози Раҳмон, 1947 йил Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Гелди Бердиев, 1942 йил Қашқадарё вилояти Ғузор туманида туғилган. 1988 йилда вафот этган.

Хусан Эшмурод, 1948 йил Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида туғилган. 1996 йилда вафот этган.

Қирмизгул Поёнова, 1990 йилда Қашқадарё вилояти Косон туманида туғилган. «Воҳа» газетаси муҳбири.

Ғазилат Абдураҳмонова, 1980 Қашқадарё вилояти Қамаш туманида туғилган. Вилоят ИИБ бўлинма матбуот бюросида хизмат қилади.

Нурхон Бозорова, 1989 йилда Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида туғилган.

Мухаммад Очил, 1954 йилда Қашқадарё вилояти, Яққабоб туманида туғилган. Қарши давлат университети маънавият гуруҳи бошлиғи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



+ 91 257-2845 *sigca om*



2/

ISBN-2181-0281



2181 0281